

БАДИИЙ ТЕРМА КИТОБ

(БОҒЧАЛАРНИНГ КАТТА ГУРУҲЛАРИ УЧУН)

Тузувчи-муаллифлар:
С. ҒОЗИЕВА, Д. ОЧИЛОВА, Л. ДОЛИМОВА

Бадий терма китобга мактабгача катта ёшдаги болалар учун эртаклар,
ҳикоялар, шеърлар, топишмоқлар, тез айтишлар тўпланган.
Болалар боғчаси тарбиячиларига мўлжалланган.

Г $\frac{4305000000 - 105}{353(04) - 93}$ 177—93

ISBN 5—645—01537—1

© «Уқитувчи» нашриёти, 1989.
© «Уқитувчи» нашриёти, туза-
тилган, қўлдирилган нашри,
1993.

ИНСОН ОДОБИ — ТУРМУШ ОФТОБИ

Ҳа, Инсон одоби — турмуш офтоби. Топиб айтилган. Инсонни одобли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бунга ота-боболаримиз алоҳида эътибор беришган. Улар «бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз» деган нақлга суянишган. Шу ҳикмат зами-нида юксак одоб сифатларини, ранг-баранг ҳунарларни эгаллаш мавжуд. Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоӣ, Огаҳӣ сингари алломалар асарлари халқ тарбияшунослиги шарбати билан ийланган. Утган асрнинг охири, ҳозирги асрнинг бошларида янаб ижод этган Абдулла Авлониининг тарбияшунослик бора-сидаги қарашлари ибратлидир.

Дарҳақиқат, улар Қуръони Карим ва Муҳаммад пайгамба-римизнинг бизга мерос қилиб қолдирган муқаддас Ҳадислари-дан сабоқ олишган. Натижада юқорида зикр қилинган улуғ зотларнинг тарбияга оид қимматли мажмуалари юзага келган.

Муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадислар ҳақида гап кетар экан, яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Туркистон халқи (айниқса, ҳозирги ўзбек халқи) Қуръон ва Ҳадисларни тарғиб ва ташвиқ этиш борасида жуда қатъий ишларни амалга оши-ришган. Хоразмлик буюк зот Замаҳшарий, Ал Бухорий, Ат Тер-мизийлар шул боис бутун мусулмон эл-элатлар қалбидан аба-дий ўрин олишган.

Туркистон юрти Россия томонидан забт этилгандан сўнг, айнниқса, коммунистик фирқа раҳбарлик қилган совет даврида биринчи навбатда муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадисларга нисбатан аёвсиз уруш эълон қилинди. Бу мусулмон халқлари-нинг анъаналарига, қадриятларига, урф-одатларига, тарбия йўсинига бўлган шафқатсизлик эди. Натижада ҳозирги замон одамлари эътиқод деган улуғ нарсадан қисман бўлса-да маҳ-рум бўлиб қолди.

Эндиликда мустақиллик шарофати билан Туркистон халқи-га, жумладан ўзбекларга ўзлиги қайтарилди, миллий тарбия гулшанига кенг йўл очилмоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Бундан ҳар бир ота-она, ҳар бир тарбиячи-муаллим, ҳар бир раҳбар, ҳушас, жамиятнинг ҳар бир аъзоси самарали фойда-ланиш лозим. Шу муҳим муаммони ҳал қилишда, тўғри йўлга қўйишда ҳар дақиқадан унумли фойдаланиш керак. Зеро, тар-бия иши қанча эрта бошланса, ҳосили шунча эрта кўзга ташла-нади.

Бола тарбияси каби масъулиятли вазифа ота-онадан кейин

биринчи навбатда болалар боғчалари ходимлари зиммасига тушади. Болани тарбиялашда оқил тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши, тарбиячилик сўздорларини мукаммал би-лиши керак.

Ҳозирги болани тарбиялаш жуда қийин. Бунинг турли-ту-ман сабаблари мавжуд. Улар миллий тарбия тизимининг исдан чиққани, кўпчилик ота-оналар ҳамда тарбиячиларнинг лоқайд-лиги, масъулиятсизлиги, ойнаи жаҳон орқали ҳамда кинотеатр-ларда ахлоқсиз ёки уятсиз кўрсатув ҳамда фильмларнинг на-мойиш этилиши ва шу қабилар билан безосита боғлиқ. Бирор халқни қул қилиш ёки ўзликни унуттириш учун тарихда ҳукм-рон мамлакат турли усуллардан фойдаланиб келган. Энг анва-ло, унинг динини, дилини, тилини тартиб олинади. Қолаверса, тарихини, маданиятини ва санъатини. Шу мултиабар қарсаклар-дан маҳрум бўлган халқ ўзини доимо қул каби ҳис қилади, талаб этишни, эрки учун курашишни унутади. Шунингдек, мил-лий одоб, миллий тарбия ва эътиқод тушунчаларидан чалғи-тилади. Бу эса оғир йўқотишдир.

Бундан етмиш йиллар илгари ўзбек фарзанди, каттами-ки-чикми ота-онаси тугул ўзидан катталар ганини икки қилолмас-дилар. Ҳозирга келиб, ёшлар катталар тугул ўз ота-онисини ҳам ҳурмат қилмай қўйишди, ғариблар уйларига элиб қўйиш-моқда. Бу миллий фожеадир. Шу фожеани баргараф этиш, тарбияшunosликнинг миллий усул ва услубларини қайтадан тиклаш, такомиллаштириш, тўғри йўлга қўйиш бугунги асосий вазифадир. Шу муҳим ва масъул иш биринчи навбатда болалар боғчалари тарбиячилари зиммасига тушади.



Болалар боғчаларида тарбия учун зарурий қўлланмалар ва воситалар етишмайди. Борлари эса миллий эътиқод ва анъана-лардан анча-мунча йироқ. Бошқача айтганда, болани саробга ишонч руҳида тарбиялашга йўналтирилган. Маркс, Энгельс, Ленин ғояларига эргашиб, улар ижод этган коммунистик жа-миятни қуриш сингари мавҳум ва туманли фикрлар методика-вий қўлланмаларда биринчи ўринга чиқарилган.

Юқорида зикр қилинган даъволар янги «Герма китоб» тайёр-лашга даъват этди. Тузувчи-муаллифлар қуруқ сиёсий сафсата-лардан, ҳукмрон фирқа ва давлатга кўр-кўрона сажда қилиш ғоясини илгари суришдан, ҳар хил сиёсий арбобларни мадҳ этувчи таънавор асарларни тартиб ва ташвиқ қилувчи «асар»-лардан чекиндилар, воз кечдилар.

Биз техника асрида яшаймиз. Бугунги болалар ойнаи жа-ҳон орқали турли янгиликлардан хабардордирлар. Фикрлаш кўлами анча кенг. Барча рўзнома ва ойномалардан баҳраманд-дирлар. Шу сабаб улар тарбиясида бошқача усуллар талаб этилади. Биз ўта аниқлик ва тўғрилиқни назарда тутаётимиз.

Шу талаблар тарбия воситаларини янада фаоллаштиришни,

ривожлантиришни, мукаммаллаштиришни тақозо этади. Ҳа, бугунги болалар шунчаки панду насиҳатларни хуш кўришмайди. Бу ўз навбатида ёзувчи ва шоирларга жуда катта масъулиятлар юклайди. Бу масъулият бадий баркамол, болаши ўйлантиришга, ўзича фикрлашга, баъзи ҳаётий тугунларни ечишга ундай билишга ўргатадиган асарлар ижод қилиш билан боғлиқ. Ҳа, бугунги ёзувчи ва шоирлар ҳам болаларнинг бугунги ва келгуси ахлоқий тарбияси учун тўла жавобгардирлар.

Демак, болаларни юксак эътиқодли, маънавий баркамол, ажиб фазилатли, хушфеъл, ёқимтой меҳнаткаш, самимий, раҳмшафқатли кишилар қилиб тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрни ҳам белғили. Бадий сўз устаси, яъни бадий ижодкор ҳаёт ва турмуш воқеаларни ҳодисаларини ҳаққоний тасвирлашлари лозим. Шундагина бола шу асар қаҳрамонларига ишонади.

Болалар боғчаси тарбиячилари эса ўша асарлар орқали тарбия мақсадларига эришишга муваффақ бўлишлари мумкин. Зеро, бадий асарнинг тарбия борасидаги куч-қудрати, салмоғи ўтмиш тарбиячиллик тарихимиздан маълум. Зотан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу биллг» асари жуда кўп мамлакатларда ахлоқ ва тарбия сабоқлари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаган.

Хуллас, миллий ахлоқ, урф-одат, одобнинг барча томонларини боланинг жонига сиғдириб, қонига аралаштириб юбориш керак. Бунда, такрор айтаманки, соф миллий адабиёт муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тарбиячи халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиши яхши натижаларни қўлга киритишда катта ёрдам беради.

Мазкур «Бадий терма китоб»га киритилган асарлар болани кўпроқ ўйлашга, фикрлашга мажбур қилиши мумкин. Баъзан эса улар асар маъно ва мазмунини англаб олишда қийналишлари табиий. Шундай пайтда тарбиячи ёрдам бериши керак. Яна бир нарса. Тарбиячи машғулотга киришдан олдин ҳар бир шеърни, ҳар бир насрий асар маъно ва мазмунини пухта тушуниб олиши лозим. Ана шундагина тарбиячи машғулоти кўнгилдагидек бўлиши мумкин.

І Ч О Р А К

ҲИҚОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН

Абдулла Авлоний

ҚАРҒА ИЛА ЗАҒИЗҒОН

Қарға бир кун деди Зағизғонга:
— Қоч, агар овчи дуч ке(л)са санга.
Әхтиёт өт ўзингни милтиғдан,
Отса пойлаб, йиқилмағил бирдан.
Қарғага Зағизғон деди: — Нодон!
Гуштимизни емас бизи инсон.
Сену бизга керак эмас қўрқмоқ.
Нега қўрқарсан, эй боши тўқмоқ?
Овчи аҳмоқ эмас, биза ўқ отиб,
Бизни отмоқға бир ўқин йўқотиб.
Гуштимиз онлара ҳалол эрмас,
Муллолиғинг биза қараб келмас.
Қарға бу сўзни айлади такрор:
— Дермусан одам ўғлидан раҳм вор?!
Сен ажаб бир қизиқ сўз айтасан,
Сўзима кирмасанг, ўлуб кетасан.
Боқмагайлар сени каломингға,
Гушт-мўшму ҳалол-ҳаромингға.
Ишларидур аларни қон тўкмак,
Тўғри келганни урмаку йиқмак.
Тўғри келса, урар бирини бири.
Ўқу найза уриш — алар ҳунари.
Онлари йўқ иши фиғонинг ила,
Хонавайрону азиз жонинг ила.
Қўрсатурлар санга ҳунарларини,
Бу ҳунардан чиқан унарларини.
Ҳосили: Қоч, кўранда инсон қоч!
Борма ёнига, гарчи эрсанг оч!
Онларинг кори — бори душманлиғ,
Ҳеч ярашмас оларга инсонлиғ, —
Деб сўзини тамом қилган йўқ эди.
Овчидан беҳабар, кўнгул тўқ эди.
«Тарс» этуб, овчи Қарғани отди,
Қарға, бечора тош каби қотди.
Зағизғон ҳам йиқилди бир ўқ ила
Иккиси ҳам кетишди чағ-чуғ ила.

БУВИЖОНИМНИ ЭСЛАБ

Севикли Мاستон бувим,
Сўзлари дoston бувим.
Жонгинам бувижоним,
Қизиқ эртақлар коним.

Сочлари пахтадай оқ,
Сўзлари шприн, юмшоқ.
Мен эдим кўзи ола,
Қулоқсиз ўйин бола.

Тўполон қилар эдим,
Бувимни қийнар эдим.
Ранжитсам, қарғишлари,
Бўйинг тезроқ чўзилгур.

Уйинг буғдойга тўлгур.
Кўзинг қурмасин жоним,
Орқамда қол чирогим!
Яхши ният ёрти мол,
Айтган сўзлари мақол.

Ҳаммаси бугун бўлди.
Ўсиб бўйим чўзилди.
Уйимга буғдой тўлди,
Фақат бувижоним афсус,
Кўрмадингиз буни сиз.

Кўз косамда сақлардим,
Бугун тирик бўлсангиз.
Жонгинам, бувижоним,
Қизиқ эртақлар коним.

Абдулла Орипов

АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

Билмам, қандай аёл бўлган
Алишернинг онаси.
Балки унинг ақлига ҳам
Лол қолган замонаси.
Балки унинг кўзларида
Бўлган оғир бир хаёл
Балки ғамгин бир зотдир у,
Балки шўхчан бир аёл.

Балки буюк фарзандига
Териб келган чечаклар.
Балки тунлар унга бедор
Айтиб берган эртақлар.
Майлига, у ким бўлмасин,
Елғиз бир сўз маъноси:
Алишернинг онаси у,
Навоийнинг онаси.

С. Маршак

ЎН ИККИ ОЙ

Бир йилда неча ой бўлишини биласизми?

Ўн икки ой бўлади.

— Уларнинг номи қандай?

— Январь, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь.

Бир ой тугаши билан иккинчи ой бошланади. Ҳеч қачон январь оyi тугамасдан туриб, февраль оyi келган эмас, май оyi ҳам апрелдан илгари келмайди.

Ойлар навбат билан кириб келади, ҳеч маҳал бир-бирлари билан тўқнашмайдилар.

Одамларнинг айтишига қараганда, Богемия деган тоғли

мамлакатда бир қиз бўлиб, у ўн икки ойнинг ҳаммасини бирдан кўрган эмиш. Бу воқеа қандай рўй берган деч?

Қичкинагина шаҳарга қарашин бир қишлоқда баъжаҳл ва қизганчиқ бир хотин яшаган, унинг икки қизи бўлган: бири — ўз қизи, иккинчиси — ўғай.

У ўз қизини яхши кўриб, ўғай қизини жуда ёмон кўрар эди. Ўғай қиз нима иш қилса ҳам, онадан даққи егани-еган. Қаҳратон қиш пайти эди. Январь ойи, қор тунчалик қалин ёққанки, эшикни очиб учун қорни қурашга тўғри келарди. Ўрмондаги дарахтларни ярим белигача қор кўмган, ҳатто шамол ҳам уларни кўзгата олмас эди.

Кишилар уйларда печка ёқиб, эшикка чиқмай қўйдилар.

Шундай совуқ кунларнинг бирида, кечқурун бераҳм ўғай она эшикни очиб ташқарига қаради. Эшикда бўрон қутурмоқда эди, шунда у иссиқ печка олдига келиб, ўғай қизига деди:

— Ўрмонга бориб, бўтакўз гуллардан териб кел, эртага синглинг туғилган кун.

Бечора қиз ўғай онага қараб ҳайрон бўлди: у ҳазиллаш-ялғимчи ё рост айтаяптими, билмади. Ҳозир ўрмон жуда хавфли, ундан кейин қишда бўтакўз гуллар нима қилсин? Ҳар қанча ахтарсанг ҳам, март ойидан аввал уни топа олмайсан. Ўрмонда адашиб совуққа қотиб қоласан, холос, бўлгани шу.

— Мабодо, ўрмонда йўқ бўлиб кетсанг ҳам, сенга ҳеч ким куймайди,— деди ўғай синглиси.— Тезроқ жўна, ундан кейин гулсиз кела кўрма. Ма, саватчини ол.

Бечора қиз йиртиқ, эски рўмонга ўралиб, йиғлай-йиғлай уйдан чиқди. Шамол аралаш қор унинг юз-кўзига урилди. Рўмонлини юлқиди. У қорга ботиб қолган оёқларини зўрға-зўрға кўтариб босди.

Атрофини қоронғилик қоплади.

Осмон қоп-қоронғи, оппоқ қор ерни сал ёритиб турарди.

Мана, ўрмон. Бу ерда жуда ҳам қоронғи, ҳеч нимани кўриб бўлмайди. Қиз йўлда ағанаб ётган дарахтга ўтириб, «қаерда музлаб қотиб қолсам барибир ку», деб ўйлади.

Шу вақт қўққисдан узоқда дарахтлар орасида олов кўринди. У шохлар орасида адашиб қолган юлдузга ўхшарди.

Қиз ўрнидан туриб, олов томонга жўнади. У қор уюмларига ботиб, зўрға-зўрға қадам босар эди.

«Ишқилиб, кўринган олов ўчмаса бўлгани», — дер эди қиз. Лекин олов ўчмай, борган сари баланд ёнар эди. Чўпларининг шитирлаб ёнаётгани эшитилиб, тутун димоққа урила бошлади.

Қиз тез юриб, ялангликка чиқди ва ҳайрон бўлиб қотиб қолди. Яланглик қуёш чиқиб тургандай ёп-ёруғ эди. Уртада осмон баравар гулхан ёнарди. Гулхан атрофида анча киши ўтириб, оҳиста суҳбатлашар эди.

Қизча уларни кўриб: «Булар ким бўлса экан?» — деб ўйлади. Овчиларга ҳам, ўрмонда ўтин кесувчиларга ҳам сира ўхшамайди, чунки улар олифга қийинишган: баъзилари кумуш, баъзилари олтин, баъзилари яшил бахмалларга ўранган.

Қиз ўтирган одамларни санаб чиқди, улар ўн иккита бўлиб, учтаси кекса, учтаси ўрта яшар, учтаси ёш йигит ва учтаси гўдак бола эди.

Ешроқлари — оловга яқинроқ, кексалар бўлса оловдан узоқроқ ўтиришар эди.

Шу чоқ ҳаммадан баланд бўйли соқолли чол қиз томонга қайрилиб қаради.

Қиз қўқиб кетди, қочишнинг иложи йўқ эди. Чол баланд овоз билан сўради:

— Қаердан келдинг? Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Қизча бўш саватини кўрсатиб:

— Мана, шу саватни тўлдириб, бўтакўз гуллар териб кетгани келдим, — деди.

— Вой, ажойиб қиз экансан-ку. Январда ҳам бўтакўз ўсадими? Топган гапини қаранг-а, деди чол ва қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Буни мен ўйлаб топганим йўқ, — деди қиз, — мени ўгай онам юборди. Гулсиз уйга қайтиб келма, деди.

Ўтирган ўн икки кишининг ҳаммаси қизга қаради ва ўзаро пичирлаша бошлади.

Қиз роса қулоқ солди, лекин уларнинг гапига сира-сира тушуна олмасди. Уларнинг гапи худди дарахтларнинг шивирлашига ўхшарди. Улар шивирлаб-шивирлаб, охири жим бўлишди.

Ўзу бўйли, серсоқол киши қиздан сўради:

— Бўтакўз гуллар топа олмасинг нима қиласан? У март ойидан илгари чиқмайди-ку?

— Ўрмонда қолиб март ойини кутаман, — деди қизча, — уйга берганимдан кўра ўрмонда совуқ қотиб ўлганим яхши!

Қиз шундай деди-ю, йиғлаб юборди. Ўтирган ўн икки киши орасида бири елкасига пўстини ташлаган энг ёш йигит ўрнидам турди-да, чолнинг олдига келди.

— Январь оға, менга бир соатга ўрнингизни беринг, — деди. Чол узун соқолини силаб-сийпаб, йигитга деди:

— Ўрнимни беришим мумкин-ку-я, лекин февралдан аввал март келолмайди-да.

— Майли, ўрнингизни бераверинг, — деди соқол-мўйлабларини тўзғиб кетган иккинчи чол, — мен жанжаллашиб ўтирмайман.

— Хўп айтганларнинг бўлсин, — деди январь.

У муз ҳассасини ерга уриб деди:

Қалин-қалин ўрмонда
Изғимангиз совуқлар,
Сўлмасин қаҳрингиздан
Қарағайлар, қайинлар.
Паррандалар иннин
Музлатганингиз етар.
Кишиларнинг уйини
Захлатганингиз етар!

Чол жилиши билан ўрмон тинчиб қолди. Совуқ зўридан чар-
снлаётган дарахтларнинг овози тинди. Улар тепасидаги қорлар,
эриб, парча-парча бўлиб ерга тўкила бошлади.

— Энди навбат сенга келди, — деди Январь ўрнини укаси
Февральга бериб.

Февраль ҳам муз ҳассаси билан ерни дукиллаптиб, деди:

Шамол, довул, бўронлар,
Зўр бериб ўқирмангиз.
Қор тўфони, суронлар,
Тун бўйи югурмангиз!
Чақмоқ чақниг осмонда,
Ерда изгинг шер каби.
Қорлар елсин ҳар ёнда,
Оппоқ июнь сингари.

Шундай дейиши билан шохларни силкиб, изгирип юрди. Қор
уюмлари ерга оқ гирдоб бўлиб тўзғий бошлади.

Февраль муз ҳассасини укаси Мартга бериб:

— Энди сенинг навбатинг, укам Март, — деди.

Март ҳассасини қўлига олиб, ерни дукиллапти.

Қиз қараса — бу ҳасса — ҳасса эмас, балки куртаклар
ёзган дарахт шохи экан. Март кулимсираб болаларга хос жа-
ранглаган овози билан баралла ашула айта бошлади.

Шарқирангиз жилғалар
Оқсин сув тўла анҳор!
Ўрмаланг қумурсқалар,
Қиш битди, келди баҳор.

Севинганидан қиз чапак чалиб юборди. Уюлиб ётган қорлар
қаёққа кетди? Новдаларда осилиб турган сумалаклар қани?

Қизнинг оёғи остидаги ер юмшоқ, ҳар ёнда баҳор. Тўрт
томонда қор эриб, чак-чак томчилайди, сувлар шарқираб оқа-
ди, дарахтлардан кўм-кўк япроқлар ўсиб чиқмоқда.

Қиз суқланиб қараб, сира тўймади.

— Нима қилиб ўтирибсан? — деди унга Март, — тезроқ
бўл, акаларим сен билан менга атиги бир соат вақт беришган.

Қиз ўзига келиб, бўтакўз гулларни излаб чакалакзор ора-
лаб кетди. Чакалакзорни, тошлар остини ва баланд-пастлик-
ларни, хуллас, ҳаммаёқни бўтакўз гуллар босиб кетган эди.

Қиз саватчасини ва этагини гулга тўлғизиб, гулхан ёнаёт-
ган ва ўн икки оғайни ўлтирган ялангликка қайтиб келди.

Ялангликда гул ҳам, ўн икки оғайни ҳам йўқ эди. Яланглик
ёруғ, аммо аввалгича нурли эмасди. Бу нур гулхан ёруғи эмас,
ўрмон тепасидаги тўлин ой ёруғи эди.

Қиз кимга миннатдорчилик билдиришини билмай жуда ачи-
ниб уйига қараб чопди.

Ой эса уни кузатиб, осмонда сузиб борди.

Қиз елдек югуриб, уйига етиб келди. У эшикдан кириб

улгурмаган эди ҳам, ташқарида зўр бўрон қўзғалди. Ой булутлар орасига кириб йўқолди.

— Хўш, нима гап, қайтиб келдингми? — деди ўгай она билан сингил.

— Гуллар қани?

Қиз индамасдан этагидаги гулларни столга тўкди, саватча-ни бўлса, унинг ёнига қўйди.

— Бу гулларни қаердан олдинг?

Қиз бўлган воқеани бошдан-оёқ айтиб берди.

Улар қизнинг гапларини тинглаб бошларини чайқар, гоҳ ишониб, гоҳ ишонмас эдилар. Ишонмай десалар, олдиларида бир талай хушбўй, кўм-кўк бўтакўз гуллар турибди. Улардан март ойининг иси келарди.

Ўгай она билан сингил анграйиб қолишди-да, яна сўрашди:

— Улар бошқа ҳеч нарса беришмадими?

— Мен бошқа ҳеч нарса сўраганим йўқ, — деди қиз.

— Вой аҳмоғ-ей! — деди синглиси.

Бахтинг очилиб, ўн икки ойнинг ҳаммаси билан бирваракайига учрашибсан-у, гулдан бўлак ҳеч нарса сўрамабсан-да, сенинг ўрнингда мен бўлганимда нималар сўрашни ўзим билардим.

Биттасидан ширин олма билан нок, яна биттасидан оппоқ қўзқорин, яна биттасидан барра бодринг сўраган бўлар эдим.

— Ўзимнинг ақлли қизим, — деди онаси, — қишда нок билан қулупнай қиммат бўлади. Биз уларни сотиб, кўп пул орттирган бўлар эдик! Бу аҳмоқ қиз бўлса арзимаган бўтакўз йиғиб келибди. Жон қизим, иссиқроқ кийиниб, ўрмонга ўзинг бориб кел. Сени қуруқ қайтаришмайди, улар ўн иккита, сен бўлсанг ёлғиз ўзингсан.

— Ҳа, қуруқ қайтаришмайдилар! — деди қизи. У қўлларини сингига суқиб, бошига рўмол ўраб, ўрмонга жўнади.

Онаси унинг кетидан:

— Қўлқопингни кий, пўстининг тугмасини солиб ол! — деб қичқилиб қолди. Қиз бўлса, бу вақт кўчага чиқиб, ўрмонга қараб чопмоқда эди. У опасннинг изидан шошилиб бораверди.

«Тезроқ ялангликка етиб олсам», — дер эди у.

Ўрмон борган сари қуюқлаша ва қоронғилаша борди.

Қор уюмлари тепа бўлиб, йўлни қоплаб олган эди.

«Оҳ, қаердан ҳам ўрмонга келдим-а, — деди қиз, — ҳозир уйимда бўлсам маза қилиб ётар эдим. Бунда-чи, совуқ қотиб ўрмонда юришим керак. Тагин бу ерларда адашиб кетсам-а».

Қиз шу гапларни айтган ҳамон, дарахт шохлари орасидан адашган юлдуз сингари милтиллаган ўтга қўзи тушди. Қиз ўт кўринган томонга қараб юриб, бора-бора бир ялангликка чиқди. Яланглик ўртасида каттакон гулхан ёнмоқда. Гулхан атрофида ўн икки оғанин ойлар суҳбат қилиб ўтирар эдилар.

Ўгай онанинг қизи гулхан олдига келди, ҳеч кимга салом бермай ва бир оғиз ҳам ширин сўз айтмай, иссиқроқ ерни танлади-да, сўзда исина бошлади.

Оға-ниилар жим бўлиб қолишди. Ўрмонни сукунат босди. Бирданига Январь ҳассасини дукиллашиб уриб:

Нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

— Совғалар олгани келдим. Июнь ойи саватчаларга қулупнай солиб берсин. Қулупнайлар катта-катта бўлсин. Июль ойи барра бодринг ва оппоқ қўзқоринлар, август ойи ширин нок ва олмалар, сентябрь ойи пишган ёнғоқлар солиб берсин, — деди ўғай онанинг қизи.

— Шошилма, — деди январь ой. — Қишдан олдин баҳор, баҳордан олдин ёз бўлиши мумкин эмас. Июнь ойига ҳали анча бор. Ҳозир ўрмоннинг хўжайини менман. Мен ўттиз бир кун ҳукмронлик қиламан.

— Сеён қара-ю, жуда сержаҳл экансан! — деди ўғай онанинг қизи.

— Ахър, мен сенинг олдинга келганим йўқ. Сендан қор ва совуқдан бўлак нима олиб бўлади. Менга ёз ойлари керак.

Январь қовоғини солиб:

— Қишда ёзни топиб бўпсан! Чучварани хом санама! — деди.

У кенг енгини силкитган эди, ўрмонда еру кўкни тўлдириб, қаттиқ бўрон кўтарилди. Ун икки оға-ни ўтирган яланглик ва дарахтлар қор билан қопланди.

Қор тагида гулхан ҳам кўринмай қолди. Фақат аллақерда шитирлаб ёнаётгани эшитиларди.

Ўғай онанинг қизи қўрқиб кетди.

— Бас! — деб бақирди у.

Бас бўлиши қасқда!

Қор аралаш бўрон унинг кўзини очирмас, нафасини қайтарар эди. У қорга ботиб қолди, қор уни кўмиб кетди.

Ўғай она қизини роса кутди. Деразадан қараб ўтирди. Эшикка чиқди, аммо қизидан дарак бўлмади. У иссиқроқ кийиниб, қизини излаб ўрмонга жўнади. Ҳа-я, қор аралаш бўрон бўлаётган қалин, қоронғи ўрмонда бировни топиб бўлармиди?

У қидира берди, қидира берди, то совуқ қотиб қолгунча юриб, ҳаммаёқни қидирди.

Хуллас, она-бола ёзни кутиб ўрмонда қолишди.

Ўғай қиз узоқ умр кўрди, улғайди, эрга чиқди ва болача-қали бўлди. Айтишларича, унинг уйи олдида дунёда тенги йўқ ажойиб боғ яратилган эмиш. Унинг бу боғида ҳаммадан олдин гуллар очилармиш, мевалар пишармиш, олмалар, ноклар етилармиш. Ёз кунлари салқин бўлиб, енгил шабада эсармиш.

Қизнинг боғида ўн икки ой бирданига меҳмон бўлади», — дейди кишилар. Ким билади, балки ростдир.

ПИРПИРАК

Томимизнинг устига
 Ўрнатдилар пирпирак.
 Дедилар: «Шамол эсса
 Берасан бизга дарак»
 Шундан буён тишим йўқ:
 Пириллар у ён — бу ён.
 Тун-кун ҳалак, бамисли
 Бўридан қочган қуён.
 «Эй шамол, оҳиста эс,
 Пирпирак адо бўлгай.
 Айланиш ҳукми бирлан
 Султон ҳам гадо бўлгай.
 Ҳар неки бўлса бўлсин,
 Собиту турғун эмас.
 Вақт бизни кутиб йўлда
 Тириклик мангу демас.

Айланади пирпирак шам
 Шамолнинг изми билан.
 Иши йўқ эл азаси,
 Тўйи-ю, базми билан!
 Яшамоққа мустақил
 Ярай олмас то ҳануз.
 Боғ-роғлар бор бағрида
 Қарай олмас то ҳануз.
 Ҳувиллайди боғ-роғлар
 Бизга ҳам қара, дея.
 Шохларимиз кўп бебош.
 Қўксимиз яра дея.
 Пирпирак дер: «Ихтиёр
 Мендамас, шамолдадир
 Биллолмайман шунинг-чун
 Дарахтлар не ҳолдадир.

МАҚТАНЧОҚ ҚУЁН

(Ўзбек халқ эртаги)

Куллардан бир кун жиккаккина ола қуён шерикларига:

— Бўридан қўрқмайман, тулкини бир пуфлаб осмонга учириб юбораман, — деб чиранибди.

Ҳамма унинг мардлигига қойил қолиб, ёқа ушлаб турганда бирдап бўри келиб қолибди.

— Хап! — деб қуёнларга ташланибди у.

Ола қуён ўзини ҳаммадан олдин эшикка урибди. Бўри унинг йўлини тўсибди. Шу он ола қуён ўлар-тириларига қарамай бир сакраган экан, бўрининг бошига чиқиб қолибди. Буни тум-тарақай қочаётган қуёнларнинг ҳаммаси кўрибди. Бўри эса ола қуённи иргитиб юборибди. Ола қуён зўрга қутулиб, бир печа вақт нафасини ростлолмай, чангалзорда ётибди.

У кеч кирганда уйга кириб борибди.

— Аҳволларинг қалай? — дебди у гердайнб.

— Ҳайрият, омон экансан. Бўрига ем бўлгансан, деб ўйлаган эдик, — дейишибди қуёнлар.

— Бе-е, — дебди ола қуён сир бой бермай ва мақтаниб кетибди! Ем бўлиб бўлман. Бошига чиқиб бир тепдим, тил тортмай ўлиб қолди.

Ола қуён ўртага чиқиб, бўрини терисини қандай шилганини мақтаниб сўзлаб кетибди.

— Раҳмат сенга ола қуён, бўридан қутулибмиз, — дебди қуёнлар.

— Ҳа, бутунлай қутулдинглар, — дебди керилиб ола қуён
ва бўри пойлаб турмаганмикан деб хавотирланиб атрофига қа-
раб қўйибди. У мақтанчоқ, лекин жуда қўрқоқ экан.

Сафо Очил

ҚАЛДИРҒОЧ ВА БЕШИКТЕРВАТ ҲАҚИДА ЭРТАК

(Шарқ эртаги)

Узоқдан келиб,
Қаноти қийғоч,
Уй шипига ин
Қурди қалдирғоч.

Бунда бехатар
Ҳаётни туйди.
Кейин уч-тўртта
Тухум ҳам қўйди.

Тухумларини
Асраб доимо,
Кўксига босиб,
Етарди, аммо

Митти жўжалар
Чиқибди бир кун.
Бир-биридан
Жуда ҳам ширин.

Қалдирғоч кўнгли
Яшнарди доим.
Болаларини
Суйиб мулойим.

Чуғурлар улар —
Қўшиғи гўзал.
Табиатга у
Берарди сайқал.

Бир кун десангиз,
Қараб ин томон,
Тўснилар аро
Келарди Илон.

Полапонларнинг
Тинчи йўқолди.
Она кўксига
Алам ўт олди.

«Чий-чий», «чий-чий» деб,
Чорлаб ёрдамга,
Жар солди улар
Бутун оламга.

Севса ҳам ҳамма
Уларни чиндан.
Бормади қўрқиб,
Сариқ Илондан.

Ҳеч ким келмади,
Кўмакка бироқ,
Қалдирғоч эса,
Пирр этиб шу чоқ,

Учиб борибди,
Бешикгерватга.
Бешиктерват-чи,
Келди мададга!..

Уя олдида,
Тебраниб туриб,
Арра оёғин
Ишлатиб кўриб,

Турарди гайёр,
Бўлажак жангга.
Дўстин қасоси
Олиб аланга,

Келарди Илон,
Ҳеч писанд қилмай,
Бешиктерватни
Назарга илмай.

Инга суққач бош,
Шафқатсиз Илон,
Ажралиб кўздан,
Қулади шу он!

Ҳисса:

Бўлсангиз агар,
Бир умр диоқ,
Сололмас ҳеч ким,
Дилларга фироқ!

Азиз Абдураззоқ

МИРЗАШЕР, ҚОРАШЕР ВА ДУМДОР

Бор экану йўқ экан, оч экану тўқ экан, дангасалар лапашанг, ғайратлилар шўх экан. Бу эртақда, болалар лапашанг йўқ сира ҳам.

Бу эртагим ғайратли учта ўртоқ ҳақида. Улар бизнинг замонда, гузал Тошкент томонда, Еттитапа деган боғ-роғли қишлоқда яшамоқда эканлар.

Еттитапа қишлоғи ҳақида кимдир мана бундай шеър ҳам тўқиган экан:

Еттитапа етгита боғ,
Бир ёғи сой, бир ёғи тоғ.
Кимки бунда яшар экан,
Юраги тоғ, димоғи чоғ.

Мана шунақа юраги тоғ, димоғи чоғлардан биттаси юзлари ширмой нондай қип-қизил, кўзлари олхўридай-олхўридай йирик-йирик, ўзи чаққон, кўп нарсани билагон Мирзашер деган йигитча экан. У аслида йигитча эмас, атиги биринчи синф ўқувчиси экан-у, ҳали мактабга бормасдан туриб, китоб ўқишни ўрганиб олганидан, кўп нарсани билганидан, жониворларга меҳрибон бўлганидан қишлоқдагилар уни йигитча дейишар экан. Бир куни у китоб ўқиб ўтирса, битта қушча «тап» этиб оёғининг тагига тушибди. Мирзашер энгашиб қушчани қўлига олибди. Кўзлари юмилса, тумшуги очилиб, зўрға нафас олаётган бу кутилмаган меҳмоннинг қанақа қушча эканлигини Мирзашер билолмай ҳайрон бўлибди. Ўзи чумчуққа ўхшаса ҳам, ҳаммаёғи қоракуяга беланган бу жониворни кафтида ушлаб турган Мирзашер унинг юраги билинар-билинимас уриб турганини сезибди «Ҳа, буни боқса бўлади» — деб ўйлабди Мирзашер. Кейин унинг оғзига сув томчибди. Қушча титирчилаб қанот қоқибди. Мирзашер кафтини очган экан, қушча учиб ерга тушибди. Мирзашер қараса, қушчанинг думи йўқмиш.

— Сенга раҳмат, мени тирилтгардинг! — дебди қушча.

— Сен кимсан, қаердан келдинг? — деб сўрабди Мирзашер.

— Мен чумчуқман, — дебди қушча. — Печканинг карнайидан чиқиб келдим.

У ерга уя қўйган эдим. Печка ёқилиб, уйим куйди. Уйим майли, думим ҳам куйди.

— Хафа бўлма. — дебди Мирзашер. — Ўзинг қўйиб қабоб бўлсанг, нима бўларди. Энди шу ерда яшайвер. Бизнинг уйимизда қиш чиқарсанг, унгача думинг ҳам ўсиб чиқар. Мен сенга яхши ният билан Думдор деб от қўяман. Майлими?

Бу гап чумчуққа ёқибди.

— Майли, раҳмат! — дебди у.

Мирзашер Думдорнинг патларини латта билан артиб тозалабди.

Шундай қилиб Думдор деган чумчуқ Мирзашер деган меҳрибон боланинг гоҳ ойнабанд айвонида, гоҳ уйининг ичида яшаб, баҳорга етиб олибди. Унгача думи ўсиб, ўзи чиройли бўлиб, патлари йилтираб, нурда товланадиган бўлиб қолибди.

— Мана, энди кетаверсанг ҳам бўлади, — дебди Мирзашер. Хоҳлаган жойингга уя қўйиб яшайвер!

— Йўқ, — дебди Думдор. — Сени соғиниб қоламан.

— Соғинсанг қапотларинг бор, учиб келиб, мени кўриб кетаверасан. Яхшиси яқин жойга, боғимизнинг этагидаги теракка уя қургин. Ҳар ҳолда баланд жой, илондан, мушукдан узоқ, менга яқин.

Думдор рози бўлибди. Уч кунда уя қуриб олибди. Кейин ҳар кун икки марта — эрталаб келиб саломлашиб, кечқурун келиб хайрлашиб кетадиган бўлибди.

Бу орада баҳор кетиб ёз ҳам келибди. Бир куни Мирзашер далада ўйнаб юрса, сўқмоқ йўлда Думдорнинг ким биландир гаплашаётганини кўриб қолибди. Яқин бориб қараса, ерда битта сап-сарғайиб пшшган буғдой бошоғи, ёнида каттакон қопқора чумоли турганмиш.

— Яхши келдинг. Мирзашер, — дебди Думдор. — Ҳозир уйингга бормоқчи бўлиб турган эдим.

— Нима гап?

— Мана бу чумоли адашиб қолибди.

— Қанақа қилиб адашибди?

— Ўзи айтсин.

— Шу буғдой бошоғини судраб кетаётган эдим, — деб гап бошлабди чумоли. — Бир шамол турди, жуда қаттиқ шамол бўлди. Қарасам, мени учириб кетадиган. Қўрққанамдан бошоқни кучим борица қаттиқ тишлаб туравердим. Лекин бари бир шамол кучли экан, мени бошоқ билан қўшиб учириб юборди. Осмонни гир айланиб келиб, шу ерга тушиб қолдим. Эрталабгача шу ерда ётдим. Кундузи йўлимни топарман деган эдим, бўлмади.

— Уйинг қаерда, биласанми? — деб сўрабди Мирзашер.

— Биламан, дебди чумоли. — Урикзор тепалик ёнида.

— Урикзор қишлоғимиздаги энг катта тепалик, — дебди Мирзашер. Унинг бутун атрофи чумолиларнинг уяси. Мен билан, бир куни дадамнинг машинасида бориб, эринмасдан санаб чиққанман. У ерда йигирма битта чумоли уяси бор. Сеникини қанақа қилиб топамиз?

— Мени олиб борсанглар ўзим топарман, — дебди чумоли.

— У ер узоқ, — дебди Мирзашер. — Яёв юриб етиш қийин.
— Мен олиб бора қолай, — дебди Думдор.
— Бу яхши гап, — дебди Мирзашер. — Сен бошоқнинг бир бошидан тишлаб ол, иккинчи томонига чумоли тирмашиб олсин. Шундай қилиб учасан. Фақат баланд учма. Мабода йўлда чумоли тушиб қолса, излаб топишинг қийин бўлади. Ер бағирлаб учавер.

— Хўп! — дебди Думдор.

У бошоқни тишлай деб турганида Мирзашер тўхтатибди:

— Шошма. Чумолининг отини билиб олайлик. Инини тополмасанг, ўша ердаги чумолилардан фалончининг ини қаерда деб сўрайсан.

— Отим Қорашер, — дебди Чумоли.

— Ия, адаш эканмиз-ку, — дебди Мирзашер.

У шундай деб чумолига оқ йўл тилаб хайрлашибди. Думдор бошоқ билан Қорашерни кўтариб учиб кетибди. У кеч бўлиб, Қуёш ботай деб турганида, Мирзашернинг олдига келиб, қилган ишидан ҳисоб берибди. Қорашерни омон-эсон уйига олиб бориб қўйганини, чумолилар унга, Мирзашерга раҳмат деб дуо қилишганини айтибди.

— Яхши, дўстим Думдор! — дебди Мирзашер. — Бугун жуда катта ишни бажардинг. Ҳамма вақт шундай бўлгин. Қийналган жониворларга, айниқса ўзингдан кичикларга доним ёрдам бергин. Бу бизнинг энг биринчи вазифамиз.

Толиб Йўлдош

ЎЙИН БЎЛСА

Ўйин бўлса ўйнаймиз,
Бўлмаса-чи, топамиз.
Тополмасак зир елиб,
Тўрт томонга чопамиз.

Йиқиламиз, турамиз —
Шу ҳам ўйин аталар.
Биздай неча йиқилиб
Катта бўлган оталар.

Эргаш Ендош

ШИРИНИМ ДЕБ

Ҳар эрталаб боғчамга мен
Йўл оламан.
Дўстларимга қўл бераман,
Қўл оламан.
Асал сўзли тарбиячи
Жамол опа,
Қарши олар юзларимдан
Ўпа-ўпа.

«Шириним» деб, эркалатиб,
Эси кетар.
«Ширин бўл» деб, қўлларимга
Конфет тутар.
Конфетларни кула-кула
Оламан мен.
Конфетни еб, ширин бола
Бўламан мен.



У-5005

НИНАЧИ.

Езнинг иссиқ кунлари бир эрмагимиз чўмилиш бўлса, бир эрмагимиз ниначи тутиш... Турфа ранг ниначилар анҳорнинг майсага бўлиқ ёқаларида қўниб-учиб юришарди. Ориқ қоматлари-ю, жуфт-жуфт қанотлари бирам рангдорки, гўё қуёш нурли сочларини ниначиларга атай қадаб, хилма-хил бўёққа бўяб қўйгандай. Найкамалак ранги уларнинг қанотида жилва қилади. Бўй уфуриб ётган ялпизларга ниначилар гала-гала бўлиб қўнганда, гўё улар «гуллаб» тургандай кўринади. Биз ким ўзарга ниначи тутиш билан андармон бўламиз. Бармоқларимизни қилиб оламизда, шарпасиз олға чўзамиз. Ҳавонинг бе-мажол тўлқинини сезиб қолишадими, улар ногаҳон енгил учиб кетишади. Бирпас лол қоламиз-да, тағин ўзгасини таъқиб эта-миз. Овимиз бароридан келса, бошимиз кўкка етади. Бир неча-сини бир-бировига мақтаб, «азроплан» қилиб учирамиз. Улар ушоққина таналарига ўралган ингичка оқ ипни зўр-базўр суд-раб, ер бағирлаб парвоз қиладилар.

Бир кун ниначиларнинг нафармон, яшил, зангори, малла, туслиларини уйга келтириб, отамга мақтандим. Отам бўлса, уларга бир сира кўз қирини ташладию, сўнг бепарво шундай деди:

— Бунинг яратувчисини кўрмагансан-да? Балчиқда кўмилиб юради. Бузоқ бошига ўхшаган бадбашара. Унинг қорнини ёриб чиқади ниначиларнинг бари...

Шунда ўзим ардоқлаган гўзаллик тимсолидан кўнглим бир сира совиб кетадию, ўша гўзалликни яратган «сир»ли махлуқ-ни ўз кўзим билан бир кўришга ошиқиб қолам.

Бу ниятимга тез орада етдим. Гузарда чўмилаётсам, анҳор ёқасидаги кўлмакда бир нима кўринди. Ҳаял ўтмай, ям-яшил ниначининг ярим танаси балчиқранг, исқирт сув қўнғизининг қорнини ёриб чиқди. Ҳақиқатдан ҳам жониворнинг ерёнғоқча-лик келадиган вужуди жуда ҳам жирканч эди. Лекин, барибир, мени ўзига ром этган, камалакдек сержило ниначилардан ихло-сим ҳеч қайтмас эди.

ГОВМИШ

Хаёлимда шу пайт дадам милтиқ тепкисини босаётгандай бўляпти. Шунга ўйлаб, кўзимдан уйқу қочди. Ана, аҳён-аҳёнда полиздан қовунларнинг тарс-турс ёрилгани эшитиляпти. Чай-ламиз полизнинг шундоққина уватида-да. Йўнғичқазордан эса галати пишиллаш товуши келади. Ҳа, у ерда сигиримиз бор. Шунинг учун ҳам дадам тоғдан ошиб келадиган бўрилардан хавотир олиб, тунлари гоҳ-гоҳ милтиқдан ўқ узиб қўярди.

Дадам ҳар гал ювиниб ётса ҳам, баданларидан керосин ҳи-

ди анқиб эади. Гоҳида полиздан келаётган турлаган қовулларнинг хуш ўй ҳади уви босиб кетади. Чап ёнбошимга ағдарилиб, дадамга қарайман. Бошлари остига кафтларини қўйиб, донг қотиб ухляпти. Бу кеча милтиқдан ўқ узмаса керак... Онам эса беланчакка уланган ипни ҳар замон — ҳар замон бир маромда силкиб-силкиб қўяди. Шоҳиста хархаша қилавериб, онани ухлаганда ҳам тебратиб ётишга ўргатиб қўйган-ми дейман.

Ие, ана ўша пишқириш яна эшитиляпти. Бошимни сал қўтариб, қулоқ солай-чи. Ана, аниқ эшитиляпти. Тасир-тусури ҳам бор. Дадамни уйғотсаммикан? Ҳеч гап бўлмаса мени ваҳимачи, қўрқоқ экансан, демасмикин-а. Тагин бир қулоқ солиб кўрайчи... Ҳа, ҳа, ўзимизнинг сигир пишқиряпти. Тўхтовсиз тасир-тусур қилаётган ҳам ўша. Нима бўлса ҳам дадамни уйғотишга аҳд қилдим. Қўлимни елкаларига қўйиб, секин силкий бошладим. Кундузи ғўзани чопиқ қилиб, жуда чарчаган эканми, сира сезмади. Энди «Дада, дада», — дея силкий бошладим. Аввал чўзиб бир инқиллади-да, кейин кўзларини очгандек бўлди? Салдан сўнг қовоқларини кафтининг орқаси билан ишқаб:

— Нима гап, Зоҳир полвон? — деди. Мен секингина уқтирдим:

— Сигиримиз алламаҳалдан бери пишқиряпти.

Дадам болиш остини пайпаслаб, гугурт топди-да, пасттақкина сўри сари юриб, фонусни ёқишга уннади. Фонуснинг пилиги ҳамма ёқни ёритди.

Дадам чайлага осифлиқ милтиқни олиб:

— Етавер Зоҳир, — деди-да, йўнғичқазор томон кетди. Мен тушакда чўнқайиб, дадамнинг қўланкасини тебратиб бораётган фонусдан кўз узмай ўтирдим. Дадам сигиримизга яқинлашди, шекилли, фонусни баландроқ кўтарди... Тўсатдан гумбирлаган ўқ овози оламни тутди. Онам сергак ётгандек, ёстиқдан бош кўтариб: «Тинчликми?» деди саросимага тушиб. Мен тура солиб, ўша ёққа югурдим. Онам бўлса:

— Қайт орқангга, борма, Зоҳир! — деганича жавраб қолди.

Етиб борсам, дадам сигирнинг бошида хомуш чўнқайиб ўтирибди. Янги туғилган қўнғир бузоқча эса қалтираб-қалтираб оёққа босмоқчи бўлади-да, довдираб ётиб қолади. Яна ўрнидан бўйинини чўзиб, кўтарилмоқчи бўлади. Ориқ оёқларини тарвайтириб керади-да, узоқ босиб туролмай, тагин қулаб тушади. Мен қўнғир бузоқчани кўриб, суюниб кетдим.

— Зоҳир, лаънати бўри келган экан, зийраклигингга балли! — деб қолди дадам. Юрагим шув этиб кетди. Уқни ҳам ўшанга узган экан-да. Ҳақиқатан ҳам бўрининг келгани рост. Сигир жонивор қозиқ теварагида айланавериб, анча жойни лойшан қилиб қўйибди. Ҳам бузоқни ҳам ўзини йиртқичдан қўриқлабди-да.

— Бунисиям майли-я. Говмиш елинидан ажраб қопти, — дадам чуқур хўрсинди. — Аттанг, аттанг...

Бора солиб, говмишнинг елинини энгашиб кўрдим. Вой, жо-

ивворей, саватдек елинининг нақ ярмидан кўпи йўқ эди.. Қандай чидаб турган бўлса... Бечоранинг ҳолига юрагим элишиб кетди.

Чайла тарафдан онам бизга товуш қилди.

— Энанг уйғонибди-ку! Қани, юр, сен сигирни етакла, мен бузоқни кўтариб бораман, — деди дадам.

Чайлага етиб келди. Онам кўнғир, пешонаси қашқа бузоқни кўриб, севинчи тошиб кетди.

— Вой, ўлмасам, говмишим-ей, ой-кунни яқинлашиб келганди-я. Эсингизгина, келиб-келиб шу кеча беҳабар қолганимни қаранг-а... Суюнчи тиланг, дадаси...

— Кўп суюнаверма, — пўнгиллади дадам. — Иш пачава. Бечора елинидан ажраб қолган.

— Вой шўрим, нима дейсиз?! — Онам бузоқни қўйиб, пилдираб говмишга яқин борди. Утириб олиб, елинига кўз ташлади. Алламаҳалгача гапиролмай жим қолди.

— Энди нима қиламиз? — деди онам товуши титраб. Бузоқ тирик етим қолди-ку. Қишлоқда тенги йўқ, ҳамма ҳавас қилдиган сигир эди-я. Кўзик-са, кўзикадигандек эди-я...

— Бўлари бўлди, бўёви синди. Кўп куюнма, битта сигир деб, юрагинг эзилмасин, — дадам жеркиди онамни юпатмоқчи бўлиб.

— Гап битта сигирдамас, раҳмим келади. Ҳайвон бўлсаям болажонни учун ўзини қурбон қилаёзибди. Менга қолса, ўз ажалли етгунча парвариш қиламан. Нима бўлсаям, она сигир-да, ахир. Эсингиздами, очарчиликда жонимизга ора кирган ҳам шу жониворнинг онаси эдику!.. Эртага мол дўхтирига олиб борасиз. Даволаса бўлар. Шуни билинг: асти сўя кўрмайсиз, — ёлворгандек бўлиб онам.

— Майли, бузоқни говмишнинг кўз ўнгида сут билан боқиб турасан. Энди тинчингни ол, — деди дадам.

Дадам шундан бўлак гапирмади-да, тўшакка чўзилди. Онам бўлса, шу кеча ухлолмади. Бузоқ билан говмишнинг теварагида нвирсиб юрди. Менинг ҳам уйқум қочган эди. Дадам ухладими, йўқми — буни билмайман.

Саҳарга бориб, уйқуга кетган эканман, қуёш чиққунча ухлабман. Офтоб юзимни қиздиргандан кейингина уйғондим.

Энг аввало, бош сарига қараб, говмишга, унга суйканаётган бузоққа кўзим тушди. Говмишнинг елинига эса қоп-қора резинами ё чарм қоплашибди. Онам шу маҳал менга яқин келиб, тўзиб ётган сочимни силади-да:

— Говмиш омон қоладиган бўлди. Даданг дўхтирига олиб борувди, дери-дармон қилибди. Бузоқни эса қўлда боқаверамиз, — деди. Онам анча хурсанд кўринади. Мен ҳам ич-ичимдан севиндим.

БУ ЖУДА СОЗ — ЖУДА СОЗ

Турли-туман
Болалар кўп
Жаҳонда
Йиғилсалар
Сигмас минг-минг
майдонга:

— Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз!

Бири сариқ,
Бири оқ тан,
қора тан,
Аҳил бўлса,
Қил ўтмаса

орадан.
— Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз.

Қилич—тўқмоқ
Ўйнаб бўлса
чин ўртоқ.

Улғайса ҳам
Рўй бермаса
ҳеч чатоқ:
— Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз!

Юракдаги
Шодликларни
англатиб,

Қўшиқ айтса,
Осмонларни
янгратиб

— Бу жуда соз,
Бу жуда соз.
Жуда соз.

Дунё юзи яна тинч-у
Кенг бўлса,

Ҳар боланинг
Бахти доим

Тенг бўлса:
— Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз.

Ватанию
Оважонин
Севсалар,
Улар меҳрин
Ғамхўрлигин
Сезсалар,
— Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз!
Бир-бирига
Дўстлик хати
Битсалар,
Ҳаммалари
Орзуларга
Етсалар:
— Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз!

ЭГРИ ВА ТЎҒРИ

(Ўзбек халқ эртаги)

Қадим замонда бир қишлоқда бир йигит бор экан. Унга Тўғрибой деб ном берган эканлар. Унинг биттагина озғин отидан бўлак нарсаси йўқ экан.

Бора-бора қишлоқда иш тополмайдиган бўлиб, унинг аҳволи оғирлашибди. Оти билан мардикор ишлашга иккинчи бир томонга жўнаб кетибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди.

Йўлда унга бир пиёда йигит ҳамроҳ бўлибди. Иккиси суҳбатлашиб кетаверибди.

— Ҳуш, йўл бўлсин? — дебди Тўғрибой.

— Мардикорлик қилиш учун узоқ шаҳарга кетаётирман, — деб жавоб берибди пиёда йигит.

— Исминг нима?

— Эгрибой.

— Сеники-чи?

— Тўғрибой. Иккимизнинг номимиз бир-бирига мос экан, кел энди дўст бўлайлик, бирга ишлаб, бирга юрайлик, — дебди Тўғрибой. Икковлари шундай деб аҳдлашибди.

Отлик йигит шеригининг пиёда юрганига раҳм қилиб, унга отини берибди. Эгрибой эгарга ўтириши билан отга бир қамчи бериб, тезда кўздан ғойиб бўлибди. Тўғрибой ҳайрон бўлиб қолаверади. «Дўстман деб душманнинг ишини қилиб кетди», — деб ўйлабди. Ранги ўчибди, қони қочибди. Ахири пиёда йўлга равона бўлибди. Кеч кирибди. Тик йўлдан адашиб, бир суқ-

қаёққа қайри-тибди. Сұқмоқ ҳам қалин бир ўрмонга кириб йўқолган. Тўғрибой қаёққа боришини билмай, саросимага тушиб қолди.

Кеч куз палласи экан. Дарахтларнинг япроқлари түкилган, кип-яланғоч баргсиз қолган ўрмон экан. Тўғрибой ҳамон йўл ахтариб юраверибди. Кеч кириб, қоронғи тушибди. Осмонда юлдузлар ҳам кўрина бошлабди. Тўғрибой йўлда бир эски тандирга дуч келибди. У ўйлабди: «Қоронғи кечада ўрмонда юриш яхши эмас, кечани шу тандирда ётиб ўтказайин, деб ухлаш учун тандир ичига кириб ётибди.

Шу катта ўрмонда: Арслон — подшо, йўлбарс — вазир, бўри — карнайчи, қашқир — сурнайчи, тулки — дostonчи экан. Ҳали тандир турган жой уларнинг базмгоҳи экан. Бир оздан кейин бир қашқир келиб, тандир атрофида айланиб увлабди. Орадан сал ўтмай, ўрмондаги бутун ҳайвон шу ерга йиғилибди. Арслон подшо, ўз ўрнига ўтириб ўрмон аҳллари-нинг мажлисини давом эттирибди, тулки дoston бошлабди:

— Ёронлар, шу ўрмон орқасидаги тоғда бир ғор бор, минг йилдан бери ўша ғорда яшайман, одамларнинг уйида нимаки бўлса, менинг уйимда ҳам бор. Ун йилдан бери мол йиғаман: гилам, полос, кўрпа, тўшак — ҳаммаси бор. Яхши, яхши овқатлар ҳам бор.

Тандир ичида ўтирган Тўғрибой ўзича ўйлабди: «Аттанг, тулкибойни-кига меҳмонга борсам бўларкан».

Навбати билан қашқирбой сўз бошлабди: «Сени жойинг қизиқ эмас, тулкибой! Мана, бу тепа остида менинг бир сичқоним бор, ҳар кун туш вақтида унинг ишини томоша қиламан. Унинг 41 та тилласи бор. Шуларни инидан чиқариб ўйнайди. Кейин уларни ўртага уйиб, ўзи томоша қилади, атрофида айланади. Яна инига олиб кириб кетади.

Энди айиқ афсонасини эшитинг: — Бу ҳам қизиқ эмас, деб сўзга киришибди айиқ, бизнинг шу ўрмонда бир қайрағоч бор, унинг пастроғида икки шохчаси бор. Шу шохчаларнинг япроқлари бутун касалларга даво. Мана шу шаҳардаги подшонинг қизи етти йилдан бери касал. Подшо жар чақиртиради. «Кимда-ким шу қизимни соғайтирса, уни ўшанга бераман, — дейди, — соғайтира олмаган кишини ўлдиради. Кўп табиблар қизни соғайтира олмасдан дорга осилиб кетдилар. Агар ўша қайрағоч япроғини эзиб, шу қизга ичирса, у дарров соғаяр ва шу ишни қилган киши подшо қизини олар эди.

Сўнгра бўри афсона бошлабди:

— Ёронлар, бизнинг ҳам бир қизиқ ҳикоямиз бор, шу ўрмоннинг у чеккасида бир бойнинг қирқ мингта қўйи бор. Мен ҳар куни иккита қўйни ейман. Мени ушлаш учун ҳар ҳийлани ишлатдилар. Лекин ҳеч иложини топа олмадилар. Мана шу яқин орадаги қир бошида турувчи чол бобонинг бир ити бор. Агар шу итни сотиб олсалар, у мени тилка-пора қила олар эди.

Энг охирида йўлбарс гап бошлабди: — Бўри айтган бойнинг 10 минг йилқиси ўрмоннинг бир чеккасида ўтлаб юради.

Мен шундан ҳар кун бир от ейман. Лекин шу отларнинг ичига бир ола от бор. Бир киши ана шу ола отга миниб, қўлига қўлдан эшилган камонт олса, бир қўлига узун хода ушлаб, сўйнимга камонт солиб, мени ўлгунча урса, шу галага сира яқинлашмас эдим. Менинг энг катта душманам шу ола от эканини бой билмайди.

Йўлбарс афсонасини тугатиши билан тонг ҳам ёришибди. Ҳамма ҳайвонлар жой-жойига тарқаб кетибди. Тўғрибой тандирдан чиқиб, тулкининг маконига борибди. Қараса ҳамма нарсаси жой-жойида, гўшт ҳам бор, гуруч ҳам бор. Дарҳол қозонга ёғ солиб, оловни ёқа бошлаган экан, тоғ бошидан ошиб келаётган тулкини кўриб қолибди ва ўзини панага олибди, тулки уйга келгач, қозонда ёғ доғ бўлаётганини кўриб ҳайрон бўлиб турганида, Тўғрибой уни бўғиб ўлдирибди. Ош қилиб еб, қоринини тўйдирибди ва ётиб ухлабди. Эртасига Тўғрибой қашқир айтган тепаликни излаб кетибди. Уни ҳам топиб, сичқонини ўлдирибди ва тиллаларини белига тугиб олибди, кейин айниқ қайрағочининг япроғини ҳам олибди. Сўнгра чўпон томонга йўл олибди. Чўпонни топиб, ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Шунда чўпон:

— Аҳвол ёмон, — дебди. Анча вақтдан бери бўри ҳар кун иккитадан қўйини еб кетади, ҳеч иложини қила олмайман. Хўжайин мени балога қўяди.

Тўғрибой сўрабди:

— Мен шу бўридан сизни қутқазсам, нима берасиз? Чўпон хўжайиндан қирқ қўй олиб беришини ваъда қилибди. Тўғрибой ҳалиги бобони итини сотиб олиб, чўпонга берибди. Чўпон бўри офатидан қутулибди ва Тўғрибойга хўжайиндан қирқ қўй олиб берибди. Шундан сўнг Тўғрибой йилқичининг олдига борибди. У билан ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин: «Шу кечаси ола отни эгарлаб, қилдан эшилган қирқ камонтни, уч газ ходани менга тўғрилаб беринг!» — дебди. Тўғрибой отни миниб, йўлбарс келадиган сўқмоқни пойлаб турибди. Бирдан йўлбарс ўрмондан югуриб чиқиб, ўзини отлар орасига урибди. Тўғрибой камонтни ростлаб туриб, йўлбарснинг бўйига солибди. Ўрмонда йўлбарсни айлантириб юриб ўлгудек урибди. Йўлбарс ҳолдан кетиб йиқилибди. Йилқибой Тўғрибойнинг хизмати учун ола отини берибди. Тўғрибой ола отни миниб шаҳарга йўл солибди. Шаҳарга борса, бозорда жарчи жар солар экан: «Подшонинг қизи етти йилдан бери касал; кимки уни соғайтирса, подшо ўшанга қизини беради... Соғайтира олмаса, ўлдиради». Тўғрибой жарчининг орқасидан подшонинг ҳузурига борибди ва қизини тузатишга ваъда берибди. Подшо Тўғрибойни қизининг ҳузурига бошлаб кирибди. Тўғрибой ёнидаги япроқни эзиб қизга ичирибди. Шу билан қиз уч кун деганда соғайиб кетибди: Подшо қизини Тўғрибойга берибди. Подшо Тўғрибойдан сўрабди: — Энди сизни қайси шаҳарга ҳоким қилай? Тўғрибой айтибди:

— Менга ҳокимлик керак эмас. Ўрмон этагидаги тоғ устига

бир уй солиб берсангиз бас. Мен ўз меҳнатим билан кун кечираман.

Подшо унинг айтганини қилиб берибди. Тўғрибой хотини билан тоғда яшабди.

Кунлардан бир кун туш вақтида ўзининг қадимги отини миниб бораётган ҳамроҳи Эгрибойга кўзи тушибди. Уни чақиртириб келтирибди. Ва яхшилаб зиёфат қилибди. Эгрибой:

— Дўстим, — дебди — бундай баланд жойга қандай қилиб аморат солдинг? Уйли-жойли бўлибсан, буларни қаердан топдинг? Бировга хиёнат қилган кишининг қорни нонга сира тўймас экан. Сенинг отингни олиб қочиб, қаерга борсам, ишим чаппасидан келади. Ушандан бери бир марта ҳам қорним нонга тўйганини бхлмайман.

Тўғрибой:

— Мана шу ўрмон ичида бир тандир бор. Мен ўша тандир ичида бир кеча ётиб, бу нарсаларга эришдим, — деган экан. Эгрибой:

— Садаганг бўлай, менга ҳам кўрсатиб қўй, мен ҳам ўша тандирда бир кеча ётиб чиқай, — дебди. Тўғрибой уни бошлаб бориб, тандирни кўрсатибди. Эгрибой тандирга кириб ётибди.

Ўрмон ҳайвонлари яна йиғилибди. Арслон — подшо:

— Менинг афсоначи дўстим тулки қаерда? — деб сўрабди.

Қашқир ўрнида туриб шундай дебди:

— Афсона қурсин. У кунги афсонанинг касофати билан сиз тулки дўстингиздан, мен тиллалли сичқонимдан айрилдик.

Бунинг кетидан айниқ ўрнидан туриб:

— Қайрағочимизнинг япроқларини ҳам олиб кетибдилар, — дебди.

Навбат бўрига келганда, подшосга қараб дебди:

— Мен озиқ-овқатимдан ажрадим, чўпон айтган итни сотиб олди, энди борсам, тилка-порамни чиқаради. Калтак зарбидан аъзойи баданим шишиб кетди.

Арслон-подшо қовоғини солиб туриб буюрибди:

— Қим чақимчи бўлса, тутиб ўлдилинг!

Қашқир тустовуқдан кўрибди. Тустовуқ: «Чақимчи тандирда» деб учиб кетибди. Ҳамма ҳайвонлар бирданига тандирга югуришиб, унинг ичида писиб ётган Эгрибойни тутиб олишибди ва «чақимчининг жазоси — шу» деб, уни тилка-пора қилиб ташлашибди.

Шундай қилиб, Тўғрибой тўғрилигидан мақсадга етибди. Эгрибой эса эғрилигидан жазосини тўртибди.

ЎЙЛАШНИ УРГАНАМИЗ

Мухторжон олти ёшлик
 Сииглисидан сўради:
 — Мунисхон,
 Ростингни айт,
 Ўйлашни биласанми?
 Мунисхон акасига
 Ажабланиб қаради:
 — Ака-а, ўзинг аятақол,
 Ўйлаш деган нимади?
 Мухторжон жиддий туриб,
 Қошини бирга йиғиб,
 Сииглисига кўрсатди:
 — Мана мен ўйлаяпман...
 — Нимани ўйлаяпсан?
 Жуда кўп ўйлаяпман:
 Морознийдан тоғ бўлса,
 Нукул гилос боғ бўлса,
 Бир қозон қаймоқ бўлса...
 Туядэй пишлоқ бўлса...
 Оғзининг суви келиб,
 — Вий-й,— деворди Мунисхон
 Тўхтаб тургин акажон,
 Менам ўйлаб боқаман.
 — Тез ўйла, — деди Мухтор,
 — Тура тур, ўйлаб олай:
 Ҳи-й... битта қўғирчоқ бўлса.
 Қалнги бузилмаса.
 Қўзини юмганида
 Мени ҳам қўриб турса...

— Шу ҳам ўйлаш бўлдимми?
 Ўйлашни ўрганиб ол!
 Сен оғи бўласанми?
 Қўзин пир-пир учириб:
 — Сен-чи? — деди

Мунисхон.

Мухторнинг жаҳли чиқди:
 — Мен қиз бола эмасман,
 Қизлар оғи бўлади.
 Мен катта бўлганимда:
 Беш юзга кирганимда,
 Катта дада бўламан.
 — Қизинг ҳам бўладими.
 Оғи нима бўлади?
 — Юзта қизим бўлади,
 Оғи Пунис бўлади.
 — Вой-й, — деворди

Мунисхон, —

Мен-чи, оғи бўламан...
 Мингта ўғлим бўлади.
 Оғи Пухтор бўлади.
 Ҳи-и, — тилин ликнлатиб
 Гижгижлатти акаси.
 Шундай қилиб, дўстларим,
 Сўлим шинам бордаги
 Сув қрани гагидаги
 Ўйнаб юрган икки ёш
 Ўйлашга бошладилар.

БҮРИ БИЛАН ТУЛКИ

(Ўзбек халқ эртаги)

Кунлардан бир кун бўри билан тулки дўст бўлишибди.
 Бўри тулкига:
 — Қорним оч. Қорнимни тўйғизиб, бир хурсанд қил, тул-
 ки, — дебди.
 — Хўп! — дебди тулки, — юр бўлмаса.
 Тулки олдинга тушиб, кетидан бўри эргашиб кетаверибди.
 Бир жойда дастурхон кўтариб, тўйга кетаётган хотинларга
 йўлиқибдилар.

— Ҳазир бўл! — дебди тулки ва бир юмалаб беданага айланибди-да, хотинларнинг олдига тушиб кетаверибди.

Хотинлардан бири уни кўриб:

— Анави беданани қаранглар! — деб қичқирибди ва дастурхонни ерга қўя солиб, беданани қувиб кетибди. Унинг орқасидан яна бир хотин дастурхонини ерга қўйиб, беданани қувибди. Ундан кейин учинчи, тўртинчи, бешинчи хотинлар ҳам бедана кетидан югуришибди. Хотинлар етай-етай деганларида тулки илдамроқ қадам ташлар экан, яна етай-етай деганда пир этиб ўнг томонга, кейин чап томонга учар экан. Хуллас, хотинларни роса овора қилибди, — шум тулки.

Бу чоқ бўри дастурхонни очиб, қатламаю, патиру, қандқурсларни еб, қорнини мешдай қилиб тўйғазибди-да, жўнаб қолибди.

Эртаси кунни тулки бўри олдига келса, у хурсанд бўлиб чўзилиб ётган эмиш.

— Зап иш қилдинг-да, тулки, — дебди бўри, — жуда хурсанд бўлдим. Энди бир хафа қил-чи, қандоқ бўларкин!

— Ҳўп, — дебди тулки, — қани юр. У бўрини бир боққа бошлаб борибди. Боққа кичкина ердан сиқилиб киришибди. Қарашса ишқомларда узумлар ғарқ пишиб ётган эмиш. Роса узумхўрлик қилишибди.

Тулки бурнига икки дона узум тиқиб, бўрининг олдига борибди.

— Бўри, бўри! Мен тўйдим. Тўйганимдан узум бурнимдан чиқиб кетаяпти, — дебди. — Тезроқ е. Қўпроқ е! Бўри очкўзлик қилиб еяберибди. Бурнидан отилиб чиқиб кетгунча узум ебди. Охири қорнини кўтаролмай қолибди.

Шу пайт тулки чопиб деворга чиқибди-да, овозининг бори-ча:

— Ол, ўғри кетди! Ол узум ўғриси кетди! — деб қичқира-верибди.

Овози тонг пайтда қишлоқни тутибди.

Унинг товушини эшитиб, сўйил кўтариб, шовқин солиб, боғбон келиб қолибди. Бўри жонни-пони чиқиб, ўзини кичкина омборга урибди, лекин мешдай шишган қорни омборга сиғмапти. Жон ҳолатда қочиб бориб, деворга сакрабди. Қани энди чиқа олса. Қулаб тушаверибди.

Боғбон уни чунон ҳам калтаклабдики, еган узумлари оғзи-бурнидан отилиб чиқиб кетибди.

Бир ўлимдан зўрға қутулган бўри жуда аччиқланибди, у тулкини ўлдирмоқчи бўлибди. Тулки шум эмасми, бўрининг ёмон ниятини авзойидан сезибди.

— Мени кечиринг, бўривой. — дебди тулки икки букилиб, — хафа бўлманг. «Мени бир хафа қил-чи, қандоқ бўларкин» деганингиз учун шундай қилувдим. Оқибати мунчалик ёмон бўлишини билмаган эканман. Бўри лаққа ишонибди.

— Қорним ўлгудай оч. Ичим сидирилиб кетаяпти, — дебди бўри қорнини ушлаб. — Ҳам тўйдир, ҳам давола!

Хўп бўлади! Ҳозир давосини ҳам топамиз, овқатни ҳам, — деди тулки. Унинг ўзи ҳам ўлгудай оч экан.

Тулки узоқ йўл босиб овқат излаб юрса, бир жойда, бир қўйнинг карг думбаси турган эмиш.

«Бунда бир гап борга ўхшайди. Ўзим тегмай бўрини рўпара қилайчи, нима чиқаркин!» — деб ўйлабди тулки.

У югуриб бўрининг олдига келибди.

— Бунча ҳаялладинг?— дебди бўри.

— Тез бўл! — дебди тулки. — Мен бир қўйнинг туштини паққос туширдим. Ёғини эса сенга қолдирдим. Юр тез!

Тулки бўрини думба ётган жойга бошлаб борибди.

Бўри суюниб оғзидан сўлаги оқибди:

— Бу ишинг жуда яхши бўлди-да, — дебди бўри. — Кечаги калтақдан ичларим эзилиб кетган эди. Ёғ даво бўлади.

Бўри, ўйлаб-нетиб турмай, очкўзлик билан ўзини думбага — урибди.

«Шилқ!» ётган қаттиқ овоз чиқибди.

Бўри ёғни тортиши билан қопқонга илиниб қолибди. Овчи бўри овлагани атайин қопқон қўйган экан.

Тулки югуриб келиб, ёғни олиб қочибди.

— Энди хайр! — дебди тулки. — Мени ўлдирмоқчи эдинг. Ўзингдан кўр!

Шундай қилиб, йиртқич бўри қопқонда қолибди. Тулки алдамчи эса ёғни кўтариб, қочиб кетибди.

Чўлпон Эргаш

БОЛА ВА АРСЛОН

Қафасига сигмай тўлғанар арслон,

Қувонади бола узмасдан кўзин.

— Қаранг, дада, бунча тишлари йўғон?

Қаранг, дада, бунча тирноғи узун?

Кулади болакай қийқириб шодон,

Ўкиради йиртқич, иржайтиб тишин...

Қаёқдан билибди шўрлик арслон,

Шу гўдак болага кулги бўлишин.

ЧУМЧУҚ

(Ўзбек халқ эртаги)

Чумчуқ учиб кетаётиб йўлдан бир гўза тоғиб олибди. У севинганидан гўзани тишлаб, шошилганича бир кампирнинг олдига олиб борибди. Гўзани кампир олдига ташлаб:

— Чув; чий-чий, — дебди. Кампир гўзани чувиб берибди. Чумчуқ пахтани олиб бошқа бир кампир олдига бориб:

— Сава, сав, сав, — дебди. Ў кампир саваб берибди, сўнгра чумчуқ ола чопон бўзчи духони олдиға бориб:

— Иг, иг, иг, туқ, туқ! — дебди. Дукондор бўзчи йигириб, туқиб берибди. Чумчуқ машиначи олдиға олиб бориб:

— Тик, тик, тик, — дебди. Машиначи уни ўлчаб, чопон тикиб берибди.

Ана энди Чумчуқбой чопонни кийиб, подшо ўрдасига учиб борибди. Чумчуқ қараса, подшо таҳорат қилаётган экан. Чумчуқ бир қадам нарида туриб, подшога:

— Менинг тўним чирсйли, менинг тўним чиройли, — дебди. Шунда подшо ғазабга келиб:

— Жаллод, — дебди. Бош жаллод келибди. Подшо:

— Ана у фалакат нима деяпти? Ўлдири уни! — деб бақирибди.

Бош жаллод ҳам қонли болтасини қулочлаб, зарб билан урибди. Чумчуқ ширр этиб деворга қўнибди. Бош жаллод қараса, урган болтаси подшонинг ярмини кесиб кетибди. Подшо тил тортма? ўлибди. Чумчуқ бўлса, деворда туриб, бу ҳодисани кўриб қувониб кетибди.

Шундай қилиб подшо ўлиб, чумчуқ муродига етган экан.

Гулханий

ТОШБАҚА БИЛАН ЧАЁН

Тошбақа Ироқдан Хижозга борур эди. Йўлда бир Чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдан ҳамроҳ бўлдилар. Аммо Тошбақа жуда фаросатли эрди, кўп сафарларда яхши ва ёмон билан юриб, кўп тажриба ҳосил қилган эрди. Булар кета туриб, йўлда катта бир дарёга йўлиқдилар. Ҳеч қаердан ўтишга қўйрик тополмадилар. Тошбақа ўзини дарёга ташлаб, қирғоққа ўтиб олди, роз ва ўрдакдек силкиниб турди. Бирдан орқасига қараса, йўлдоши дарёнинг у қирғоғида найзасини гажак қилиб, у ёқдан бу ёққа юриб турар эди. Тошбақа: «Эй биродар, нима учун бу томонга ўтмайсиз? — деб сўради. Чаён: «Кўз ёшича сув бўлса, бизни маъзур тутинг», — деб жавоб берди. Тошбақа: «Йўлдошлик бундай бўлмайди, озгина қийинчилик билан дўстликни бузиш яхши бўлмас, уни ҳам ўтказиб қўй», — деб кўнглидан кечирди. Тошбақа бир оз ҳаракат билан дарёнинг бу қирғоғига ўтиб олди. «Эй биродар, сени дарёдан ўтказиб қўйгани келдим, устимга мин, лекин бежо ҳаракат қилма. Ўз жонингга жабр қиласан» — деди. Чаён: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур» деб Тошбақанинг орқасига минди. Улар дарёга тушиб оқдилар, бир қанча вақтдан сўнг Чаён тебранаверди. Тошбақа деди: «Бу бежо ҳаракатдан мақсадинг нимадир?» Чаён деди: «Бугун кенг даламга чиқиб олдим, энди пўлат найзам билан косангни бир синай деган эдим», — деб жавоб берди. Тошбақа деди: «Сенинг чўпга ўхшаш кучсиз найзанг менинг косамга

қандай қор қилсин?». Чаён деди: «Сен билмайсанми, Чаённинг муддаоси хоҳ дўстининг кўксига бўлсин, хоҳ душманнинг орқасига бўлсин ишқилиб, ниш уришдир». Тошбақа Чаённинг бу сўзини эшитиб, шундай деди: «Дўстим, қачонгача сув юзида ҳасдек сузиб юрамиз, энди бу чуқур дарёнинг жавоҳирларини томоша қилмоқ керак» — деб сувга бир шўғидики, Тошбақа жавоҳирлар терди, Чаён жон берди.

У. Усмонов

ЧУМЧУҚ БОЛА

Ҳикоя

Бобохон чумчуқ болани роса қийнади: сувга солиб суздирди, икки қўли билан қанотларини ёйиб, ҳилпиллатди... Кейин оёғига ип боғлаб, кўчага олиб чиқди.

Кўчада Талъатга дуч келди. Талъат Бобохонни кўрди-ю қовоғи солинди. Бобохон жудаям ўжар бола эди, шунда Талъат унга ялиниб ўтирмай, шоша-пиша ёнини ковлаштирди: киссасида яримта ўчирғич билан кеча очган қизил қалами бор экан...

— Бобохон, чумчуқни қаердан олдинг?

— Буғдойзордан, чигиртка тутвотганимда дўппим билан уриб йиқитдим.

— Алишмайсанми?

Бобохон ялт этиб Талъатга қаради, сўнг бир нарса ўйлади шекилли:

— Алишаман, ниманг бор? — деди ҳовлиқиб.

— Мана бўёқ қалам, шунга берасанми?

— Фи-и! Тирик чумчуқни битта қаламгами? Бошқа нарсанг йўқми?

— Агар хўп десанг, мана бу ўчирғичимни ҳам бераман.

Бобохон билагига ўраб олган пишиқ, ингичка ипини бўшатиб, Талъатдан ўчирғич билан қаламни олди-да, чумчуқ болани берди. Кейин қизиқсиниб:

— Бунга алишволиб нима қиласан? — деди.

— Ҳозир биласан нима қилишимни.

Талъат чумчуқ боланинг оёғини авайлаб, ипни ечди. Юраги дук-дук ураётган бечора қушчани бир-икки силади-да, кейин бирдан осмонга қўйиб юборди. «Бор, учавер!» Сўнг Бобохонга қаради...

Бобохон гоҳ қўлидаги ўчирғич билан қаламга, гоҳ пат-пат қанот қоқиб буғдойзор томон учиб кетаётган чумчуқ болага, гоҳ истеҳзо билан кулимсираб турган Талъатга, ўртоғига жовдираб, нима қилишини билмай ҳанг-манг бўлиб қолган эди.

ҚАРАҒАЙ

Бўйин чўзиб
Қарағай,
Ен-атрофга
Қарағай.
Дер у:
Барча дарахтдан
Баланд аканг-
Қарағай.

МАЖНУНТОЛ

Бошим эгик,
Мажнунҳол,
Мажнунтолман,
Мажнунтол.
Дам олсангиз
Соямда,
Мен сизлардан
Мамнун тол.

ОЛМА

Мен сизларнинг
Олмангиз,
Хомлигимда
Олмангиз,
Нортожига
Ухшаб сўнг
Вой қорним, деб
Қолмангиз!

ШАФТОЛИ

Сарик, оқ
Шафтолиман,
Зарғалдоқ
Шафтолиман,
Мақтаниб
Ултирмайман,
Мақтанчоқ
Шафтолиман.

ТЕРАК

Мен теракман,
Теракман.
Мен ҳаммага
Керакман.
Осмон меининг
Елкамда.
Мен оламга
Тиргакман.

ГИЛОС

Мен гилосман,
Қулоқ сол,
Рангим олу
Тотим бол.
Топсанг
Қушалоғимни,
Қулоғингга
Тақиб ол.

УРИК

Қантак ўрик
Отим бор,
Хўп мазали
Тотим бор.
Мағизимга беркитган
Қантим бор,
Новвотим бор.

ЕНҒОҚ

Мия каби
Шаклим бор,
Бошим тўла
Ақлим бор.
Мени еган
Донишманд
Бўлур, деган
Нақлим бор.

Мени дерлар
Нашвати,
Шарбатларнинг
Шарбати,
Мазаларнинг
Мазаси,
Лаззатларнинг
Лаззати.

Мен арчаман,
Арчаман.
Мен хурсандман
Барчадан.
Атрофимда
Айланиб,
Хеч чарчаманг,
Чарчаманг!

Мамадали Маҳмудов

ГУЛ ВА ТИҚАН

Йўлакда, аравачада икки оёқсиз, ўнг қўлсиз, чамаси эллик ёшларга бориб қолган бир киши борарди. У ҳар ўн-ўн беш қадамда бир нафас дам олар, ўтган-қайтганларга жилмайиб қарар, кейин яна аравачасини юргизиб кетарди.

У бир дўнгликка чиқаётганда қўли толиб қолди. Аравача орқага кета бошлади. Уни тўхтатишга мажоли етмади. Сочини тимқора рангга бўяб олган қиз билан соқол қўйган йигит унга бепарво, қўлтиқлашиб, кулишиб ўтиб кетишди.

Аравача ҳамон орқага кетарди. Буни кўчанинг нариги томонида боришаётган атлас кўйлакли қизлар кўриб қолишди ва югуриб келиб, қўлсиз-оёқсиз кишини дўнгликка чиқариб қўйишди...

Дўстжон Матжон

ЖАЖЖИ ТОШХОН

Уйимизда тўрттамыз,
Энг кичиги биттамыз.
Бу — мен, қувноқ Тошхонман,
Энди бешдан ошганман.
Ўсмоқда бўй—кокилим,
Шириндир бийрон тилим.

Ножўя сўз демасман,
Конфетга ўч эмасман.
Қўшни қизга адашман,
Кўча-кўйда адашман,
Дадам, ойим, акамлар
Мени севиб ачомлар.

Жаббор Раззоқов

ҚОР ЁҒМОҚДА

Сокни тун. Қор ёғяпти. Болаларнинг берубор қалби тўлиб-тошиб оқаётган дарёдай, жўшқин. Баҳорда кўм-кўк ўтлоқларда оппоқ кеналакларни ушламоқчи бўлгандай ҳар бир заррачага

талпинишади. Қандай завқли-а! Она табиат шундай гузал-ки
ушнинг чиройи ҳеч ҳам тугамайди.

Ана, қорнинг бир парчаси қизчанинг оппоқ ҳовучига оҳис-
та кўнди. Қувончдан унинг ёноқлари шундай яшнаб кетдики,
бу дақиқалар тасвирига тил ожиз. Қор шундай беғубор қизча-
нинг қўлига тушганидан, бирдан эриб кетди. Тип-тиниқ шуд-
ринг томчисига айланди.

Бир зумдаёқ ҳаммаёқ оқ чойшабга бурканди. Ҳалигина қор
заррачаларини ушлашга интилаётган болалар, энди ундан ҳо-
вучлаб-ҳовучлаб олиб, думалоқлаб, қорбўрон ўйнашди.

Тув. Ҳамон қор ёғарди.

ТУЯ

Сахро. Олтинранг қум олов пуркайди. Ўркач-ўркач бархан-
лар оша вазмин одим ташлаб туя бормоқда. Унинг устида
гўякаш ва анчагина юк. Манзилгача хийла йўл босиб керак.
У ҳар замон, ҳар замон узоқ-узоқларга бўйини чўзиб,
«манзилга етдикмикан» дея термулиб қўяди. У одамларга неча
асрлардан бери холис хизмат қилади. Сира тиним билмайди.
Ҳишнинг изғирин, ёзининг жазирамаси демайди. Нима буюришса,
шуни қилади. Ҳатто бирор марта қайсарлик қилган эмас. Ет-
пейишса ётган, тур дейишса турган.

Ёзда ҳаммаёқни ёндираман деб турган Қорақум саҳросига
ҳам тап тортмай кириб бораверади. Ҳатто бу саҳрода энг қуд-
ратли техника ҳам гоҳида унинг ўрнини босолмайди. Унга на
қаров, на ўт-ем, на тунов жойи керак. Шу она Ер эгаси бўлса
бас. Емишини ҳам ўзи топиб ейди, дуч келган жойда бироз
тизғиб олса бас.

Унга фақат бир нарса алам қилади. Ҳеч ким уни севиб
рқаламайди. Ҳатто одамлар энг ёмон кўрган кишиларнинг
Туяга ўхшайсан-а», дейишади. Аслида эса...

...Туя ҳамон йўлда. У манзил сари олға қадам ташлаб бор-
моқда. Олдинда эса паст-баланд барханлар.

АРЧА

У ҳамиша кўм-кўк. Она тупроқ бағридан униб, қуёшнинг
арсин нурларини эмган дамларидан қасамёд қилгандек бир
илда ўсади. Унинг ранги ҳам ҳеч ўзгармайди. Кўм-кўк, ям-
шил... »

Кунлар ўтаверади. Йилнинг илк фасли—қишнинг изғиринига
ардош берадиган ҳам шу. Ҳатто новдалари оппоқ қорларга
улғанганида бахтиёр келинчакка ўхшаб кетади. Баҳорда ҳам
эвмили либосни ўзгартирмайди. Фақат янги новдалари қанот
зиб, уйғониш фаслини қутлайди. Ёзининг жазирамасида ҳам
дамларга завқ бағишлайди.

Табиатнинг тўқинчилик фасли бўлмиш кузда ҳаммаёқ олтин
анг қиёфага кирганида, сўнгра дарахтлар ўзининг тўқини таш-

лаганида ҳам, у аввалгидек яшнаб тураверади. Ҳеч қиёфасини ўзгартирмайди.

Ҳамма одамлар ҳам табиатнинг ана шу бебаҳо эҳсонига ўлшаса қанийди...

Мурод Хидир

НАВРУЗ

Олам яшарганда қаҳрабо ялпизлар илк бор анҳор лабидан бўй таратади. Чечаклар олис далалардан шу анҳорда оқиб келади. Баҳор нашидасидан анҳор маст бўлади, ўзига сигмай, тўлиб-тошиб оқади. Жўшқин оқади, йўрға тўлқинлари қувлаш-мачоқ ўйнайди.

Яхшиси ана шундай паллада сиз ҳам анҳорга келинг. Келинг-да, шу қадар хаёл сурингки, ўйларингизни анҳор ўзига қўшиб оқизсин.

Ҳадик олманг, ипакдай майин, булоқ сувидай тиниқ, эзгу хаёлларингизга ҳеч кимса халал бермайди. Елғиз қурбақаларгина, жағларига зўр берадилар, басма-бас сайрайдилар. Парвоз қилманг, тубсиз хаёлларингиз улар хонишини кўмиб юборади. Ширин ўйларингиз туфайли бу сайроқни эшитмайсиз.

Кишини бўлиқ хаёл толиқтиради. Бирдан оёққа қалқинг, ҳа, қалқинг оёққа! Ахир, хаёлларингизни сувга оқизиб бўлдингиз-ку!..

Анҳор ёқасидан қайтар пайтингизда сукунат чўқади. Қурбақаларнинг «вақ-вақ»и тинганини пайқайсиз. Ошиқманг, бунинг боиси ўзингизга дарҳол аён бўлади. Самбит тол шохидан булбул хониш этаётганини кўрасиз. Дилгир наводан юрак ҳапқиради. Табиатнинг бу жажжи гўзаллиги қурбақалар товушини бўғиб қўймадимикин! Ҳа, булбул хониши атрофни элитиб юборганда, қурбақалар бир лаҳзада гумдон бўлади. Ахир, болалар, «Қуш йўқ жойда қурбақа — булбул»,— деб бежиз айтилмаган-да.

ЮГУРИК ЮМРОНҚОЗИҚЧАНИНГ ЮРАМОЛ ЮМРОНҚОЗИҚЧАНИ ЮЛҒУНДАН-ЮЛҒУНГА ЮГУРИШДА ЮТГАНИ

Югурик Юмронқозиқча юрамол юмронқозиқчага:

— Юр, юлғундан-юлғунга югураммиз.

Юрамол юмронқозиқча:

— Юлғундан-юлғунга юмалаб-юмалаб югураммизми?

Югурик юмронқозиқча юрамол юмронқозиқчага:

— Юлғундан-юлғунга юмаламай югураммиз.

Югурик юмронқозиқча, юрамол юмронқозиқча юлғундан юлғунга юмаламай-юмаламай югуришди.

Югурик юмронқозиқча юрамол юмронқозиқчага:

— Ютдим, ютдим!

Юрамол юмронқозиқча югурик юмронқозиқчага:

— Ютдим, ютувдим-да...

Югурик юмронқозиқча юрамол юмронқозиқчага:

— Юр, юлғундан-юлғунга юмалаб-юмалаб югурамиз.

Югурик юмронқозиқча-ю юрамол юмронқозиқча юлғундан-юлғунга юмалаб-юмалаб югуришди.

Югурик юмронқозиқча юлғундан-юлғунга юмалаб-юмалаб югуришдаям юрамол юмронқозиқчани ютди.

Югурик юмронқозиқча юрамол юмронқозиқчага юзланди:

Ютдим, ютдим!

Юрамол юмронқозиқча югурик юмронқозиқчага:

— Ютоқдим-да, ютоқдим... Ютоқдим-у ютқаздим...

— Югурик юмронқозиқча юрамол юмронқозиқчага:

— Юмронмассан, юхосан!

Сафо Очил

СВЕТОФОР

Уч сғайни ботирмиз,
Уч хил рангда нодирмиз:
Қизил, яшил, сариқмиз,
Куч-қудратга қодирмиз.

Қизил ёнса, тек туринг.
Яшил ёнса, тез юринг.
Сариқ ёнса, эҳтиёт
Чорасини ҳам кўринг.

Ҳамжиҳатимиз донм биз,
Чорраҳадир жойимиз.
Вақти билан нур сочар,
Учта тўлғин ойимиз.

Ҳапимиз шу сизларга:
Барча ўғил-қизларга,
Дуч келмайсиз хатарга,
Қулоқ солдинг бизларга.

ТУШ КЎРГАН БОЛА

— Ойи, ойи, ойижон,
Бугун қизиқ туш кўрдим.
Бирдан чиқазиб қанот,
Осмонда учиб юрдим.

Ушлаб қолиб қушчани,
Уясига ётқиздим.
Яраларини боғлаб,
Тонгги бирга ўтказдим.

Худди шу ҳозиргидек,
Қўлларим ҳам бор эмиш.
Вир қушчанин отдилар,
Шунда қўллар берди иш.

Ҳийилларди бечора,
Ётар эди тавланиб.
Йиғлаб-йиғлаб охири
Мана, қолдим уйғониб.

Тушдагидек не учун
Учиб юра олмайман?
Ярадор қушчамни мен
Наҳот кўра олмайман?

Ариқларда пишқириб,
Қирғоқларга ўшқириб,
Сира билмасдан уйқу,
Шошиб келар оқар сув.

Оқар сув, оқар сув —
Тоза эмас, лойқа сув.
Қўриниши чунонам,
Ўзим каби ўжар у.

Ўзи ўжар бўлса ҳам,
Бошида кўп ташвиши:
Досим Ернинг шўрики,
Ювчилар билган иши.

ҚУКЛАМ ҚУШИНИ

Момақалди роқ
Арава қўшиб.
Тоғлар устидан.
Келмоқда тушиб.

Гиёҳлар билан
Бўлмоқда сирдош,
Булут ортидан
Этикар қуёш.

Тоғ қулагандай
Бўлди овози.
Жаранглаб кетди
Ёмғирнинг сози.

Шамол уйғониб,
Ела бошлади.
Майсаларни у
Силай бошлади.

Ёмғир ёғмоқда,
Шитир-шитирлаб.
Қўклам қўшини
Айтар шивирлаб.

Ҳайдаб кетмоқда
Булутни шамол.
Майса ва қуёш
Айлашар висол.

МЕН, ҚУЁШ ВА ҚУШЛАР

Шоҳдан шоҳга қўниб,
Ўйнайди қушлар.
Сира ўз ҳолимга
Қўймайди қушлар.

Қушларга қарайман,
Қўлларим чўзиб.
Барглар аро қуёш
Ўтмоқда сузиб.

Сайра деб, меннинг ҳам
Қитиқлаб дилим,
Улар кўтаришар
Ҳаминша кўнглим.

Қуёшжон, ҳой қуёш
Кетмагин бир пас.
Сенга мен ва қушлар
Қўйганмиз ҳавас.

Қуёшжон, ҳой қуёш!
Кетмай қолақол.
Бизнинг ҳам сўзимиз
Бир гал олақол.

САЪВА

Келиб қолди боғдан шўх,
 Чириллаган бир оҳанг.
 Чопиб бордим мисли ўқ,
 Саъва экан тилларанг.
 Бу мен севган миттижой,
 Қўпдан қилардим орау.
 Тутиб олсам бегумон
 Қафасчамни безар у.
 Ўз куйига ўзи сел,
 Куйлар эди берилиб,
 Тутмоқ учун боғлаб бел,
 Секин бордим эгилиб.
 Сергак тортиб шарпамдан
 Ниятимни билиб у,
 Учиб кетди тепамдан
 Гуё хафа бўлиб у

Деган каби: «Қафасда
 Тутқунда туролмайман.
 Эркинликни севаман,
 Кенгликсиз куйлолмайман».
 Қараб турдим паришон,
 Таъсир қилиб ушбу ҳол.
 Энди боққа саъважон
 Чўчиб келмас эҳтимол.
 Зийрак экан сезишга,
 Бор экан-да, омади.
 Мақсадимдан бешишга
 Мажбур этди ҳолати.
 Қўшни боғда чарх урар,
 Куй-қўшиғи жаранглар.
 Боғим қолди ҳувиллаб,
 Афсус бермас аттанглар.

Оллоберган Пўлат

ОЙСИЗ ҚОЛИБДИ

Борлиқ туи пардасини
 Энди тортган пайт юзга,
 Нор уй деразасидан
 Боқди тинч ҳовузга.

У сув остида ойни
 Кўрди-ю, бўлди ҳайрон,
 — Вой, ойсиз қолибди-я, —
 Деди, — бояқиш осмон.

Бой Мурод Забиб.

ЧАРИҚ

Чарик отлиғ
 Мушугим бор.
 Очкўзлиғи
 Қилар безор.

Гўштининг нархи —
 Осмондадир.
 Еб қўйилган
 Виждондадир.

Гўшт бермасанг,
 Аразлаб у,
 Миёвлайди,
 Чекиб қайғу.

Кучуклар ҳам
 Хиринглашар.
 Чариквойим
 Қандай яшар!

Энди улар
 Қўрмас офтоб.
 Кутар номин
 «Қизил китоб»...

ҚОРБОБО

Янги йилда уйимизга
Бахш этиб завқу сафо,
Қириб келди ҳассасини
Дуқиллатиб Қорбобо.

Бироз ўтмай ойим билан
Рақсга туша кетди.
Гоҳ таниш ҳаракати
Бизни лол-ҳайрон этди.

Қўрғиниши доносифат
Соқоллари кўксида.
(Шундай завқли чоғда, аттанг,
Дадамлар йўқ аксига).

Паловхондан Қорбобомиз
Ошаётган маҳали,
Сал сифатсиз елим, чори,
Кўчаёзди осқоли.

Иштаҳамиз, одобимиз
Сўраб чиқди эринмай.
Ея кетди сўнг олмадан
Ҳатто рухсат сўрамай.

Бунчалар зийракман-а,
Не гап англаб олдим-ку,
Сезганимни дадажоним
Сезмаса деб толдим-ку.

Болаларни шод қилдим деб
Қорбобо-чи, шодланар.
Эҳ, бунчалар боласифат,
Соддасиз-а, катталар.

ЕДЛАТИШ УЧУН

Чўлло

КУЗ ЕМФИРИ

Тўкилди томчилар...
Япроқнинг юзлари
Томчига ўптириб
Ҳўлланди...

Чуқурча қўлланди...
Томчини кўптириб
Бетида ўйнатди
Чуқурча

У — жиндак кулча...
Томчилар — кўкларнинг сўзлари
Ерларни қамчилар!..

Абдулла Ори

(ОНА ТИЛИМГА)

Мияг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамниша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамниша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

АЛИНИНГ САВОЛИ

— Дада, катта бир бола
Мени ноҳақдан урди.
Ердам бермай, ўртоғим
Қўрқоқлик қилиб турди.

Сизни ҳам мен сингари
Биров ноҳақ урганми?
Шунда дўстингиз четда
Ердам бермай турганми?

Қудрат Ҳикмат

ГУНАФША

Ариқ бўйида юриб,
Борардим уй томонга.
Икки ёни—дарахтзор,
Ўшар худди ўрмонга.

Йўл-йўлакай кўрдим мен,
Очилибди гунафша.
Салом берди эгилиб,
Севиниб дедим: Яша!

Баҳор билан яшнайди,
Чаман бўлиб далалар.
Атирдай хушбўй ҳидинг,
Богчаиизга таралар.

Эргаш Ёндош

ҚЎГИРЧОҚ

Эркатсним қўғирчоқ,
Сочи майин қўғирчоқ.
Совға қилиб тўйингга,
Ўлчаб митти бўйингга,

Тикдим жажжи қўйлақча
Аввалгидан бўлакча.
Товланади худди зар,
Қийвол, кўришсин дўстлар.

Бой Мурод Забиб.

ҚЎҒИРЧОҒИМ

(Моҳигул қўшиғи)

Жингалак соч қўғирчоғим,
Кўзлари кўк овунчоғим.
Сочларинг юниб тарайман,
Бағримга босиб яйрайман.
Ўхла, алла, қўғирчоғим.
Сочи малла қўғирчоғим.

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Оқ чойнакка оқ қопқоқ,
Кўк чойнакка кўк қопқоқ.

Оқ от, оқ ўт ейди,
Кўк от кўк ўт ейди.

Тубсиз деңгиз деңгизми?
Деңгиз тенгсиз дедингизми?

Новвой нон ёпар,
Нонни новвот деб сотар.

Ғани ғилдиракии ғизиллатиб ғилдиратди,
Ғилдиракии Ғани ғилдиратиб ғизиллатди.

Тўлқин турғини тўрда тўплади.

Аддам Раҳматга шахмат бердимми?
Раҳмат Адҳамга шахмат бердимми?

Қўш қўлқоп,
Қўшқон ҳам бўли қўлқоп.

Севара саватчага седана солдимми?
Нодир новвойхонадаги
Нонвойдан вон олдимми?

Қурилишда бурилди,
Бурилишда қурилди.

Отанинг отасининг оти,
Отасининг отидан ортиқ.

Тоҳир Тўлқиннинг тўнидан тортдимми?
Тўлкин Тоҳирнинг тўнидан тортдимми?

ЧОРЛАШМАЛАР

Баче, баче бози.
Кимни қора кўзи.
Қим уйингга чиқмаса,
Бўйинга тош-тарози.

* * *

Токчага бугдой сепувадим,
Ундимикни-о, ундимикни,
Машраббой уйдан оқмайди,
Егдимикни-о, егдимикни?

* * *

Томда товук ётарми,
Оёғингдан тортарми?
Уйин ёмас болалар
Номозшемда қотарми?

* * *

Ашула, шула, шула,
Қозонда пишди шовла.
Келинг, қўшиқ айтайлик,
Жўр бўлишга бир бўла.

• • •

Бизлар ўйнаймиз,
Давра қураймиз.
Даврага келинлар,
Сизлар ҳам қўшилинлар,
Бу даврани қурган
Гулнорани кўринлар.
Хой, болалар, болалар,
Бекинмачоқ ўйнаймиз.
Тарқалишманг ҳар томон,
Қочиб нима қиласиз?
Дўст, оталар қўйди мани,
Дўст, болалар кўрди мани.

Ўйнамоққа, кулмоққа,
Хумор-хумор қилди мани.

• • •

Саримсоқ, думоқ чоқ,
Ўйинга кел, ўртоқ.

• • •

Кун ботди, ойижон, момо ётди
Ётиши билан уйғонмай қотди.

• • •

Кун ботди-ю, кун ботди,
Раҳима хола ётди,
Ётди-ю — қотди.

ТОПИШМОҚЛАР

Бир парча патир,
Оламга татир.

(Ой)

Тўртдир унинг оёғи,
Темир миҳли туюғи,
Манзилга етиштирар,
Тошдан қаттиқ туюғи.

(От)

Ўтириши тойлоқдай,
Ўт ейиши йилқидай.

(Чигиртка)

Келиб оғзин очар, тишлаб қочар.

(Омбир)

Ғит-ғит дейди, ишлайди,
Ерга кукун ташлайди.

(Арпа)

Қуш эмас, қаноти бор.
Чиройли савлати бор,
Учса лочин етолмас,
Толмас зўр қуввати бор.

(Тайёра)

Асалдан ширин,
Заҳардан аччиқ.

Биробни сўлдирад,
Бировни куйдирад.

(Тил)

Қат-қат қулоқ,
Дум-думалоқ

(Карам)

Том устида пиёла,
Агрофида гул-лола.

(Ой ва юлдузлар)

Жони йўқ, юради,
Жўякларни оралаб,
Уйчасини момиққа,
Тўлдиради саралаб.

(Пахта териб машинаси)

Чор қулоқ,
Чандир қулоқ,
Чор қулоғи
Шалбанг қулоқ.

(Қозон)

Тоқ-тоқ-тоқ
Думоғи чоқ,
Сузда сузиб юрамаъ,
Кўп кәйфлар сурамаъ.

(Ғоз)

Қатер-қатор тош тердим,
Жайрон отни бўш қўйдим.

(Тини ва тил)

МАҚОЛЛАР

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАҚОЛЛАРИ

Қўл ишласа, кўнгил ором олар.

(Рус мақоли)

Энгашмаган бўлоқдан сув ича олмас.

(Украин мақоли)

Ҳар ким эканини ўрар.

(Белорус мақоли)

Кўз қўрқоқ қўл ботиб.

(Ўзбек мақоли)

Нюшуд ўроқчи ўроқ танлар.

(Қозоқ мақоли)

Иш севганга бекорчилик жазо.

(Грузин мақоли)

Одамнинг кўзгуси меҳнатдир.

(Ўзбекистон мақоли)

Устанинг қўлида темир мумдек эзилар.

(Литва мақоли)

Ош деса чопар, иш деса қочар.

(Молдаван мақоли)

Бахт изласанг — меҳнат қил.

(Латвия мақоли)

Кишининг сўзига эмас, ишига боқ.

(Қирғиз мақоли)

Қуш учганда,

Одам меҳнатда биллилар.

(Арман мақоли)

Эрта турганининг иши эрта битар.

(Туркман мақоли)

Ҳунарли киши хор бўлмас.

(Эстон мақоли)

И Ч О Р А К

ҲИҚОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН

УЧ ТУЛКИ

(Ўзбек халқ эртаги)

Қашқа номли бир қуён бор экан. Бир кун у эшагига минибди, ҳўтигини эргаштириб, чангалзор орқасида яшайдяган холасиникига кетибди.

Ариқ лабида қум-замбарак ўйнаб ўтирган қуёнчалар: — Чангалзор қўрқинчли, ёлғиз борма! — дейишибди қичқиришиб. Қашқа кўнмабди.

Кун қизиган, туш пайти эди. Шўх ҳўтик бошидаги популарини силкитиб дирқирар, бўйнидаги қўнғироғи ҳадеб жингиллар экан.

Чангалзор хилват экан.

Чангалзорда ота, она ва бола тулкилар яшар экан. Қўнғироқ овозини эшитиб уларнинг қўлоқлари диккайибди.

— Қайсар қашқа келаяпти, — дебди бола тулки.

— Адабинин берамиз, — дебди она тулки, — мен эшагини олиб қочаман.

— Мен ҳўтигини олиб қочаман, — дебди ста тулки.

— Мен кийимларини, — дебди бола тулки.

Қашқа чангалзорнинг қоқ ўртасига етибди.

Қашқа эшакни ҳайдаб олдида бораверибди, чарчаган ҳўтик эса анча кейнида қолиб кетибди. Қашқа ортига қарайвериб, охири бўйини сгрибди ва:

— Хут-хут-хут, — деявериб чарчабди.

Энг охир у: «Қўнғироқ жўринглаяпти-ку, ҳўтик келаяпти-да», — деб ўйлабди. Кейин бемалол кетаверибди.

Буни кўрган ста тулки аста келиб ҳўтидан қўнғироғни ечиб олибди-да, эшакиннинг думига боғлаб қўйибди. Кейин ҳўтиакни олиб қочибди. Муволишда дарахтлар орасида бирдан она тулки пайдо бўлиб қолибди.

— Ҳой қуёлча, якка ўзинг қаёққа кетаяпсан? — деб сўрабди у.

Қашқа: «Тагин шум тулки ҳўтигимни олиб қочмасин», деб шартта қайрилиб қарапти, ҳўтик йўқ.

— Вой ҳўтикиннам... қайда қолдинг? — деб бирдан йиғлаб юборибди.

— Йиғлама, — дебди она тулки, — ҳўтигини қаёққа беришини билмай нариги муволишда турибди. Бораё, ҳайдаё кел. Мен эшагинига қараб тураман. Қашқа суюлганидан эшакни қолдириб, орқасига қараб югурибди.

— Вой лапашанг, — деб кулибди она тулки ва эшакка ми-

на солиб қочибди. Қашқа хўтиқни тополмай, қуруқ қайтиб келибди. Қараса, эшаги йўқ. Бир қўрқиб кетибди. «Энди ўзимни ҳам ўғирлаб кетмасалар эди...» деб ўйлабди у.

Қашқа чопқиллаб кетаётган экан, кўл лабида йиғлаб ўтирган жажжигина бола тулкига йўлиқибди.

— Эй биродар, — дебди бола тулки, — шўрим қуриди. Бозорга бораётган эдим бир ҳамён олтиним сувга тушиб кетди, энди нима қиламан. Отам ўлдиради...

— Йиғлама, — дебди Қашқа, раҳми келиб.

— Сузишни билсанг олиб чиқиб бер. Юз тангасини сенга бераман, — дебди бола тулки.

— Қашқа ўйлабди: «Юз танга. Эшак билан хўтиқнинг баҳоси юз танга турса керак... бунга эшак сотиб олсам бўлади...»

— Бўпти, — дебди Қашқа. У хаш-паш дегунча кийим-бошини ечиб сувга шўнғипти.

— Муродимга етдим, — деб кулибди бола тулки. Қашқа олтинни тополмай чиқса, кўл лабида бола тулки ҳам йўқ эмиш, кийимлари ҳам...

Шу-шу Қашқа чангалзорда ҳеч ёлғиз юрмайдиган бўлибди.

ЗУМРАД ВА ҚИММАТ

(Ўзбек халқ эргаги)

Бир замонда катта бир сой бўйида кичкина бир уй бўлар экан, сойнинг бир томони қалин ўрмон экан.

Бу уйда чол, унинг Зумрад деган қизи, ўғай она ва унинг Қиммат деган арзанда қизи турар эдилар.

Кампир Зумрад деган ўғай қизини кўргани кўзи йўқ, отгани ўқи йўқ экан. У ҳадеб қизни уриб, қаргаб эртадан кечгача ишлатаркан, бечорага бирпас ҳам тинчлик бермас экан.

Зумрад кўп чиройли, одобли, мулойим, ақлли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам деб орзу қиларкан. Хуллас, у жуда ажойиб қиз экан.

Қиммат эса ишەкмас, инжиқ ва димоғдор қиз экан. Унинг бутун куни уриш-жанжал ва тўполон билан ўтар экан.

Зумрад эрта билан барвақт кўзасини кўтариб, сой ёқалаб булоқ бошига бораркан. Йўлда учраган лола-гуллар бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб унга ҳикоялар айтиб берар эканлар.

Аммо худди шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркалатмас эканлар, чунки бу қиз уларни юлиб ташлар, хушбўй гулларни ҳидсиз деб тепкилар экан. Шунинг учун ҳам улар Қиммат келар бўлса, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар.

Буларнинг ҳаммаси ёвуз кампирнинг ғазабининг келтирар экан. Кампир бунини Зумраддан кўраркан.

Бир куни кампир Зумрадин ёмонлаб, чолга дўқ урибди:

— Қизинг беодоб, ишѣқмас, уни ҳайдаб юбор! Бўлмаса сен билан бир нафас ҳам бирга турмайман!

Чол нима қиларини билмай қолибди. Охири кампир:

— Қизингни ўрмонга обориб адаштириб кел! У билан бирга турмайман! — дебди.

Чол қизини адаштириб келиш учун тоғ-тошларни кезиб, бир ўрмонга борибди. Ота-бола ўрмон ичида узоқ юришибди. Охирида қуюқ сояли бир жойга бориб тўхташибди.

Кейин чол ўтин кесгани кетибди. Зумрад ёлғиз қолибди.

Шу пайтда бирдан шамол турибди. Чол эса ўрмондаги бир катта дарахтга болтасини осибди-да, унга оғирроқ тош боғлаб, қаттиқ итариб юборибди. Болта у ёқдан бу ёққа урилиб тўқиллайверибди.

Шамол жуда кучайибди. Болта шамол кучи билан узоқ вақт дарахтга урилиб «тўқ-тўқ» қилиб товуш чиқазибди.

Зумрад «отам ўтин кесаётибди» деб ўйлаб, уни анчагача кутибди. Кеч бўлибди, отадан дарак бўлмабди. Шамол тўхтабди. Қиз ўрмондаги чучмомаларни териб юриб, беҳосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолибди. Қараса, отаси йўқ эмиш.

— Вой шўрим қурсин! Вой, отажон! — деб уввос солиб йиғлаб, тўрт томонга югурибди. Ҳеч кимдан дарак бўлмабди, қиз адашиб қолибди.

Ўрмон унга яна ҳам ваҳимали бўлиб кўринибди. Қиз қаёққа боришини билмай, охири кичик бир сўқмоқдан чопиб кетаверибди.

Зумрад узоқ йўл босибди. Қоронғида гуллар унинг йўлини ёритибди. Кета туриб, бир вақт қараса, узоқда милтиллаган чироқ кўринибди, итнинг хургани эшитилибди.

Қиз ўша томонга қараб юразерибди. Тезда кичик бир уйга етибди. Унинг деразасидан қараса, бир кампир ўтирган эмиш. Қиз севиниб, кампир олдига кирибди, бошидан кечирган воқеаларни кампирга бирма-бир айғиб берибди.

Уйига шундай чиройли қизчанинг келганини кўрган кампир жуда қувонибди. Қиз унга ёқиб қолибди. Бу кампир эса ўрмонда яшайдиган сеҳргар кампир экан. Кампир қизнинг йиғлаганини кўриб:

— Кўп хафа бўлма, қизим, сenga ёрдам бераман, — деб қизни овутибди. Қиз ҳам унга:

— Раҳмат! Мен сизни ўз онамдек кўраман. Буюрган ишини-гизни жоним билан қиламан, — деб жавоб берибди.

Шу чоқ кампирнинг уйи тепасига жуда кўп қушлар йиғилибди, улар қизчани мақтаб сайрашибди. Қушлар тилини билган сеҳргар кампир яна ҳам қувонибди, хосиятли қизга дунёда топилмайдиган китоб ва қўғирчоқлар бериб:

— Оппоқ қизим, ширин қизим, дўмбоғам, мунчоғим! — деб қизни эркалатибди.

Улар анча кун бирга туришибди. Кампир қизчани яхшилаб парвариш қилибди.

Зумрад озода қиз бўлгани учун уйни супуриб-сидириб.

ойналарни арпало-суртди, ҳаммасини чиннидай қилиб қўяр экан. Буни кўриб кампир яна ҳам қувонар экан.

Бир кун кампир қизга ош қилиб бермоқчи бўлиб:

— Томдан утин олиб туш, қизим, — дебди.

Қиз:

— Хўп бўлади, онажон, — деб дарров томга чиқибди.

Том батанд экан, ундан ҳамма ёқ кўринар экан.

Қиз атрофга қараб туриб, бирдан ўз уйининг томини кўриб қолибди. Юраги уйнаб, йиғлаб юборибди. Буни эшитган кампир:

— Нега йиғлайсан, жон қизим? — деб сўраган экан, қиз:

— Кўзимга уйимиз кўсинди, отамни соғиндим, — деб яна йиғлабди.

Кампир уни юлатибди, икковлари сеқат пишириб ейишибди.

Эрта билан кампир:

— Нарсаларингни йиғиштир, қизим! — дебди.

— Қиз қўғирчоқларини йиғиштирибди. Кампир қизга:

— Томда қазил ва оқ сандиқ бор, оқ сандиқни қолдириб, қизил сандиқни олиб туш! — дебди-ю, ўрмонга кириб кетиб, бир вақтдан кейин ўрмондан саман от қўшилган бир арава етаклаб чиқиб, қизни аравага ўтқазибди.

— Сандиқни уйга боргандан кейин оч! — деб, кампир қизга бир келат берибди.

Қиз кампир билан қайта-қайта хайрлашиб, йўлга тушибди. Бир зумда арава қизнинг уйи олдида ҳозир бўлибди. Шу пайтда чол ўз қизини соғиниб, йиғлаб ўтирган экан. Қиз отасини кўриши билан:

— Салом отажон! — деб, унинг бағрига ташланибди. Чол бениҳоят хурсанд бўлганидан анчагача кўз ёшларини тўхтата олмабди. Охири йиғидан тўхтаб, қизига:

— Оппоғим, мени кечир, — дебди.

Улар уйга киришибди. Қизнинг келгани ҳаммага маълум бўлибди. Қўни-қўшнilar йиғилишибди. Қиз сандиқни очиши билан ҳамма ҳайрон қолибди: қизил сандиқ асл моллар билан тўла эмишди. Зумраднинг бутун умрига етиб, ортар экан.

Бу нарса ўғай онани огир ташвишга солибди.

У чолга ўз қизи Қимматни ҳам тезда ўрмонга обориб адаштириб келишни буюрибди. Чол «хўп» деб, Қимматни дарров ўрмонда адаштириб келибди.

Кеч кирганда, Қиммат худди Зумрадга ўхшаб, болта осилган дарахт тагига бориб қолди. Адаштирилганини сезибди. Хўнг-хўнг йиғлабди, лекин уни овутадиган одам топилмабди. Фақат унинг рўпарасида бойқушлар ўтириб олиб, қоронғи заҳмани ўрмонлар ҳақида сайрашибди.

Бу куйлар Қимматни ваҳимага солибди. У қўрқиб ўрмондан қоча бошлабди. Қоронғи тушган пайтда сеҳргар кампирнинг уйига бориб кирибди. Кампир уни яхши кутиб олибди, овутибди, меҳмон қилибди. Сўнгга қизга қараб.

— Хафа бўлма, қизим, ўзим ёрдам бераман, — дебди. Аммо

Қиммат кампирга яхши сўзлар топиб айтолмабди, чунки онаси унга яхши сўзлар ўргатмаган экан. Кампир уни севмабди, яхши эртақлар ҳам айтиб бермабди.

Қиммат эртадан-кечгача ялқовланиб ўтираверар экан, уйни йиғиштириб, супурмас экан.

Бир кун кампир ўрмондан қайтиб келиб, унга:

— Томдан ўтин олиб туш, қизим! — деган экан, қиз:

— Ўзингиз олиб туша қолинг, малайингиз йўқ! — дебди.

Кампир жудаям хафа бўлиб, шунга қарамай, қизни алдаб-сулдаб томга чиқарибди. Лекин қиз ўтин олиб тушиш ўрнига том бошида чинқириб йиғлайверибди. Кампир бунни эшитиб:

— Нега йиғлайсан қизим? — деб сўраган экан, Қиммат ер тепиниб:

— Уйимни кўрдим, кетаман, деб яна ҳўнграбди. Қиммат пастга тушгач, сеҳргар кампир қизга бир калит узата туриб:

— Мана калит, сандиқни уйингга борганингда очасан, — дебди.

Қиз ўша онда йиғисини унутиб, оқ сандиқни орқалаб жўнабди. Сеҳргар унга арава ҳам бермабди, қиз оғир сандиқни кўтарганича уйига пиёда келибди.

Қизнинг келишини даставвал олапар ит сезибди. У Қимматнинг онаси олдига бориб:

— Вов — вов, вов, — деган экан, кампир қулоқ солмабди, ит яна вовиллаб:

— Опам келаётирлар, орқалаганлари оқ сандиқ, илон билан янқ тўлиқ. — дебди.

Кампир газабланиб, ўқлоғи билан итни уриб, оёғини синдирибди.

— Меннинг ақлли қизим қимматли моллар келтиради, — дебди у.

Қизнинг келганини кўриб, кампир ўзида йўқ севинибди. Қўни-қўшнилари йиғилибди, сандиқни очмоқчи бўлишибди.

Шунда кампир билан қизи иккиси: «Йўқ очманглар!» — деб ўзларини сандиқ устига ташлабдилар.

Ярим кеча пайти экан, кампир билан қиз эшик-эликни ёпиб, сандиқни очишибди-ю, бирданига «Войдол, қутқаринглар!», «Аждар! — Войдол!» деб бақиршибди.

Сандиқда иккита кеттакон аждар ётган экан. Қоқбош кампир билан унинг уришқоқ қизни додлашиб, уйни гир-гир айлаппишибди, қўрққанларидан қулфланган эшикни очигиз олмабди.

Икки аждар кампир билан қизни ютиб, дарчадан чиқиб кетибди.

«Дод, вой!» деган овозни эшитган қўни-қўшнилари эшикни бузиб ичкари кирибдилар. Қарасалар, ҳеч ким йўқ эмиш. Уйдан ёвуз кампирни ҳам, унинг уришқоқ қизини ҳам тополмабдилар.

Шундан сўнг оқ кўнгил Зумрад билан ота иккиси тинчгина яшиб, муҳол-мақсадларига етибдилар.

ОДАМ, ОЙҚОР ТОҒ ВА ДАЙДИ ШАМОЛ ЭРТАГИ

Қадим-қадим замонда,
Яшил Бахмал томонда,
Дайди шамол эсаркан,
Одамларни эзаркан.
Даҳшат-ла увилларкан,
Дарёдек шовулларкан,
Дилларга ваҳим солиб,
Эшитган ҳайрон қолиб.
Шоҳлар синиб қарсиллаб,
Ут кетибди чарсиллаб.
Сурув йўқолиб беиз,
Боғлар бўпти теп-текис.
Бор экан бир чол—доно,
Сўзлари тўла маъно.
— Ҳой, одамлар,— депти

чол..,—

Қутурмоқда шум шамол.
Ойқор томон борайлик,
Дардимизни ёрайлик.
Қўриб бизнинг аҳволни,
У қайтарсин шамолни.
Қувсин шумни нарига,
Бизни олсин бағрига.
Шамол тоғдан ўтолмай,
Бўлсин сарсон-саргардон.
Биз яшайлик доним тинч,
Ўстириб боғ, экиб дон.
Шунда кулиб бир кампир
Дебди:— Чол, ўйлаб гапир.
Эсинг ебсан, шундай тоғ
Бизга соларми қулоқ.
Доно изза бўлса ҳам,
Ўзини тутар шу дам.
Бол томади тилидан:
— Яхши гапга, дейдилар
Илон чиқар инидан.
Яна кампир шовқинлар:
— Йўллайлик бирон элчи.
Тоғ тингларми дардимиз,
Олдин бир билайлик-чи!
Доно деди куюниб:
— Ёлғиз юрсанг бўри ер.
— Жонингдан ажрасанг ҳам,
Элдан ажрамагин, дер.
Ким йўлга чиқса ёлғиз,

Дуч келар шамол ёвуз.
У қуритган шўрини
Не-не йигит зўрининг.
Боши гангиб одамлар,
Шум кампирни тинглашди.
Тоққа йўллаб бир йигит,
Унга омад тилашди.
Ўтди ҳафта ва ойлар,
Йигит йўлини пойлаб,
Аммо йигит қайтмади,
Учирди шамол—дайди...
Қайғуриб донишманд чол.
Яна сўзлабди:— Дарҳол,
Чақиринглар ҳаммани,
Янга, хола, аммани.
Қолмасин оғанини,
Кенгаш бўлар шу кун.
Нуроний чол ўйлади,
Фикрин баён айлади:
— Бирлашган бўлур дарё,
Тарқалган—ирмоқ гўё.
Кучни дерлар бирликда,
Ҳеч вақо йўқ зўрликда.
Тўпланишиб биз тикка,
Ойқор тоққа борамиз.
Биргалашиб у билан
Ёвга даҳшат соламиз,
Азоб тортган одамлар
Жўнашга чоғландилар.
Бир-бирига ҳамдари,
Юракдан боғландилар.
Йўл босишиб неча тош,
Шум шамолга эгмай бош.
У билан хўп олишиб,
Толиқиб, терга тушиб,
Ойқор тоққа етдилар,
Мақсадларин айтдилар.
Тоғ гапирди гулдираб:
— Одамлар қизиқсингиз запар.
Биргалашиб жанг қилиб,
Шамол ҳолин танг қилиб,
Омон-эсон келдингиз,
Аввал қайда эдингиз?
Биргалашиб ёв қочар.
Ноаҳилми, эл ночор.

Умид билан келибсиз,
 Майли лекин шартим бор:
 Меҳрингиз бериб менга
 Бағримни айланг гулзор.
 Экинг, ўстиринг гул, боғ,
 Қўксимда қолмасин доғ.
 Одамлар шод эдилар:
 — Шартинг қабул,— дедилар.
 Ойқор тоғ ҳам юксалди,
 Шамолни тўсиб қолди.
 Одамлар аҳил-иноқ,
 Тоғ бағрин қилдилар боғ.
 Шамол ҳоли вой бўлиб,
 Чекиниб саҳро-чўлга,
 Увиллаб, карвонларга
 Хужум қиларкан йўлда.
 Шумликни қўймай шамол,
 Одамга бўлиб рақиб,
 Неча-неча асрлар,
 Уни этибди таъқиб.

Яна одамлар аҳил,
 Чўл-саҳро-ла топиб тил,
 Канал-ариқ қазибди,
 Дарахтлар ўтқазибди.
 Девор-дарахтлар ўсар,
 Шамол йўлини тўсар.
 Ахир шамол енгилиб,
 Инсонга эгибди бош.
 «Қилмишларим кечир» —, деб,
 Қилибди анча кўз ёш.
 Энди шамол хизматда,
 Булутни ҳайдаб келар,
 Қақроқ ерни қондириб,
 Экинларни суғориб,
 Юзингни майин силар.
 Гуллар атрин уфуриб,
 Димоқларин чоғлайди...
 Ойқор тоғ ва одамлар
 Ҳали ҳам дўст-оғайни.

Юсуф Хос Ҳожиб

УҚУВ ҚУТ БЕРАДИ, БИЛИМ — ШАРАФ-ШОН

Уқув-идрок, билим ҳақида алоҳида тўхташ жоиз. Уқув-идрок қоронғи тундаги машъалга ўхшайди. Билим эса ўша машъалдан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради.

**Уқув қут беради, билим — шараф-шон.
 Шу икков туфайли улуғдир инсон.**

Бунга ишонмасанг, шубҳа қилсанг, кўзингни катта оч! Ўзингни заковат нури билан ёритиб кўр. Менга донишмандларнинг битта ҳикматли сўзи яхши маълум: билимдон ўз билими туфайли бало-офатлардан омон қолади.

Телба, нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак: аслида уларнинг тирик чоғлари ҳам ўлимдан фарқ қилмайди. Уқувсиз кишининг иши юришмайди.

Ҳурмат кишининг уқув-идрокидан келади. Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг. Буларнинг барини кузат, қара, бил! Шунда уқув-идрокли доно кишиларнинг туб — асли сенга маълум бўлади.

Уқув-идрок кишини покиза қилади. Билим эса юксалтиради. Инсон заминда пайдо бўлган экан, бошқа мавжудотлардан ўз билими билан фарқланади.

Дунёдаги турли-туман санъат, сон-саноқиз ҳунарлар уқув

ва билимга таянгани учун мақталади, тиллардан тилларга кўчиб юради. Уқув-идрокдан озгина улуш олган киши талай наф кўради. Зеҳн солиб қара ва билгинки, қуйидаги тўрт нарсанинг озини ҳам асло оз ҳисоблаб бўлмайди.

Бу тўртнинг бири ўт, бирови — ёғи,
Учинчи — касаллик — умр тупроғи.
Яна бу билимдир уларнинг бири,
Бошингда баланд тут, шу улар сиря.
Билим кимё мисол: у туради жам,
Заковат саройи каби ўзи ҳам.

Билим ипор билан жуда ўхшаш. Уларнинг ҳар иккисини ҳам яширмақ беҳуда. Ипорни яширсанг, ҳиди билдириб қўяди. Билимни яширсанг, тилинг фош этади. Билим аслида битмас-туганмас бойликка ўхшаш. Аммо унинг бошқа бойликлардан туб фарқи бор:

Билим — бойлик ахир, заволдан йироқ,
Уни бўла билмас қароқчи бироқ.

Билим ва заковат кишига қўйилган ўзига хос кишандир. Кишанланган от, одатда ёвуз ва ярамас нарсалардан узоқ бўлади. Шунингдек, суюкли зўр отлар ҳам кўпинча тушовланган бўлади. Суюкли отнинг тушовланишига сабаб — унинг эҳтиётланиши.

Кишанлик қочолмас, керакча юрар,
Тушоқлик кетолмас, тургунча турар.

Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Бунга дилга тугиб олиш лозим. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Билимсизлар-чи?

Билимсизга душман билим, қилиғи,
Етар икковининг шу қилғилиғи.

Шунга ўхшар энди бу туркча мақол,
Ўқигин уни сен, дилу жонга ол:
Ўқувли кишига заковати эш,
Билимсиз кишига мукофот — сўкиш.

Билимлига билим тугал тўн, ош-эй,
Билимсиз қилиғи ёвуз йўлдош-эй!

Эй заковатли инсон! Қаҳру ғазабдан йироқ тур. Эзгу йўлни — билим йўлини танлагин. Агар қаҳру ғазаб ишга тушадиган бўлса, барча тириклигу кечаётган ҳаётнинг бекор.

Ўқинчли бўлади ғазабнинг иши,
Ишида адашар ғазабкор киши.

Йигитга оғарлик ярашади. Қилиғи гузаллик унга чирой.
Унинг чеъл-атвори худди Кун ва Ойдек бошқаларни ўзига
жалб этсин.

Уқувли бўлса, то фарқласа кишин,
Билимли бўлса, то соз этса ишин.

Қобил-ноқобилни кўролса тугал,
Керак-кераксизни билса мукаммал.

Йигит деган ҳар ишнинг уддасидан чиқса. Бутун ишда ўзи-
ни қўлга ола билганлар барча ишларни тўла ва тугал адо
этишади. Билимлиларнинг ишни ҳал этиш усуллари шу. Бун-
дай олам тилагига етади, мақсадига осон эришади.

Ёвуздир кишига бу қаҳру итоб,
Булардан ширин жон чекади азоб.

Донишмандлар кузатиши шундай ҳикматни юзага келтир-
ган: одам қаҳрланса, билимсиз бўлади, жаҳл келса, ақл кетади:

Бу бир қанча нарсa кишига бало,
Буни билиб олсанг, бўлади аъло.

Буларнинг бошида тилнинг ёлғони,
Яна бири — алдов, билиб ол уни.

Яна бир бошқаси май ичса суйиб,
Бўлар иш бўлади, дил қолар куйиб.

Яна бири ортиқ қилиқ, ҳаракат,
Бу ортиқ қилиқдан кетар баракат.

Яна бири яроқсиз ёмон феъл бутун,
У қўзғар кишилар уйида тутун.

Булар гар бирикса бари ўзаро,
Муқаддас саодат кетар аввало.

Фалак боқмас унга — боши айланар,
Бошида тегирмон тоши айланар.

Киши эзгулик қилиши керак. Эзгунинг ҳар бир иши чирой-
ли, ҳар бир қадами гузал. Эзгу асло қаримайди. Ёмон юзга
кирса ҳам эзгу бўлолмайди. Ёши кичик ёмон ўкинч билан қа-
райди. Узун ёшли эзгу эса севинчда юради. Эзгу ҳар куни янги-
дан-янги тилак-мақсадларга эришаверади. Ёмонларнинг эса
қундан-қунга мунг ва алами ортади.

НОН

Нонушта ё тушликка
 Ёзарианмиз дастурхон
 Дастурхонга зеб бериб
 Бўй тарагар кулча нон!
 Ноз-неъматнинг сараси,
 Ва табиат неъматини.
 Бу неъматни яратар
 Олтин қўллар меҳнати.
 Кеч кузакка сочиб дон,
 Қелгунча ёз — саратон,
 Бугдойзорда тер тўкар
 Галлакюр — асл деҳқон.
 Бепоеъ қир-адарда
 Тулиқганда бошоқлар,
 Қомбайнчи амаки
 Уримга ўзга чорлар.

Чаққон, абжир шофёрлар
 Юкчиларни шоширар
 Мўл қўл олтин галламиз
 Омборларга ташилар.
 Тегирмончи акалар
 Маҳтал этмас новвойни,
 Новвой эса ёпади
 Тандир-тандир ширмойни.
 Шу боис ҳар бурдасин
 Табаррук деб биламан.
 Йўл устида учраса,
 Олиб кўзга суртаман —
 Нонкўр экан, демасин
 Йеза қилиб кексалар,
 Эъозласа нонни ким
 Қадри тегдек юксалар.

Сафс Очил

БУРГУТ

(Эртақ-достон)

Тоққа ёндош —
 Ям-яшил қийноқ.
 Унда ҳайт
 Қайноқдир, қайноқ.

Саховатли,
 Манзурдир, манзур.
 Чорва билан
 Оламга машхур.

Мўл-қўлчилик
 Ходдан эиёла.
 Соф ҳавоси
 Танга шафо-да!

Бир томонки,
 Тоққа туташ қир.
 Бир томонки,
 Йилва, даладир.

Сой бўйида,
 Майин майсалар.
 Завақ бағишлар.
 Шивирласалар.

Қачонлардир,
 Ўтган замонда,
 Тоққа туташ
 Ўша томонда.

Қун қурарди
 Ажаб бир йигит.
 Нахлавон, мард,
 Исмоили, Бургут.

* * *

Бургут-синчков,
 Қўзлари ўткир.
 Ҳатто одам
 Хайбани ўкир.

Узи эпчил,
Довруғдор мерган.
Юрт қуриқлаб,
Юргани, юрган.

(Хаммага тенг,
Хаммага одил.
Дилда борин
Айтарди дадил.)

Атрофни у
Кузатар сергак.
Бироқ феъли—
Қўрсроқдир андак.

* * *

Сўлим-сўлим
Эди бу қишлоқ.
Заминдор
Юрар кайф тароқ.

Тўй тўрида
Муйловин бураб,
Қўнглига у
Тушганин сўраб.

Ултирарди,
Мисоли ҳоқон.
Тўкин эди,
Тўкин дастурхон.

Еб-ичарди,
Ҳўкиз сингари.
Хизматдадир
Ешларнинг бари.

Бунда лекин
Кимдир кўринмас.
У ўйлади...
Ўйланди бир пас.

«Бургут йўқ-ку,
Нега келмайди?
Нега менга
Хизмат қилмайди?»

Боққан бўлсам,
Уруғ-аймоғин...
Кўтаради
Нега димоғин?»

Чақиртирди,
Ўйди қовоғин.
Уқала, деб
Чўзди оёғин.

Бургут томон
Барча тикилди.
Ўтирганлар
«Хо-хо»лаб кулди.

Ўнинг ранги
Кетди бўзариб,
Таҳқир қўксин
Борарди ёриб.

Вужудида
Сезди у малол.
Қўлга олди
Ўзини дарҳол.

Одамларга
Термилди ёна.
Бўлиб ўтган,
Ушбу ҳангома.

Тегди Бургут
Иззат-нафсига.
Сўнг ўқрайиб,
Баема-басига,

Шарт бурилиб,
Кетди, еб азоб.
Заминдор-чи,
Қолди дарғазаб...

* * *

Қайси бир кун
Тарқалди миш-миш.
Қишлоққа ёв
Келаётганмиш.

Эл бағрида —
Аянчли пингрёқ.
Заминдорни
Босди қалтироқ.

Хавфсираб у
Могу мулкидан,
Амалию
Узун илгидан.

Буйруқ берди:
«Жарчилар, алҳол,
Ёвқирларим,
Чорлангиз дарҳол.

Содиқ бўлса,
Қим бу масканга,
Тайёрлансин,
Беомон жангга».

Қир устида —
Қирдай бир махлук
Девми деса,
Ўхшамайди, йўқ.

Қўзларидан,
Олов сачратар.
Қараб турсанг,
Қўнгилга ботар.

Оғзи эса
Фордай баҳайбат.
Юрт бошига
Келган касофат.

Елкасида
Ели селкилар.
Бошқача бир
Аждардир, аждар.

Пастда қўйлар,
Ётар қирилиб.
Бургут титраб,
Ғазаби келиб...

* * *

Аждар бирдан,
Бургутни кўриб.
Ўт пуркади,
Бошини кўтариб.

Бургут қалбини,
Қуршаб олди ўч.

Ва чулғади,
Ғаройиб бир куч.

Ташланди сўнг,
Шердай ўкириб.
Аждар пуфлаб,
Ташлади суриб.

Пуфлаши-чи,
Мисоли бўрон.
Силжигани
Бермайди имкон.

Камон тортди,
Қўзлаб кўзини.
Қонга белаб,
Аждар юзини.

Бамисоли
Момақалди роқ.
Гумбирлади,
Даҳшатли ингроқ.

Қаҳри келди,
Тула важоҳат,
Ўрмаларди,
Тезкор касофат.

Бургут ҳидин,
Искаб, оҳ тортиб.
Дуч келганини
Домига тортиб...

Қисирларди,
Бургутнинг тиши,
Олдин ўтган
Мардларнинг иши

Ёдга тушгач,
Севинди ғоят.
Мадад бўлди,
Тенгсиз жасорат!

Қиличнинг
Қиндан суғириб,
Сўнгра бир оз
Энгашиб туриб,

Шундоқ олдиға
Кўндаланг тутди.
Аждар уни
Домига ютди.

Евуз Аждар,
Тани тилиниб,
Қоқ иккига
Қолди бўлиниб...

Бургут бўлиб,
Ишидан шодон,
Терин артиб,
Боқди юрт томон!

* * *

Заминдорнинг
Етти навкари,
Қўрқиб титрар
Симоб сингари.

Аждар ўлди,
Ўлгани аён.
Навкарлар-чи,
Севишти чунон.

Бургут қани?
— Ўлди у нокас.
— Ўлди, ў-л-ди...
Қайта тирилмас.

Бунга чиндан
Ишониб улар.
Қишлоқ сари
Чопиб кетдилар.

Қачон келар,
Дея хушхабар,
Қишлоқ аҳли
Бургутни кутар!

* * *

Етти навкар
Келди юриб ғоз.
Қишлоқ аҳли
Чиқишди пешвоз.

Навкарбоши
Гердайиб туриб,
Сўз бошлади
Томоғин қириб:

— Тепаликда
Аждар ётарди.
У хотиржам
Хуррак отарди:

Босиб бордик,
Сездирмай аста.
Сўнг битказдик,
Қуниб бир пасда.

Бургут асли,
Ўзи қўрқоқ-да.
Қочиб қолди
Бошқа қишлоққа.

Бургут — қочоқ!
Наҳотки?.. Сабаб?..
Кимдир ҳайрон,
Кимдир дарғазаб.

Уша кунни
Қилишди қарор:
«Қайтиб келса,
Ҳайдалсин беор!»

Мол-мулкни
Бўлишиб дарров,
Сўнг уйига
Қўйишди олов...

* * *

Бургут ғамнок,
Йўқ эди мажол.
Тутун ичра
Сурарди хаёл.

Сўзлаб берди
Онаизори
Бўлган гапни
Тутаб оҳ, зори:

— Ҳасадгўй кўп,
Кўпдир бемон.

Юрт ишонар
Уларга ҳамон!

Халойиқ жим...
Бир сўз деёлмас.
Гуё оёқ
Остида чўп, хас.

Бургут ёнди,
Чекиб надомат.
Устун чиқди,
Охир, хиёнат.

Бўхтон ёққач,
Қадри-шаънига,
Бундай ҳаёт
Тегиб жонига,

Чўлга томон
Кетди-ку чолиб..
Сирли бир ўт
Егач у топиб.

Шамшир мисол
Қанот битибди,
Алам билан,
Учиб кетибди.

Лаънат ўқиб,
Елғон турмушга,
Айланиб у
Улкан бир қушга.

Булутларни
Кесиб борарди.

Дарди кўнглин
Эзиб борарди.

Ўз-ўзига
Ненидир сўзлар.
У кимсасиз
Жойларни излар.

Кўринди ҳў,
Юксак қоя ҳам.
Яшайин деб,
Елғиз, хотиржам.

Одамлардан,
Учди у йироқ.
Энди Бургут
Тинмай чекар оҳ!

* * *

Қуйиб қаллоб,
Номард дастидан,
Учиб ўтар,
Қишлоқ устидан.

Дардин ютар,
Асло айтолмас...
Одам бўлиб,
Ортга қайтолмас?!

Томирида
Юрт ишқи оқар.
Қоялардан
Соғиниб боқар!..

Мурод Хидир

БАҲС

Одам Акс-садо билан баҳслашиб қолди:

— Мен — Одамман! — деди Одам.

— Мен — Одамман! — деди Акс-садо.

— Йўқ, сен — Одаммассан! — деди Одам.

— Йўқ, Сен — Одаммассан! — деди Акс-садо.

— Сен — соқовсан! — деди Одам.

— Сен соқовсан — деди Акс-садо.

— Соқов бўлсанг кошкийди!.. Она тилинг йўқ, сен — тўти-сан! — деди Одам.

— Соқов бўлсанг кошкийди!.. Она тилинг йўқ, сен — тўти-сан! — деди Акс-садо.

Одам ўжар Акс-садо қошида бир оз бош қашиб қолди. Қараса, Акс-садо тўтидай шанғиллаб, тарс-тарс жавоб беряпти. Қараса, бу баҳснинг поёни йўқ. Қараса, бу баҳс олис йўлга ўхшайди — қўниб ўтадиган бекати йўқ. Сўнгра Одамнинг хаёлига бир фикр келди-ю, гапга тушиб кетди.

— Мен — Акс-садоман! — деди Одам.

— Мен — Акс-садоман! — деди Акс-садо.

— Мен — Одам эмасман! — деди Одам.

— Мен — Одам эмасман! — деди Акс-садо.

— Мен — соқовман! — деди Одам.

— Мен — соқовман! — деди Акс-садо.

— Соқов бўлсам кошкийди!.. Она тилим йўқ, мен — тўти-ман! — деди Одам.

— Соқов бўлсам кошкийди!.. Она тилим йўқ, мен—тўти-ман! — деди Акс-садо.

Одам ҳийла билан Акс-садони мағлуб қилди ва ғалабасидан қувониб қаҳқаҳа отиб кулди. Акс-садо ҳам қаҳқаҳа отиб кулаётган эди, унинг тик бир қояси нураб тушди. Аламидан кулган экан, шекилли...

Ўша Одам бошқа бир Одам билан аввал роса айтишди, сўнгра сўкишди. Қараса, ҳеч бас келиб бўлмайди. Шу пайт ўша Одамнинг эсига Акс-садони қандай енггани тушди. Дарров ўша ҳийлани ишга солди.

— Мен — аблаҳман! Мен — виждонсизман! Мен — паст-кашман! Мен — итман! Мен — эшакман! Бўлдим энди? — деди рақибига ўша Одам.

Худди мўъжиза юз бергандек ўша Одамнинг рақиб мум тишлаб қолди. Муддаосига етган ўша Одам кураш майдонини ғолибона тарк этди. Мағлуб рақиб эса ер чизиб қолаверди.

Ўша Одам бир куни ўз Виждони билан талашди. Бу баҳсда ҳар ким ўз мантиқида собит турди. Томонлардан ҳеч ким бир қарорга кела олмади. Ниҳоят, Одам ҳийласини учинчи марта қўйлаб кўрди.

— Мен — маслаксизман! Мен — бетайин, ношуд, жоҳил-ман! Ҳей Виждон, эшит: биринчи бўлиб сенга ўзим тупурган-ман! Балки, энди мени тинч қўярсан?!.. — деди ўша Одам.

Виждон сукут сақлади.

Ўша Одам ғолиблик нашидасини татиётганида, ногаҳон юраги бир санчиб олди.

Бу санчиқ — Виждоннинг Акс-садоси эди.

Хайрият!..

АЙЁР ЧУМЧУҚ

Чумчуқ пир этди, учди,
 Қўнди янтоққа.
 Ғарч этди-ю, суқилди,
 Тикан оёққа.
 Чумчуқ йиғлади зор-зор
 Тўкиб ёшини,
 Аламдан ўнг-сўлга
 урди бошини:
 — Вой оёқчам, оёқчам,
 Эшакка айтай,
 Сени олсин оёқдан,
 Тинч уйга қайтай.
 Қўкламда ўтлаган
 Эшак, ҳой эшак!
 Оёғимдан тиканни
 Олиб е, тентак.
 — Чирқиллама! — дер эшак —
 Менинг қорним тўқ
 Ўт турганда тиканга
 Ҳеч иштаҳам йўқ.
 — Яхши эмас... Бўрига
 Айтаман бориб,
 Келиб сени еб қўяр,
 Иккига ёриб.
 Шамолдай тез учадн
 Ўрмонга қараб,
 Бўрига бориб дейди:
 Патларин тараб
 — Бўри, бўри, қулоқ сол,
 Эшак кўп ёмон,
 Уни е, терисига
 Тиқайлик сомон.
 — Зўрлама, чумчуқ ука.
 Мени қилма хор,
 Ейман десам, бу ерда
 Бўрдоқилар бор.
 Чумчуқ яна йўл олди
 Мерганга борди,
 — Бўрини тез отинг! — деб
 Дардини ёрди.
 Мерган деди: — Бу ерлар
 Ғоз — ўрдакка мўл.
 Шунча ўлжа турганда
 Кезмайдурман чўл.
 — Ундай бўлса сичқонга

Бориб айтаман,
 Бор дори-ворингизни
 Ортиб қайтаман.
 Чумчуқ бориб сичқондан
 Ҳол-аҳвол сўрди,
 Сўнгра ўйлаб гапини
 Мақсадга бурди:
 — Мерганнинг додини бер
 Дўстим сичқонжон.
 Уқсиз қолиб йиғласин
 Мерган ютиб қон!
 Сичқон деди: — Қўй мени,
 Айёр чумчуқвой,
 Инимдан чиқолсам
 Аҳволимга вой!
 Чумчуқ деди: — Мушукка
 Айтай, еб қўйсин.
 Қавму-қариндошларинг
 Йиғласин-куйсин.
 Чумчуқ пир этди-учди
 Орқага қайтди,
 Ўз дардини мушукка
 Бирма-бир айтди.
 Мушук мўйлабин бураб
 Кўзини сузди
 Воқеани тинглагач,
 Жинниси қўзиди:
 — Мен меҳрибон Мушукман.
 Отим Митти, миёв!
 Қорним тўқ сичқонларга
 Бор менда аёв!
 Чумчуқ деди: — Ўлиб кет,
 Гапни уқмайсан,
 Тозига чақсам бориб
 Мени сўкмайсан!
 Този, този Мушукнинг
 Адабини бер,
 Даҳшатингдан титрасин
 Қўк... дарахт... уй... ер!
 Този деди: — Чумчуқжон,
 Ҳолдан тойганман,
 Ишга буюра берма,
 Қариб қолганман.
 Чумчуқ деди: — Айтаман
 Ёш болаларга

Қалтаклашар, қоласан
 Зұр балоларга.
 Хой балалар, балалар
 Тозини қувинг,
 У ялқов, у дангаса,
 Қалтакланг, уринг!
 Балалар айтишади:
 — Тентаксан чумчуқ.
 Този бизнинг дўстимиз,
 Урмаймиз... йўқ... йўқ.
 Чумчуқ дейди:— Кампирга
 Бориб чақаман,
 Сиз даккоклар танига
 Олов ёқаман.
 Кампир она, қулоқ сол
 Балаларни қув!
 Улар даккок бўлмасин!
 Сўнгра ғўза чув!
 Кампир деди:— Хой чумчуқ
 Билсанг вақтим йўқ.
 Балаларни қувмайман,
 Қўнглинг бўлсин тўқ!
 — Дод соламан, арзимга —
 Шамол етади.
 Бўрон эсиб, пахтангни
 Олиб кетади.
 Шунда ҳам раҳм этмади
 Чумчуққа ҳеч зот.
 Илож тополмай, охир
 Солди дод-фарёд:
 — Эй шамол, шамол, шамол

Инглайман зор, зор
 Ёмон азобда қолдим,
 Ердэминг даркор.
 Шамол унга жавобан
 Кенг қулоч очди,
 Кампирнинг пахтасини
 Учириб қочди.
 Кампир ҳам балаларни
 Қувлаб қолди.
 Балалар бўлса итни
 Дўппослаб олди.
 Този югуриб кетди
 Мушукни қувиб,
 Мушук сичқонга чопди,
 Терларга увиб.
 Сичқон борди мерганга
 Қўзин олайтириб.
 Мерган отди бўрини
 Урмонга қайтиб.
 Бўри қочиб, бир зумда
 Эшакни топди.
 Алам қилиб, ёлидан
 Бир чимдим қопди.
 Айёр чумчуқ ҳаммага
 Зўр ташвиш солди,—
 Эшак бориб чумчуқдан
 Тиканни олди.
 Кумри кўрпа устида
 Сўйларди эртақ,
 Балалар тинглашарди,
 Уйқулар сийрақ.

Оллоберган Пўлат

РАССОМ

Қояга чиқаётган
 Бузоқ расмини солиб:
 — Ука, маҳоратимни
 Қўрадингми?— деди Толлиб.

— Расм чизишдан аввал,
 Уйлаб кўрмабсиз мундоқ,
 Сал юрса, қоя тугаб,
 Иккилади-ку бузоқ..

МАҚТАНЧОҚ АЙИҚ

Катта ўрмонда
 Яшаркан Айиқ.
 Иш қилмас экан
 Ўзига лойиқ.
 Бир кун келиб
 Маймун ёнига,

Ҳар хил гап билан
 Тегиб жонига
 Дебди:— Биродар,
 Ишларинг хунук!
 Дарахтда мендай
 Юролмайсан тик...

Тингларкан Маймун
Айиқ сүзини,
Синамоқ бўлиб
Унинг ўзини:
— Гапингиз тўғри,—
Дебди,— Полбонжон,
Қўпимиз буни
Билмаймиз ҳамон.
Ҳамма қўшилар
Таклифингизга.

Шоҳда юришни
Ургатинг бизга.
Гердагяннча
Айиқ мақтанчоқ,
Чиқиб ўша чоқ,
Тепада туриб:
— Қаранг!— деганмиш.
Шоҳ синиб кетиб,
Зап панд еганмиш.

Ҳаким Назир

ДАДАМ ҚУРГАН ДЕНГИЗ

(Ҳикоя)

Ойим нуқул менга: «Ҳали гўдаксан, ҳеч нарса билмайсан»,— деяверади.

— Қизиқ-а, қачонгача кичкина бўламан. Учинчи синфга ўтдим-ку. Бултур китоб-дафтарим ярим папка эди, бу йил-чи, бир папка бўлди. Бултур китобин тутилиб ўқирдим. Бу йил дадамга узун-узун хатлар ёзадиган бўлдим.

Ҳа, бизнинг дада анчадан бери қурилишда, катта инженер. Тўғриси, инженер нима иш қилади, ўзим ҳам билмайман. Ойимдан сўрасам, у:

— Дарёни бўғади, сув омбори қуради, — дейди.

— Дарёни қанақа қилиб бўғади? Сув омбори қанақа бўлади? — десам, ойим яна:

— Барибир тушүнмайсан, Қодиржон, ҳали гўдаксан, — дейди.

Дадамнинг ишини бориб кўрай десам, адашиб қоласан, деб юбормайди. Ўзи колхоз сигирхонасида ишлайди. «Биргалашиб бориб келайлик. Бир кунгина сигирларингизга овқат берай»,— десам, «Сигирлар қўлимга ўрганган, бегонага соғдирмайди», — дейди.

Нима қилишимни билмай юрувдим, таътилда ўқитувчи опамиз саёҳатга оборадиган бўлди.

Сув омбори қишлоғимиздан анча узоқда экан. Машина қир ошди, сой ошди, бир вақт бизни дашт ўртасига обориб туширди. Шундоқ қарасак, ҳаммаёқ сув.

Болалар ҳовлиқишиб:

— Денгиз бу! Денгиз, — деб гувирлашиб юборишди.

Ҳа, денгиз жуда катта бўлади, қирғоқлари кўринмайди дейишарди. Бу ҳам шунақа, қирғоқлари осмонга тутшиб кетган. Суви шишадай, лекин дарёга ўхшаб оқмайди, ваҳима билан чайқалади, тоғ-тоғ бўлиб тўлқин уради. Гала-гала қалдирғоч, оқ қушлар кумуш тўлқинларга кўкракларини уриб ўйнашади. Тўлқинлар орқасида, ҳув узоқда бўлса, ҳаворанг кемача сузиб юрибди.

Кейин қидира-қидира дадамни топиб олдик. Дадам мени осмонга иргитиб-иргитиб қўйди. Ўзи росаям офтобда қорайиб, қўллари жуда кучли бўлиб кетибди. У бизнинг қурилишни кўргани келганимиздан хурсанд бўлди.

— Ҳани, бу ёққа жиянлар, бир чеккадан кўрсатаман, — деди. Биз кетидан эргашидик. Аввал, бизни тўғонга олиб чиқди. Бу тўғоннинг ҳамма ёғи бетондан. «Шундоқ маҳкам қилиб ишланганки, минг йилда ҳам бузилмайди»,— деди дадам. Ўзунлигини айтмайсизми — бу бошидан у боши кўринмайди. Баландлиги бўлса бир терак бўйи келади. Дадам ҳикоя қилди.

— Ана шу тўғон филдай узала тушди-ю, ўжар дарёни хиппа бўғди. Шу билан дарёнинг арслондай ҳайқариб-пишқиришлари тўхтади. Атрофда қанча-қанча ерлар сувга зор қовжираб ётарди-ю сувни чиқариб бўлмасди. Энди-чи. Энди дарёнинг бир томчи суви ҳам беҳуда исроф бўлмайди. Уни омборга қамаб олдик. Ёз бўйи далаларга керак бўлганича ўлчаб-ўлчаб чиқарамиз.

Биз «Қандай қилиб», деб анграйиб қолдик.

— Бунинг учун каналлар қурилди. Мана... — деб дадам бизни тўғоннинг орқа тарафига бошлади. Пастликдаги шаршаракни кўрсатди. Шаршарак тўғоннинг тагидаги одам сиғадиган каттакон қувурлардан отилиб тушяпти. Отилиб тушган сув уч ёққа бўлиниб кетяпти. Дадам тушунтирди: — Анави тўғрига келаётган — дарёнинг эски изи. Икки ёққа кетгани — янги каналлар. Буларни яқинда колхозчилар қазинди, ундан сув обориб, янги ерларни суғоришяпти.

— Бизнинг қишлоққа ҳам борадими, амаки? — деб сўрашди болалар. — Ҳа, албатта, — деди дадам, — қишлоғимизга ҳам бу каналдан кўп сув боради. Далалар, кўчалар, уйлардаги ариқлардан шарқираб оқади. Ундан кейин, қарабсизки, пахта-миз ҳам мўл, узум-олмамиз ҳам, қовун-тарвузимиз ҳам сероб-да.

— Балиқ-чи, амаки? — деди балиқни яхши кўрадиган Очил. У шундан-шунга балиқ тутаман деб қармоғини кўтариб келган эди.

— Ҳовузлар қуриб, балиқларни ҳам кўпайтирамиз, — деди дадам. Ҳовуз сўзини эшитиш билан чўмилиш эсимга тушди: «Энди маза. Иссиқ кунда терлаб-пишиб сойга бормаймиз, ойимиздан ҳам гап эшитмаймиз».

Шу кунни дадам бизни ҳўб томоша қилдирди. Дарёдан қумшағал чиқараётган экскаватор, тупроқ сураётган бульдозер, ер текислаётган скрепер машиналарини кўрсатди. Офтобда куйиб, чапга боғиб ишлаётган йигитлар, қизлар билан таништирди.

— Булар Гагарин билан Титовнинг шериклари, қаҳрамонлар, чунки Гагарин билан Титов узоқ осмонни эгаллашди, булар бўлса, ёввойи даштни енгизишти, асов дарёни бўйсундиришяпти.

Биз қурилишда кечгача юриб зерикмадик. Ҳаммадан ҳам қизини қайтишимизда бўлди. Дадам бизни «Бир денгиз сайри қилинглар», деб ҳаворанг кемага туширди. Кема тўлқинда чай-

қалиб-чайқалиб борарди. Рости, аввалига тўлқин мени чўчитди. Лекин сир бой бермадим. Бир-биримизни маҳкам ушлашиб боравердик. Дадамда бўлса, ҳеч қўрқиб йўқ. Уртамизга тушиб, бизни қўшиқ айтишга мажбур қиларди. Ўзимиз зўрға туриб-миз-ку, қўшиқ айтиш қаёқда. Сал ўтиб, тўлқин пасайди. Энди чўчимадик. Қўшиқ ҳам бошланди. Хув нариги қирғоққа яқинлашганимизда, дадам «жим» деди. Жим бўлдик. Яқинимизда балиқлар кони экан. Сув бетида пўкакка ўхшаган нарсалар қалқиб турибди.

— Бу ерларга тўр ташланган. Ҳозир томошани кўрасиз, — деди дадам.

Кема тўхтади. Капитан йигит билан дадам уст кийимларини ечишди-да, лип этиб сувга шўнғиб кетишди. Бир вақт қарасанг денг, тўрларни кемага судраб чиқишди. Э-ҳе, ана балиқлар. Ҳар биттаси ярим қулоч келади. Шошиб қолдик. Ҳаммамиз барабар тўрға ёпишдик. Балиқ жониворлар патир-путир этиб қочмоқчи бўлишади. Биз бўлсак, тутиб олиб, кема тагига бо-саверамиз.

— Ана энди биз қурган денгизнинг балиқларидан ейдиган бўлдингиз — деди дадам.

Қайтаётганимизда тол новдаларига иккитадан балиқни жағдан илди-да, бизга совға қилди.

Келсам, ойим роса хавотир олиб, эшикда ўтирган экан. Ме-ни кўрдию чиройи очилди. Дадамнинг совға-саломини топши-риб, қурилишда кўрганларимни гапирганимда кўнгли жуда кў-тарилиб кетди:

— У-ҳў анча нарсани билиб олибсан-ку, катта йигит бўлиб,— деди.

«Яшавор! Бундан кейин ойим гўдаксан, ҳеч нарсани бил-майсан, демайди. Ҳа, катта йигит бўлиб қолганим ростдир-да...»

Қуддус Муҳаммадий

ЎҚИБ БЕРИШ УЧУН

ҚУШЛАР ҚИШДА ҚАЙДА ҚУНОҚЛАР?

Қўп қушларнинг қишда ётар ини йўқ,
Патдан бошқа кўйлак-костюм, тўни йўқ.
Бир хили очик дарахт шохларида қуноқлар,
Қор-бўронда, сел, ёмғирда қувноқлар —
Совуқ элтиб, музлаб, тўнғиб қолмасми?
Ё уларнинг жони қаттиқ олмосми?
Йўқ қушларнинг хиллари қўп ажойиб,
Иссиқ ёққа кетишар қанот ёйиб,
Қолганлари иссиқ совуқ-муздан қўрқмайди.
Патларига қору ёмғир юқмайди.
Қушчалар ҳам спорт қилар ўйнашиб.

Қарға, зорча қорларға думалашиб,
 Чумчуқлар пир-пир учар диконлаб,
 Бұрондан ҳам құрқишмайди ликонлаб,
 Аммо шуни, болажонлар, унутманг,
 Қор ёққанда қушлар ҳоли бўлар танг.
 Бари шошиб, дон излашиб қолишар,
 Чирқиллашиб учиб-қўниб нолишар.
 Ушанда сиз қушларга ёрдам беринг,
 Увоқ сепинг, уларга инлар қуринг,
 Раҳмат айтиб, чиғиллаб сайраб берар,
 Қанот қоқиб, осмонда ўйнаб берар.
 Бұрондан ҳам құрқишмайди ликонлаб,
 Аммо шуни, болажонлар, унутманг,
 Қор ёққанда қушлар ҳоли бўлар танг.
 Бари шошиб, дон излашиб қолишар,
 Чирқиллашиб учиб-қўниб нолишар.
 Ушанда сиз қушларга ёрдам беринг,
 Увоқ сепинг, уларга инлар қуринг,
 Раҳмат айтиб, чиғиллаб сайраб берар,
 Қанот қоқиб, осмонда ўйнаб берар.

Абдулла Авлоний

САХИЙЛИК

Бир кишининг Саид исмли ўғли бор эди. Отаси ҳар кун мактабда таом олиб емак учун ўн тийин пул берур эди. Бир кун мактабга кетиб бораганда, бир фақир киши йўлуқуб:

— Ўғлим, икки кундан бери очман. Таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чанмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бир оз оқчанг бўлса, берсанг, сазов топурақнинг, — деди.

Саид фақирнинг сўзига тоқатсиз бўлиб, ҳолига раҳми келуб, атоси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир бу ёш Саиднинг қилган шафқату марҳаматига офарин қилуб, йиғлай-йиғлай дуолар қилиб кетди. Саид ул кун ўзи оч қолса ҳам, очлигини ҳеч кимга билдурмай сабру қаноат ила ўткарди. Мактабдан озод бўлуб, отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд бўлуб, дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар кун йигирма тийиндан берурга ваъда қилди. Саодатлик Саид отаси берган йигирма тийиннинг ўн тийинини еб, бешини фақирларга беруб, бешини йиғуб, тездан бой бўлуб кетди.

ОЧКЎЗЛИК

Бир бола кўчада йиғлаб ўлтуруб эди. Ўтуб-кетуб тургон кишилардан бири: «Ўғлим, санга нима бўлди? На учун мунча йиғларсан?» деб сўради. Бола: «Бир тийин оқчам бор эди, йўқо-

тиб қўйдим. Шувнинг учук йиғларман», деди. У кишининг болага раҳми келуб, «Мана, ўғлим, ақчанг йўқолган бўлса, ман санга бошқасини берурман», деб чўнтагидан бир тийин ақча чиқоруб берди. Бола ақчани олуб яна аввалгидан ортуқ йиғламоққа бошлади. Ул киши: «Дахи нимага йиғларсан?» деса, бола: «Оҳ, отажон! Агар ўз ақчам йўқолмаган бўлса эди, ҳозир ақчам икки тийин бўлур эди», деди.

Кўзинг оч бўлмасун, ўғлим кўзинг оч.
Қаноатсиз кишини ухлатуб қоч.

Толиб Йўлдош

ЯХШИ БУЛ ДЕБ

— Яхши бўл,— деб, эркалаб
Ойим мени суярлар.
Шўхлик қилсам, оғриниб,
Ичларидан куярлар.

— Боласан-да,— дейдилар.
Ўзим ўйлаб қоламан.
Айтганларин қилай деб,
Йўлда ўйнаб қоламан.

Бой Мурод Забиб

ҒАЛАТИ УЙИН

Машинам бөр,
Тўрт ғилдирак,
Яна ўзи
Қўп югурак.

Зўр, бақувват
Юк машина.
Тўймайман ҳеч
Мина-мина.

Чиройидан
Дил ёришар.
Қараб турсанг,
Қўз қамашар.

Келиб қўшним
Иванушка,
Деди менга:
— Мана, пушка!

У ўйнайди
«Уруш-уруш».
Мен ўйнайман
«Қуриш-қуриш».

Раззоқ Иброҳим

ЭГИЗАҚЛАР

Заҳро билан ойиси
Қўришарлар қиш ғамини.
Сабзавотдан консерва,
Тайёрлашар тинмайини.

— Зафар!— қичқирди Заҳро,—
Кел, помидор саралаш.
— Майли,— деди у,—
дадамга
Сен ёғочни арралаш.

ОЧ ҚАРГА
(Ўзбек халқ эрпаги)

Қаттакон бир қарга бор экан, у учиб бориб, дарё лабида қўнибди, қараса барра қўзичоқ ўтлаб юрган эмиш.

«Қўзичоқ, қўзичоқ. Мен сени ейман!» — дебди қарга.

— Вой, — дебди қўзичоқ, — мени ейишга ейсану, лекин тумшугинг ҳаром-да. Бор, сувга чайқаб кел!

— Хўп, — дебди қарга.

У дарёга қараб:

— Дарё дарё. Сув бер — тумшугимни чайқайман, кейин барра қўзичоқни мазза қилиб ейман! — дебди.

Дарё сувни пастга тортиб олибди:

— Мендан одамлар сув ичади, сенинг тумшугинг бўлса ҳаром. Бор, кулолдан кўза келтир — сув бераман. Тумшугингни ювиб, барра қўзичоқни мазза қилиб ейсан, — дебди.

Қарга кулол олдида борибди-да:

— Кулол амаки, кулол амаки, беринг кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

Кулол жавоб берибди:

— Тупроғим адо бўлган. Тупроққўрғондан келтир. Яхши кўза ясаб бераман.

Қарга қўрғонга борибди.

— Тупроққўрғон, тупроққўрғон, беринг тупроқ, кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

Тупроқ қўрғон дебди.

— Мен жуда қаттиқман. Анали Олатоғнинг бошида бир кийик бор. Уша кийик шохидан сенга берсин, сен шох билан мени қазиб оласан.

Қарга учиб бориб, Олатоғ бошига қўнипти. Қараса, кийик юрган эмиш.

— Кийикжон, кийикжон... Бергин шох, қазий тупроқ, кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

— Кийик жавоб берибди:

— Берардим-у, лекин шохим бошимга қаттиқ ўрнашган, жоним оғрийди. Пўлатвой аканинг бир тозиси бор, шу тозисини сенга берсин. Този келиб мени қувсин. Мен қочиб бориб, дарахтга шохимни уриб сидириб берай, сен шохни олиб тупроқ қазигин.

Қарга учиб, Пўлатвой аканинг олдида борибди.

— Пўлатвой ака, Пўлатвой ака! Беринг този, қувсин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ. Кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

Пўлат ака жавоб берибди:

— Тозимни қорни оч, кучдан қолиб ётибди. Тош аканинг сигири бор. Тош акага айт, сигирининг сутидан берсин, тозига ичрайлик, овқатланиб олиб, кийикни қувсин.

Қарға Тош аканинг уйига борибди.

— Тош ака, Тош ака! Бернинг сут, ичсин този, қувласин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ, кулол қилсин кўза. Олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

Тош ака айтибди:

— Сигиримнинг қорни оч, даладан бир кўтарим қиёқ олиб келиб бер. Сигирим еб, сут берсин...

— Хўп, — дебди қарға.

Қарға қиёқзор кўлга учиб борибди.

— Қиёқзор, қиёқзор. Бергил қиёқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувласин кийик — ташласин шох. Қазиб тупроқ, кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

Қиёқ айтибди:

— Юлиб олар бўлсанг қўлингни кийиб кетаман. Шаҳар чеккасида уста бор. Айт, яхши ўроқ қилиб берсин.

Қарға ҳаллослаб устанинг олдига борибди.

— Уста амаки, уста амаки. Бернинг ўроқ, ўрай қиёқ, есин сигир, берсин сут. Ичсин този, қувласин кийик — ташласин шох, қазий тупроқ, кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей, — дебди.

Уста айтибди:

— Кўмирим адо бўлган. Алави тоғнинг ён бағрида кўмирчилар ишлаяпти. Кўмирни олиб кел, ўроқ ясаб бераман.

Қарға кўмирчилар олдига учиб борибди.

— Кўмирчи амаки, кўмирчи амаки! Бернинг кўмир, уста яса син ўроқ, ўрай қиёқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувласин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ. Кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, кейин барра қўзини мазза қилиб ей. — дебди.

Кўмирчи қарғанинг олдига бир бўлак катта кўмирни иргитиб юборибди. Қарға кўмирни ола солиб устага элтибди.

Уста қарғага пашшанинг қанотидек юпқа қилиб олмосдан ўроқ ясаб берибди. Уста ўроқни қарғанинг қанотига илиб қўйибди. Қарға талпиниб учган экан, ўроқ ўнг қанотини шартта қирқиб кетибди. Шундан кейин қарға ўроқни чап қанотига илиб олибди. Бир қанотлаб учиб кетаётиб, силкинган экан, ўроқ чап қанотини ҳам шартта қирқиб кетибди. Қарға ўроқни бўйнига осиб олибди. У шоша-пиша ҳақкалаб қиёқзор кўлга қар-б интилган экан — ўроқ унинг бўйинини ҳам шартта узиб юборибди. Қарға йўлда ўлиб қолибди. Буни кўрган қўзичоқ тумшуғини кўтариб, мийиғида кулиб қўйибди.

АРСЛОН БИЛАН ИТ.

Лондондаги ҳайвонот боғида ёввойи ҳайвонларни кўриш ҳақи учун томошабинлардан пул ё бўлмаса ёввойи ҳайвонларга овқатлик учун ит ва мушуклар олар эдилар.

Бир киши ёввойи ҳайвонларни кўргиси келиб, кўчадан бир итчини тутиб олди-да, уни ҳайвонот боғига олиб келди. У кишини томоша қилгани боққа киргизиб юбордилар, итни эса арслоннинг олдига егани ташладилар.

Ит думини қисиб катакнинг бир бурчагига тиқилиб олди. Арслон бўлса, ит олдига келиб, ҳидлаб кўрди.

Ит осмонга қараб ётиб олди-да, панжаларини юқори кўтариб, думини ликиллата бошлади.

Арслон панжаси билан туртиб, итни ағдариб юборди.

Ит сакраб ўрнидан турди-да, арслонга қараб орқа панжасига таяниб ўтириб олди.

Арслон итга қараб калласини у ёқдан бу ёққа чайқар, лекин итга тегмас эди.

Хўжайин арслонга бир парча гўшт ташлади, у гўштниги бир парчасини узиб еб, қолганини итга илинди.

Кечқурун арслон ўхлаганда, ит унга яқин келиб, калласини арслоннинг панжасига қўйиб ётди.

Шундан бошлаб ит билан арслон бир катакда туриша бошлади. Арслон итга сира тегмас, ит билан бирга овқатланар, бирга ўхлар ва баъзи вақтларда у билан ўйнашар ҳам эди.

Бир кун итнинг эгаси ҳайвонот боғига келиб, итнинг таниб қолди. У итнинг эгаси эканлигини айтди ва ҳайвонот боғининг хўжайинидан ўз итини қайтариб беришни сўради. Хўжайин итни қайтариб бермоқчи бўлиб, уйчанинг эшигини очиб, итни чақирди. Шу вақт арслон қаттиқ ўкириб юборди ва итни чиқармади.

Шундай қилиб, арслон билан ит бир йил қафасда яшади. Бир йилдан сўнг ит касал бўлиб, ўлиб қолди. Ит ўлгандан кейин арслон овқат ҳам емай қўйди. У итни ҳидлар ва панжалари билан силар эди.

Арслон итнинг ўлганлигини тушуниганидан сўнг, ўрнидан сакраб турди, думи билан ўзининг икки ёнига уриб, деворларга ташланди ва панжаларни ҳам, полларни ҳам кемира бошлади. 3 кун бўйи қафас панжараларига ўзини уриб йиғлади, сўнгра ўлган итнинг олдига ётиб жим бўлиб қолди. Хўжайин итнинг ўлигини олиб ташламоқчи бўлди. Лекин арслон ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди.

Хўжайин, арслоннинг олдига бошқа бир ит қўйилса, у ўз қайғусини эсдан чиқарар деб ўйлади-да, тирик бир итни қафасга қўйиб юборди. Арслон бу итни шу ондаёқ майда-майда қилиб ташлади. Сўнгра у ўлган итни ўз панжаларни орасига олиб беш кун ётди.

Олтинчи кун эса ўзи ҳам ўлиб қолди.

ТОМЧИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Қишлоқ чеккасида, баланд тепалик устида бир туп Урик ўсар экан. У ҳар йили одамларга кўп-кўп мева бераркан. Аммо атрофида дарахтлар бўлмагани учун жуда зерикаркан. Бир кун эрталаб Урик уйғонса, япроғида бир нарсa ярақ-ярақ қилиб турганмиш.

— Сен қанақа қушсан? — дебди Урик ҳайрон бўлиб.

— Мен қуш эмасман. Мен — Томчиман, — дебди бояги ярақлаб турган нарсa.

— Кел, ўртоқ бўламинз, — дебди Урик.

— Бўпти.

— Аммо кетиб қолмайсан, — дебди Урик. — Бўлмаса қушлардан ҳам ўртоғим кўп-у, ҳаммаси куз келиши билан қочиб кетишади.

— Майли, — дебди Томчи. — Мен энг қийин пайтда сенинг ёнингда бўламан.

Урик жуда суюниб кетибди. Икки ўртоқ кун бўйи маза қилиб ўйнашибди. Лекин Уриkning қувончи узоққа бормабди. Эртасига эрталаб уйғонса, Томчи йўқ эмиш.

«Томчи мени алдабди», — деб ўйлабди Урик хафа бўлиб. Энди шундоқ деб турган экан, биров уни чақирибди.

— Урикжон! Ҳой, Урикжон!

Урик қулоқ солса, товуш осмондан келаётганмиш. Осмонга қараса, дўмбоққина, оппоқ булут сузиб кетаётганмиш.

— Мени ким чақиряпти? — дебди Урик шохларини силкитиб.

— Мен, сенинг дўстингман! — дебди булут борган сайини пастлаб. — Мен — Томчиман.

Урик ҳайрон бўлибди:

— Қандоқ қилиб осмонга чиқиб олдинг?

— Мени оғтоб бобо булутга чиқариб қўйди.

— Мениям опкет, — дебди Урик ҳаваси келиб.

— Йўқ, сен одамларга мева беришинг керак. Қўрқма, мен ҳам яқинда қайтиб келаман.

Томчи шундай дебди-да, булутга миниб, олне-олне-ларга кетиб қолибди. Урик яна зерика бошлабди. «Ўртоғим энди келмайди, деб ўйлабди хафа бўлиб. — Осмонга чиқиб, мени унутиб юборди».

Кунлар борган сайин исиб, Уриkning росаям сув ичкисен келибди. Чанқаганидан япроқлари шалпайиб қолибди. Сув ичай деса, яқин орада биттаям ариқ йўқ эмиш. Охири у шундоқ чанқабдики, ҳушидан кетиб қолибди.

Бир маҳал биров унинг япроқларини силагандек бўлибди. Урик кўзини очиб қараса, япроқ устида Томчи турган эмиш.

— Мен сенга ёрдам берганим келдим, — дебди Томчи. У шунақа кўп ўртоқларини бошлаб келган эканки, Уриkning чанқо-

ги бирпасда босилиб, яйраб яшнаб кетибди. Иккала дўст роса ўйнабдилар.

Қундан-қун, ойдан-ой ўтиб, куз келибди. Ўрикнинг япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолибди. Бу ҳам камлик қилгандек, бирдан изғирип шамол эсибди. Ўрикнинг аъзойи бадани музлай бошлабди.

— Томчи бўлганида ёрдам берарди, — деб ўйлабди Ўрик афсусланиб. Шундоқ дейиши билан осмонда бир вақтлар Томчини кўтариб юргандака булутлар пайдо бўлибди. Булутлар қуюқлашаверибди, қуюқлашаверибди, охири қор ёғиб юборибди. Қор унинг шохларини кўрпадек ўраб олибди.

— Қалай, исиб қолдингми, Ўрикжон?

Ўрик Томчининг товушини дарров танибди. Аммо ўзини кўрмабди.

— Қаердасан, Томчи? — дебди шохларини силкитиб.

— Қоринг ичидаман, — дебди Томчи кулиб, — қарасам, совқотиб қолибсан. Қорни бошлаб келдим.

— Энди кетиб қолмайсан-а? — дебди Ўрик ялиниб.

— Йўқ, баҳоргача сенинг ёнингда қоламан.

Ўшандан бери Ўрик одамларга кўп мевалар берибди. Томчи кўп элларни кезибди. Аммо у қаерда бўлмасин, қийин ва зарур пайтда дўсти — Ўрикнинг ёнига келаркан.

Низомжон Парда

ОЙМОМА

Сен баландда — биз пастда,
Оймомажон, Оймома.
Таллиннамиз ҳавасда
Сенга томон, ҳой Мома.

Жим-жим кўзинг қисасан,
Нурли, сирли қисасан,
Қўйни-қўнжи ғаройиб
Сир, ҳикматга бой, Мома.

Бўталоғим, деб суйиб,
Бизни ухлатиб қўйиб,
Қайга кетиб қоласан,
Юзлари ширмой, Мома.

Эргаш Ендош

ЎЗИШИГА ҚЎЙМАДИМ...

— Қўзичоғим,
Қўзичоғим!
Десам дейди — Ба-ба!
Барра печак тутиб дейман:
— Ёб олақол ма-ма!
Чопиб келиб қўлдан ўтим,
Юлиб ейди карт-карт.

Сўнг чопқиллаб, унга дейман,
— Ета олган мард-мард!
У ўзади, мен қоламан
Кулги бўлиб ўртада.
Ўзиниenga қўймасдим-у,
Оёқлари тўртта-да!

ГУНАФША

Гунафшахон, гунафша,
Гули митти тугмача.
Кўриниши сиёҳранг,
Олиб уни тақмасанг,
Сендан хафа бўлади,

Тақсанг яшнаб туради.
Кўрганмисан баҳорда,
Терганмисан наҳорда?
Сув бўйида очилар,
Ҳиди ҳар ёп сочилар.

БОЙЧЕЧАК

У очилди тоғи чоғида
Эрқа чечак, ой чечак.
Бойчечак деб атадилар,
Гуллар ичра келинчак.

Қараб турсам, у гунафша
Лоладан ҳам сулувроқ.
Баҳор келди, деб чорловчи
Гўёки жажжи қўнғироқ.

ЧУЧМОМА

Авжи баҳор фаслида
Яшнаганда ўнгу сўл,
Яшил адир пастида
Қўриб қолдим новча гул.

Гунафшадек сиёҳранг,
Барги қиёқ, фусункор.
Қўлга олиб ҳидласанг,
Она тунроқ иси бор.

У ҳам кўклам элчиси,
Чаккангга тақ, чаккангга.
Кумуш тоғда очилди,
Чирой қўшиб ўлкамга.

ДАСТЁР ДЕГАНИ НИМА?

Савол берар Наима:
— Дастёр дегани нима?
Сўзни йиғиб фикримга,
Уқдираман синглимга:
— Уй ишига ярашган,

Ойисига қарашган,
Укасини овутган,
Режа билан иш тутган
Ақлли қиз, лобар қиз—
Дейилади дастёр қиз.

Уйғун

ҚОРБОБО

Қишининг совуқ кунлари эди,
Уйнар эди тишда изғирини.
Иссиқ уйдан эшикка чиқиб,
Билгим келди совуқнинг сирини.

Онам деди: — Дарсингин ўқи!
Эшик совуқ, чиқмагил зинҳор!
Упамасдан чиқиб кетдим мен,
Ғичирларди босганимда қор.

Аммо тездан қулоқ, бурнимни
Кимдир биров чимчилаб олди.
Қўзларимдан ёш чиқиб, юзим,
Қулоқ, бурним ачишиб қолди.

Қўп ҳам ўтмай қундуз елкамга
Оппоқ бўлиб ўрнашди қиров.
Юзларимга, бармоқларимга,
Гўё игна санчарди биров.

Чндамасдан оғриққа шунда,
Қочиб кирдим уйга қалтираб.
Кипригимда икки томчи ёш,
Турар эди роса ялтираб.

Дедим: — Биров кўринмай келиб,
Мени тоза азобга қўйди.
Игна санчиб бармоқларимга,
Юзларимни чимчилаб ўйди.

Дедим: — Она, сиздан сўрайман
Огоҳ қилинг мени бу сирдан.
Шунда менинг ҳолимга қараб,
Онам кулиб юборди бирдан.

Сўнгра деди: — у Қорбобо-ку.
Дуч келгансан эшикда унга.
У айланиб юради ҳар кун,
Тартиб бериб аёзли Тунга.

«Дарс тайёрла, эшикка чиқма!» —
Дедим қулоқ солмадинг менга.
Шунинг учун бизнинг Қорбобо,
Яхши жазо берибди сенга.

Шунда тинглаб онамнинг сўзин:
Дарс тайёрлаб ўтирдим уйда.
Китобимдан ажрай олмайин
Ўтирибман анча шу кўйда.

Бир чоқ бундай кўзимни юсам,
Дераза оқ бўлиб қолибди.
Кимдир биров билдирмай келиб,
Қўп ажойиб гуллар солибди.

Хурсанд бўлиб дедим: — Онажон,
Ким гул солди деразамизга?
Қайси рассом бу кумуш чаман,
Бу санъатни қолдирди бизга?

Онам деди: — Дарсингни ўқиб,
Қулоқ солдинг сўзимга буткул.
Шу сабабдан Қорбобо сендан
Хурсанд бўлиб, солиб кетди гул.

АҚЛ ВА БОЙЛИК

(Ўзбек халқ эртаги)

Бир чолнинг тўрт ўғли бор экан. Бир кун чол:

— Ўғилларим, мен қариб-қартайиб қолдим, — дебди, —
ораңгиздан биттаңгиз онла бошлиғи бўлиши керак. Ким ақлли
ва давлатманд бўлса, у менга меросхўр бўлади. Ҳар қайсингиз
менга ақлли ва давлатли эканлигингизни кўрсатинг.

Энг катта ўғли зумрад кўзли олтин узук таққан қўлини уза-
тиб дебди:

— Мана бойлигим, бой одамда ақл ҳам бўлади.

Иккинчи ўғил зарбоф чопонини кийиб кўрсатибди:

— Шу пайтда мени кўрган киши бойлигимга ва ақлимга
қойил бўлади, — дебди.

Учинчи ўғли кумуш ва жавоҳирлар қадалган камарини бе-
лига боғлаб дебди:

— Ҳеч ким умрида бундай камарни кўрган эмас.

Чол бошини чайқаб, катта ўғилларига бир нима демабди.
Кенжа ўғлига қараб:

— Нега сен индамайсан? Сен қайси бойлигинг билан мақ-
танасан? — дебди.

Менда зумрад кўзли узук ҳам йўқ, зарбоф чопон ҳам йўқ,
қимматбаҳо камар ҳам. Лекин меҳнаткаш қўлим бор, ботир
юрагим, ақлли бошим бор, — дебди.

Кенжа ўғлининг жавоби чолга ёқибди, бор-йўғини унга ме-
рос қолдирадиган бўлибди. Катта ўғилларига унинг сўзидан
чиқмасликни тайинлабди.

ЕДЛАТИШ УЧУН

Чўлпон

ҚУҚЛАМДАН ХАБАР

Бақа сайраса,

«Ваққа-қо» деса.

«Қўклам қўзғалди!»

Деб хабар берса,

Мунда ҳам кўнглим анча яйрайдир!

На учун япроқ, чойшаб ёймайдир —

Танларига қон

Тўлиб қолса ҳам,

Қўкрагига жон

Кириб қолса ҳам?
Эй, гўзал кўклам,
Судралма сен ҳам!
Югуриб, елиб,
Тез дарак келиб,
Упиб ол барғни,
У эринчакни,
Очсин кўзини,
Алвон юзини!

Абдулла Орипов

ГИЕҲ

Улуғзор бир қудрат билан
Чайқалди чўнг денгиз.
Қанча оғир харсанг тошлар
Тубда унга чўккан тиз.

Аммо мўъжаз, нозик гиёҳ
Уша тубсиз ўлкада
Кўкка ўсар, ҳа, денгизни
Қўтарганча елкада!

Сафо Очил

ЛАЙЛАҚ КЕЛСА...

Лайлақ келса...
Ез бўлади.
Чўмилишга
Соз бўлади.
Лайлақларга
Минг-минг раҳмат.
Уларга тош
Отма Аҳмад.

Сен тош отсанг,
Мен тош отсам,
У тош отса,
Келмас лайлақ.
У келмаса
Келмайди ёз.
Ез келмаса,
Сира бўлмас
Умримиз соти

Ёдгор Обидов

ҚАРҒА

— Қарға! Қарға!
— Қоғ, қоғ, қоғ.
— Қўнглинг нега
Чоғ, чоғ, чоғ!
— Қор ёғмоқда
Қор, қор, қор!
Унга кўпдан
Эдим зор.

Қор кўп ёғса укажон,
Ёзда яшнар экинзор.
Пахта, буғдой мўл бўлар,
Омборлар донга тўлар.
Мўл бўлиб олма, ёнғоқ,
Ука, шундан қўнглим чоғ.
Мен сайрайман
Қоғ-қоғ-қоғ.

АЙИҒИМ

Айиғим бор қўнғир тус,
Алпон-талпон юради.
Дарахларни оралаб
Баъзан ҳидлаб кўради.

Боларилар таласа,
Ишга солар панжасини.
Ерга ётиб, думалаб
Ўлдиради анчасини.

Қайда ковак бор-бўлса
Титкилайди қўймайди.
Очофатдай ёпишиб,
Асал ейди, тўймайди.

Ҳай-ҳайлайман шунда мен,
Чақирганча ёнимга.
Боларига тегма, деб
Шерик қилғум понимга.

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Ҳали Вали, Соли шолӣ ўрди.

Тўти тутган тўртта тўти тўрда турибди.

Ойдин ойдинда ойисидан олдин борди.

Турди тунда ўнта тўнка тўплади.

Норнинг нордон авори нарида.

Қирговул қирёқдамас қиргоқда.

Мавлуда ҳовлида,
Синглиси Мавжуда қўлида.

Тоғам тоғда бир тоғора тоғолча,
Тағин бир тоғорача олча терди.

Сеқин қуритган қоқин қоқ қуруқ қоқин.

Тўти тўрда тўртта тўти тутибди.

Сабиҳа, Соҳиба, Забиҳа
Саҳифави синчиклаб ўқиди.

Тўп-тўп кўк копток,
Ҳар тўп кўк коптокда,
Биттадан катта кўк копток.

Қувондиқининг қовун қоқиси
Қовунчидан.

Машхура мошхўрдани,
Маъсуда мошуврани,
Шура шўрванн шошиб шимирди.

Чумчуқ чуғурчуқни чўқимаса,
Чуғурчуқ чумчуқни чўқимайди.

Олма шохида олмахон,
Олмахонни олма Олмахон.

Олтин олмай, олқинш олган
одам — одам.

Ўткир ўткир ўроқда ўт ўргил.

Оқил оқ олма олди,
Оқ олмани Оқил олди.

Хумсонлик рассом Асом,
Исомнинг расмини солди.

Толиб тоғанинг тоғолчали
тоғорачаси тоғда турибди.

Эркин эртаги экин экишни
эртага эрталаб эплайди.

Ниёз ниёз арчди,
Фаёз ниёз артди.
Ниёздан Ниёзнинг кўзи
ачидими, Фаёзними?

Совуқда товуққа товоқда
бедроқ сочдим.

Бедарак бедана бедада
бедор бўлди.

Турсунда тўртта тўр қоп,
Унсинда битта қўлқоп бор.

Тожининг тождор хўрози
гултожихўроз тагида.

Жажжи жиблажибон жажжи
жу́жа билан жу́ра,
Жажжи жу́жа жиблажибон
билан жу́ра.

ТОПИШМОҚЛАР

Гули тўртта ярим ой.
Бошгинамдан олар жоё.
(*душман*)

Кичкина декча,
Ичи тўла михча.
(*анор*)

Қиздирсанг ишлар
Кийим текислар.
(*дазмол*)

Қордай оппоқ,
Қордай юмшоқ.
(*пахта*)

Бирлаштириб кийимни,
Иссиқ тутадн сизни.
(*тузма*)

Ўзим силлиқ таёқман,
Кексаларга ёқаман.
(*ҳасса*)

Тунда кўриб чўғ дейсан,
Тонгда кўриб йўқ дейсан.
(*юлдуз*)

Танга-танга тўни бор
Миттигина кўзи бор,
Юрса сувлар жимирлар,
Қамишлар ҳам қимирлар.
(*балиқ*)

Бўлар сариқ ё қизил,
Ер тагида етилар.
Тупида якка ҳосил,
Сочи яшил селкиллар.
(*сабзи*)

Биздан донм нон кутиб,
Оғзин очиб туради.
Сават-сават нон тутсак,
У пишириб беради.
(*тандир*)

Вужудимда юради,
«Дук-дук!» уриб туради.
(*юрак*)

Күкка чиқиб олов-шар,
Бизга зиё улашар.

(*қуёш*)

Дам олади кундузи,
Хонадоннинг юлдузи.

(*электр чироғи*)

Улгудайин айёрман,
Ўрмон ичра сайёрман.
Думим супургисифат,
На дўстим бор, на улфат.
Мени қилмай кўп кулги,
Номим тўғри айт —...

(*тулки*)

Мазаси қаймоқ каби,
Эрийди сарёғ каби.
Ёзда роса егансиз,
«Оҳ, оҳ, маза» — дегансиз.

(*музқаймоқ*)

III ЧОРАК

ХИҚОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН

УЧ ОҒА-ИНИ БОТИРЛАР

(Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир киши бўлган экан. Унинг учта ўғли бор экан, учови ҳам ўқиган, оқ-қорани таниган, юзлари ойдаи, ўзлари тойдай, ёмон билан юрмаган, ёмон жойда турмаган экан. Тўнғичи — ўн саккиз ёшда, кенжаси — ўн олти ёшда экан.

Отаси бир куни буларни олдига чақириб, ҳар бирининг пешанасидан силаб, бундай дебди:

— Ўғилларим, мен бой эмасман, мендан қолган нарсалар сизнинг турмушингиз учун етмайдн, энди мендан бирор нима умид қилиб ўтирманглар. Ўлганимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар, деб сизларни ўқитдим, боқдим-кўрдим, вояга етказдим, қувватли бўлдингизлар, яроқ ушлашни ўргатдим, яроқ ишлатишга уста бўлдинглар. Яна уч нарсани айтаман, қулоқларингга олиб, эсларингдан чиқарманглар: тўғри бўлинг — бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг—уятга қолмайсиз. Дангаса бўлманг — бахтсиз бўлмайсиз. Бундан бошқасини энди ўзингиз билинг, қора тойни, саман тойни, кўк тойни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим. Хуржунларингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим. Бахтингиз йўлда, уни топиб олмоқ учун сафарга чиқинглар, дунёни ганимай, дунё кишини бўлмайсиз. Бахт қушини ушламоқ учун бахт овига чиқинглар. Хайр энди, ўғилларим, — деб сўзини тамом қилибди.

Ўғиллари суюнишиб, сафарга тайёрланибдилар, эрта саҳарда отланишиб, йўлга чиқибдилар. Уч оға-ини бутун кун бўйи юриб, жуда узоқ кетибдилар. Қош қорайган пайтда бир манзилга етибдилар. Кечаси йўл юрмоқни эп кўрмай, шу жойда ётмоқни маъқул топиб, отларидан тушибдилар ва овқатдан сўнг бир оз дам олишгач, ётиш олдидан ўзаро шу маслаҳатга келибдилар: «Бу жой тўқайзор экан, биз анча йўл босиб келганмиз, чарчаб ухлаб қолсак, яхши бўлмас, кечани уч бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлагида галма-гал пойлоқчилик қилайлик».

Тўнғич ботир биричи навбатни олибди. Иккала укаси уйқуга кетибди. Чироқ липиллаб ёниб турар экан. У қўлидаги яроғини ўйнаб, атрофга кўз югуртириб аллавақтгача ўтирибди. Ҳаммаёқ жимлик, «Так» этган товуш йўқ. Ҳамма нарса уйқуда. Кечаси ойдин экан. Бир вақт тўқайдан чиқиб келаётган бир нарсанинг шарпасини сезибди. Пойлоқчи ҳеч қўрқмабди, яроғини чиқариб, тайёр турибди.

Булар тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг ма-

кони бор экан. Булардан бошқа ҳеч ким бу жойга тушмас, ҳатто бошқа ҳайвонлар ҳам бу жойга келгани қўрқар экан. Шер буларнинг ҳидини билиб, емоқ учун аста-секин яқинлашиб келаверибди. Тўнғич ботир шерни ўлдиришига ишонса ҳам, «укаларим безовта бўлмасин», деб тўқайнинг бир томонига қараб қочибди. Шер уни қувибди. Тўнғич ботир ўзини панага олиб, шернинг орқа оёғига қилич билан уриб, уни ярадор қилибди. Шер ботирга сапчибди. Ботир чап берибди. Қулай фурсатдан фойдаланиб, шернинг олдинги ўнг оёғига урибди. Шер бор кучини тўплаб, ботирга човут солибди. Ботир яна чап бериб, шернинг бўйнига қилич солибди, шер йиқилибди. Яна бир зарб билан шерни ўлдирибди. Кейин шернинг устига миниб, терисидан бир тасма қилиб олибди. Белига тасмани маҳкам боғлаб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай, яна укаларининг ёнига келиб ўтирибди.

Пойлоқчилик навбати энди ўртанча ботирга келибди. Унинг навбатида ҳеч қандай ҳодиса бўлмабди. Охирида, учинчи ботир турибди, тонг отгунча пойлоқчилик қилибди, ҳеч нарса кўрмабди. Биринчи кеча шу билан тугабди. Эрталаб яна йўлга тушибдилар. Кечгача йўл юрибдилар, бир тоғнинг этагига келиб тушибдилар, тоғнинг чап томони кенг қўриқ экан. Бақатеракнинг тагида бир булоқ, унинг олдида бир супа, тоғ тагида гор бўлиб, унда илонларнинг подшоси — аждар султон ёлғиз яшар экан.

Ботирлар шу ерга тушибдилар. Отларини ўтга қўйиб, ўзлари ҳалғи супада дам олибдилар. Овқатларини еб бўлишгач, аввалгидай пойлоқчилик навбати тўнғич ботирга берилибди, ундан кейин гал ўртанча ботирга келибди. Бу кеча оёқдин, атроф жимжит экан. Бир вақт ҳалиги гордан қўрқинчли бир овоз эшитилибди. Ўртанча ботир қўрқмабди, жим тураверибди. Фақат акаси билан укасининг безовга бўлишларидан ташвишланибди. Кўп вақт ўтмабди. Гор ичидан боши хумдай, ўзи харидай нарса ўрмалаб, булар сари келаверибди. Ўртанча ботир супадан тушиб, булоқнинг нариги томонига қараб қочибди. Одам борини билиб чиққан аждар, ўртанча ботирга қараб югурибди. Ботир чап берибди ва аждар султоннинг думига қилич билан уриб, уни яралабди. Аждар султон гангираб қолибди. Ботир яна ўзини чоғлаб туриб, аждарнинг белига қилич солган экан, у қаттиқ яраланиб, ҳансираб қолибди; ботир уни нимта-нимта қилиб, ишини тугатибди. Терисидан бир тасма олиб, ичидан белига боғлаб олибди. Ҳеч нарса кўрмагандай, яна супага бориб ўтирибди.

Учинчи навбат кенжа ботирга келибди. Ўртанча акаси уйқуга кетибди. Тонг отибди. Уйғонибдилар. Улар яна отланиб йўлга тушибдилар, бугун ҳам кечгача йўл юрибдилар: тоғлар, чўллар, даштлардан ўтиб, қош қорайганда бир тепаликка етибдилар. Бу кечани шунда ўтказмоқчи бўлиб, отларидан тушиб, тепаликда дам олиб ўтирибдилар. Овқат қилишиб еб, ётарда яна пойлоқчилик навбати аввал тўнғич ботирга, ундан сўнг ўртанча ботирга, энг кейин кенжа ботирга етибди. Ботирча тепаликда

акаларишн ухлатиб, пойлаб ўтирар экан, бирдан шамол туриб, чироқни ўчириб қўйибди. Акаларининг қоронғида ухлаши унга оғир туюлибди. Шу сабабли чироқ ахтариб, бир баланд тепага чиқиб ҳар томонга кўз ташлаган экан, кунботар томондан орасира учқун кўриниб қолибди. Чироқни ёндириб келмоқ учун отга миниб учқун чиққан томонга қараб кетибди. Юриб-юриб чўл ўртасидаги бир қўрғонга етибди. Отдан тушиб, қўрғон тагига келибди. Қўрғон етти пахса девор билан ўралган экан, бир томонида эшик ўрни бор экан. Кенжа ботир ташқарига отини боғлаб, секин ичкарига кирибди. Қўрғон ичкарисида бир чеккада дарчалари берк бўлган ўн бир ёғочлик уй бор экан, лекин эшиклари очик экан. Оёқ учи билан секин-секин бориб, дарчанинг тирқишидан мўралабди. Уй ўртасида катта ўчоқ: қозонда шўрва қайнаб турибди. Тутундан қорайиб кетган уйда йигирматача одам ўтирибди. Деворларда яроғ-аслаҳалар осибди. Ўтирганларнинг бурунлари тапқайган, кўзлари чақчайган, кўнгиллари қора, юзлари ола, ўйлаганлари ёмонлик экан.

Хуллас, булар талончи ўғрилар экан, бу жой шуларнинг макони экан. Кенжа ботир ўзига ўзи айтибди: — «Буларни шундайлигича тапилаб кетаверсам, йигитликдан бўлмайди. Қандай бўлса ҳам, бир йўл билан буларни тамом қириб битирмоқ керак. Бунинг учун бир хийла ишлатиб, буларга қўшилиб олай, пайтини топиб, ишимни бажарай», — дебди. Орқасига қараб бир неча қадам юриб, кейин чопиб келибди. Оёқ товушини эшитган ўғрилар яроғларини қўлларига олиб, шайлана бошлабдилар. Шу орада кенжа ботир эшикдан ичкарига кириб келибди. Салом бериб ҳаммаси билан сўрашиб, тиз чўкиб ўтирибди ва ўғри бошига таъзим қилиб, дебди:

— Эй бегим, мен фалон шаҳардан бўламан, ёшлигимдан бери ҳеч бир устоз кўрмай, ўзимча чакана ўғрилиқ қилиб юрар эдим. Кўп тажриба кўрганман, дурустроқ бир иш қилмоққа бир ўзим ёлғизлик қилганимдан, бир тўпга қўшилмоқ орзусида юрардим. Жанобларингизни бунда деб эшитдим, кеча-кундуз йўл юриб, мана энди хизматингизга етиб келдим. Умидим шуки, мени ёш деб қайтармай, тўпингизга олиб, билмаган нарсаларини ўргатсангиз. Кўп нарсалардан хабарим бор, айниқса лаҳим кавламоққа, олдин тушиб хабар олиб чиқмоққа устаман.

Ўғрилар бошлиғи дебди:

— Жуда соз, бизга ҳам бир шундай ёш ўғри зарур эди. Яхши келибсан, бизга қўшилдинг. Муродингга етдинг, ўғрича. Кенжа ботир ўрнidan туриб, қулук қилибди.

Шўрвани келтирибдилар, ичиб бўлибдилар, бугун ўғрилар подшо хазинасини урмоқ мақсадида шу ерга тўпланишган экан. Маслаҳатлашиб отланибдилар. Ўғрилар ўрданинг орқа томонидаги боғчага келибдилар, отдан тушиб, ўрдага қандай қилиб кириш тўғрисида маслаҳат қилишиб, олдин «ўғричани» девордан оёшириб туширишга, ҳамма ухлаган бўлса, девордан бирик-кетни ошиб тушиб, ичкарига тўпланишга жазм қилибдилар.

Сўнгра кенжа ботирга: «Сен кириб аҳволни билиб чиқ, сўнг девор тепасида хабардор бўлиб тур!» — дебдилар.

Ўғрилар кенжа ботирни деворга чиқарибдилар. У бир илож қилиб пастга ҳам тушиб олибди. Бир оз у ёқ-бу ёққа қараб, хабар олган бўлибди. Сўнгра бир аравани секин девор тагига келтириб қўйибди. Араванинг устига чиқиб, бошини девордан чиқариб, ўғриларга қараб: «Ўрдада ҳамма ухлаган экан, қулай пайт», — дебди. Ўғри боши ўғриларга: «Бирин-кетин девордан ошилсин, овоз чиқарилмасин» — дебди. Биринчи ўғри девордан аравага тушмоқ учун қорнини пахсага қўйиб, пастга энгашган экан, кенжа ботир қилич билан ўғрининг калласини узибди. Кейин бошқа ўғриларга: «Тушилсин!» — дебди. Тушганининг калласини узаверибди. Хуллас, ҳамма ўғрининг калласини узиб битирибди... Кейин қиличининг артиб, қинига солиб ўрда ичига кирибди. Арkning дарвозасига келиб қараса, дарвозабон ухлаб ётган экан. Секингина унинг олдидан ўтиб, дарвозани очибди, яна ичкарига кирибди. Бир катта ўрта сарой, унинг уч томонида учта эшик, тўғридаги эшик олдида посбон ухлаб ётган экан. Кенжа ботир жуда усталик билан посбон қўлидаги калитни олибди. Уни қулфга солиб, овоз чиқармайгина очибди. Ундан ҳам ичкарига — бир ўрта саройга кирибди. Унда яна учта эшик бор экан, бу бўлмада ўнта чиройли чўри қиз пойлоқчи экан-у, ҳаммаси ҳам ухлаб қолган экан. Кенжа ботир чунон усталик билан улар олдидан ўтибдики, ҳеч бири ҳам уйғонмабди. Биринчи эшикдан бир бўлмага кирибди, унинг деворлари духобаю шохилар билан безатилган, қип-қизил гуллар қўйилган, ипакдан тикилган ҳар хил уй буюмлари қўп экан. Чўри қизларининг ўртасида, кумуш сўрида бир қиз ухлаб ётган экан.

Кенжа ботир секин-секин келиб уни томоша қилибди ва унинг ўнг қўлидаги тилла узугини чиқариб олиб, чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб яна ўша ўрта саройдан келиб чиқибди. «Энди иккинчи уйни кўрай-чи, нима сирлар бор экан?» — деб иккинчи бўлмага кирибди. Бунда ҳам уй эгасига яраша ипаклар билан безатилган. Кумуш сўрида, ўнта чўри қиз ўртасида бир қиз ухлаб ётибди. Кенжа ботир унинг қўлидан секингина билагузугини олиб чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна олдинги ўрта саройга келибди.

«Энди учинчи бўлмага кирмоқ лозим», деб сўл томондаги бўлманинг эшигини очиб ичкари кирган экан, ҳаммасидан ҳам зиёда чиройли буюмлар кўрибди. Девор қип-қизил ипак моллар билан ясатилган, ипак гиламлар устига ипак кўрпачалар солинган, чўри қизлар ўртасида, кумуш сўрида бир қиз ухлаб ётар экан. Кенжа ботир унинг ўнг қулоғидан секингина тилла нисирғасини чиқариб олиб, чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб яна ўша ўрта саройга келибди.

Кенжа ботир қайси йўл билан келган бўлса, ўша йўл билан дарвоза олдига борибди. Дарвозабон уйқусидан уйғонмаган экан. Дарвозани қулфлаб, калитни яна дарвозабоннинг қўлига

тутқазиб, ўтиб кетибди. Кенжа ботир ҳалиги пахса девордан ошиб, боғчага тушибди, чироғини ёндириб, отига миниб, акаларининг ёнига келибди. Акалари ҳали уйқудан уйғонишмаган эканлар. Чироқни ўз жойига қўйиб, қамчисини уйнаб ўтираверибди. Тонг отибди. Ҳаммалари уйқудан туришиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашибдилар. Кенжа ботир:

«Тинчлик, ҳеч нарса бўлгани йўқ», — деб жавоб берибди.

Улар овқатларини еб бўлиб, отларига миниб, йўлга чиқибдилар ва бир оздан кейин шаҳарга кириб келибдилар. Бир қарвонсаройга тушиб, дам олиб ўтиришган экан, шаҳарда ўрда ҳангомаси ешитила бошлабди. Шу вақтда жарчи чақириб ҳаммани воқеадан хабардор қилмоқда экан:

«Бугун кечаси номаълум одам ўрданинг боғчасида йигирма кишининг бошини кесиб кетган, саройнинг энг хилват жойларидан бир донадан тилла безаклар йўқолган. Бу сирли воқеага сабабчи бўлган ботирнинг ким эканлигини подшоҳимиз билмоқчи. Шаҳардаги ботирлар ўрдага борсинлар ва кимнинг ҳовлисида четдан келган мусофирлар бўлса, дарҳол ўрдага олиб борилсин!».

Қарвонсарой эгаси бу ботирларга ўрдага боришни таклиф қилибди.

Булар пиёда секин-секин ўрдага борибдилар. Подшо уларнинг мусофир эканлигини билиб, алоҳида бир хона тайин қилибди. Хона ичи ясоғлиқ экан. Бошқа мусофир бўлмаганидан, подшо улардан сир олмоқни вазирга топширибди. Вазир айтибди:

«Булардан тўғридан-тўғри сўрасак, айтмаслар, ўз ҳолларига қўйиб, ташқаридан қулоқ солиб турайлик, нима десалар, сўзларидан сирни топамиз».

Хонада булардан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Бир вақт дастурхон ёзилибди, хилма-хил ноз-неъматлар келтириб қўйилибди. Иккинчи бир хонанинг туйнугидан подшо қулоқ солиб турибдилар. Бир оздан кейин уч оғанини боғирлар ўзаро гаплаша бошлабдилар. Тўнғич ботир дастурхондаги овқатни кўрсатиб дебди:

— Шу гўшт қўзи гўшти экан, бироқ шу қўзи ит эмиб катта бўлган экан.

Ўртанча ботир айтибди:

— Тўғри айтасиз, подшо деган махлук ит гўштидан ҳам қайтмайди. Саралаб ёмоқ фақирнинг иши. Мен ҳам бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман: ана шу шиннидан одам иси келади.

Кенжа ботир айтибди:

— Подшолик қонхўрлик демақдир. Қон қўшилган бўлса бордир. Лекин ёмоннинг қони бўлса-ку майли, аммо бегуноҳнинг қони қўшилган бўлмасин. Мен ҳам бир нарсани айтай: шу нонни тахлаган кишининг отаси новвой экан, тахлови шуни билдиради.

— Тўғри, — дебди тўнғич ботир.

— Подшо бизни бу ерга ўрда воқеаси билан чақирган. Бал-

ки биздан сўроқ сўрар, нима деб жавоб берамиз? — деб укаларидан сўрабди.

— Албатта, ёлгон сўзламаймиз, — дебди ўртанча ботир.

— Бу воқеага аралашган бўлсак, айтмоғимиз керак.

— Уч кунлик йўлда нималарни кўрган бўлсак, ҳаммасини ўртага ташлаш керак, — дебди кенжа ботир.

Тўнғич ботир биринчи кечада шер билан олишганини айтиб, белидаги тасмани ўртага қўйибди. Ўртанча ботир пикникчи кечадаги воқеани айтиб нишона учун олинган тасмани ўртага қўйибди. Кенжа ботир учинчи кечадаги воқеани айтиб, чўнтагидаги нарсаларни чиқариб ўртага ташлабди.

Подшо билан вазир сирдан хабардор бўлибди. Фақат гўшт, шинни, нон тўғрисидаги гапларни аниқламоқчи бўлиб чўпонни чақиртиришибди.

— Тўғрисини айт, — дебди подшо чўпонга.

— Кеча юборган қўзининг онаси итмиди?

— Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айтайин.

— Ўтдим, тўғрисини сўйла.

— Қиш кунлари бир қўй қўзилаб, онаси ўлиб, ўзи қолди, шу вақтда бир катта итим туққан эди. Қўзичоққа раҳмим келди. Етим қўзини оч қолдиргим келмади. Ночор қўзини ўша итга эмиздириб катта қилдим. Бошқа қўзи қолмагани учун, ўшани юборган эдим.

Кейин подшо боғбонни чақиртирибди, унга қараб:

— Тўғрисини айт, шиннига одам қони қўшилганмиди? — дебди.

— Подшоҳим, — дебди боғбон, — бир қошиқ қонимдан ўтсангиз айтайин.

— Айт, ўтдим.

— Бултур ёз, — деб сўз бошлабди боғбон, — боғдаги узумзорга ҳар кеча бир одам ўғриликка келиб, сизга олиб қўйилган энг яхши узумлардан ўғирлаб кетаверди. Бир кун: «Агар ўғри қўлимга тушса, уни ўлдириб, шу ток тагига кўмай», — деб аҳд қилдим. Бир кеча пойлаб ётдим. Яна келди. Тўқмоқ билан бошига урдим, боши пачақ-пачақ бўлиб кетди. Бунга ҳеч ким билгани йўқ. Шу ток тагига чуқур кавлаб уни кўмдим, ток кучайиб, бир йил чунон узум қилдики, баргидан ҳам ҳосили кўп бўлди. Лекин мазаси бир оз бошқача бўлиб қолди. Мен шу узумдан сизга юбормай, ҳаммасини шинни қилган эдим.

Нонни подшо саройидаги бир хизматкор тахлаган эди. Ҳақнақатан ҳам унинг отаси нонвой экан.

Подшо ботирларнинг ақлига қойил қолиб, уларнинг олдига келибди. Салом бериб кўришибди. Кейин дебди:

— Сизларнинг ҳамма айтганларингиз тўғри чиқди, шунинг учун сизларга муҳаббатим ортди. Ботир меҳмонлар, хўп десангиз, бир арзим бор, агар қабул қилсаларингиз айтар эдим.

Тўнғич ботир:

— Тўғри келса, қабул қилурмиз, айтинг, — дебди.

— Менинг учта қизим бор, аммо ўғлим йўқ, — дебди под-

шо, — мен эртага бутун шаҳарни тўйга чақириб, қирқ кун ош бериб, қизларимни сизларга берсам, менинг ўғилларим бўлиб, бунда қолсангизлар.

— Хўп, — дебди тўнғич ботир, — лекин бизнинг бир шартимиз бор. Бизлар шаҳзода эмасмиз. Отамиз ҳам бой одам эмас. Сизнинг давлатингиз подшолик билан топилган. Биз бўлсак, бир камбағал одамнинг болаларимиз. Элимиз бир бўлса ҳам, тарбиямиз бешқа. Қандай бўлар экан?

Подшо айтибди:

— Мен бир иқлимнинг подшосиман, отангиз сизларни яхши тарбиялаб ботир қилиб вояга етказибди. Оталаринг сизларни шундай ўстиргани орқасида бугун номингиз оламга тарқалиб кетди. Мен қизларимни сизларга бермоқчиман.

Кейин ботирлар подшо таклифни қабул қилибдилар.

Шаҳарда қирқ кунгача тўй-томоша бўлиб, ботирлар подшо қизларига уйланибдилар. Яхши тарбия орқасида йигитлар бахт қушларини қўлга киритибдилар.

Подшо куёвлари орасида кенжа ботирни айниқса яхши кўрар экан. Кунлардан бир куни подшо бир салқин жойда ухлаб ётган экан, ёнидаги ариқдан илон чиқиб, подшога заҳар солмоқчи бўлган экан, тўсатдан кенжа ботир уни кўриб қолибди ва илонни қилич билан чопиб, яна қиличини қинига солиб турганида подшо уйғонибди. Дилида: «Қизимни берганимга қаноат қилмай, мени ўлдириб, ўрнимга подшо бўлмоқ хаёли бор экан», — деб ўйлабди. Бу воқеани вазирга айтибди. Вазирнинг ботирларга адовати бўлиб, қулай пайтни кутиб юрган экан, унга яхши баҳона топилибди.

— Шундай бебаҳо қизларингизни, — дебди вазир, — мендан маслаҳатсиз яхши тарбия кўрган, деб аллақачондан келган мусофирларга бердингиз, энди мана, учидан сизга кўрсатди. Жонингиздан ортиқ кўрган куёвингиз ўзингизни ўлдирмоқчи бўлибди. У бир кун яна бошқа хийла билан сизни ўлдириб қўямасин.

Подшо вазирнинг сўзига кириб, кенжа ботирни зиндонга солибди.

Подшонинг кенжа қизи кўп қайғурибди. Йиғлайвериб юзлари сўла бошлабди.

Бир куни қиз отасининг оёғига бош қўйиб, йиғлаб, куёвини сўрабди. Подшо қизининг юзидан ўтолмай, кенжа ботирни зиндондан олдириб келибди ва унга қараб дебди.

— Ботир, сиз ҳали шунақа бевафомисиз? Шу қизимни ҳам юз-хотир қилмай, қай кўнгил билан мени ўлдирмоқчи бўлдингиз?

Кенжа ботир подшодан ижозат сўраб:

— Энди мен ўзимнинг қилган яхшилигимни сўзлай, — деб ариқдан чиққан илоннинг воқеасини айтибди. Уша жойда икки бўлиниб ётган илон танасини кўрсатибди. Подшо қилган ишига пушаймон еб, кенжа ботирдан узр сўрабди. Кенжа ботир айтибди:

— Подшоҳим, энди бизга рухсат берсангиз, ўз юртимизга қайтсак.

Подшо ботирларга ялиниб-ёлвориб ҳарамларининг шу ерда қолишларини сўрабди. Ботирлар унамабдилар:

— Биз сарой кишиси бўлмоқчи эмасмиз. Биз меҳнат билан, ҳунар билан яшаймиз, — дейишибди.

Подшо:

— Бўлмаса, қизларим шу ерда қолсинлар, — деган экан, қизлари:

«Биз эримиздан ажралмаймиз, рухсат берсангиз, биз ҳам шулар билан бирга кетсак. Сизни кўргани ҳар йили келиб турамиз», — дебдилар.

Подшо ҳайрон бўлиб, ночор рухсат берибди. Ботирлар сарфарга чиқибдилар. Йигитлар хотинлари билан бирга икки йил деганда оталарининг олдига олти киши булиб келибдилар. Ота уч ҳовли, уч боғ тайёрлаб қўйган экан, йигитларнинг ҳар бири ўзига аталган жойга келиб тушибди. Ботирлар оталари билан қучоқлашиб кўришиб, хотинларини таништирибдилар.

Ботирлар, келинлар роҳатда яшаб, мурод-мақсадларига етибдилар.

Илёс Муслим

ЖАҲОН БОЛАЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

Ер юзидаги амакижонлар,
Шундай илтимос бордир сизларга:
— Чиқарманг қурол, оқмасин қонлар,
Китоб, ўйинчоқ беринг бизларга!

Бизлар уришиб йиртмаймиз ёқа,
Ўйнаймиз донм биз мусобақа.
Турмушимиз шод ўтади шунда,
Ёғлиқ патирлар ёпилар кунда.

Жуда кўп бўлар шоколадлар ҳам,
Столга тўлар мармеладлар ҳам.
Қўпаяр яна ширин кулча-нон.
Қолва-ю конфет, обакидандон.

Боғларимизда яйраймиз ҳар дам,
Билим оламиз, куйлаймиз бардам.
Дунёда халқлар кун кечирса тинч,
Ота-оналар ташвиш тортмас ҳеч.

Темир йўлимиз обод ва кўркем,
Вагончаларда ўйнаб кетамиз.
Йироқ элдаги болаларни ҳам
Гулбоғимизга таклиф этамиз.

УША КУНЛАР ҚАЧОН КЕЛАРИ

Билмаганини сўрайди,
Саволларга ўрайди.
Жажжи Лола Башарни:
— Ойда одам яшарми?
Худди Ер каби Марсда,
Ҳаёт бормикин ростдан?
Башар жавобни боплар:
— Бу ҳақда ҳар хил гаплар!
Қачон чиқсак ўзимиз.
Гувоҳ бўлса кўзимиз,
Ғурур билан қайтамыз,
Шартта-шартта айтамыз,
Миридан сиригача!
— Уша кунлар келар қачон?

— Ўқишимиз «беш» бўлиб,
Унга мардлик эш бўлиб,
Билимни шимиришда,
Қўйингки, ҳамма ишда,
Ҳоримасдан, толмасдан,
Саф бошидан қолмасдан,
Етсак биз ҳам вояга,
Ўзини урмай сояга —
Қосмик кема бошқариб,
(Олқишлайди ёш-қари)
Кўкка қараб учолсак,
Кўк юзини қучолсак —
Аён бўлар ўшанда,
Кўнгил тўлар ўшанда!

Мурод Хидир

ИККИ САХИЙ

Қадим замонда бир сахий ғоят ҳотамлиги билан довруғ солган эди. У экин эккан, мол боққан, хуллас, туну-кун тер тўккан. Сахий ҳамқишлоқларига ҳар кунни ниманидир ортгириб, ниманидир улашган. Хотини ҳам, фарзандлари ҳам сахийнинг ана шу хайрли ишига аллақачон кўникиб қолишган ва сахий билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишга бел боғлаган экан.

Сахийнинг кунни оби ёвғонга қолиб, тишининг кирини сўрган кезлари ҳам ўз аҳдидан тушмади. Йўғон чўзилиб, илгичка узил-ладиган қаҳатчилик йилларида ҳам уйининг бўсағасига нажот истаб келган муҳтожларнинг қўлини бўш қайтармади.

Шу орада қишлоқнинг яна бир одами ҳаммага саховат эшигини ланг очиб юборди. Биринчи сахийга таассуб қилиб, у бор шудини бир бошдан улашаверди. Уй жиҳозларидан қолган энг сўнгги бўйрасини ҳам аямасди. Энди одамлар бирор ниманинг илннжида кўпроқ уникига ёпирилиб келадиган бўлдилар.

Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол эди. Қим чин сахий? Ахир, улар ҳотамликда бир-биридан ўзиб бораётгир-ку! Шунинг айриг қилиб бера оладиган доно борми оламда?!.. Бор эди... Ҳа, ҳар қандай жумбоқни тафаккур кўзи билан ечадиган бирдан-бир дониниманд чол худди шу қишлоқда яшар эди. У нақ юз қовун пишинини кўрган бўлса-да, ҳамон ҳушёр ва зийрак, серфаҳм ва зукко эди. Боши қотган бир гуруҳ одам ўша донинимандникига равона бўлди. Қалин бир китобни мукка тушиб мутולה қилаётган чол қошига келиб, улар муддаосини айтишди:

— Буважон, ҳар икки сахий ҳақида эшитгансиз, албатта. Шу кунларда биринчи сахийникига келувчилар анча сийраклашиб қолди. Иккинчи сахий ҳам ҳеч кимдан ҳеч нимани аяма-япти. Одамларга суғуриб берадиган фақат ўттиз икки тиши

қолди, холос. Агар гал келса, ўша тишларининг ҳам баҳридан ўтиши ҳеч гап эмас. Айтнинг, буважон, ким чип сахий? Қайси бири? Китобни ёнбошига олиб қўйган нуроний чол бир оз сукут сақлади ва сўнгра ҳузурига келганларнинг ўзини саволга тутди:

— Айтинглар-чи, биринчи сахий ҳожатмандни кузатаётганда, унга нима деб сўз қотади?

— Ҳеч нима демайди, буважон, — дейишди улар баравари-га.

— Баракалла! — деди чол. — Иккинчи сахий-чи?

— Олқиш устига олқиш ёғилаётганда — деди улардан бири — иккинчи сахий: «Мен буни савоб йўлида қилипман», деб қўяди, холос.

— Хўш, хўш! — деди чол жонланиб. — Яна-чи? Тагин-чи,

Яна, яна... — деди улардан бошқа бири бошини қашиб, — ҳожатмандлар миннатдорчилик изҳор этишаётганда, иккинчи сахий: «Мени дуо қилсанглар, бас», дейди, вассалом.

Чолнинг серажин юзига табассум югурди.

— Масала равшан, ўғилларим, — деди чол ва бўлак ҳеч нима айтмай жимиб қолди... Бир гуруҳ кишининг ҳаммаси чолга минг тавалло қилишга ўтди:

— Йўқ, йўқ, буважон, муаммони охиригача ечиб берасиз, ким сахийлигини айрит қиласиз.

— Бу ёгини ўзларингга ҳавола қилгандим, — деди чол салмоқлаб сўзларкан. — Майли, айтсам, айта қолай. Биринчи сахий берган нарсаси эвазига ҳожатманддан ҳеч нима — савоб ҳам, дуо ҳам тама қилмайди. Чунки биринчи сахий: «Нуқул савобни кўзлаб қилинган хайрли иш тамагирликка киради, дуони сўраб олиш эса тиланчилик билан баравар», деб ўйлаган. Шунинг учун ҳам биринчи сахий уларнинг бирортаси ҳақида сўз очмаган.

Иккинчи сахийнинг тошу тарозиси бор. Тарозининг бир палласига ўзи улашган нарсани, иккинчи палласига савобдан қадоқлаб олган тошини қўяди. Шу билан орани очиқ қилади. Лекин унинг ҳожатманддан ундирган, яъни сўраб олган дуолари эса фақат фойдага қолади. Хуллас калом, ҳар бир ҳожатманд иккинчи сахийнинг даргоҳидан бир ҳисса бойликни олиб қайтади, икки ҳисса бойликни эса ташлаб чиқади. Шу тариқа иккинчи сахийнинг ўзи ҳожатмандларидан бир умр қарздор бўлиб қолаётир.

Энди сиз мендан: «Иккинчи сахий ҳожатмандларидан қарзини қачон узади?» деб ҳам сўрасиз?

— Йўқ, йўқ, буважон, бас етар, сизга минг офарин, буважон! — деганларича улар донишманд ҳузуридан шодмон қайтдилар.

Лекин донишманднинг иккинчи сахий борасида айтган сўзлари бутун қишлоққа чақин чақмоқдай тез тарқалди-ю, ҳожатмандларнинг бари яна биринчи сахийникига ёғилиб келадиган бўлди.

Кўп ўтмай, иккинчи сахий эл назаридан қолди.

ТЕМИРЧИ БОБО ВА БОЙЎҒЛИ

(Шарқ эртаги)

1

Ука, сени
Ўхши кўраман.
Ҳозир эртақ
Айтиб бераман.

...Бир қишлоқда,
Темирчи бобо,
Кун кўрарди,
Нияти зебо.

Кеча-кундуз
Билмасдан ором,
Эл дарди-ла
Яшарди мудом.

Аҳли қишлоқ,
Навбат кутмасдан,
Иши битар
Бир зум ўтмасдан.

Шунинг учун
Эл ундан хурсанд.
Эътибори
Баланддан, баланд.

2

Темирчининг
«Чақ-чуқ» сасига,
Бир кун денг
Ишхонасига.

Қирди ўйнаб
Талай болалар.
Уста деди:
— Қалай болалар?!

Сўнгра улар
Тўрга ўтдилар.
Бирпас туриб,
Чиқиб кетдилар.

Бунда қолди
Биттаси бироқ.
Ғоят эпчил,
Чаққон, тиришқоқ.

Яна ўктам,
Бардам, хушсурат,
Еш бўлса-да,
Анча серсавлат.

Темирчининг
Ишларин кўриб,
Турарди у
Ширин ўй суриб.

Уста деди:
— Турмасдан бундоқ,
Тортинмасдан
Келгин яқинроқ.

Ва буюрди
Майда-чуйда иш.
Бола шунда
Қилиб жилмайиш,

Чопиб-чопиб,
Қиларди юмуш.
Уста эса
Кўрган каби туш.

Ўйга толди...
Қизиқ, муаммо!
Қим бўлди у?
Билмас асло...

Ахир, бола
Ўзга бир ёқдан,
Келган эди,
Бошқа қишлоқдан.

Эртаси ҳам
Бола келибди.

Темирчига
Қўмак қилибди.

Сўзламасдан
Юрарди ҳар чоқ.
Ўз ишини
Қиларди кўпроқ.

Уста сўраса
Унинг зотини.
Айтмасди у
Ҳатто отини,

Дер:— Қасбингиз,
Орзумдир билмоқ.
Сизнинг каби
Темирчи бўлмоқ.

— Раҳмат. Ҳунар —
Ҳунардан унар!
Не хоҳласанг
Қўлингга қўнар.

Уша бола
Мудом негадир,
Отин, зотин
Тутар эди сир.

Гап очилса,
Шу ҳақда агар,
Бир чеккада
Мунғайиб турар.

Юраги ғаш,
Ўқини қатма-қат.
Ўйга толди,
Эзиб сукунат.

Ота феъл
Болага маълум.
Устага у
Ўтказган кўн зулм.

Таъинтсам мен
Ўзимни унга,
Сира хоҳиш
Билдирмас менга.

Лекин уста
Қалби бегубор.

Бермади сўнг
Бунга эътибор.

Темирчига
Ёқиб қолди у.
Шогирдликка
Бешак олди у.

Ва ўргатди,
Ўз ҳунарини,
Очиб шунда
Унга бағрини.

Сувлар оқиб...
Қунлар ўтарди.
Ҳар кун шу ҳол
Давом этарди.

Аҳил бўлиб,
Шогирду устоз,
Ишлашарди.
Ишлар жуда соз

Бола роса
Босқон босарди.
Гоҳ кетмон, бел,
Пинчоқ...— ясарди

Билагига
Инди куч-қувват.
Юзида нур
Балқирди ялт-ялт.

Бу боланинг,
Хуллас, иш ора,
Ортар эди
Зеҳни тобора.

Ишларидан
Эл бўлиб мамнун.
Раҳмат айтиб
Кетарди ҳар кун

Ростин айтай,
Асло беркитмай,
Олқишланди
Бола кўп ўтмай.

Устознинг ҳам
Ўртиб ихлоси,
Яшнаб кетди
Юрак — дунёси,

Уста бўлди,
Мана, ниҳоят,
Ҳосил бўлгач
Буткул қаноат,

Ғурурланиб,
Темирчи бобо,
Шогирдига
Бермиш фотиҳа...

5

Биласанми,
Бу бола нечун
Отин, зотин
Яширган бутун?

Чунки унинг
Отаси жоҳил,
Бешафқат бой,
Гуё Азройил.

Эҳ-е яна
Қўп ҳийлагар, бас,
Ҳатто тулки
Ип ечолмас,

Боласи-чи,
Билмай, надир шаън,
Яшар бойлик
Қайғуси билан.

Тоби йўқдир
Бироқ ўқишга.
Бел боғлади
Ана шу ишга

Очмоқ учун
Айрим корхона,
Довруғ солай,
Дея ҳарёна.

Ўзин чаққон
Қўрсатиб доим,

Бўлиб юрди
Роса мулоим.

Эҳтиёткор
Эди у ғоят.
Ҳеч ким сирийн
Билмаса шояд.

Уста бобо
Қўнгли очиқдир.
Шу сабабдан
Булар унга сир...

6

Шогирд келиб
Устози томон,
Устахона
Қурди ёнма-ён,

Устахона
Эмас, баҳайбат,
Қошонадек
Улуғ иморат.

Устоз бунга
Ҳайрондир, ҳайрон.
Муъжизага
Келтирди имон.

Уста бўлиб,
Яқинда кетган,
Энди билса,
Бой ўғли экан.

Бироқ шод, йўл
Қўрсатганидан.
Ўз ҳунарин
Ўргатганидан!

Темирчининг
Юраги мағрур.
Зулмат ичра
Сочган каби пур.

— Нечун хурсанд
Бўлмагайсан сен,
Одам қилсанг
Бўри боласин?

Аввал ёллаб,
 Анча мардикор,
 Иш бошладн
 Бой ўғли бисёр.

Қилмасдан у
 Ҳеч кимни маҳтал,
 Бажарарди
 Ишини мукамал.

Уста бола
 Эмасди манман.
 Яна хушфеъл
 Шу боис ҳар дам,

Келар унга
 Ҳалойиқ оқиб.
 Устоз турар
 Қувончдан боқиб.

Шогирдига
 Ўқирди дуо.
 Омад тилаб
 Темирчи бобо!

Бебурд шогирд
 Қозонса шуҳрат,
 Устозин ҳам
 Унутгай албат.

Келса ҳамки,
 Шунча омади,
 Бола ўзин
 Тута олмади.

Шон-шуҳратдан
 Кетди керилиб,
 Бузуқ йўлга
 Кирди берилиб.

Шундоқ қилиб,
 Айний бошлади.
 Ор пардасини
 Йиртиб ташлади.

Берилди у
 Қибру ҳавога.
 Шунинг учун
 Учраб балога —

Бора-бора
 Қолмади уят.
 Ишларида
 Тариқча сифат.

Уроқ-ўтмас,
 Қийшиқ бел, кетмон...
 Ўрта йўлда
 Одамлар сарсон...

Тез орада
 Бой ўғли ғаддор,
 Харидорсиз
 Қолибди ночор...

Устоз иши
 Ҳамон бир зайил.
 Эл-юрт унга
 Қойилдир, қойил.

Бой ўғли тинч
 Тура олмади
 Устозини
 Кўра олмади.

Юрагида
 Уйғониб ҳасад.
 Ич-этин еб
 Қийналди беҳад.

«— Тўхта, йигит,
 У устозинг-ку.
 Ахир, сенга
 Қасб ўргатган у.

Йўқ, бу ердан
 Чол кетса агар,
 Қўнглингдаги
 Бўлгай мухтасар.

Барча сенинг
 Олдингга келгай.

Мўмай пулга
Чўнтагинг тўлгай.
Пулинг бўлсин,
Пулда ҳамма гап».

Устозини
Шартдир кўчириш.
Қорасини
Тезда ўчириш,

Қасди билан
Юраги ёнди.
Ваҳшине
Ғараз уйғонди.

10

«— Чолни бундан
Зарур бездириш.
Керакмасдир
Лекин сездириш.

Нима қилсам,
Кўчар экан у?
Солмоқ керак
Дилига қутқу.

Қўрасига
Қуйсам ҳар кун сув,
Армагай
Бошидан қайғу.

Ўзим қилсам...
Яхшимас, билса,
Дуруст агар
Бошқалар қилса.

Биров... Йўқ-йўқ,
Сотиб қўймасин.
Буни асло
Ҳеч ким туймасин».

11

Эрта тонгда
Келибди бобо.
Қўрада сув...
Сирли муаммо.

Ўз-ўзига
Тинмай сўзларди.
Пасткашликдан
Қалби бўзларди.

Ҳар кун шу ҳол
Этарди давом.
Чолда йўқдир
Ҳаловат, ором.

...Бу касофат
Қайдан келди, дод!
Эй, худойим,
Не қилай, ҳайҳот?..

Темирчининг
Ошарди дарди,
Қундан-қунга
Қашшоқлашарди.

... Бўлмоқ эди
Қиргандан эси,
Бахтсиз замон
Бахтли кишиси.

12

Ўша шумни
Тутишлик дарди,
Чол қалбида
Оловланарди.

Тутиб олди
Пойлаб у бот-бот
Қандай кўрсин,
Шогирди.
Ҳайҳот!

Устоз деди:
— Яшасанг ҳалол,
Бўлмасмиди,
Эй, бадбахт баттол?!

Бой ўғли-чи,
Уни олмай тап,
Тинч туролмай?
Уялганидан,

Куч борича
Устоз юзига,

Мушт солди у
Изма-изига,

Кўзларидан
Ешмас, қон оқиб,
Қарғаб берди
Чол ҳам тутоқиб:
«— Шундай бир қуш
Бўлгайсан абад;
Ўтгай умринг
Қилиб надомат.

Ажралмагин
Зимистонлардан,
Ҳаробаю
Қабристонлардан».

Ўша кундан
Бой ўғли бедод,
Айланибди
Қушга умрбод.

Бой ўғли у
Вайроналарда,
Ўз-ўзига
Бериб гоҳ далда,

Яшамоқда,
Бой ўғли омон,
Бироқ қарғиш
Отмоқда ҳамон...

УҚИБ БЕРИШ УЧУН

Шукур Сабдулла

БАҲОР КЕЛДИ

Келди, баҳор, гул баҳор
Эриб битди оппоқ қор.
Учиб келди қушларжон,
Дарахтлар тақди маржон.
Сувлар оқар шилдираб,
Юлдуз боқар милдираб,
Чумоллар яйрашар,
Шўх булбуллар сайрашар.
Қуёш нурларин сочди,
Атиргул гулча очди.

Боғда қизил лолалар,
Териб олинг болалар.
Тоғ бағрида қўзилар,
Маъраб ўтга чўзилар.
Тол баргак тақиб қизлар,
Чучмомаларин излар.
Энди илк соф навбаҳор.
Чунки бизга гул баҳор.
Юринг, чиқайлик! Боғлар
Бизни кутар, ўртоқлар.

Абдулла Авлони

БАХИЛЛИК

Бир бахил кишининг уйига бир неча яқин дўстлари меҳмон бўлуб келди. Ул бахил меҳмонларнинг зиёфат қилмак ўрнига беҳуда сўзларнинг сўзлаб ўлтурди. Ародан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чоқируб:

— Бор, таом пишган бўлса, олиб кел!— деди. Шул вақт хизматчи бир табоқ устида пишгон хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчига боқуб:

— Бошини нима қилдинг?— деди. Хизматчи:— Афандим, нима қилур эдим, ташладим. Бахил:— Нодон! Киши хўрознинг бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товуқнинг аёғини ташласа, ман боруб олур эдим.

Бош деган аъзоларининг хўжасидур. Ул боши ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби тожи ҳам бошинда эди. Энг ширин аъзолариндан саналган тили, энг улур аъзолариндан

мияси, икки шаҳло кўзлари барчаси бошинда эди. Бор, топиб кел! Биз емасак, меҳмонларга едурурмиз!— деди.

Кўрдингизми, бу бахил киши ҳеч нарсаса арзимайдиган бир хўроз бошидан бир неча хосиятлар баён қилуб, ўзининг қандай киши эканлигини билдурди.

БЎРИ БИЛАН МЕРГАН

(Ўзбек халқ эртаги)

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, товуқ қоқ этди, билмадим қаққа кетди.

Бир мерган бор экан. Бу мерган овга чиқибди. Бўри учраб: уни қувиб кетибди. Бир жойда бир чол хирмон совураётган экан. Бўри югуриб келиб, чолга:

— Ота, бир мерган қувиб келаётибди, мени беркитиб қўйинг,— дебди. Чол «хўп» деб бўрини қолга солиб, устига похол ёпиб бекитиб қўйибди. Мерган чолнинг олдига келиб:

— Ҳой чол, шу ердан бўри ўтдими?— дебди. Чол:

— Мен ўзим бўридан қўрқаман, ҳеч нарса кўрганим йўқ,— дебди. Мерган чолнинг гапига ишониб, кетиб қолибди. Бўри похол тагидан:

— Мени қувиб келаётган мерган кетдими?— дебди.

Чол:

— Ҳа, кетди,— дебди.

— Кетган бўлса мени қўйиб юборинг,— дебди бўри.

Чол:

— Хўп,— деб бўрининг устидаги похолни олиб ташлабди. Бўри похол тагидан чиқиб:

— Чол, чол, сени ейман,— дебди. Чол қўрққанидан шошиб:

— Мени егунча, молхонада қўш қўчқорим бор, уни егин,— дебди. Бўри севиниб молхонага борибди:

Бўри борди қўчқор қошига,

Сузиб солди бўри бошига.

Яна келди чолнинг қошига.

— Жон бобо, жоним бобо, сени ейман,— дебди у. Чол:

— Мени егунча, отхонада қўш отим бор, уни егин,— дебди.

Бўри борди отнинг қошига,

Тегиб солди унинг бошига.

Яна келди чолнинг қошига.

— Жон бобо, жоним бобо, сени еймай,— деб такрорлабди бўри. Чол яна:

— Мени егунча, отхонада қўш эшагим бор, уни егин,— дебди.

Борди эшак қошига,

У зарб солди бошига.

Келди чолнинг қошига.

— Жон бобо, жоним бобо, сени ейман,— деб тўрганида икковининг олдига тулки келиб қолибди, чол бечора йиғлаб:

— Мерган бўрини қувиб келаётган эди, бўри мендан ўзини яшириб қўйишни сўради. Мен уни қопга тикчиб, похол ёпиб, бекитиб қўйдим. Мерган келиб: «Чол, чол, бўри кўрдингми?» деб сўради. «Мен бўридан қўрқаман, ўтгани йўқ»,— дедим. Мерган ишониб кетди. Похолни олиб бўрини қопдан чиқариб қўйсам, «сени ейман» деб, мени мушкул ҳолда қолдирди,— деган экан, тулки:

— Эй, бўри ўртоқ, чол сени шундай ўлимдан қутқарса-ю сен шундай қари чолни ейсанми?— деб дашном берибди. «Юр бўлмасам»,— деб бўри Тулки билан биргаликда чолнинг олди-дан «Хайр, ота», деб, жўнаб кетибди. Чол ҳам ўлимдан қутулганига хурсанд бўлиб қолибди. Бўри билан тулки бошларига тушган саргузаштларини айтишиб кетаверибдилар. Бир шудгорга келсалар, бир парча қўйруқ ётган экан. Оч қолган бўри шшилиб, тулкига:

— Мен шу думбани ейман,— дебди.

Тулки:

— Ема!— дебди.

Бўри:

— Нега ема дейсан?— деб ғазабланибди.

Тулки:

— «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур» уни емагин,— дебди. Бўри:

— Мен ҳам бир гап айтай, сен ҳам тушунгин. Бир одам бозорга боргандир, гўшт-ёғ олгандир, отини миниб лўкиллашиб чопгандир, бир парча ёғи шу ерда тушиб қолгандир, ейман дебди. Тулки «ема» деб кўп ялинса ҳам бўри кўнмабди. Тулки ачиққлашиб кетаверибди. Тулки кетгандан кейин бўри ёғни ейман, деб Мерган қўйган қопқонга тушиб қолибди. Мерган бир катта толнинг тагида пойлаб ўтирган экан. Бўрининг қопқонга илинганини кўриб, вақти чоғ бўлиб, келиб бўрини ура бошлабди. Калтакнинг зарбига бўри чидай олмай, сакраб қопқондан чиқиб жон ҳолатда бир дарёга борибди. Ундан сузиб ўтиб, дарё бўйида у ёққа — бу ёққа қараб ўтлаб юрган қўзини кўрибди, ҳаллослаб қўзининг олдига борибди ва қўзига:

— Сени ейман,— дебди. Қўзи:

— Мени ейишга ейсан, мени туз конга олиб бориб тузлаб егин. Ана маза-ю, мана маза,— дебди. Бўри «Хўп, сенинг ҳам гапингга кирай», деб конга олиб борибди, Қўзи:

— Сен шу ердан жилмай тур, мен дарров туз олиб чиқай, ундан кейин туз билан ейсан,— деб конга кириб, йўлни чаппа солиб қочиб кетибди. Бўри ҳали чиқар, ҳали чиқар, деб бир қанча вақт кутибди, қўзининг ҳеч дараги бўлмабди. «Қўзи мени алдаб кетган экан», деб умидини узиб, жўнабди. Бир жойга борса, бир от ўтлаб юрибди. Отнинг олдига бориб:

— От, от! Сени ейман,— дебди.

— Мени есанг ерсан, менинг тақамга ёзилган васият бор, шуни ўқиб бер, мен эштай,— дебди. Бўри тақадаги хатни ўқийман деб бориши билан от бир тепибди, бўрининг оғзи қонаб, думалаб кетибди. Ўрнидан туриб бир жойга бориб, у ёққа-бу ёққа қараб, нима қилишини билмай турган экан, бир семиз эшакнинг ўтлаб юрганини кўриб қолди. Эшакнинг олдига бориб:

— Эшак, сени ейман,— дебди.

Эшак айтибди:

— Хўп, мени ейишга ейсан. Ота-бувамдан қолган йўрға юришим бор, шуни қилиб берай, армонда кетмайин,— дебди. Бўри «Хўп, бўлмаса», деб эшакнинг устига минибди. Эшак бўрини у ёққа лўкиллашиб олиб келиб, устидан иргитиб қочибди. Бўри йиқилганча қолибди. Қорни оч, бедармон бўлиб ётганида, бир чолнинг ўтириб териб юрганини кўрибди. Жойидан туриб, чолга томон жўнабди. Чол узоқдан бўрини келаётганини фаҳмлаб, шошиб-пишиб ўтинини арғамчасига боғлабди. Бир дарахт илдизини кавлаб олгандан қолган чуқур бор экан. Чол дарров шу чуқурнинг ичига тушиб, ўтинни чуқурнинг оғзига қозон қопқоғидек ёпиб, бекиниб ётаверибди. Бўри ўтин ёнига келиб қараб, туриб, чолни топа олмай, ўтиннинг тепасига чиқиб ўтириб:

Кўрдингми, қўзи,
Термулади икки кўзи.
Сенга ким қўйибди,
Қўзини тузлаб ейишни, ув-ув.
Кўрдингки, ўтлаб юрибди от,
Ота-бобосидан қолган хат,
Сенга ким қўйибди
Унинг васиқасини ўқишни, ув-ув.
Кўрдингки, эшак
Ёнига солдинг тушак.
Сенга ким қўйибди 20;2
Йўрғасини кўриб боқишни, ув-ув

деб йиғлаб-йиғлаб ўтин устидан тушиб саҳрога қараб кета берибди. Юриб-юриб очликдан ўлиб қолибди. Чол чуқур ичидан чиқиб ўтинини кўтариб, у ёққа—бу ёққа қараб, шошиб болалари ёнига қайтиб келибди. Бўлган воқеани болаларига айтиб берибди. Болалари: «Дадам бечора бир ўлимдан қолибди-да», деб оталарини далага чиқармай қўйибдилар.

ШОЛИ ВА ҚУРМАК

Шоли Курмакка
Дер тили қичиб,
— Мен сабаб сувдан
Турибсан ичиб.
На дурустроқ ўт,
На емиш, донсан.
Ўсишимга ҳам
Тўсиқ, зиёнсан.
Қурмак дер:— Сен-чи,
Инжиқ экинсан

Ичган сувингни
Оқлармикинсан?
Қўрган кўз мени
Қурмак десин-да.
Оқни қорадан
Фарқлаб есин-да!
Гарчи инсонлар
Тутмас иззатим,
Сезги олдида
Бордир хизматим.

Ҳайриддин Салоҳ

ҚҲЙЛАКНИ ҚИР ҚИЛМАЙМАН

Холаси Малоҳат опа Гулнозни жуда яхши кўради. Шунинг учун кўпинча уйига ҳам олиб кетади. Гулнознинг ўзи жуда ақлли қиз. Холасиникига борганда сира жим ўтирмайди. Уйларини йиғиштиришга, ҳовлини супуриб-сидиришга ёрдамлашади. Бир куни Малоҳат опа Гулнозни ўзи ишлайдиган «Қизил тонг» фабрикасига олиб борди. Бу ерда жуда кўп аёллар ишлашар экан.

— Улар нима қилишаяпти?— сўради Гулноз холасидан.

Қўйлак тикишяпти,— деди Малоҳат опа.

— Катталарнинг қўйлагини тикишяптими?— яна савол берди Гулноз.

— Йўқ, сендақа болаларнинг қўйлагини,— тушунтирди холаси ва уни тикувчилар ёнига бошлаб борди. Гулноз қўли гул чеварларга салом берди-да, бир чеккада уларнинг ишини кузатиб турди.

Қараса тикувчиларнинг бири қўйлакнинг бўйини тайёрлаб бераёпти, иккинчиси ёқасини тикаёпти. Учинчиси енгини тайёрлаяпти. Яна бошқаси эса тайёрланган енг ва ёқаларни қўйлакка ўтказаяпти.

Гулноз буларни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Авваллари у қўйлакни битта одам тикади, деб ўйлаб юрарди. Негаки, кўпинча унинг қўйлагини ойиси Сабоҳат опанинг ўзи тикиб беради-да.

— Бу ерда қўйлакни анча одам тикадими?— холасидан сўради Гулноз.

— Ҳа, опоқ қизим,— жавоб берди холаси.

Гулноз ўша куни фабрикадан жуда хурсанд бўлиб қайтди. Қўрганларини ўртоқларига гапириб берди. Ойиси ишдан қайтгач, унинг бағрига отилди-да:

— Ойижон, холамнинг ишхоналарида-чи, бодаларга қўйлак тикишаркан. Битта қўйлакни-чи, жуда кўп одам тикар

экап. Энди-чи, күйлагимни сира кир қилмасдан кияман. Бўлмасам, кўйлак тиккан ходаларим хафа бўлишади-я?— деди.

Қизининг чуғурлаб бийрон-бийрон гапираётганини кўрган Сабоҳат опа унга мамнун жилмайиб қўйди.

Эргаш Ендон

ЭСЛИ БОЛА

Улугбек-чи, ойисин
Дардманлигин билади.
Конфетга пул унган кун,
Дори олиб келади.

Уртоқлари доим қанд
Олдиришга уринар.
У дер:— Йўқ, йўқ, касалман!
Ойим қанддан ширинлар!

Анвар Обиджон

ОШҚОВОҚ

Исмин —
Қади — ошқовоқ.
Осилтириб
Қош-қовоқ,
Барг остида
Ётаман,
Томга
Палак отаман.

Қўшиб есанг
Шакарга,
Доридирман
Жигарга...
Нега уздинг
Бандимни,
Соғиндингми
Мантини?

КАРТОШКА

Гоҳ ухлайман
Тўрвада,
Гоҳ пишаман
Шўрвада.
Қовурмада
Қайнайман,
Маставада
Яйрайман.

Лағмонда ҳам
Мен борман,
Ҳамма жойда
Тайёрман.
Қўринмасам
Шавлада,
Эринмасдан
Кавла-да.

УЗУМ

Доналарим
Маржонча,
Бир бошим —
Нақ бир жомча
Қуритсангиз
Майизман,
Дастурхонга
Файзман.

Кузда
Еб-еб тўйишар,
Қишга
Осиб қўйишар.
Боқар шод
Еш-қарилар.
Мақтар ҳатто
Арилар.

АНЖИР

Кеча-кундуз
Ухлайман,
Мева тугднм
Гуллайман.
Мевам ўзи
Гулчадир.
Тилло рангли
Кулчадир.

Вудаймайман,
Сипоман.
Вўп дардларга
Шифоман.
Мени еса
Муталлиб,
Юрмас эди
Вўталиб.

ПИСТА

Вувноқ-шодон
Пистаман,
Аскияга
Устаман.
Вжилмайганим
Жилмайган,
Вимга ёқар
Тумтайган?

Нега мени
Эркалаб,
Вақмаяпсиз
Битталаб?
Вўқми сира
Вушингиз?
Демак,
Ватоқ тишингиз.

ВАНДАЛАК

Вандалакман
Волизда,
Векин қандман
Вғизда.
Вйраб ўсдим
Валада.
Вфтоб чиқса,
Валла-да.

Вув келмаса
Вомирга,
Влинаман
Вмғирга.
Венинг фахрим
Вирамдир.
Вовун
Ватта энамдир.

Мурод Хидир

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРДИ

Эчки туя билан ёнма-ён ўтлаб юрарди. Вутилмаганда тўзон кўтарилиб, хуштак чалиб кучли шамол пайдо бўлди-да, зумда туяни учириб кетди. Вападай улкан туя ўқдек олислаб учар, кичрайгандан-кичрайиб борар эди. Аввал бузоқдай, сўнгра эчкидай, сўнгра мушукдай, сўнгра сичқондек, сўнгра асаларидай ва ниҳоят пашшадек кичик бир пуқтага айланган туя охири бутунлай кўздан ғойиб бўлди. Вогаҳон юз берган бу мудҳиш мўъжизадан эчки донг қотиб қолган эди. У ҳадемай хушнинг йиғиштириб олди ва туя кўздан йўқолган уфққа қараб, бошини сарак-сарак қилди.

— Уҳ-ҳ! Уҳ-ҳ! — деди у бурун қоқаётгандек. — Шўрликка қийин бўлди, ишқилиб омон қолсинда.

Эчки туяга ичи ачиб, бир карра «м-ма!» деб ҳам қўйди. Кейин у ҳамон қутуриб ётган шамолга парво қилмай, майсаларни чимдиб ейишга тушди.

У: «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр», мақолини эслади-да, майсадан бош кўтарди. Қалласини бир ёнга қийшайтириб, чап кўзини қисди ва теран ўйга чўмди. «Уҳ-ҳ! — М-ма! — деди ўз-ўзига.— Шу мақолни эшитсам этим жимирларди. Мана энди ҳаммаси равшан бўлди. Мақол фақат назарий жиҳатдан исботланган экан, мана, амалиётда эса синовдан ўтмади».

Сафо Очил

РАҲМАТ

(Иўл ҳаракати назоратчиларига)

Кўча-кўйни кузатар
Назоратчи акамлар.
Тартибсизни тузатар
Назоратчи акамлар.

Ўтқир унинг пингоҳи,
Қутдирмаслар бизни ҳам.
Шунинг учун мактабга
Борамиз кеч қолмасдан.

Қўлда ола таёгин
Ишорасин кутамиз.
Ўтгин деган белгисин
Қўриб, кейин ўтамыз.

Кўча-кўйни у хушёр,
Қилар доим назорат.
Назоратчи акажон,
Бўлсин сизга минг раҳмат!

ҚАЙСАР БОЛА

Ҳу капалак,
Негадир шоша,
Қочар ҳалак,
Ўтлоқлар оша.

Учар доғда
Қолдириб мени.
У ҳам сергак
Қайгадир шоша,

Кўтарди-ку
Укам машмаша.
Тутиб бер деб,
Қилди хархаша.

Қочар ҳалак,
Яйловлар оша.
Тутқич бермас —
Капалакми у?

Кетдим дарҳол,
Елиб-югуриб.
Капалакни
Излаб, қидириб.

Капалакмас,
Мурғак бир орзу?
Тутиш қийин,
Сабр қилгуси.
Мурод охир
Ҳосил бўлгуси!..

Қийин экан
Тутмоқлик уни.

КУРАШЧИ БОЛА

Дадамнинг дўсти
Сўрарди ҳар кун.
— Кимнинг ўғлисан,
Айтгин-чи, Турсун.

Жавоб қилдим мен
Ўйламан-нетмай,
Тўғри юракда
Борим беркитмай.

Бобом ўғлиман.
— Нега, айтгин-да?
— Чунки, бобомлар,
Полвон ўтган-да!..

Амакижон, мард,
Полвондир зотим.
Мен ҳам тушимда
Девни қулатдим!

Ҳабиб Раҳмат

МУРАББО

Олхўри пишди,
Қозонга тушди.
Шакар, сув билан,
Шунда топишди.
Ўчоқда олов,
Ёнади лов-лов.
Уччала ўртоқ,
Ишлар қозонда.
Қайнашар иноқ,

Менман пазанда.
Бир-бирин улар,
Қўллашиб ишлар.
Тинмай қайнашиб,
Бўлишдилар бол.
Энди улардан
Мураббо тайёр.
Келинг, ўртоқжон
Қиламан меҳмон.

Оллоберган Пўлат

МЕҲМОН

Боғда иноқ дугона
Хулкар билан Зебохон,
Иккаласи ўтириб,
Ўйнади меҳмон-меҳмон.

Патнис безади Хулкар
Олма, нок, конфет қўйиб.
Ўйин баҳонасида
Зебохон олди тўйиб...

ЙЎЛГА ҚАРАЙМАН

Боғча йўлга
Чиксам эрталаб,
Кузатар экан
Ойим эркалаб:
— Ўзингга,— дейди,
Қараб юр, болам.

Боғда очилган
Эй, гулу Раъном.
Қизиқ, ўзимни
Қандай кўраман.
Яхшиси йўлга
Қараб юраман.

ДАСТЕР ҚИЗ

Ота эрталаб турар,
Жажжи Дилдорани кўрар,
Қалишларини ёлғиз
Тозалабди дастёр қиз.
Ота қўл-бетин ювар,
Унга Дилдор сув қуяр.
Сўнг бир дақиқа кутиб,
Она ёзар дастурхон,
Ўлтиришар учовлон.
Ликобчада қанд-мағиз —

Шириликлар қўяр қиз.
Богчасида ҳам илғор,
Иш севар, чаққон Дилдор.
Оқ фартукда юриб тез —
Овқат ташир дастёр қиз.
Дилдор уйда бўлса-чи,
Супуриғлик ҳовлимиз.
Қани, сизлар айтинг-чи:
Борми бундан яхши қиз!

ЕДЛАТИШ УЧУН

Шукур Саъдулла

КУЗ

Ғир-ғир шамол елади,
Буни ҳамма билади.
Угиради елга юз:
— Марҳамат! Кел, олтин куз!
Мактаб борар қиз-ўғил,
Қўлда китоб ҳамда гул.
Олтин оқар дамадан,

Тонг ёришган палладан.
Қуёш тушар таптидан,
Қўрқиб қишнинг афтидан,
Сарғаяди кўкатлар,
Барг тўкади дарахтлар.
Ҳосил йиғиб олинар,
Қишга замин солинар.

Қудрат Ҳикмат.

ЕМҒИР ЁҒАЛОҚ

Ёмғир ёғалоқ,
Ям-яшил ўтлоқ.
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ.
Тарновдан ошиб,
Тушади шошиб,
Сўнг жылғалардан
Оқади тошиб.
Ариқлар тўлар,
Зур анҳор бўлар.

Сув сероб экан,
Қўп пахта унар.
Ёмғирдан фойда.
Майсага, донга.
Юрт сероб бўлар.
Ёмғир ёғалоқ,
Шу бугдой, полга
Томчи юмалоқ,
Ёмғир тилганда
Чиқар камалак.

ҒУНЧАЛАР ҚҰШИҒИ

Ғунчамиз, ғунчамиз,
Ғунчамиз бугунча биз.
Орзулари кўксида
Қулф урган тугунчамиз.
Эрта — гул, очиламиз,

Очилиб сочиламиз,
Шаҳар, қишлоқ, кўча-кўй
Биздан олар атру бўй.
Ғунчамиз, ғунчамиз,
Ғунчамиз бугунча биз...

Сафо Очил

ГУЛЛАРИМ

(қўшиқ)

Гул экаман ер очиб,
Гулларим, о, гулларим.
Бўйи кетар том ошиб,
Гулга тўлар йўлларим!

Шамол силаб тебратар,
Ҳид таратар муаттар,
Булбулларни сайратар,
Гулларим, о, гулларим!

Қишлоғимнинг жамоли,
Бўй чўзади ниҳоли,
Порлоқдир истиқболи,
Гулларим, о, гулларим!

ҚУШИҚ АЙТАЙЛИК

Келинг, жўралар,
Қўшиқ айтайлик.
Орзу-ўйимиз,
Қўшиб айтайлик.

Нафис майсалар,
Қўкка юксалар,
Булоқлар каби
Тошиб айтайлик.

Отсин камалак,
Учсин капалак,
От ўйинига
Тушиб айтайлик.

Чаманда бир гул,
Ёзмоқда кўнгил,
Унинг ниятин
Қўшиб айтайлик.

ЎЗ ТИЛИМ

Қонга кирган сут билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим.
Ардоқлайман юрт билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

Ойижоним биргина,
Кўзларимга нургина,
Ойижоним ўргатган,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

Қунлар алла тингладим,
Тунлар алла тингладим,
Ўзлгимни англатди,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

Бурро-бурро сўзлайман,
Келажагим кўзлайман,
Истиқболим, иқболим,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

САНАМАЛАР

Дадаму ойим,
Бор иккита синглим
Баҳодир Дилдор,
Боғчага кетар,
Санаб кўр чаққон,
Бизлар неча жон.

Хил-хил пишиб
Оқ шафтоли,

Шохда турар,
Тоқ шафтоли
Усмон тўртта,
Ёбди кеча.
Ойим менга
Берди бешта.
Қани топ-чи,
Бари нечта?

ҚИҲИЛЛАМАЛАР

Қаччи-качи дона,
Думала дугона,

Тўрга ўтинг тўралар,
Паловни енг жўралар.

Шов-шув этади арпқ,
Қарим экади тариқ.

Эчки келади маъраб,
Ўз эгасига қараб.

Атта-матта,
Санми катта.

Чапак-чапак, чапакча,
Ётар жойи катакча.

АЙТИШУВЛАР

«Ашула, шула-шула»,
— Ашула шула-шула,
— Чинни товоқда шовла.
— Шовлани кимга бердинг
— Катта холамга бердим.

— Холанг нима туғибди?
— Эгизаклар туғибди
— Отини нима қўйибди?
— Тоҳир, Зуҳра қўйибди.

«АДАЖОН ҲОРМАНГ»

Адажон ҳорманг,
Ишга борманг.
Мани кўтаринг
Оҳ, обсеринг

— Қанақасидан
— Мунақасидан.
— Уйга борганда,
Шапалоғидан.

БЕШИК ҚУШИҚЛАРИ

«АЛЛА»

Алла айтиб ухлатаман,
Алла, қўзим, алла.
Гуноҳи йўқ, порастасан,
Алла, болам, алла.

Алла, алла, орастасан,
Алла, қўзим алла-ё.
Гуноҳи йўқ порастасан,
Алла, қўзим, алла.

Қичкинасан, лоласан,
Алла, болам, алла,
Қачон катта бўласан,
Алла, болам, алла.

Сендан келар гул иси
Алла, болам, алла.
Ота-онамнинг бириси,
Алла, болам алла.

Сенга аллалар айтаман,
Алла, қўзим, алла.
Соянгизда ётаман,
Алла, болам, алла.

ЧЕКЛАШМАЧОҚЛАР

- Она, она, ким она?
- Мен она (биз она).
- Сизга осмондаги ой керакми?
- Кишнаб турган той керакми?
- Кишнаб турган той менман.
- Ўт, биздан экансан!

* * *

Биз икки гулу-лола,
Қимга гул, кимга лола?

* * *

- Мати, мати, кимнинг навбати?
- Меники (онабошлардан бири).
- Тарвузни оласанми? ё қовунни?

* * *

- Она бола, она боши,
- Йигитларнинг қалам қоши.
- Кимни оласан
- Товуқини, хўрозини?

* * *

Қимга олма, кимга нок?

* * *

— Қимга от, кимга арава?

* * *

Қимга офтоб, кимга юлдуз?

* * *

Дарахтми, гул?

* * *

Олчами, гилос?

АЙТИШМА УЙИНЛАР

— Биз бояги ҳовлида,
Бўлиб тарафма-тараф.
Навбат билан айтишдик,
Тараф-тарафга қараб.
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
Бизга керак богчадан,

Энг одобли қиз Дурдона,
Оқ теракми, кўк терак,
Бизга Дурдона керак!

* * *

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

— Сайраб турган дил керак!
 — Дилларнинг қайси бири
 — Гулчеҳраҳои ўткири.
 Соҳибжамол уйдан чиқса:
 Ҳаммани қаратади.
 Оқ теракми, кўк терак,
 Биздан сизга ким керак?
 — Жилмайибгина турган
 Қоракўз Зумрад керак!
 Уйнаб-уйнаб куйлаймиз,
 — Куйлаб-куйлаб уйнаймиз.

Оқ теракми, кўк терак,
 Биздан сизга ким керак?
 Эркин қўзичоқ керак!

* * *

Ола-була капалак
 Орқа сочи жамалак.
 Оқ теракми, кўк терак,
 Биздан сизга ким керак?
 Бизга кулиб турган
 Барно қиз керак.

«МУНДИ-МУНДИ»

Мунди-мунди, қора мунди,
 Қора сувга юмалади,
 Юмалаган ким ўзи?
 — Самарқанднинг боласи,
 Қайчи-қайчи, пўлат қайчи,
 Қўлимни кесди,
 Мулла-авачалар, йўлимни тўсди.
 — Қайга борасан?
 — Тоққа бораман.
 — Тоғда нима бор?
 — Тоғда айиқ бор.
 — Айиқ кимники?
 — Болтавойинники.
 — Болтавой ўртоқ, қилиғи чатоқ.

«БУЛБУЛИМ-БУЛБУЛИМ»

— Булбулим-булбулим бози,
 Бизлар кимнинг қизи?
 Шакарбекнинг қизи.
 Шакарбекнинг неси бор?
 — Учар-учар қуши бор.
 — Биргинасини берсанг-чи!
 — Ўзинг тутиб кўрсанг-чи!
 — Тутганинг сеники, қочгани меники.

* * *

— Булбулим — булбулим, бир танга,
 Бориб олинг қирқ танга.
 Ҳани бизни топиб кўринг-чи?
 Қани бизни тутиб олинг-чи?

* * *

«Бўрилар ва эчкилар»,
 Бўрилар:
 — Бўри, эчки иноқдир.
 Бирга-бирга, қувноқдир.

Келинг-келинг, ҳаммамиз,
Бирга сайр этамиз.
Эчкилар:
— Хўп алдатиб бўпсиз-да,
Қўзивойини епсизда.
Буриш узун бўривой;
Бизини ушлаб бўпсиз-да.

«КУЗБОЙЛАҒИЧ»

Кўзи боғлиқ бола ва ўйнаётган болалар ижросида:

— Дада, дада, бодринг,
уйча сон беринг.
— Эрта бозордан қизча об,
қизча об беринг.
— Қанақасидан?
— Бунақасидан деб, бош бармоқ кўрсатилади.
(Донра ичмда турган кўзи боғлиқ бола ким
айтаётганини овозидан топиши керак.)
Кўзинг боғлиқ, ўртоқжон,
Довдирайсан ҳар қачон.
Урган кимдир билмайсан,
Кўзинг боғлиқ билмайсан.
— Ажаб бўпти, хўп бўпти!

«ХОЛАМ КЕЛДИ»

— Ойи, ойи, холам келди.
— Қани, қани?
— Мана-мана.
— Эсонмисиз, омонмисиз?
Қопга тикқан самонмисиз?
Орқа бошингиз оловдай
Дамлаб қўйган паловдай.

«БОЙЛАНДИ»

Ўйин бошида иккита онабошин белгилаб олинади.

1 — о н а б о ш и: — Қўйинг қайда?
2 — о н а б о ш и: — Қўйлиқда.
— Тузинг қайда?
— Тузлуқда.
— Қўйинг нима ейди?
— Ўт ейди, беда ейди.
— Қўйинг нима беради?
— Еғ, гўшт жун беради,
— Шу қизингга нима берай?
Қарпайми? Сурнайми, чилдирма?
— Сурнай.

«ОҚ ШОЛИ, КЎК ШОЛИ»

— Оқ, шоли, кўк шоли,
— Оқ шолини оқлайлик!
Кўк шолини кўклайлик!
Гуручидан ойхоннинг
Тўйгунича сақлайлик!
— Хўп-п
— Хўп-п!

«МАШИНА»

Авазхоннинг уйига,
Унинг суннат тўйига
Биз келтирдик машина,
Баландлиги мана бунақа,
Пастлиги мана бунақа,
Торлиги мана бунақа,
Қатталиги кундай,
Қани, ўйнагин-чи бундай.
Ўйнаб бер, ўйнаб бер.
Хоҳлаганингни танлаб бер.

«ЛОЛАГУЛ»

Болалар давраси. Бири ўртада. Бошқаси совға узатаётгандай қўлини давра ўртасидаги болага чўзганича:

Шаҳзоданинг уйига,
Шу туғилган кунига
Биз келтирдик «лолагул»,
Лолагул, лолагул.
— Баландлиги уч метр!
— Эни мана бундай!
— Бўйи мана бундай!
— Гўзаллиги кундай!
— Қани, ўйнагин-чи бундай!
— Ҳе, ўйна, ўйна ўйна-е
— Гулни чаккангга қўй-е!

ЯРАШТИРГИЧЛАР

Қаримга бердим тойчоқ,
У олавермади ҳар чоқ.
Тойчоғимни ким олса,
Мен у билан чин ўртоқ.

* * *

Ялинчоқ-ялинмачоқ,
Писта пўчоқ.
Қиличми, тўқмоқ, қирқ йилгача ўртоқ,
Тўқмоқ — тўқсон йилгача ўртоқ.

ХИКОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН

Х. К. Андерсен.

ЖИРКАНЧ УРДАК БОЛАСИ

Шаҳар атрофи ниҳоятда гўзал эди. Авжи ёз фасли, жавдар, буғдой олтиндай товланар, сули бошоғи сутга тўлган, пичанлар гарам қилинган эди. Ям-яшил ўтлоқда узунёқ лайлак мисрликлар тилида гудранарди. Арабчани у онасидан ўрганган эди. Далалар ва ўтлоқлар қалин ўрмонларга тутшиб кетган, уларнинг ичкарисидаги зангори кўлларнинг суви ғир-ғир эсган шабада билан мавжланар эди. Ҳа, шаҳар атрофи ниҳоятда гўзал эди!

Шаҳар чеккасидаги қўҳна қўрғон теvaraги сув тўла чуқур ариқлар билан ўралган, қўрғоннинг девори тагидан то сувгача отқулоқ қалин ўсган эди. Отқулоқ шунчалик ғовлаб кетган эдики, болакайлар унинг энг йирик барглари остига яшириниб ўйнашарди. Ўрмондай қалин ўсган отқулоқларнинг ичкарисида ёшгина она ўрдак тухум босиб ўтирарди. Узоқ ўтиравериш жонига текканди. Бунинг устига ёнига шериклари келмас, ёлғиз ўтиравериш зерикарли эди. Бошқа ўрдаклар кўкатлар орасида у билан бирга гағалашдан кўра ариқда сузиб роҳатланишни афзал кўришарди.

Ниҳоят тухумларнинг пўстлоқлари қирсилаб ёрила бошлади. — Чий! Чий! — деган овозлар эшитилди ичкаридан.

Тухум сариқларига жон кирди ва улар бошларини ташқарига чиқариб олишди.

— Фақ! Фақ! — деди она ўрдак.

Ўрдакчалар бир амаллаб тухумнинг ичидан чиқиб олишди ва теvarак-атрофга қараб, отқулоқнинг ям-яшил баргларини томоша қила бошлашди. Онаси уларга халал бермади: майли, қарашсин, яшил ранг кўзга жуда фойдали.

— Эҳ, олам нақадар кенг экан! — дейишди ўрдакчалар.

Бўлмасам-чи! Тухум пўстлогининг ичидан кўра албатта кенг-да.

— Бутун олам фақат шу жой экан, деб ўйламанглар тагини! — деди она ўрдак. — Сираям ундаймас! Олам узоқ-узоқларгача, боғдан ҳам нарига, далалар томонга чўзилиб кетган, лекин мен ҳали у ёқларга бормаганман... Хўп, қани, ҳаммаларинг чиқиб олдиларингми? Аҳ, йўқ, ҳали ҳамма тайёр эмас экан. Энг йирик тухум ҳали бутун турипти! Эҳ, бу ишнинг охири борми ўзи?! Бунақада тоқатим тоқ бўлади-ку!

Шундай деб, она ўрдак яна йирик тухум устига ўтирди.

— Ишлар қалай?— деб сўради унинг ҳолидан хабар олгани келган кекса ўрдак.

— Қўрмайсизми, қурмағур мана шу битта тухум мени жуда овора қилди,— деди ёш она ўрдак.— Сира ёрилай демайди. Мана бу жажжи ўрдакчаларга қаранг, жуда чиройли, тўғрими? Хаммаси бир тусда,— қуйиб қўйгандай, оталарининг ўзгинаси.

— Қани, ёрилмаётган тухумингни бир кўрай-чи?— деди қари она ўрдак.— Гапимга ишонавер, бу тухум курканики, гулгули товуқники. Мениям бир куни шунақа лақиллатишган. Кейин қурмағур гулгуличалар бошимга чунонам ташвиш ортиришдики! Уларни сувга яқин келтиролмай роса овора бўлганман. Тавалло қилиб ғақиллайман, барибир келишмайди! Қани, яна бир кўрай-чи. Тўғри, гулгулининг худди ўзи. Бошингга урасанми буни, яхшиси, ташлаб юбор-у, ўзингни болаларингни сузишга ўргат.

— Йўқ, яхшиси бир оз сабр қиламан,— деди ёш она ўрдак.

— Қирқига чидаган қирқ биригаям чидай.

— Билганингни қил-е,— деди ўрдак ва нари кетди.

Нихоят, йирик тухум ҳам ёрилди.

— Чий! Чий!— дея чийиллаб бир полапон ёруғ оламга чиқди.

Лекин янги меҳмон бирам катта, бирам жирканч эдики! Она ўрдак унга ҳайрон бўлиб, тикилиб қолди.

— Шунақаям йўғон бўладими?— деб ғўдирлади у.— Бошқа болаларимга сираям ўхшамайди. Ростдан ҳам гулгули бўлса-я? Бўлганича бўлди. Лекин мен уни сувга пишмасдан қўймайман. Қани тихирлик қилиб кўрсин-чи!

Эртасига қуёш чарақлаб чиқди, ям-яшил отқулоқ нурга чўлганди.

Она ўрдак кичкинтойларни ариқ томонга бошлаб кетди. Шалоп этиб, биринчи бўлиб сувга ўзини ташлади у.

— Ғақ! Ғақ!— чақирди у болаларини. Ўрдакчалар ҳам юғриб келиб, ўзларини сувга отишди. Шалоп! Шалоп!

Аввалига сувга бошлари билан шўнғиб кетишди, кейин дарров сув юзига чиқишди ва қойил қолиб сузиб кетишди. Оёқ пардалари роса иш берди. Ҳатто жирканч кулранг ўрдакча ҳам бошқалардан қолишмай сузарди.

— Сира гулгулига ўхшамайди!— деди она ўрдак.— Оёқларини эшакдай ишлатишига қаранг. Қаддини рост тутиши-чи! Йўқ, у бегона эмас, ўзимнинг ўғилгинам. Яхшилаб қараганда хунуклиги билинмайди. Қани, ортимдан чаққон-чаққон сузинглар-чи? Сизларни ҳозир қаторга қўшаман — қушлар маконига олиб кираман. Фақат мендан узоқлашиб кетманглар, битта-яримтаси босиб олмасин тагин, мушукдан ҳам эҳтиёт бўлинглар!

Кўп ўтмай қушлар маконига етиб келишди. Эҳ-ҳе! Шовқин-суронни қаранг, қиёмат-қойим бўляптими?! Икки оила ўрдак бир дона итбалиқни талашиб, тўс-тўполон кўтаришаётганди. Охири итбалиқ мушукка насиб этди.

— Бу ёруғ оламда доимо шунақа бўлади,— деди она ўрдак

ва тили билан тумшуғини ялаб қўйди, унинг ўзи ҳам итбалиқни татиб кўришни хоҳларди.— Қани, чаққонроқ, илдамроқ ҳаракат қилинглар,— деди у ўрдакчаларга қараб.— Қани бир яхшилаб ғақиллаб, анови холангларга таъзим қилинглар-чи! У ҳаммамиздан мўтабарроқ. Испан зотидан бўлгани учун биққигина. Кўрдингизми, унинг оёғига қизил қуроқ боғланган. Жуда чиройлиг-а! Ўрдакка насиб қиладиган энг олий ҳурмат бу. Яъни, эгалари унинг йўқолиб қолишидан қўрқиб, қизил латта боғлаб қўйишган. Одамлару ҳайвонлар уни ўша қизил латтасидан танишади. Қани, чаққонроқ ишланглар! Икки оёғингиз бир жойда турмасин. Тарбия кўрган ўрдакча ота-онасига ўхшаб, оёқларини ёйиб сузади. Ҳа, шундай бўлсин! Қаранг, энди бошларингизни эгиб, «Ғақ!» денглар-чи!

Ўрдакчалар оналарининг айтганларини қилишди. Лекин бегона ўрдаклар уларга баланддимоғлик билан қараб, ҳаммага эшиттириб, ғудранишди:

— Ана, яна бир тўда келиб қолди. Бизга шулар етишмай туришувди! Анови биттасининг башарасига қараб бўлмайди-я. Уни кўришга сира тоқат қилолмаймиз!

Шу заҳоти бир ўрдак учиб келиб, катта ўрдакчанинг бўйнидан бир чўқиди.

— Қўйсаларинг-чи,— деди она ўрдак.— Ахир у сизларга сира ёмонлик қилмаган-ку.

— Тўғрику-я,— деди уришқоқ ўрдак.— Лекин у жуда катта ва ғалати-ку! Бундайларнинг бошлаб таъзирини бериш керак.

— Ғўдакларинг чиройлигина экан!— деди оёғига қизил қуроқ боғланган қари ўрдак.— Ҳаммаси чиройли, анави биттасини ҳисобга олмаганда... Шуниси чатоқроқ экан. Уни бошқатдан қийиб бичиш керак эди.

— Бунинг сира иложи йўқ, жаноби олиялари,— жавоб берди она ўрдак.— Тўғри, унчалик чиройли эмас, бироқ кўнгли оқ. Сузишда бўлса бошқалардан қолишмайди, рухсатингиз билан айтсам, бошқалардан яхшироқ сузади. Чамамда, вақти келиб, у бошқаларга ўхшаб, анча кичрайиб қолади. У тухум ичида кўпроқ қолиб кетди, шундан хунукроқ чиқиб қолганга ўхшайди,— дея она ўрдак катта боласининг елкаларини қашиб, патларини силаб қўйди.— Бунинг устига, бу нар ўрдак, нар ўрдак чиройли бўлиши шарт эмас. Чамамда у кучли ўрдак бўлиб ўсади, ўзига йўл очиб олади.

— Бошқа ўрдакчаларингиз анча чиройли,— деди қари ўрдак.— Бўпти, ўзингизнинг уйингизда юргандай бемалол ўйнаб юраверинглар. Мабодо, чувалчанг топиб олсаларингиз менга нелтириб берсангизлар ҳам майли, хафа бўлмайман.

Шундай қилиб, ўрдакчалар худди ўзларининг уйларида юргандай ғала-говур кўтара бошлашди. Фақат ҳаммадан кейин тухумдан чиққан бечора ўрдакча хунуклиги туфайли ҳаммадан дакки ер эди. Уни ўрдакларгина эмас, ҳатто товуқлар ҳам туртиб, чўқиб, масхара қилар эдилар.

— Жудаям катта!— дейишарди улар.

Оёғида пихи билан туғилгани учун ўзини император чоғлайдиган ҳинд хўрози ҳурпайиб, худди елканли кемадай қанотларини ёзганича бир учиб, ирkit ўрдакчанинг олдига тушди, унга ғазаб билан тикилиб, туриб олди; тожига қон қуйилиб, даҳшатли тус олди.

Бояқиш ўрдакча нима қилишини, қаёққа қочишини билмади. Қаёқдан ҳам шунақа тасқара бўлиб туғилдим экан, қушлар маконида мени масхара қилмаган ҳеч ким қолмади-я, дея ўкинарди.

Биринчи кун шундай ўтди. Кейин беш баттар бўлди. Бечора ўрдакчани ҳамма туртиб-суртиб, ҳар ердан қувишар, ҳатто акалари билан опалари ҳам: «Башаранг қурсин, тезроқ мушук-пушук еб кета қолсаям бўларди!»— деб ҳақоратлай бошладилар. Устига-устак онаси ҳам: «Кўзимга кўринма, ирkit!»— деб қарғар эди. Ўрдаклар уни чимчилашар, товуқлар чўқилашар, қушларга дон сепувчи қизалоқ ҳам уни тепиб, нарироққа сураб эди.

Ниҳоят, ўрдакча жонидан тўйди. Таваккал, деб ҳовлининг ўртасидан чопиб ўтиб, бир сакраб шох девордан учиб, ташқарига тушди. Буталар орасидаги митти қушчалар чўчиб, учиб кетишди.

«Шундай хунук эканманки, митти қушчалар ҳам қўрққанидан қочиб қолишди»,— деб ўкинди ўрдакча ва боши оққан томонга чопқиллаб кетди. Охири ёввойи ўрдаклар истиқомат қиладиган бир ботқоққа бориб қолди. Шу ерда у совуқдан қалтираб тунни ўтказди. Ўрдакча жуда чарчаб, тинка-мадори қуриган, бунинг устига кўнгли вайрон эди.

Эрталаб ёввойи ўрдаклар уяларидан учиб чиқиб, янги ўртоқ келганини кўришди.

— Бу қандай қуш бўлди?— ажабланишди улар.

Ўрдакча гир айланиб, ҳар томонга эгилиб, билганича таъзим қила бошлади.

— Шунақаям жирканч бўласанми?— дейишди ёввойи ўрдаклар.— Дарвоқе, бунинг бизга алоқаси йўқ, фақат биз билан яқинлашишни хаёлингга келтирма тағин.

Бечора ўрдакчага йўл бўлсин эди улар билан дўст тутинишга. Фақат унга қамиш орасида ўтиришга ва ботқоқ сувидан тотинишга рухсат берсалар бўлди.

Ўрдакча шу алпозда икки кун ўтирди. Учинчи кун икки ёввойи ўрдак бола учиб келиб, уни олдига қўнишди. Улар эндигина туҳумидан чиқишган ва шунинг учун ўзларига жуда бино қўйишган эди.

— Билиб қўй, оғайни,— дейишди улар.— Сенинг башаранг шу қадар тасқараки, тўғрисини айтганда бизга ёқиб қолдинг! Биз билан бирга дунё кезиб, эркин қуш бўлиб юришни хоҳлайсанми? Шу ўртада бошқа бир ботқоқ бор, у ерда кўҳликкина ўрдак хонимлар яшайди. Улар «рап, рап» деб чет тилда гаплаша оладилар. Сен жудаям хушқўлигингдан уларга, балки, ёқиб қоларсан.

Аммо шу пайт ботқоқ узра «Пиф!», «Паф!», «Қарс!», «Қурс!»

деган товушлар эшитилди ва иккала ёввойи ўрдакчанинг ўлик таналари қамишзор ичига шалоплаб тушди. Устма-уст яна «Қарс!», Қурс!» товушлари эшитилиб, қамишзордан бир гала ёввойи ўрдаклар учиб чиқишди. Отишма кучайди...

Ўрдакча тагин қамишлар орасига беркиниб олди. Аҳён-аҳенда боши узра сочма ўқлар визиллаши эшитиларди.

Отишма оқшомдан кейингига тинди, лекин ўрдакча қўрққанидан яна анча вақтгача қимирламай ўтираверди.

Яна бирмунча вақт ўтди. Ниҳоят, ўрдакча ўрнидан жилишга журъат қилди, эҳтиёткорлик билан у ён, бу ёнга қараб, олисдаги дала ва ўтлоқлар томон югура кетди. Кучли шамол турганидан ўрдакча йиқилиб тушишдан қўрқиб, аранг югурарди.

Ярим кечага яқин ўрдакча бир камбағал одамнинг кулбасига келиб қолди. Кулба шунчалик нураб, чириб кетган эдики, у ағанаб тушай-тушай деб турарди. Фақат қайси тарафга йиқилишини билолмагани учунгина кулба шу вақтгача қуламай турарди.

Шамол кучайганида ўрдакча ер бағирлаб олганди.

Ўрдакчанинг бахтига, кулба эшиги битта ошиқ-мошиғидан чиқиб, қийшайганича осилиб қолганди. Эшикнинг очик жойидан бемалол ичкарига кириб олиш мумкин эди. Ўрдакча худди шундай қилди ҳам.

Кулбада бир кампир мушуги ва товуғи билан яшарди. Кампир мушугини: «Ўғилчам», деб суйиб эркаларди; мушук хурпайишини, миёвлашини ва ҳатто кўзларидан учкун сачратишини билар эди, лекин бунинг учун унинг юнгини тескарисига силаш керак эди. Товуқнинг сёқлари чўпдай ва калта бўлгани учун Калтахон деб қақиршарди; кампир уни вақтида тухум туғиб тургани учун ўз қизидай яхши кўрар эди.

Эрталаб бегона ўрдакча келиб қолганини кўришди. Мушук миёвлаб, товуқ қақағлай бошлади.

— Ким?— сўради кампир.

У яхшилаб қараган эди, бурчакда қалтираб турган ўрдакчани кўрди. Лекин кўзи яхши ўтмаганидан, уни семиз ўрдак экан, деб ўйлади.

— Худо отказди!— дея қувонди кампир.— Энди ўрдагимиз ҳам тухум очадиган бўлди. Агар, албатта, у нар ўрдак бўлмаса. Майли, синаб кўрайлик-чи!

Ўрдакчани синай бошлашди. Лекин, уч ҳафта ўтди ҳамки, тухумдан дарак бўлмади.

Уйнинг ҳақиқий хўжаси мушук, бекаси эса — товуқ эди. Шунинг учун иккаласи «биз бор, олам бор» деб юришарди. Улар ўзларини оламнинг ярим палласи деб, шундаям, яхши тарафи, деб билишарди. Тўғри, ўрдакнинг назарида бу борада бошқача фикр айтиш ҳам мумкиндай туюларди. Лекин товуқ бошқача фикрлашга сира йўл бермасди.

— Тухум туғишни биласанми?— сўрарди у ўрдакчадан.

— Йўқ.

— Ундай бўлса тилингни тийиб юр!

Мушук ҳам суроққа тутарди.

— Хурпайишни, кўзингдан учқун чиқаришни, миёвланиш биласанми?

— Йўқ.

— Бўлмаса, ақлли одамлар гапираётганда бўлар-бўлмас фикрларинг билан ҳадеб гапга суқилаверма!

Шундан кейин ўрдакча бир бурчакка тикилиб олиб, шумшайиб ўтираверди.

Бирдан ўрдакчанинг ёдига тоза ҳаво, чарақлаган қуёш борлиги, сувда яйраб сузиб юриш мумкинлиги тушиб, юраги орзиқиб кетди. Чидаб туролмай, кўнглидагини товуққа айтган эди, у койиб берди:

— Мазанг қочипти,— деди товуқ.— Бирор иш қилмай дангасалик қилиб ўтираверсанг, бошингга шунақанги бўлмағур хаёллар келаверади! Яхшиси тухум туғиб кўр ёки миёвла, дарров ҳушингга келиб қоласан!

— Оҳ, сузиш қанчалар ёқимлики!— деди ўрдакча.— Сувнинг энг чуқур жойига бошинг билан шўнғиш қандай мароқли!

— Мароқли эмиш!— тажанг бўлди товуқ.— Ақлдан озибсан! Мушукдан сўра, дунёда ундан ақлли зот бўлмаса керак, сузини билан шўнғиш унга ёқармикан, йўқмикан? Мен ўзим тўғримда гапирмай қўя қолай. Майли, кампирдан — бекамиздан сўраб кўр-чи, ундан кўра донороқ одам дунёда йўқлиги маълум,— у нима деркин? Сўра-чи, сувнинг чуқур жойига калласигача шўнғиш кампиримизга ёқармикин, йўқмикин?

— Сизлар дилимдагини тушунмайсизлар,— деди ўрдакча.

— Нима-нима? Сендай жинкарчанинг дилида нима бўлиши мумкин! Ҳо, сиз ақлли бўлдингизу, бизнинг мушук билан уй бекамиз аҳмоқроқ эканми? Мени айтмай қўя қолайлик. Жиниликни бас қил, биздан кўрган яхшиликларни унутма, тузимизни ичиб тузлуғимизга тупурма. Сенга бошпана бердик, бағримизга олдик. Шундай бир маданиятли даврага тушиб, оқу қорани таниганингга шукур қил! Лекин аҳмоқ экансан, сен билан гаплашиб ўтиришнинг ўзи бемаънилик! Гапимга ишонавер, сенга фақат яхшиликни раво кўраман. Дўст ачитиб гапиради, билсанг. Тухум қўйишга ҳаракат қилиб кўр ёки миёвланиш ва кўзларингдан учқун чиқаришни ўрган!

— Яхшиси, шу ердан бош олиб кета қолай!— деди ўрдакча.

— Тўрт томонинг қибла!— жавоб берди товуқ.

Ўрдакча айтганини қилди, кетиб қолди. У тинимсиз сузар, боши билан шўнғир, лекин аввалгидай, ҳамма унинг устидан кулар, жирканч ва бадбашара, деб ҳақорат қилишар эди.

Куз келди, дарахтларнинг барглари сарғайиб, кўнғир тус олди; шамол уларни чирт-чирт узиб, ҳавода айлантириб ўйнардди. Қаттиқ совуқ тушди... Қалин сур булутлар ерга гоҳ дўл, гоҳ қор сепар эди. Буталарда ўтириб олган қарға совуққа чидаёлмай, овозини борича бақириб қағилларди. Қар-р-р? Бунақа совуқни ўйлашнинг ўзи одамни музлатиб юборади. Бечора ўрдакчанинг ҳоли танг бўлиб қолди.

Бир куни оқшом олдидан, қуёш энди ботаётган пайтда ўрмон ичидан бир гала чиройли ва йирик қушлар учиб чиқишди. Бунақа гўзал, қордай оппоқ, узун толма бўйин, улуғвор қушларни ўрдакча умри бино бўлиб кўрмаганди. Улар қандайдир галати товуш чиқариб, чиройли, катта-катта қанотларини силкитиб, совуқ ўтлоқлардан мовий денгиз ортидаги илиқ ўлкаларга йўл олган эдилар. Улар баландлашиб, осмони заминга чиқиб кетишди. Бечора ўрдакчанинг юрагини тушунилмас бир дард чулғаб олди, у сувда пирпиракдай айланиб, бўйинни чўзганича шундай қаттиқ ва ғалати қичқириб юбордики, товушидан ўзи ҳам қўрқиб кетди. У бояги гўзал, бахтиёр қушлар учиб кетган томондан кўз узолмай қолди. Улар кўздан ғойиб бўлганидан кейин эса, ўрдакча ўзини қаерга қўйишини билмай, сувнинг туб-тубига шўнғиди, яна сув юзига чиқди ва узоқ вақтгача ўзига келолмади. Ўрдакча бу қушларнинг помини ҳам, қаёққа учиб кетишганини ҳам билмаса-да, уларни бутун вужуди билан севиб қолди. Ўрдакча дунёда ҳали ҳеч кимни бунчалик севмаган эди. Йўқ, ўрдакча уларнинг ҳуснига ҳасад қилмасди; ўзини ўшалардан чиройли дейиш хаёлига ҳам келмасди. Ўзини ақлли ўрдаклар турткилашмаса хурсандликдан боши осмонга етарди. Бечора ирkit ўрдакча эди, у!

Қаттиқ — қировли, қаҳратон қиш келди. Ўрдакча энди атрофидаги сув музлаб қолмаслиги учун тинмай сузиши керак эди. Лекин кун сайин у сузаётган жойдаги сувнинг атрофи музлаб борарди. Совуқ қаттиқлигидан муз ҳам тарс-тарс ёрилар эди. Ўрдакча оёқларини тинимсиз ишга солиб, ҳаракат қиларди. Охири у ғолдан тойди, шилқиллаб йиқилиб, танаси музга ёпишиб қолди.

Азонда шу ердан бир деҳқон ўтиб кетаётиб, музга ёпишиб қотиб ётган қушни кўриб қолди. У ёғоч кавуши билан музни ёрди ва чалажон қушни уйига олиб бориб, хотинига берди. Ўрдакчанинг танасига илиқлик югурди.

Болалар қуш билан ўйнамоқчи бўлишган эди, у хафа қилишмоқчи, деб ўйлаб, қўрққанидан, уларнинг қўлидан отилиб кетди. Уй бекаси қичқириб, қўл силкиган эди, ўрдакча хонада у ёқдан бу ёққа қочиб, ёғ солинган хумтовоққа тушиб кетди, у ердан учиб, ун солинган ёғоч хумга тушди. Ўзини эса таниб бўлмай қолди.

Аёл қўлига оташкурак олиб уни қувлар, ортидан болалар бир-бирини туртиб, йиқилиб югуришар, ҳаҳалаб, қийқирришар эди. Яхшики, эшик очик қолган экан, ўрдакча пирр этиб, у ердан учиб чиқди ва буталар устидаги янги ёққан қорга тушди. Ўша ерда хушсизланиб, узоқ ётиб қолди.

Мана шу қаҳратон қишда бечора ўрдакча бошидан кечирган барча кулфат, машаққатларни гапириб бериш жуда қайғули бўлар эди.

Қуёш ўзининг қайноқ нурлари билан ерни яна плита бошлади. Тўрғайлар сайради. Баҳор келди?

Қиш ичи бётқоқда, қамиш-қиёқлар орасида ётган ўрдакча

ҳам жонланиб, қанотларини силкитиб парвоз қилди. Энди қанотлари аввалгидан анча кучли бўлиб, баланд-баландларга учалар эди. Ўрдакча тез учганидан бир зумда каттакон бир боққа келиб қолди. Олмалар чаман-чаман гуллаган, муаттар сирень дарахтининг узун, ям-яшил новдалари бўтана бўлиб оқаётган анҳор сувига тушиб турарди. О, бу ер нақадар гўзал, мафтункор баҳор бутун атрофга атир-уфор сочарди!

Шу пайт, бирдан яқиндаги қамишзор ичидан учта чиройли оппоқ оққуш учиб чиқди. Улар сувда гўё сирпанаётгандай равон, мағрур сузишарди. Ўрдакча бу қушларни таниди ва яна вужудини қандайдир маънос ҳаяжон чулғаб олди.

— Таваккал қилиб, шу улуввор қушлар ёнига бораман. Мендай бадбашара бир қуш уларга яқинлашишга журъат қилганим учун ўлдиругудай чўкиб ташлашса ҳам майли! Ўлсам ўла қолай! Ўрдаклар ва товуқларнинг чимчилаб, бурашларига, паррандабоқар қизнинг тепкиларига, қаҳратон қишнинг изғирини ва очлик-яланғочлигига чидаб юришдан кўра шу чиройли қушларнинг қўлида ўлганим яхши!

Шундай деб, ўрдакча анҳор сувига тушди ва гўзал оққушлар олдига сузиб борди. Бунни кўрган оққушлар ҳам қанотларини силкитиб ўрдакчага яқин кела бошлашди.

— Мени ўлдиришлар!— деди бечора ўрдакча ва бошини қуйи солди.

Шу заҳоти у кўзгудай тиниқ сувда ўзининг аксини кўриб қолди. Лекин энди у қорамтир, кулранг, жирканч ўрдакча эмас, оппоқ оққуш бўлиб кўринди!

Ўрдакча авваллари бениҳоя кулфат, машаққатлар тортганига хурсанд эди, чунки худди шу кулфат, машаққатлар туфайли у ҳозирги бахтини, атрофидаги гўзалликни қадрлай олди. Катта оққушлар эса атрофида парвона бўлиб, унга тумшуқлари билан суйганишарди.

Шу пайт боққа кичкинтой болалар югуриб киришди. Улар оққушларга нон ушоқлари ва дон-дун сепа бошлашди. Болалардан энг кичиги бирдан «ўрдакчани» кўриб қолди ва:

— Янги оққуш келипти! Янги оққуш келипти!— деб қичқирди.

Бошқа болалар ҳам:

— Янги оққуш! Янги оққуш!— деб қувониб қийқиришди.

Болалар севинганидан чапак чалиб, ўйинга туша бошладилар. Кейин улар ота-оналарига хушxabарни айтишга чопқиллаб кетишди. Кўп ўтмай, ҳаммалари сув бўйига келиб, қушларга яна нон ушоқлари ва ширинликлар ташлай бошлашди. Болалар ҳам, катталар ҳам:

— Янги оққуш ҳаммасидан яхши! У жуда чиройли ва жуда ёш!— деган гапларни айтишарди.

Қарн оққушлар эса унга бош эгиб таъзим қилишарди.

Ёш оққуш эса хижолат бўлиб, нима учунлигини ўзиям тушунмаган ҳолда бошини қанотлари ортига яширишга уринарди. У шу лаҳзаларда ҳаммадан таъна эшитиб, дакки еб, урилиб,

сурилиб, қувғинди бўлиб юрган вақтларини эслади. Энди бўлса ҳамма уни гўзал оққушлар ичида энг гўзали деб мақтарди. Си-ренъ муаттар шоҳлари билан сувга эгилиб, уни олқишларди. Қуёш уни илтиб ардоқлар ва майин нурини сочарди... Шу пайт бирдан у қанотларини беихтиёр ёйиб, чиройли қаддини ростлади ва унинг кўксидан қуйидаги сўзлар беихтиёр отилиб чиқди:

— Йўқ, мен жирканч ўрдакча бўлиб юрганимда бундай бахтни орзу ҳам қилмаган эдим!

Раззоқ Иброҳим.

АЗИЗА ВА БУЗОҚ

Икковлон дала-қирда,
Бироқ бошоқ ҳар ерда...
Поясини еб бузоқ,
«Ма» сенга бошоғи, дер.

Изма-из юриб улар,
Полизга дуч келдилар.
Қиз қовундан еб олиб,
Ол, сенга пўчоғи, дер.

Қорнин тўйгазиб бузоқ,
Қизчадан кетди ёироқ.
Азиза ҳайрон қолиб,
Не бўлди бу ёғи, дер.

Юсуф Хос Ҳожиб.

ИНСОН ҚАДРИ БИЛИМДА

Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам—
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.

Одамзод наслининг улуғлиғи билимдан. У ақл-идрок ту-
файли не-не тугунларни енишга қодир. Уқув-идрок ва билим
эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир.

Билимни буюк бил, ўқувни улуғ.
Шу икков улуғлар кишини тўлиқ

Бунга асос бўладиган бошқа сўзлар бор. Уларни эшитиб
йўл-йўриқ тузса бўлади. Мана:

«Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар.
Билим кимда бўлса, буюклик олар.
Ўқувли уқару билимли билар.
Билимли, ўқувли шодликка тўлар».

Билим ҳақида айтилган фикрларга қулоқ тутилса, уларда

шундай ҳикмат мавжуд: «Билимдонга бало йўқ». Билимга интилмаган кишидачи?

Билимсиз кишида касаллик бўлар.
Касал эмланмаса яшамас, ўлар!

Шунинг учун ҳам:

Келу касалнингги тузатгин, нодон.
Билимсиз тубандир, билимдон шодон.

Билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади.

Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар донм кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар ўқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади.

Адҳам Раҳмат.

ДУМ

Пашша думсизлигидан,
Хафа бўлди жуда ҳам.
Дум дардиндан бағрини,
Босди алам билан ғам.

— «Нега менинг думим йўқ?»
Дер эди ўз-ўзига.
Ийғлар эди, чидолмай,
Еш тўлдириб кўзига.

Дерди, чидай олмайман
Энди думсиз юришга.
Ҳеч бир тоқат қилмайман
Бу аҳволда туришга.

Думни излаб энди мен
Борсаммикан тоғларга,
Ёки излаб уни мен
Борсаммикан боғларга.

Ё борайми дарёга,
Балиқларнинг олдига.
Ё борайми ўрмонга,
Қушчаларнинг ёнига.

У ахир ўйланиб,
Бўлди чолга бормоқчи.

Бутун арзи доднини
Бирин-бирин айтмоқчи.

У ўйлади: — Чол гўё
Бутун думга хўжайин.
Балки менга ҳам зора
Берар, бориб айтайин.

Чолнинг олдига бориб,
Сўзлай кетди ёлвориб:
— Эй чол бобо, чол бобо.
Менга раҳм қилсангчи!
Қушга берган думингдан,
Менга ҳам пича берсангчи!

Ҳамма қуш ва ҳайвоннинг
Узун-узун думи бор.
Нима учун мен шўрлик
Қарич думга бўлдим зор.

ЧОЛ:

— Қушлар думсиз бўлсалар,
Учиб, ўйнаб юролмас,
Қўп ҳайвонлар ҳам шундай,
Думсиз асло туролмас.

Йўқ бўлса-да, сенда дум,
Думликлардек юрасан.
Нима бало, сен думни
Бошинггами урасан.

Ғазабланиб пашшахон
Чолни чақа бошлади.
Бўйишларини, юзларини,
Қабартириб ташлади.

Алдаш учун уни чол
Деди: «Сўзга қулоқ сол:
Ҳозир ўрмон томонга,
Қараб тезликда йўл ол.

У ердаги қуш ҳайвон
Ҳаммаси ҳам меники.
Майли бориб думни ол,
Хоҳлаганинг сеники»,

Пашша севинганича,
Чолнинг бошида турди.
Учиб сўнгра у ердан
Ўрмон сари югурди.

Йўл юрса ҳам мўл юрди,
Етиб борди ўрмонга.
Қарар эди термилиб
Унги ҳам сўл томонга.

Учиб бораётганда,
Қўриб қолди кўк қуртни.
У қурт олдига бориб,
Сўзлай кетди ёлвориб.

— Ҳой, яхши қурт, яхши қурт,
Менга ўртоқ бўлсанг-чи.
Думгинангдан озгина
Қарзга бериб турсангчи.

Кўк қурт:

Меннинг асли
думим йўқ

Қориним билан юраман.
Думсиз бўлганим учун.
Жуда секин жиламан.

Думсиз қуртнинг олдида
Пашша жуда уялди.

Қанот ёзиб у яна
Олға қараб йўл олди.

Бориб дарё бўйига
Атрофига кўз солди.
Шу заҳоти у бирдан
Балиқни кўриб қолди.

Сув ичида бир балиқ
Уйнаб, сапчиб юрарди.
Шапиллатиб думини
Ҳар томонга бурарди.

Балиқ олдига бориб,
Сўзлай кетди ёлвориб:
— Ҳой балиқжон, балиқжон
Менга ўртоқ бўлсангчи.

Думгинангдан озгина
Қарзга бериб турсанг-чи.
Балиқ:— Кечирасан, ўртоқжон,
Ортиқча дум менда йўқ.

Бунинг учун пашшахон
Кўнгилгинанг бўлсин тўқ
Пашша жуда ўксиниб,
Учди ундан нарига.

Йиғлади кўп хўрсиниб,
Думсиз шўрлик ҳолига.

Яна ўрмон томонга
учиб кетди пашшахон.

Кўриб қолди дарахтда:
Чиройли бир қизиштиштон.

Қизиштиштонга бориб,
Сўзлай кетди ёлвориб:
— Ҳой қушчахон, ҳой қушча,
Менга ўртоқ бўлсанг-чи.

Думгинангдан озгина
Қарзга бериб турсангчи.
Қизиштиштон:
— Агар думим бўлмаса,
Дарахт тешиш кўп қийин.
Сенга берсам думимни
Ёмон бўлади кейин.

— Тешиш учун дарахтни
Тумшунинг ҳам этади.
Бера қолгин озгина
Сендан нима кетади?

Қизилиштон сўзламай
Учиб кўздан йўқолди.
Пашша-ғирнинг деёлмай
Оғзин очганча қолди.

Пашша дарахт устида
Бир озгина дам олди.
Дум дардида у яна
Чапга қараб йўл олди.

Йўлда бораётганда,
Кўрди тўртта кийикни,
Кийик олдига бориб,
Сўзлай кетди ёлвориб.

— Ҳой, кийикжон, кийикжон,
Менга ўртоқ бўлсанг-чи,
Думганидан озгина
Қарзга бериб турсангчи.

Кийик: Ўзинг қандай махлуқ-
сан?

Думни бериш мумкинмас.
Думим бўлмаса, мени
Болаларим тополмас.

Дум тополмай ҳеч қайдан,
Ғир-ғир айланди боши.
Маржон каби кўзидан
Оқди тўхтовсиз ёши.

Кўп ўтириб ўйлади,
Дум топишнинг йўллари,
Учди яна нарига
Билмай нима қиларин.

Думни излаб кўп вақт
Йўл юрса ҳам мўл юрди.
У бир ерга борганда
Сариқ тулкини кўрди.

Деди: «Энди бу тулки
Балки гапимга кирур,
Ўзун экан думчаси,
Албатта бир оз берур:

Тулкига яқин бориб,
Сўзлай кетди ёлвориб:
— Ҳой тулкижон, тулкижон.
Менга ўртоқ бўлсанг-чи,

Думганидан озгина
Қарзга бериб турсанг-чи.
Тулки:— Ақлинг бўлса, ҳой
пашша,

Сўзларимга сол қулоқ,
Сенга берсам думимни
Мен бўламан сўнг чўлоқ.

Думим менинг йўлдошим,
У қутқарар ўлимдан.
Агар думим бўлмаса —
Ҳеч иш келмас қўлимдан.

Дум тополмай ҳеч қандай
Пашша жуда уялди.
Чолнинг уйига қараб
Аччиғланиб йўл олди.

Чол олдига борибоқ
Уни чақа бошлади.
Чол бечора бақрайиб,
Бўйинларин қашлади.

Мени овора қилдинг.
Сен ёлгончи экансан.
Ғар дум топиб бермасанг
Сўнг жазонинг кўрасан.

— Чол:
— Бўлмаса-да, сенда дум,
Думликлардек учасан.
Нима бало, сен думни
Бошингами урасан.

Қушлар билан ҳайвонга,
Дум керак ҳаёт учун.
Улар думсиз бўлсалар,
Кўрсатолмаслар кучин.

Аччиғланиб у яна,
Чолни чақа бошлади.
Буринларин, юзларин,
Қабартириб ташлади.

— Ҳой пашша, пашша,
пашша,

Бас, бўлди чақма ортиқ.
Айтганигдай думин меп,
Қилурман сенга ортиқ.

На қиларин билмайин,
Чол деди унга майли:
— Ҳў, анави сигирни
Қўрдингми сен думини,
Сенга ёқса башарти
Олиб берурман уни.

Пашша:— Йўқ иложим
ёқтирмай
Менга дум керак фақат.
Дум дардида менда ҳеч
Қолмади сабр-тоқат.

Бориб сўрайчи унда,
Берармикан думидан —
Деб пашша югурганча,

БОРДИ СИГИР ОЛДИГА.

— Ҳой сигиржон, ҳой сигир
Менга ўртоқ бўлсангчи!
Думгинангдан озгина
Қарзга бериб турсангчи!

Сигир унга индамай
Думин силкиб ташлади.
Пашша унга чидолмай
Белин чақа бошлади.

Сигирнинг жаҳли чиқди
Индамайин жим турди
Белин чақиб турганда
Думи билан бир урди.

Дум зарбидан пашшанинг
Нафаслари тикилди.
Тил тортмасдан юмалаб,
Шунда ерга йиқилди.

Мамадали Маҳмудов.

ОҚТОЙ

Уйимиз қишлоқдан бир чақирим юқорига, сийрак дўланалар билан қопланган тепа устига жойлашганди. Унинг атрофи қояли тоғлар билан ўралган бўлиб, этагидан Нуқрасой оқарди. Сойнинг бир ирмоғида пастак томли сув тегирмон ишлаб ётарди. Тегирмондан нари чакалакзор эди. Мен ҳар куни дарсдан кейин Оқтой билан чакалакзордан унча олис бўлмаган Отучган тоғида қўй-эчкиларни боқардим.

Оқтой эсли ит эди. У қозон-товоққа яқинлашмас, бекордан-бекорга ҳурмас, узоқлашган подани қайтариб келар ва уларни томорқага тушишга қўймасди. Оқтой арслонча келарди. Унинг боши худди арслоннинг бошига ўхшар — катта эди. Қулоқлари, думи ярмидан қирқилган бўлиб, бу ўзига ярашарди. Бундан беш-олти йил бурун у арслондек кучли эди, подага ҳужум қилган бўриларнинг кўпларини қийратганди...

Ҳатто бир ғира-шира тонгда мен уни иккита бўри билан олишганини ўз кўзим билан кўрганман. Ушанда ерда тизза баравар қор бамисоли тошдай қотиб ётарди. Шамол кучсиз бўлса ҳам, совуқ қаттиқ эди. Кутилмаганда опам (онам) устимдаги кўрпани сидириб олиб, уйғотди:

— Тур, болам, тезроқ тур. Оқтойга бир бало бўлди. Жағи тинмаяпти.

— Озгина ухлай, опа... тонгда, айниқса бундай эрта ва со-
вуқ тонгда ўз ҳоҳишим билан турганимни ҳеч эслолмайман.
Қайтадан кўрпага ўраниб олдим. Опамнинг жаҳли чиқди.

— Турсангчи, ахир! Қўрани бўри босган. Оқтой бекорга
хурмайди.

Мен истар-истамас ўрнимдан турдим. Кийиндим. Уйда ик-
кита синглим бўлиб, мен тўнғич фарзанд эдим. Отам довонда
қорбўронда қолиб ҳалок бўлганди. Шунинг учун опам мени
эркак одам ҳисоблаб, баъзи мушкул ишга ёрдамга чақирарди...

Опам қўлига паншаҳа, мен ойболта олиб, молхона томон
югурдик. Шунда Оқтойнинг бўрилар билан олишайтганига кў-
зимиз тушди. Оқтой икки бўри ўртасида қолганди. Улар бир-
бирига ўхшаш кулранг ва йирик-йирик эди. Иккови ҳам ўлгудай
оч бўлса керак, қоринлари қапишиб кетганди. Оқтой бир бўрини
қувиб, энди унга етай деганди, иккинчи бўри унинг орқасидан
ташланар, сўнг ит уни қувишга мажбур бўларди. Қўрада эса
қўй-эчкилар дўпирлашиб, маърашарди. Биз ҳайҳайлаб бўри-
ларга ташландик. Улар қоча бошлади. Оқтой бўрининг орқа
томонидан сира ҳужум қилмас, балки у билан юзма-юз оли-
шишга одатланганди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Жинсидан ор-
қароқда қочиб бораётган бўрини бирпасда қувиб ўтди ва бир
сапчиб, унинг бўғзидан тишлади. Бўри итнинг остига типирчи-
лаб тушди. Олдиндаги бўри эса шарт бурилиб, тишларини ша-
қиллатиб, Оқтойга ташланмоқчи бўлди. Лекин у опам билан
мендан қўрқиб, бу ниятидан қайтди, олдинга лўкиллаб чопиб
кетди. Оқтойнинг бошини уриб ёрсап ҳам у тишлаган жойини
қўйиб юбормасди. Оч бўри итнинг найзадек ўткир тишларига
дош беролмай, чўзилиб қолди. Оппоқ қоя иссиқ қонга қориш-
ди. Шундагина Оқтой уни ўз ҳолига ташлаб, уйимиздан икки юз
қадамча орқадаги чуқур жар лабида чопиб бораётган бўрини
қувиб кетди...

Ит оз вақт ичида бўрининг олдидан кесиб чиқди. Оқтой бу гал
ҳам бўрининг бўғзидан тишламоқчи бўлди. Бўри чап бериб, унинг
орқа оёғига ёпишди. Ит ўзидан ажратиб учун уни чуқур жарга
судраб тушиб кетди. Биз жар лабига югуриб келганда, Оқтой
оч бўрининг бўғзидан маҳкам тишлаб олиб, босиб ётарди...

Ҳали айтганимдай, бу ҳодисага анча вақт бўлди. Энди Оқ-
той қариб қолганди. Мен ҳам энди ўзининг синфда ўқирдим.
Йиллар ўтавераркан...

Қиш кунларининг бирида, қуёш юксак тоғлар бошига қўн-
ганда, тепадан Оқтой билан мен Нуқрасойга қараб тургандик,
тегирмондан уч киши чиқиб, танаси эгри-бугри тут тагига ке-
либ тўхташди. Бири меннинг амаким — Маматчўлоқ, иккинчиси
Ҳазрат даллол, учинчиси — шаҳарча кийинган нотаниш киши
эди. У бўрига ўхшаш сурранг ёш итти етаклаб олганди. Бу менга
ғалати туюлди. Чунки у устига қўнғир жун пальто, қизғиш
шарф, бошига кундуз телпак, оёғига қимматбаҳо чарм ботинка
кийиб олганди. Нотаниш кишининг ёши ҳам бир жойга бориб
қолганди. Мен қишлоғимизда бундай башанг кийинган, ёши

Ўтинқираган одамнинг ит етаклаб юрганини ҳеч эслолмайман. Энди, овчилар бошқа гап...

Ит Оқтойни кўриши билан юлқиниб, ириллай бошлади. Оқтой умрида ўзига бундай беодоблик қилган итни кўрмаганди, унинг ғазаби келди, қулоқлари диккайди, жунлари ҳурпайди ва юқори лабини жийприб, даҳшатли. ириллади. Шунда оловранг кўзлари билан чирик тишлари шафақ ёғдусида совуқ ялтираб кетди. Мен уни қўлдан чиқариб юбормаслик учун бўйнига маҳкам ёпишиб олдим.

— Мақтаган итнингиз шуми?— деб сўради нотаниш киши хотиржамлик билан.

— Шу!— деди амаким илжайиб.

Нотаниш киши индамади. Лекин унинг ялпоқ юзи, тилла тишли катта оғзи ва сарғиш кўзларида алланимадан мамнун бўлганлиги сезилиб турарди.

Ҳазрат даллол билан нотаниш киши қишлоққа кетишди. Амаким мени имлаб чақирди. Бордим.

— Сурранг ит қандоқ, Мамадалибой?— деб сўради у.

— Ёш, бақувват,— дедим.

— Унинг оти Сиртлон экан. Эгасининг айтишича, у бўри билан итдан пайдо бўлган. Ҳар қалай боши бўрининг бошига ўхшайди.

— Ҳа, ўхшайди.

— Итвоз уни ўздан ҳам яхши кўраркан. Ўзи айтди. Доим унга ҳўкиз ва ҳўрознинг қонини ичираркан, қўй гўшти бераркан. Мен унинг бу гапига ишонмадим. Ахир бунга оз пул кетади деб ўйлайсанми?

Мен индамадим. Амаким:

— Сиртлонни қандоқ боқсаям, бари бир Оқтой ундан зўр!— деди елкамга ун юқи қўлни қўйиб,— чунки Оқтой меҳнаткаш. Сиртлон бўлса эрка бир ит. Эртага қишлоқда Оқтой билан Сиртлонни уриштирамиз. Мен итбоз билан уч юз сўмга гаров ўйнадим.

— Бекор қилибсиз, амаки,— дедим алам билан,— Оқтой қариб қолган, аввалгидай кучи йўқ, енгиледи.

— Қўйсанг-чи!— деди амаким мени жеркиб.— Оқтой қанча бўриларни қийратган. Энди келиб-келиб шу итдан енгиладими.

— Енгиледи, амаки. Шаҳарлик ит ёш. Ўзиям эшакча келади. Бунинг устига у кўп итлар билан олишавериб, чиниқиб кетган.

— Сен тирмизак нимани билардинг.

У умр бўйи тегирмонда ишлаб келаётганидан итлар тўғрисида дурустроқ бир тушунчага эгамасди. Шунинг учун у Оқтойни дунёда энг зўр ит деб биларди. Унинг бу фикрини қишлоқ одамлари ҳам қувватлардилар. Чунки Оқтойдан қишлоқ итлари кўрқинар, уни кўришлари билан думларини қиспишиб, акиллай-акиллай қочиб қолишарди.

Шундай бўлса ҳам ҳозир амаким менинг гапимдан чўчинқиради, унинг ун босган юмалоқ, серажин юзига ташвиш бел-

гилари ёйилди. Бола-чақасининг ризқини қийиб, уч юз сўм ют-қазिश ҳазил гапми! Бироқ у Ҳазрат даллол билан итбозга сўз бериб қўйганди. Лафздан қайтиш тоғлик учун ўлим билан баравар эди. Амаким урушда мажақланган ўнг қўлини менга силтаб:

— Ҳе, қиззиғар, она сути оғзидан кетмаган гўдак!..— дея оқсоқлана-оқсоқлана тегирмонга кириб кетди...

Офтоб ёйилганда Кўкдара қишлоғи ёнбошидаги, тўғрироғи, қор босган қора қоялар этагидаги кенг ялангликка анча одам йиғилди.

Ҳазрат даллол қариб қолганига қарамай, югуриб ўртага чиқди. У новча, кўзлари айёрона боқувчи, бақувват ва абжир чол эди. Унинг боши сапчага ўхшаш ҳамда сапчадай кичкина, кўзлари ҳам кичкина эди. Бу — унинг қорин қўйган йўгон гавдасига ярашмас, шунданми, уни кўпчилик «Илонбош» деб ҳам атарди. Боши дам у ёнига, дам бу ёнига чайқалиб ҳам турарди. У ҳамиша қўнғир чакмон кийиб, кир босган дўпписи устидан кўкиш қийиқча боғлаб юарди. Ҳазрат даллол итбоз билан амакимга итларни олиб келишни буюрди. Итбоз Сиртлонни, амаким Оқтойни етаклаб ўртага чиқишди. Ҳар иккови ҳам пальто ва чопонларининг этаклари билан итларнинг юз-кўзларини бекитиб олишганди. Ҳазрат даллол:

— Итларни бўшатинглар!— деб қичқирди.

Итлар бир вақтда бўшатилади. Улар бир-бирларига яқин келиб, қўрқинчли ириллай бошлашди.

Одамлар:

— Ол киш-киш!!!

— Ол киш-киш!!!— деб бақиршиб, итларни тезладилар.

Итларнинг кўзлари ғазаб ва қонга тўлди. Иккови ҳам ёвуз ириллаб, бир-бирига шиддат билан ташланди. Улар шундай ваҳшиёна сапчишиб, хириллашиб олишардики, оёқларидан учаётган қуруқ қор худди бўрон бўлаётгандай тўзғирди. Оқтой Сиртлоннинг бўғзидан, Сиртлон эса унинг гарданидан олиш учун жон-жаҳдлари билан курашардилар. Оқтой аллақандай сурранг ит билан шундай пачакилашиб ўтирганидан ниҳоятда қаҳри келди, бирдан Сиртлоннинг бўғзидан олиб, таппа босди. Одамлар осмонни бошларига кўтариб қичқирдилар:

— Оқтой зўр!...

— Оқтойга тенг келадиган ит йўқ!..

— Оқтой, бос!..

Амаким менга кўз остида мағрур қараб қўйди. Мен ундан кўзимни олиб қочдим. Шу пайт сурранг ит бир силтаниб Оқтойнинг тагидан чиқиб олди. Чунки Оқтойнинг тиши ўтмас, чириб қолганди. Илгарн у тишлаган жойини узиб олмагунча қўйиб юбормасди. Энди!.. Эҳ ваҳший қарилик!..

Сездирмай амакимга қарадим. Унинг рангида ранг қолмади. Чуқур кўзлари яна ҳам чуқурроқ ботиб кетди. Шу топда амакимнинг устидаги эски қора чонони, бошидаги латта телпаги уни менга аввалгидан ҳам почор қилиб кўрсатиб юборди.

Сурранг билан Оқтой яна олиша кетди. Улар бир-бирини гажиб, еб қўйгудай олишар эди. Натижада ҳар иккови ҳам қонга беланди. Оқтой сезиларли чарчади. Сиртлон эса кучини деярли сақлаган ҳолда ва тобора қутуриб ҳужум қиларди. Ниҳоят у муддаосига етди: баландга бир сапчиб, Оқтойнинг нақ гарданидан тишлашга улгурди. Оқтой тажрибали эди. У бўрилар билан кўп олишгани учун бундай пайтда нима қилишни биларди. Оқтой ўша заҳоти зарб билан ўзини олдинга отди. Шунда у Сиртлоннинг ёвуз тишидан бўшашга бўшади-ю, аммо уч-тўрт қадамга бориб, ағанаб тушди. Илгарилари бундай пайтда у бирор жойни узилиб кетса ҳам йиқилмас эди. Энди!..

Сиртлон ҳам мард ит экан. Оқтой йиқилиб қолганда, уни орақасидан бориб босмади: тургунча кутди. Оқтой отилиб оёққа турди. Тағин бир-бирига сапчишиб олиша кетди. Бу гал кураш узоққа чўзилмади. Сиртлон Оқтойнинг гарданидан маҳкам тишлаб олди. Энди бечора Оқтойнинг бояги тажрибаси иш бермади. У кучдан қолган эди. Тезда сурранг уни босиб олди ва хириллаб, Оқтойни эт-суякларини киртиллатиб ғажий бошлади. Оқтой типирчилар, бироқ туришга қурби етмасди. Одамлар қичқирадилар:

— Сурранг зўр экан!..

— Шундай итнинг бўлса!..

— Сурранг, бос!..

Одамлар ақлли Оқтойини қўйиб, зўравон итни мақтаётгани менга алам қилди. Хўрлигим келиб, йиғлаб юбордим. Сўнг бор кучим билан Оқтойни қутқаришга югурдим. Мени Ҳазрат даллол тутиб олиб:

— Аҳмоқ, бетамиз!..— дея юзимга кетма-кет тарсаки тортди. Бошим айланиб, ўтириб қолдим...

Оқтой енгилди. Умрида биринчи марта енгилди у. Оқтой бошини эгган бўйи, ҳеч ёққа қарамасдан, қип-қизил қонга беланган, бели майишган ва қийшайган ҳолда зўр-базўр судралиб уйимиз томон ўрлаб кетди. Энди қишлоқ итлари ҳам қўрқмасдан ер титиб унга ириллашар, аммо мен бор учун улар Оқтойга ташланишга ботинишмас эди.

Оқтойни қишлоқнинг жанубидаги қабристондан ўтказиб қўйиб, ўзим мактабга бордим. Дарслар тугагач, уйга чопдим. Келсам, Оқтой йўқ.

Оқтой!.. Оқтой!..— дея қичқириб, зир югуриб уни ахтардим. Тополмадим. «Оқтойгинам!.. Бечора Оқтойгинам! Қасрларга кетдинг!..— дея йиғладим.

Бир неча кундан кейин Бўрон деган йилқибоқар Оқтойнинг ўлиги тешиктош дарада эканлигини айтди. Мен бу гапни эшитган заҳотим қадимда қишлоқ бўлган, одамлар водийга силжишгани учун эндиликда харобазорга айланган вайроналар тепасидаги Тешиктош дарага бордим. Оқтой ўзини қоя учидан шу дарага ташлабди. Мен: «Тавба! Итда ҳам шунча ор-номус бўладими?!»— деб ўйладим. Сўнг Оқтойни яралгандан бери тинимсиз увлаётган дарадан олиб чиқиб, кўммоқчи бўлдим. Бироқ

кўп уриниб, у ерга тушолмадим. Дара жуда чуқур ва қўрқинч-ли эди. Кейин ўйладим: «Оқтойнинг ўлиги зим-зиё ер тагида эмас, ёруғлиқда, шамол билан бўронлар бетиним ўкириб ётган дарада бўлгани яхши...»

Ахир, Оқтой тириклигида бўронли ҳаётни ёқтирарди-да...

Мурод Хидир

ТЎТИ, ЖИРАФА ВА КЎРСИЧҚОН

Кекса чинор қавагида бир доно Тўти яшар эди. У ҳар бир йўловчидан маслаҳатини аямас эди. Тўти фақат одамларга эмас, балки барча жониворларга ҳам ҳикматли сўз улашарди. Чинор тагида ин қурган Кўрсичқон тўтининг донолигини билардию, аммо уни сира тан олгиси келмас эди. У: «Мен ер юзасида яшайман, Тўтига ҳеч қачон ишим тушмайди», деб ўйларди. Бир куни Кўрсичқон курак тишларини офтобда ялтиратиб, инидан йўрғалаб чиқди-да, орқа оёқларида чўнқайди, калта қўлчаларини силкиб, чинор шоҳида гоҳ мудраб, гоҳ ўйга толган Тўтини ҳадеб ўзи томон чийиллаб чорлайверди. Кўрсичқоннинг қўл ишорасига Тўтининг кўзи тушиб қолмаганда, балки унинг зўр бериб чийиллаши чинорнинг баланд шоҳига бир йилда ҳам етиб бормас эди. Тўти бир «қар-ғ» деб қўйди-да, чинорнинг ер бағирлаб ўсган шоҳига ўтиб қўнди.

— Қулогим сенда, қўшнижон!— деди Тўти.

Кўрсичқон чийиллаб керилди:

— Биласанми, Тўти? Мен қиш ғамини еб, анча илдиз тўплаб қўйдим. Мана кун ҳам қизиб кетди, ин кавлашни йиғиштирдим. Энди қўлим бўш, вақтим чоғ. Бугун бундоқ ўйлаб кўрсам, ҳўб доно эканман. Ҳикматли сўзларим тўлиб-тошганидан бошим тарс ёрилай дейди. Танамга нисбатан калламнинг бесунақайлиги ҳам ана шунда экап-да. Ҳикматли сўзларимни биронта танишимга ҳадя қилмоқчиман. Ҳойнаҳой уларни ўзим билан гўрга олиб кетмасман...

— Ҳикматли сўзларингни кимга раво кўрмоқчисан?— деди Тўти кулгиси қистаб.

— Кимга бўларди, анови новча Жирафага-да...— деди кўрсичқон кичкина кўзларини Тўтига тикиб.

— Хайрли ишни асло кечиктириб бўлмайди. Ҳикматли сўзларингни Жирафадан аяма,— деди Тўти ўзини жиддий тутиб.

— Афсуски,— деди ўйланиб Кўрсичқон юмалоқ бошида ўрнашган жимитдеккина қулогини ўнг қўли билан қашиб қўяркан,— Жирафа жуда новча-да, қулогига бўйим етмайди. Ўзига қолса, унинг бурни ҳеч ер искамайди.

— Бўлмаса ҳикматли сўзларингни менга айт, Жирафага етказиб қўяй,— деди Тўти.

— Йўқ, йўқ,— деди шошиб Кўрсичқон бошини сарак-сарак қиларкан.— Ҳикматли сўзларимни Жирафанинг қулогига шахсан ўзим айтмоқчиман.

— Мендан қизганмасанг ҳам бўларди. Нима, ҳикматли сўзларингни еб қўярмидим? Биласанку, менинг емишим данак мағзи-ю, дон-дун ва ҳашаротлар,— деди Тўти Кўрсичқондан гина қилиб.— Менга ишонмаётган бўлсанг. Сўфитўрғайга айтиб кўр. Ҳар ҳолда бурунги замонларда бошига салла ўраб, мулла, деган ном олган. У ҳикматли сўзларингга хиёнат қилмайди, барини Жирафага етказди. Ҳа, ишонавер.

— Қўйсангчи, Тўти — деди Кўрсичқон қўлчасини силтаб.— Ахир ҳикматли сўзларимни Сўфитўрғайга қандай ишонаман Уларни йўлдаёқ аввал миёсига жойлаб олади, сўнгра дуч келган жонзотга айтиб беради.

— Эҳтимол, шубҳанг ўринлидир — деди Тўти Кўрсичқонга ён босган бўлиб,— Айтчи, қўшнижон, ҳикматли сўзларингни нега фақат Жирафага раво кўрдинг? Ахир, дунёда ҳикматли сўзларга зор жониворлар кўп-ку!

— Бу гапинг тўгрику-я! — деди Кўрсичқон.— Лекин мени Жирафанинг бўйи узуну ақли қисқалиги ташвишга соляпти-да.

— Ҳа бундоқ дегин. Яхшиси, Жирафани ҳузурингга айтиб келақолай,— дедию Тўти парр этиб ҳавога кўтарилди.

Тўти зум ўтмай, Жирафани қидириб топди ва уни чинор тагига бошлаб келди.

— Жирафа,— деди Тўти,— олд оёқларингни сувлоқда сув ичгандақа кериб ёз-да, қўшним Кўрсичқонга ўнг қўлосинини тут. У, етти пуштинг ешитмаган ҳикматли сўзларни айтиб беради. Бу ҳикматли сўзлар сенга бир умрга асқотади.

— Бажонидил! — деди овози дўриллаб Жирафа ва шотидай узун оёқларини ҳар икки томонга саржиндай кенг кериб юбориб, узун бўйинини қуйи эгди.

Кўрсичқон эса анчагина миқ этмай тураверди. Тўтиси қўғур Жирафани қайдан ҳам зумда топиб кела қолди. Ахир, унинг ҳикматли сўзлар ҳақидаги гапи шунчаки уйдирма эди, холос. Тўтининг донолигига ҳасад қилиб, бир мақтангиси келган эди-да. У, бундай танг аҳволга тушиб қоламан, деб сира ўйламаганди. Энди бу хижолатдан қандай қутилса экан? Бирор баҳона, ҳийла топмаса, шарманда бўлиши турган гап. Ҳозир ана шу ҳийлани топишнинг ўзи ҳам ўн ҳикматли сўз билан баробар... Хайрият, қутилмаганда Кўрсичқоннинг миёсига бир фикр келдию, севинганидан ўзини йўқотиб қўёзди.

— Айта қолсангчи! — дея сабри чидмай Жирафа Кўрсичқонни шошилтирди.

— Вой, эсим қурсин! — деди Кўрсичқон юмалоқ бошини чангаллаб.— Аввал болаларимнинг олдидан бир ўтай, уларнинг розилигини олай...

— Майли, майли! — дейишди Жирафа билан Тўти.— Биз кутиб турамиз.

Кўрсичқон бир оз ҳаяллаб қайтиб чиқди (Чунки унинг ини юз газдан ҳам узун эди-да).

— Аттанг! Аттанг! — деди юмалоқ бошини чайқаб Кўрсичқон.— Беш нафар боламнинг биронтаси ҳам кўнмади-я! Минг

бор ёлворсам ҳам бўлмади. Улар «Ҳикматли сўзларингни бизга мерос қолдирасан», дейишди чуввос солишиб. Тушмагурларнинг қизғанчиқлигини шу чоққача билмагандим. Хафа бўлма. Сенга тақдир қилмаган экан, Жирафа... Шундай бебаҳо ҳикматли сўзлар эди-ки, асти қўявер.

— Майли, ҳикматли сўзларинг болаларингга сийлов,— деди овози дўриллаб Жирафа қаддини ростларкан.— Мен эса бир кунимни кўрарман.

Кўрсичқоннинг ҳикматли сўзлари Жирафага тақдир қилганда, эҳтимол қисқа ақли — узун, бўйи—қисқа бўлиб қолармиди. Қим билсин, балки бунинг акси бўлармиди. Бу ёғи бизга Кўрсичқоннинг инидай қоронғи.

КЎЗАЧА ВА БЎТАЧА

Бир бор экан, йўқ экан, бир бола бор экан. У жуда ҳам эркакжон ва ўжар экан. Отаси ҳам, онаси ҳам боласи нима истаса, дарров ўшани ўринлатар экан. Кунлардан бир кун бола:

— Кўзача! Кўзача!— деб хархаша қилаверибди. Отаси ҳам, онаси ҳам бараварига елиб-югуриб, охири сирти сирланган, чипчиройли кўзача топиб келишибди. Бу гал бола:

— Бўтача! Бўтача!— деб хархаша қилаверибди. Отаси ҳам, онаси ҳам бараварига елиб-югуриб, охири келишган бир бўтачани етаклаб келишибди. «Энди боламиз кўзача билан бўтачани анча вақт эрмак қилиб овуниб юради», деб отаси ҳам, онаси ҳам роса севинибди. Лекин шу маҳал бола бирдан:

— Кўзачамга бўтачамни солиб беринглар!— деб уввос солиб йиғлай бошлабди. Боласининг мана шу талабидан кейин отаси ҳам, онаси ҳам танг аҳволда қолибди. Чунки унинг удласидан чиқиш жуда мушкул экан. Ахир бўта шунчаки миттигинга бўтача эмас, балки росмана бутун бошли бўталоқ экан-да.

Отаси ҳам, онаси ҳам минг ҳийла ишлатиб, ахири бўтачани кўзачага сиғдирибди. «Ҳа, бола — подшо, деганлари бежиз эмас экан» деб енгил хўрсиниб қўйибди отаси ҳам, онаси ҳам.

Орзуси ушалган бола кўзачани кўтариб, дарров уйдан кўчага отилибди-да, қўшни боласини устма-уст чақирибди. Қўшни бола ҳовлиқиб дарвозага чиқиб келибди.

— Нима гап? Қўлингдаги нима?— деб сўрабди қўшни бола.

— Кўзача, кўзача ичида бўтача!— дебди керилиб у. Бунчи фақат сепга арзон сотаман. Биласан-ми, бор-йўғи йигирма беш тийин берсанг бўлгани...

Қўшни бола кўзача ичига қараса, ростдан ҳам жонли бўтача кўринганмиш. У шоша-пиша чўнтақларини кавлай бошлабди. Қўшни бола кўзларини чиппа юмиб, роппа-роса йигирма беш тийинни унга санаб берибди.

Тангаларини санаб олган бола қувончинин ичига ютолмабди-да:

— Мазза энди!— дебди у.— Ҳой, кинотеатрдаги янги афшани кўрдингми? «Ун олти ёшга тўлмаган болаларнинг кириши

тақиқланади», деб ёзиб қўйишибди. Вугун ана шу фильмни мириқиб томоша қиламан. Билдинг?!..

Қўшни бола ҳам бўш келмабди:

— Мен-чи, буни ҳув анави ён қўшни болага сотаман. Ин-найкейин болалар боғига бориб, ҳар хил ўйинларни кўраман.

Қўшни бола айтганини қилибди: кўзача, кўзача ичида бўтачани ён қўшни болага эллик тийинга пуллабди. Ён қўшни бола ҳам ниятига етибди. У кўзача, ичидаги бўтачани қўшни болага пулламабди, фақат биргина музқаймоқ эвазига алмашиб юборибди. Нима қилсин, ён қўшни бола жуда ширинтомоқ экан-да.

Хуллас кўзача ичида бўтача қўлдан-қўлга ўтиб, ҳамон сарсон кезиб юрганмиш.

Лекин, ҳеч ким бўтачани кўзача ичидан озод қилишни, янтоқ бериб сийлашни, бўйнига кумуш қўнғироқчалар тақиб, суйиб-суйиб эркалашни хаёлига ҳам келтирмабди.

Шу эртакни мен кенжа жиянимга айтиб бергандим, у мана бундай деди:

— Аввал бўтачани кўзача ичидан озод қилишганда эди.

... Суюнганимдан жияним сўзини бўлиб:

— Яша, жиян, баракалла!— деб юбордим.— Кейин-чи?!

— Кейин ҳар бирини алоҳида-алоҳида пуллашарди.

Хушим бошимдан учди. Шошиб қолганимдан қаторасига уч марта:

— Нега? Негат? Негат?— деб сўрабман ундан.

— Шуни ҳам билмайсизми?— деди у.— Ўшанда икки баравар фойда қилишарди-да.

Бу кутилмаган жавобдан сўнг жаҳлим чиқди. Жиянимга асабий ўқрайганимча қараб қолдим. Унинг юзида пушаймон бўлишдан кўра кўпроқ таажжуб ифодаси бор эди.

— Ахир, бўталоқнинг ҳоли нима кечади? Наҳотки сенинг кўзачага қамалиб қолган ўша жониворга ичинг ачимаса?..— дедим бўғилиб.

— Раҳмим келади, раҳмим келади,— деди жияним шоша-пиша. Бу гапни мен бўталоқни кетма-кет пуллашаётган болалар учун айтдим. Ахир, уларга бўтача эмас, балки нуқул фойда жерак экан!.. Менга қолса-чи, кўзача ичидаги бўтачани дарҳол қутқазардим. Агар очиққан бўлса янтоқ, сувсаган бўлса сув берардим. Биринчи жавобим учун мени кечиринг, тоғажон!..

Жиянимнинг чақнаб турган кўзларида ҳеч қандай қувлик аломатининг йўқлиги ва сўзларини эса чин юракдан айтаётгани менга таскин берди.

— Ҳа, мана бу бошқа гап!— дедим-у баҳсни бос қилдим. Бундоқ ўйлаб қарасам, эртакнинг ана шундай тугашига ўзим юз фоз айбдор эканман. Чунки, бу қадимий ривоятнинг давомини беқор тўқибман. Эҳтимол эртагимни ўқиган болаларнинг ҳаммаси кўзача ичида қамалиб ётган бўталоққа роса ачинаётгандир. Майли, болалар ўқинмасин. Мен ваъда бериб айтаман-ки, агар бу эртакни қайтадан тўқийдиган бўлсам, ўшанда албатта

биринчи эркажон ва ўжар болага туякашнинг ўғли ногаҳон дуч келиб қолади ҳамда кўзача, кўзача ичидан бўтачани ундан дарров сотиб олади. Сўнгра туякаш бола кўзача ичидаги бўтачани ўша заҳоти озод қилади-ю, бўйнига кумуш қўнғироқлар тақиб, уни олис чўлга бошлаб кетади.

А. С. Пушкин.

БАЛИҚЧИ ВА БАЛИҚ ҲАҚИДА ЭРТАК

(Эртақ)

Ўтган чоқда денгиз бўйида
Чол ва кампир умр сурганди,
Ўттиз уч йил бирга турганди.
Кампир эса йнғирар урчуқ.
Чол денгизга тўр солса бир гал,
Бақа япроқ илинди ёлғиз.
Тўр солганда чол иккинчи гал,
Илинди-ку денгиз ўлани.
Тўр солганда чол учинчи гал,
Тўрга тушди бир кичик балиқ,
Жўн балиқмас, нақ олтин балиқ.
Олтин балиқ худди одамдай,
Тилга кириб ёлвориб қолди:
«Қўйиб юбор денгизга, бобо,
Катта тўлов тўлайман сенга.
Қўнглинг не тиласа бергайман».
Хайрон бўлди, қўрқиб кетди чол:
Ўттиз уч йил балиқ овлади,
Аммо балиқ сўзлаганини,
Эшитмаган эди умрида.
Чол балиқни қўйиб юборди,
Шундай деди, унга меҳрибон:
«Олтин балиқ, тангри ёр бўлсин,
Керак эмас менга тўловинг,
Майли, тушгил мовий денгизга,
Эркин-эркин ўйнаб юравер!»

Чол қайтди-да, кампир ёнига,
Айтди шундоқ қизик мўъжиза:
«Тутиб олдим бугун бир балиқ:
Жўн балиқмас — нақ олтин балиқ:
Балиқ тилга кириб, сўзлади,
Қўп ялинди қўйиб юбор деб,
Ўз уйига — мовий денгизга;
Катта тўлов тўлайин, деди,
Не истасанг берайин, деди.
Мен олгани ботина олмадим,
Қўйивордим мовий денгизга».

Чолни қарғай бошлади кампир:
«Эй тентак чол, гўл, девона чол!
Ололмабсан балиқдан тўлов.
Ҳеч бўлмаса битта тоғора —
Сўраб олмайсанми ундан сен,
Тоғорамиз! Тешик-ку, ахир!»
Чол жўнайди мовий денгизга,
Мавж урмоқда денгиз қараса,
Чақирди у балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб, сўради ундан:
«Нима керак сенга, чол бобо?»
Таъзим билан жавоб берар чол:
«Подшо балиқ, ҳолимга ачин,
Хўп уришди кампирим мени:
Тинчлик бермас, қаридинг демас.
Керак эмиш янги тоғора,
Тоғорамиз тешилган, ахир».
Олтин балиқ айтади жавоб:
«Қайғурмагил, тангри ёр бўлсин,
Боргил бердим янги тоғора».
Чол қайтсаки кампир ёнига,
Тоғоралик бўлипти кампир.
Лекин уришди кампир баттарроқ:
«Эй тентак чол, гўл, девона чол!
Қир тоғора сўраб олдингми?
Қир тоғора мол бўлармиди?
Жўна, тентак балиққа боргил,
Таъзим қилу, энди уй сўра».

Чол жўнайди мовий денгизга,
(Мовий денгиз лойқаланарди.)
Чақирди у балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўради ундан:
«Нима керак сенга, чол бобо?»
Таъзим қилиб, шундай деди чол:
«Подшо балиқ, ҳолимга ачин,
Мени кампир қарғади баттар,
Тинчлик бермас, қаридинг демас,
Жағи тинмас, уй сўраб нуқул».
Олтин балиқ айтади жавоб:
«Қайғурмагил, тангри ёр бўлсин,
Боргил уй ҳам бўлади насиб».
Ертўласи томон қайтса чол.
Ертўладан из ҳам қолмапти.
Мурилари ғиштдан, оқланган,
Эман ёғочидан ясалган —
Дарвозалик бир уй турибди.
Уй ёнида меҳмонхона бор.
Деразанинг ёнида эса,

Ұтирипти кампир талтайиб,
 Қарғамоқда чолни баттарроқ:
 «Эй тентак чол, девона чол!
 Келиб-келиб уй сұрабсан-да.
 Жуна дарров балиқ ёнига,
 Таъзим қилгил унга сен тагин:
 Қора деҳқон бўлмайман ортиқ,
 Мен бегойим бўлиш истайман!»
 Чол жунайди мовий денгизга.
 (Денгиз нотинч, тўлкип урмоқда.)
 Чақиради балиқни сувдан,
 Балиқ чиқиб сўради ундан:
 «Нима керак сенга чол бобо?»
 Таъзим қилиб, чол шундай деди:
 «Подшо балиқ, ҳолимга ачин.
 Кампирни жин урди баттарроқ.
 Тинчлик бермас, қаридинг демас,
 Қора деҳқон бўлмасмиш ортиқ,
 У бегойим бўлиш истармиш!»
 Олтин балиқ айтади жавоб:
 «Қайғурма, бор, тангри ёр бўлсин».

Чол қайтади кампир ёнига,
 Нима кўрар? Баланд бир сарой;
 Пешайвонда турар кампири,
 Савсар пўстин унинг эғнида
 Бошида ҳам алвон дакана,
 Қатор-қатор инжу бўйида,
 Қўлларида олтин узуклар,
 Оёғида қирмизи эгик.
 Атрофида оқсоч хотинлар,
 Қоқ ўртада кампир турарди,
 Сочларидан судраб урарди,
 Кампирига сўз қотади чол:
 «Салом аслзода бегойим,
 Кўнглинг энди тўлди шекилли!»
 Кампир унга ўшқирди баттар.
 Отжонага ишлашга солди.
 Ўтди ҳафта кетидан ҳафта,
 Кампир тагин минди қаҳрига,
 Балиқ томон йўллади чолни:
 «Тез бор, таъзим қилгил балиққа:
 Ортиқ мен бегойим бўлмайман,
 Пошшо хотин бўлиш хоҳлайман!»
 Қўрқиб кетди чол, шундай деди:
 «Эшак мия едингми, кампир?»
 Юриш-туриш нима билмайсан,
 Пошшолик масхара бўлдимн».

Кампир баттар минди қаҳрига:

Чол юзига тарсаки урди:
«Қора деҳқон, қандай ботиндинг,
Қим қўйипти сенга сўз айтмоқ,
Менга, мендай бегойимга-я?
Яхшиликча жунаб қол, дейман,
Жўнатгайман боғлаб, бормасанг»
Чол денгизга қараб йўл олди.
(Мовий денгиз қора ранг олди.)
Чақирди у балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўради ундан:
«Нима керак, сенга чол бобо?»
Таъзим қилиб сўз айтади чол:
«Подшо балиқ, ҳолимга ачин
Кампир тағин бошлади ғавғо.
Бўлмас эмиш ортиқ бегойим.
Бўлар эмиш эркин малика!..»
Олтин балиқ беради жавоб:
«Қайғурмагил, тангри ёр бўлсин.
Майли, кампир бўлур малика».

Чол қайтди тез кампир ёнига,
Қарасаки, шоҳона қаср,
Қаср тўрида кўринар кампир,
Ўтирарди малика бўлиб,
Хизматида беклар, амирлар
Асл шароб қуйиб бермоқда,
Ҳам малика қуймоқ емоқда
Атрофида талай ясовул,
Елкаларда ойболталари.
Ўраб турар эди баҳайбат,
Бунни кўриб қўрқиб кетди чол,
Ва сўз айтар етти букилиб:
«Савлатли маликам, саломалайкум.
Шояд энди тўлгандир кўнглинг».

Қайрилиб ҳам боқмади кампир:
«Тез ҳайданг!» деб буюрди холос.
Сакраб туриб беклар, амирлар
Чолни судраб ҳайдай солдилар.
Ясовуллар яшик ёнида
Сал бўлмаса чопаяздилар.
Мазаҳ қилиб қолди оломон:
— Қилингингдан топдинг, нодон чол
Бундан кейин бўлғуси сабоқ:
Ўз кўрпангга қараб чўз оёқ.
Ўтди ҳафта кетидан ҳафта.

Кампир баттар минди қаҳрига:
Эрини излатар чопар юбориб,

Чолни топиб келдилар ахир.
Кампир шундай деди чолига:
«Жўна тагин, балиқ ёнига,
Таъзим қилиб, ўтингил дарров,
Бўлмагайман ортиқ малика.
Денгиз шоҳи бўлиш истайман.
Хизматимда турсин балиқ ҳам,
Балиқ бўлсин менга чоповул!»

Ботинолмас сўз айтишга чол.
Бўла олмас кампир сўзини;
Тагин борди мовий денгизга,
Қора қуюн кўрар денгизда,
Тўлқинлар ўшқирар ғазабкор.
Ҳам тўлғанар, ҳам увлар тинмай.
Чол чақирар балиқни сувдан,
«Нима керак сенга, чол бобо?»
Таъзим қилиб, унга айтар чол:
«Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,
Жонга тегди лаънати кампир,
Ортиқ бўлмас эмиш малика,
Денгиз шоҳи бўлиш истармиш,
Ва денгизда яшаш истармиш,
Сен ҳам борармишсан хизматига,
Бўлармишсан унга чоповул».
Битта сўз ҳам демади балиқ,

Сувга уриб думини фақат,
Ғойиб бўлди денгиз тагига.
Жавоб кутиб турди шўрлик чол
Узоқ қолиб денгиз бўйида.
Қайтди кампир ёнига ахир.
Кўрса: Тагин ўша ертўла,
Бўсағада ўтирар кампир,
Қаршисида тешик тоғора.

УҚИБ БЕРИШ УЧУН

Мирмуҳсин

ОЛХҲҲРИ

Баҳор келди. Боғларда гуллар очилди. Осмонда қушлар учди. Ерда чумолилар ўрмалашди. Ариқларда сувлар шилдираб оқди.

Зумрад деган жамалак сочли пучуққина қиз боққа кирди.
У кўм-кўк майсаларни оралаб, кўприклардан ўтиб, олхўри дарахтининг тагига келди. Қўлларини кўтарган эди, бўйи етмади. Кейин у:

— Олхўри, олхўри! Довуччангдан бер!— деди.¹
 Олхўри бўлса:
 — Тез кунларда пишаман, саватчангга тушаман, ўшанда кел!— деди.
 Зумрад ўрик дарахтининг ёнига келди. Қўлларини узатди. Бўйи етмади. Кейин у:
 — Ўрик, ўрик! Довуччангдан бер!— деди.
 Ўрик бўлса:
 — Тез кунларда пишаман, ерга тап-тап тушаман, ўшанда кел!— деди.
 Зумрад бир қучоқ чучмома, лолақизғалдоқларни олиб, боғдан қайтиб чиқди.
 Бир кун Зумрад яна кўк-кўк майсаларни оралаб, кўприклардан ўтиб, боққа кирди. Олхўри дарахтининг ёнига келиб, қўлларини узатди:
 — Олхўри, олхўри! Олхўрингдан бер!
 Шохлари эгилиб ётган олхўри шундай деди:
 — Саватчангга сол, пишдим. Шакар бўлиб етишдим. Қизларга улаш, майли, тишларинг қамашмайди.
 Зумрад эгилиб турган шохлардаги сап-сарик олхўриларни саватчасига солди. Ундан кейин ўрикнинг ёнига келди:
 — Ўрик, ўрик! Ўригингдан бер!— деди.
 — Саватчангга сол, пишдим. Шакар бўлиб етишдим. Қизларга улаш, майли, тишларинг қамашмайди,— деди.
 Ўрикни бир силкитган эди, юмшоқ бўлиб пишган ўриклар ерга тап-тап тушиб, пақ-пақ ёрила бошлади.
 Зумрад ўрикларни териб, саватчасини тўлдирди. Яна кўм-кўк майсаларни оралаб, кўприклардан ўтиб қайтиб келди.
 Олхўри ва ўрикларни ювди, ундан кейин ўртоқларига ҳам берди.

Зафар Дийр

ҚОР

Оппоқ — тиниқ,
 Оппоқ қор,
 Ўйнаб тушар осмондан,
 Қор қўйнида
 Ўйноқлаб,
 Юрар ёшлар шод-хандон.
 Моҳир қўли
 Табиат
 Ўз хунарин кўргазар...
 Марҳабо,
 Дер бизларга
 Сепаетир зар ва зар...
 Иссиқ-иссиқ

Қийиниб
 Қор қўйнида ўйнаймиз...
 Оёқларда
 Конькилар,
 Ҳам чанғилар,
 қувнаймиз.
 Оппоқ — тиниқ,
 Оппоқ қор,
 Ўйнаб тушар осмондан.
 Қор қўйнида
 Ўйноқлаб,
 Юрар ёшлар шод-хандон.

СЕНТЯБРЬ ТОНГИ²

Сентябрнинг гўзал тонги,
Кийим кийган ҳамма янги.
Кенг ўлкамиз бўйлаб янграр,
Хур ёшликнинг шўх оҳанги.

Хар ёқ байрам тусин олган,
Мактаб ундан ҳусн олган,
Севган она-Ватанимиз,
Дилимизга севинч солган.

Синфларни тўлдириб биз,
Парталарда ўлтирибмиз,
Ёз ҳақида сўзлашамиз,
Болаларни кулдириб биз.

Сентябрнинг гўзал тонги,
Кийим кийган ҳамма янги,
Кенг ўлкамиз бўйлаб янграр,
Хур ёшликнинг шўх оҳанги,

Сафо Очил

* * *

Қариб қолдинг, Қиш
Сенга йўқдир иш,
Берамиз рухсат,
Ўтмасин фурсат.

Қорнинг тагида
Орзиқиб жуда,
Отмоқда чечак,
Гўзал бойчечак.

Тоғлардан, ошиб,
Келмоқда шошиб,
Севимли баҳор,
Юртимизга такрор.

ОТ ЎЙНАТИБ

Хар ён назар ташлайман,
Хивич отим ўйнатиб.
Тойчоқ бўлиб кишнаيمان,
Хивич отим ўйнатиб.

Номин дулдул десамми,
Рангин гулгун десамми,
Келиб кўргин десамми,
Хивич отим ўйнатиб.

Дукур-дукур этади,
Елдай учиб кетади,
Манзилимга элтади,
Кўзларимни ўйнатиб.

ИЛОН ВА ТИПРАТИҚАН

Вишилларди Илон:
— Ёлғиз шу ўзимга,
Ишонинг сўзимга,
Бўйсунар измимга,
Қўрқишади мендан,
Ҳатто Шер, Арслон.

Қанча ёстиқларни,

Бир-бирдан қуритдим.
Ёдимга не келса,
Амримни юритдим.
Бошни калтиратиб,
Вишилларди Илон.
Шу тоб қуйругидан,
Секин ея бошлади,
Оддий типратикан...

ТУЯ ВА КУЧУК

Бир чеккада ёлғиз,
Бахтлиман дея,
Янтоқ еб турарди,
Беозор туя.

Кучукча ҳурарди,
Дўқ қилиб унга.
Туя деди:— Нега
Ҳурасан менга?

Кучук жавоб қилди:
— Бу менинг ишим.
— Барибир қўрқмайман,
— Бу сенинг ишинг.

ШЕР ВА МАЙМУН

Шер борарди мардона,
Дарахтларни оралаб,
Устидан кулди Маймун,
Уни қўп масхаралаб.

Шу иш этарди давом,
Ҳар кун, ҳар ой муттасил.
Шернинг ғурури бор-да,
Ғурурига кетди зил.

Шервой қувди, Маймун-чи.
Қилди шохларни паноҳ.
Шер деди:— Ҳа, тирранча,
Бор экан бахтингга шох.

Суннатулла Анорбоғов.

ХАЙР, БОҒЧАЖОН, БОҒЧАМ

Холида укасини боғчага кузатиб, кўча эшиккача чиқди. Укаси орқасига қайрилиб ҳам қарамади, дадасининг қўлидан ушлаб, дикир-дикир сакраб, ўйпоқлаб кета берди. Улар муволишга ҳам етиб қолмишди, ана ҳозир бурилишади...

Холида олдинга интилиб, қўлини кўтарди. «Мен ҳам!»— деб қичқирмоқчи эди-ку, лекин... лекин кетиб қолмишди. Унинг қўнғили бўзилди. Бошини эгганча аста-секин юриб, ҳовлиларига кирди. Кўчсқ етмайдиган ёнгоқнинг ердан қайнаб чиққан йўғон томир орасига яшириниб ўйнашаётган ғураклар жим бўлиб қолди. Бир оздан сўнг улардан биттаси «ғу-ғу, ғу-ғу» деб ғуриллади. Бу Холиданинг қулоғига «ҳа», «ҳа» деб, ундан ҳол-аҳвол сўраётгандек туюлди. Унинг хўрлиги келиб кетди. Ахир, ҳар кун дадасининг бир қўлини у, бир қўлини укаси ушлаб, боғчага бирга боришар, кетишаётганида ойисининг юзидан ўпиб, хайрлашар эдилар. Боғчадаги тарбиячилари бирам яхши! Ҳар хил эртақлар айтиб берарди, шеър ёдлатарди. Турлича ўйинлар ўйнашарди — боғчада маза эди! Кун кеча хайрлашув тантанаси бўлди. Ҳамма ўртоқларининг ойилари, дадалари келишди. Унинг ойиси ҳам келди. Мусиқа ўргатувчи тарбиячи пианино чалди. Булар бошларига оқ, қизил, ҳар хил гуллардан чамбарак кийишиб, ранг-баранг ленталар тақишиб, оёқларига оппоқ чувак, эгиларига оппоқ бурма кўйлак кийишиб, «қорқиз» бўлиб ўйнашди. Кейин Холида «Хайр, боғчажон, боғчам», деган шеърин ёдан ўқиди. Ушанда... ушанда жуда ғалати бўлди-да.

Ўртага чиқиб эгилиб салом берди-ю, бошини кўтарса, ҳамма унга тикилиб турибди. Тиззалари қалтираб кетди. Оғзига сўз келмаса-я. Шунда тарбиячиси унга қараб, жилмайиб «қўрқмажон» дегандай имлаган эди, бари эсига туша қолди. «Хайр, боғчажон, боғчам...» деб баралла ўқий кетди.

Ҳа, у кеча боғчаси билан хайрлашди. Бугун уйида қолди. Ўкаси бўлса... Холиданинг ўнкаси тўлиб кетди. Қоп-қора кўзларига филт-филт ёш олди. Киприклари пир-пир учди. Пастки лаби ўзидан-ўзи қийшайиб, титради. Шунда ойисининг «Холида» деб чақиргани эшитилди. Бундай қараса, ойиси айвонда турибди.

— Бу ёққа кел-чи, қизим, деди-да, ичкарига кириб кетди.

Холида секин ўрнидан турди. Орқа этагини қоқди, бир-бир босиб уйга кирди.

Ойиси унинг қизариб кетган кўзларига қараб:

— Вой, ўқувчи қиз деган ҳам йиғлайдими!— деб кулди.— Қани манави мактаб кийимини кийгин-чи, ярашармикин.

Холида жигарранг кўйлак, оқ ёқа, устидан оқ фартук кийди. Ойиси сочини тараб, оқ лента тақиб қўйди, қўлига портфель тутқазди.

— Қани ойнага қара-чи, ярашиптими? Холида уялинқираб, дадасининг бўйидан ҳам баланд тош ойна олдига борди.

— Вой, худди ўзи, лекин бошқача бўлиб қолибди! Холида беихтиёр майда садафдек тишларини кўрсатиб кулди.

— Уҳхў, кап-катта қиз бўлиб қолибсан-ку!— деди ойиси, уни елкасидан қучоқлаб.— Энди сен кичкина боғча боласи эмас, ўқувчи қизсан. Эртага мактабга борасан.

Холида мактаб кийими кийганидан сўнг, чиндан ҳам бўйи чўзилиб қолганга ўхшаб кўринди. У югуриб бориб стулга ўтирди. Портфелини столга қўйиб очди. Ичидан китоб олди. Ўқиниши дадасидан ўрганиб олган. Мана у китоб устидаги йирик ёзувга қўлини қўйиб ўқиди:

— А — Л — И — Ф — Б — Е!— Ичидаги ёзувларини ҳам биламан. Ву-уй, манави болаларни! Қизлар менникидака кийим кийиб олишибди. Мактабга боришим билан мен уларни ўзимга ўртоқ қиламан. Ҳа-я, боғчадаги ўртоқларим ҳам бирга ўқишади, маза!— Холида ўтирган ўрнида чапак чалиб юборди.— Ие, мана бу болалар мактабга гул кўтариб кириб кетишяпти-ку! Қимга! Ҳа, топдим, ўқитувчиларига-да!— Ойи, ҳа, ойи!

— Нима, қизим?

— Мен ҳам.

— Нима «мен ҳам»?

— Гул!

— Қимга?

— Боғча опам... йўқ ўқитувчимга.

— Хўп.

Холида ҳовлидаги гулзорга чолиб чиқиб кетаётган эди, ойисини тўхтатди.

— Эрталаб қизим, эрталаб, ҳозир узсанг сўлиб қолади.

Холида ноилож «хўп» деди. Лекин сабри чидамади. Эрталаб узиладиган гулларни ҳозироқ ўз кўзи билан кўриб қўйиши керак-ку, ахир. У секин ҳовлига чиқиб кетди. Гулзорда гулларни оралаб юрганида қувнаб: «Хайр, боғчажон, боғчам...» деб шеър ўқиди.

ШИЛ ҚАМАЛАК

Жала қуйди шатирлаб,
Қушлар учди патирлаб.
Кунглим тонгдай ёришар
Уша чоғни хотирлаб.
Ешим бўлса еттида,
Боқсам толзор четида —
Балқиб кўкнинг бетида.
Ҳайрон бўлдим кун бўйи,

Ҳар нарсага мен йўйиб.
Аэродромга ўхшатсам:
На саҳни бор, на уйи.
Тортилгандай ёй таранг,
Қизил, сариқ — ранг-баранг.
Соф ҳаводан нишон бу,
Эртанги кун, бир қаранг!

ЭРКАТОЙИМ ҲАЛИ ЕШ

Асқар ҳадеб тиржайиб,
Нега томма-том ошар?
Уйдагилар бепарво
Қилар уни томоша.

— Токай Асқар талтайиб,
Тартиб бузар устма-уст.
Таълим беринг, холажон,
Ундан безор барча дўст.

Копток бўлса тепкилаб
Бошқаларга бермас гал.
Удағайлар бекорга,
Билмай тегиб кетсанг сал.

— Ошиқасиз наmunча?
Эркатойим ҳали ёш,
Ақли кириб қуйилар,
Бўлар эслик ҳам ёввош.

Шу тахлитда иш тутса,
Баъзи она, холалар,
Қандоқ бўлиб ўсаркин
Асқар каби болалар?!

Дўстжон Матжон.

БАҲС

Мардон дейди: Алижон,
Мен билан юр қишлоққа.
Бобом колхозда боғбон,
Донғи кетган ҳар ёққа.
Меваларнинг ҳар хили
Топилади боғида.
Баҳорда ўтган йили
Келтирдим ёнғоғимдан.
Кўчатим бўлиб улкан
Очди боғчам жамолин.
Бу йил эса боғбондан
Сўрайман тут ниҳолин.
Али деди:— Маъқул гап,
Майли борсак борайлик,
Билсанг, тутдан йўқдир наф,
Уригидан сўрайлик.
Уриги-чи, қанд, асал,
Меваларнинг асили.

Пишганида тилларанг
Товланади ҳосили.
— Э-ҳа, деди шўх Мардон,—
Шуми билганинг ҳали?
Тут қадрига етмаган
Фаросатингга балли!
Тут эмасми илк пишар
Меваларнинг сараси.
Бир йўла есанг, сира
Лабдан кетмас шираси.
Қўм-кўк ёпиқ баргини
Берсанг пилла қуртига,
Ипак ўраб, зар ипак
Ҳадя қилар юртимга.
Мардон ила Алижон
Қишлоқ томон кетдилар.
Уларни олқишларди
Йўллар четида тутлар.

ЎРИК

Танишайлик,
Ўрикман.
Ғайнолига
Шерикман.
Егинг келса
Қўк ғўра,
Баҳор чоғида
Сўра.

Ёзда эса
Пишаман.
Қоқма,
Ўзим тушаман.
Ҳоҳласанг,
Ё мағизни.
Қани,
Оч-чи оғизни.

БЕҲИ

Икки юзим
Буришқоқ.
Дема мени
Уришқоқ.
Ишга солиб
Ақлимни.
Сездирмайман
Жаҳлимни.

Агар,
Ширин бўлмасам,
Хушомадпи
Билмасам,
Мени дарров
Кесишар,
Ўрнимга
Нок экишар.

ШАФТОЛИ

Мен тураман
Букиб шох,
Қамтаринман
Ва юмшоқ.
Шундан ҳамма
Ширин дер,
Ўзиб олай
Бирин дер.

Болақайлар
Чуғирлаб,
Мени боғдан
Ўғирлаб,
Қўйинларга
Уришар,
Сўнг қичиниб
Юришар.

АНОР

Ҳар доначам
Бир аскар.
Бир қалъада
Минг лашкар.
Ётар улар
Панада —
Оқ пардали
Хонада.

Хоналар тинч,
Атроф жим.
Қалъачани
Бузса ким,
Бошланади
Тўполон...
У ёғи
Сизга аён.

БОДОМ

Мен баҳорнинг
Севинчи,
Гуллагайман
Биринчи.
Чиройлидир
Қоматим,
Бу ҳам бўлса,
Омадим.

Ҳавас қилиб
Мевамга,
Қизига бир
Ёш янга
Ном қўйганмиш
Бодом деб,
Ширин бўлсин
Болам деб.

ЕНҒОҚ

Баҳорда тўн
Бичаман,
Уни кузда
Ечаман.
Шамол келса
Гувиллаб,
Тўкиламан
Дувиллаб.

Олинг мени,
Акалар,
Еб кетмасин
Ҳаккалар.
Болангизга
Ёқаман.
Ҳам мева,
Ҳам соққаман.

ТУТ

Мени дерлар
Қора тут.
Шошмай,
Битта-битта ют.
Солсанг
Қоса чиннига,
Айланаман
Шиннига.

Япроқларим
Тилладир,
Тонна-тонна
Пилладир.
Ўзимда туриб
Ипак
Қишда қолдим
Беқўйлак.

ҚОВУН

Обиноввот
Қовунман.
Битта тишлаб
Овун, ма,
Нега бўлдим
Мен номдор?
Чунки,
Чопоним гулдор.

Ёнбош қилиб
Ётаман,
Ширин ўйга
Ботаман:
Хаёлимда —
Одамлар —
Бозорда
Мени танлар.

ЙҮЛИНИ ЙҮҚОТГАН ЙЎЛБАРСВАЧЧАНИНГ ЙЎЛОВЧИ ЙЎЛБАРСГА ЙЎЛИҚҚАНИ

Йўлбарсвачча йўл-йўлакай йиғлаб йўртарди. Йўлда йўлбарсвачча йўловчи йўлбарсга йўлиқди. Йўлбарсвачча йўловчи йўлбарсга йиғламсиради:

— Йироқ йўл йўртиб йўлимга йитирдим.

Йўловчи йўлбарс йиғламсираган йўлбарсваччага:

— Йўлингги йўқотсанг йўқотгину, йўлбарслигингни йўқотма, йиғини йиғиштир, йиғлама йўлбарсвачча!

Йўлбарсвачча (йиғини йиғиштириб):

— Йўлтўсармисан?

Йўловчи Йўлбарс:

— Йўқ.

Йўлбарсвачча:

— Йўлбосармисан?

Йўловчи йўлбарс:

— Йўқ, йўқ!..

Йўлбарсвачча:

— Йўкса... йўқ-йўқчимисан?

Йўловчи йўлбарс:

— Йўқ, Йўлбарсман, йўлбарсзодаман, йўлбарстахлитлигим йўқми, йиғлоқи, йўлбилмас?!

Йўлбарсвачча йўловчи йўлбарсга:

— Йўлбарс мисол йириксан, йўлбиларим, йиғламсираганимни йиғлоқиликка йўйма, йўлбошловчи йўлдошим.

Йўловчи йўлбарс йўлини йўқотган йўлбарсваччага:

— Йўлимдан йўл-йўлакай йўртавер, йўлбилмасим, йўқотган йўлингга йўлиқтираман, йитирган йўлинг йўлоёқ йўлдадир.

Шухрат.

МЕҲМОН АРЧА

Зал тўрида турар бизнинг —

Безатилган арчамиз.

Атрофида қўшиқ айтиб

Қувонамиз барчамиз.

Тепасида учган бургут,

Боқди бизга ҳайратда.

Шу кўриниш сурати бор,

Ёш альпинист Баротда.

Лампочкалар осиг унда,

Қизил, кўк ва ҳаворанг.

Жуда яхши безатганмиз,

Ҳали кириб бир қаранг.

Турли белги қолдирганмиз,

Тоғнинг баланд-пастиди.

Палаткалар қуриб ётдик,

Шу арчамиз остида.

Шу арча ўсган тоққа

Ёзда қилдик саёҳат.

Этагида оқар зўр сой,

Тошлари кўп қатма-қат.

Ёзда меҳмон бўлган эдик,

Арчага биз барчамиз.

Бугун меҳмон бўлиб келган

Бизга ўша арчамиз.

ЧУМЧУҚ

Қиттайгина жонинг бор,
Тиниминг йўқ, эй чумчуқ!
Биров бердимиз озор?
Айт ниманг бор, ниманг йўқ!
Ховлимизда юрасан,
Ушоқ излаб эрталаб.
Толларга ин қурасан,
Хас ташийсан битталаб?

Чумчуқ дейди:— Жонгинам,
Мен бир қушман беозор.
Пашшаларга ёв мен ҳам,
Билсанг бунда ҳикмат бор.
Ин қураман, хас—кўрпам,
Қўшиқ айтиб мен шодман.
Бола очиб ҳар қўклам
Семираман бир ботмон.

Сафо Очил.

ОТА-ОНА ДУОСИ

Олмасам гар кўнглим тўлмас,
Ота-онам дуосини.
Олмасам гар йўлим бўлмас
Ота-онам дуосини.

Умрим бўйи ғамин ерман,
Сўзин дурга алиштираман,
Сийму зардан ортиқ дерман,
Ота-онам дуосини.

Қайда бўлмай йўқлагайман,
Меҳрин асраб сақлагайман,
Ахир, қандай оқлагайман,
Ота-онам дуосини.

Сафо Очил, ҳолин сўргум,
Мудом бошим эгиб тургум,
Қанча бўлса ҳам оз кўргум,
Ота-онам дуосини.

Пўлат Мўмин.

НОН АЗИЗ — ЭНГ ҲАЛОЛ

(қўшиқ)

Нон азиз — энг ҳалол.
Нон сероб — бемалол,
Бўлмагил хомхаёл,
Бўлмасин нон увол,
Увоғин териб ол!

Дастурхон безаги,
Энг зарур—кераги,
Дехқоннинг юраги,
Бўлмасин нон увол,
Увоғин териб ол!

Бугдойдир онаси,
Олтин ҳар донаси,
Офтобнинг боласи.
Бўлмасин нон увол,
Увоғин териб ол!

Нон ризқу рўзимиз,
Нон обрў-юзимиз.
Асли чин сўзимиз:
Бўлмасин нон увол,
Увоғин териб ол!

Оллоберган Пўлат.

ЕМҒИР

Булут тўсиб қуёшни
Шивалаб ёғса ёмғир.
Шер койиб дер Йўлдошни:
— Чатоқ иш қилдинг, ахир.

Уйламай рогаткангдан
Кўкка отган эдинг тош,
Сендан хафа бўлгандан
Осмон тўкяпти кўз ёш.

ОҚ КАПТАР

Расминг чиздим, оқ каптар,
Учгудайсан нақ каптар,
Соф, беғубор осмоним,
Яшнаган боғ-бўстоним.
Жаранглаган шўх куйим,
Дилдаги орзу-ўйим

Рамзин сенга жойладим,
Учирмоққа шайладим.
Оқ каптарим, оқ каптар,
Қувнаб қанот қоқ каптар.
Олам аро тинчликнинг
Машъалини ёқ, каптар!...

Низомжон Парди.

НАҚ ПИЕЛА...

(топишмоқ)

Нақ пиёла,
Буни холам
Бериб юборди чиндан.
Дум-думалоқ,
Сирли олам,
Нималар бор ичинда?!
Ничоғимиз
Тегиш билан

Туйнук очилиб кетди:
Олмосми,
Зар,
Йўқ, юлдузлар
Бирдан сочилиб кетди...

(Анор)

САНАМАЛАР

Онам берди помидор
Ишонмасанг санаб кўр.
Иқ-биқ —
Сеп чиқ.

* * *

Чумчуқ учди, жарга тушди.
Иқ-биқ
Сен чиқ.

* * *

Лола, ҳой Лола,
Ангишвона,
Дўппи кийган қиз
Маҳмадона.

* * *

Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак,
Қоши, кўзи қийилган,
Гулноранинг ўзи керак.

* * *

Бир, икки
Олма дикки
Сафар оғи
Сариқ чумчуқ
Боғда турмай
Тез учиб чиқ.

* * *

Бир, икки,
Олма дикки,
Сариқ чумчуқ,
Уйга кирди,
Сен тезроқ чиқ.

* * *

Йиғлама қизим, йиғлама,
Сени ҳеч ким олмайди.
«Победага» солмайди,
Бир, икки, уч, тўрт,
беш, олти етти,
Олиб кетти!

* * *

Азиз кўчага чиқди,
Араваси бузилди.
Унга нечта миҳ керак?
Бир, икки, уч, тўрт,
беш, олти, етти — кетти.

* * *

Ғужум-ғужум помидор,
Ойим берган помидор,
Қани санаб кўрай-чи?
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти — кетти.

Чумчуқ учди, жарга тушди,
Эҳ, беҳ чиқ.
Ишонмасанг санаб чиқ,
Бир, икки, уч, тўрт
беш, олти, етти — кетти.
Олма думалаб кетди,
Қаққа думалаб кетди?
Боққа думалаб кетди.

* * *

Бир, икки, уч... ўн икки,
Ўн икки деб ким айтди?
Бабала кучук ўлсин
Боласи бизга қолсин!

* * *

Бир, икки, уч, тўрт,
беш, олти... ўн олти.
Ўн олти деб ким айтди?
Оппоқ кучукча айтди.
Оппа-оппа
Ҳалима хоппа
Тилло-милло,
Тилла-пилла... ҳой!
Поезд ўтдими,
Ҳалима ҳолам ўтдими?
Ҳалима холам келибди,
Муродига етибди,
Бир, икки. Бир икки...

Уч, тўрт. Уч тўрт...
Беш, олти. Беш олти...
Етти. Етти.
Етаклаб кетди!
Бир, икки айлана,
Айланага кир яна.
Анқов бўлма, эй ўртоқ,
Довнинг келади яна.

* * *

Бир буғдой, икки буғдой,
Уч буғдой, пуч буғдой.

* * *

Якшанба дедим, ётдим.
Душанба дедим, ётдим,
Сешанба дедим, ётдим,
Чоршанба дедим, ётдим,
Пайшанба дедим, ётдим,
Ва жума дедим, ётдим,
Ҳамма ясаниб чиқди,
Мен хумга кириб ётдим.

* * *

Бир, икки, уч,
Учдан қолган пуч,
Агар билган бўлсанг,
Сен жойингдан кеч!

* * *

Бир қоп, икки қоп,
Уч қоп, тўрт қоп
Беш қоп, олти қоп,
Етти қоп, саккиз қоп,
Тўққиз қоп, ўн қоп,
Гўнг қоп.

* * *

Бир анор, икки анор,
Уч анор-учгинасан.
Тўрт анор-тўртгинасан,
Беш анор — чамбарда
Олтинчиси омборда...
Алағай-палағай,

Учди-ю, кетди.
Бир, икки, уч...
Пиёланнинг гули,
Бу гулни ким чизган?
Лолахоннинг қўли.

* * *

Одиин-бадина; ягона,
Мисли Вали жаҳона.
Жаҳон — жаҳон қизининг
Отини қўйди Фазила,
Фазиланинг отини,
Дарбозага қоқибди,
Бўри келиб ўқибди,
Чумчуқ келиб чўқибди,

Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти,
Етаклаб кетди!

* * *

Бирим — билак, икким — элак.
Учим — учак, тўртим — тўшак,
Бешим — бешак, олтим — ошиқ,
Еттим — елкан, саккизим — сармоғим,
Тўққизим — тўқмоғим,
Ўним — ўймоғим,
Ўн бирим — ўн боғим!

Қ У Ш И М Ч А А Д А Б И Ё Т

ЎҚИБ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН

Оқилжон Ҳусанов

ЗУҲРА БИЛАН ТУРНА

(Ҳикоя)

Икром ака — давлат хўжалигининг илғор ишчиси. Матлуба опа давлат хўжалиги марказидаги боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Ҳасан билан Зуҳра уларнинг эгизак фарзандлари.

Икром ака билан Матлуба опанинг айтишларича, бундан ўн йиллар аввал мана шу хўжаликнинг ўрни шўр босиб ётган чўл бўлган экан. Бу ерда давлат хўжалиги очилиб, уйлар қурилганига ўн йил бўлибди. Икром ака билан Матлуба опа ўшанда пишган ғишдан қурилган мана шу чиройли уйга кўчиб келишган экан. Орадан бир йил ўтганидан кейин Ҳасан билан Зуҳра туғилибди. Мана, улар ҳозир иккинчи синфда ўқишяпти.

Икром ака бултур давлат хўжалигида яхши ишлагани учун «Жигули» машинаси билан мукофотланди. Шундан бери у дам олиш кунлари машинасига ўтириб, бошқа хўжаликлардаги табиш-билишлариникига, Самарқанддаги қариндошлариникига бориб келаверади. Баъзан Ҳасанни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Қўпинча, Икром ака машинасини тириллатиб турган пайтда Зуҳра: «Мен ҳам борай, дадажон» дейди. Дадаси эса: «Қизим, сен ойнинг билан уйда ўтиргин. Қиз бола ойсининг ёнида бўлиши, ойсига ёрдам бериш керак. Сени янаги сафар ойинг билан бирга меҳмонга олиб бораман», дейди.

Бир куни туш пайтида хўжалик посёлкаси устидан турналар учиб ўтишди. Ўз ҳовлиларида ўйнаб юрган барча болалар марказий кўчага югуриб чиқишди. Улар учиб кетаётган турналарга қизиқиш билан қарашар, бир овоздан:

— Арқон, арқон, арқон!— деб қичқиришар эди. Турналар эса, худди болаларнинг буйруғига бўйсунгандек бир-бирларининг ортига тиркалашиб олишар, уларнинг сафи узун арқондек чўзилиб кетар эди. Болалар ўша заҳоти яна турналарнинг сафини бузиш учун:

— Ғалвир, ғалвир, ғалвир!— деб қичқиришар, турналар ҳам болаларнинг гапига кириб, ўз сафларини бузишар, бир-бирлари билан аралашиб кетишар, худди ғалвирдек доира ҳосил қилиб учишар эди. Зуҳра ҳам болаларга жўр овоз бўлиб: «Арқон, арқон, арқон!», «Ғалвир, ғалвир, ғалвир!» деб қичқиради. Турналар узоқлашиб кўзга кўринмай кетганидан сўнг ўзича ҳайрон бўлди. «Уларнинг дам арқондек чўзилиб, дам ғалвирдек ёйилиб училишининг сабаби нима экан-а?», деб ўйлади ўзича.

Осмондан турналар учиб кетган куннинг эртасига дам олиш кuni бўлди. Икром ака тушга яқин:

— Зуҳра, қизим, мен бугун чўлга — исмалоқ теришга бораман. Ойинг билан сени ҳам олиб кетаман,— деб қолди. Зуҳра севиниб кетди. Тезда йўлга тушдилар. Бу гал Ҳасан уйда қорувул бўлиб қолди.

Икром ака ўз машинасини чўл ўртасида қурилган асфальт йўлдан ҳайдаб борарди. Йўлнинг икки тарафида исмалоқлар ўсиб ётган жойга етганларида машина тўхтади. Ҳаммалари пастга тушдилар. Дадаси ҳам, ойиси ҳам, Зуҳра ҳам исмалоқ теришди. Бир маҳал йўлнинг чап тарафидаги қуриб қолган буталардан анча нарида бир нима қимирлагандек бўлди. Зуҳра тикилиб туриб, унинг аллақандай қуш эканлигини пайқади.

— Дада, анави нима?— деб сўради Зуҳра қушни кўрсатиб.

Икром ака исмалоқ теришдан тўхтаб, қушга тикилди-да:

— Турна-ку, қизим,— деди.

— Бориб кўриб келсам, майлими?— деди Зуҳра. Дадаси кулди.

— Майли яқинроқ бориб кўра қол,— деди дадаси.— Лекин узоққа кетиб қолмагин. Биз исмалоқ териб турамыз.

Зуҳра қуриб қолган буталарни оралаб турнага яқин борди. Турна ҳам Зуҳранинг яқин боришини кутгандек бўйинини чўзиб қараб турди. Узун бўйли қуш сарғиш-кўкиш кўзлари билан қизга хавотирланиб боқар, агар Зуҳра яна ҳам яқинроқ борса, учиб кетгудек ҳоли бор эди. «Жуда чиройли қуш экан»,— деди Зуҳра турнага тикилиб.— Бўйин, оёқлари узунчоқ, патлари қора кулранг экан».

Зуҳра билан турна ўртасидаги масофа тахминан беш метрча келар эди. Қиз ҳозиргина ўзи танишган қуш билан сўзлашмоқчи бўлди:

— Турнажон, турнажон! Бу ерда нима қилиб турибсан? Кечаги турналар ичида сен ҳам бормидинг? Менга айтиб бери, қаердан учиб келдинг?

Турна Зуҳранинг саволларига жавоб бермади, дам у кўзи билан, дам бу кўзи билан қараб тураверди. Қиз турнага яна савол берди:

— Турнажон, турнажон! Арқондек тизилиб учишни қаердан ўргангансизлар? Кеча бизларнинг овозимизни ростдан эшитдингларми?

Турна Зухранинг саволларига бу гал ҳам жавоб бермади, Қиз қушга яқинроқ бориш учун бир қадам босди. Турна бўйинини бир оз олдинга чўзиб, юқорига бир ҳаракат қилди-ю узоқларга учиб кетди. Зухра ҳайрон бўлганича қолаверди. Сўнгра орқа тарафдан ойисининг овозини эшитиб, изига қайтди...

Уйга қайтиб келганларидан сўнг Зухра чарчоқнинг зўридан дарҳол ухлаб қолди. Уйқусида туш кўрди. Тушида ўша турна билан яна учрашди. У турнага саволлар берди. Турна эса, тумшуғини қимирлатиб қизнинг саволларига худди одамдек жавоб қилди:

— Турнажон, турнажон! Бу ерда нима қилиб турибсан?

— Бу ерда дам олиб, донлаб турибман...

— Кечаги турналар ичида сен ҳам бормидинг?

— Мен ҳам ўша турналар орасида эдим... Сени ҳам кўчадаги болалар ичида кўрувдим. Овозларингизни ҳам эшитдим...

— Менга айтиб бер-чи, қаердан учиб келдинг?

— Жуда узоқ жойлардан учиб келдик биз. Катта бўлганимда, яхши ўқийверсанг, ҳаммасини ўзинг тушуниб оласан.

— Турнажон, турнажон! Арқондек тизилиб учишни қаердан ўргангансизлар?

— Арқондек тизилиб учишни, тартиб-интизомни одамлардан ўрганганмиз. Бизлар ҳам ота-оналаримизнинг гапларига қулоқ соламиз, ўшалар бошлаган йўлдан юрамиз...

Зухра ўшандан бери чўлда турна билан учрашганини, тушида эса юзма-юз туриб турна билан гаплашганини тез-тез эслаб қўяди.

Қуддус Муҳаммадий.

ҲАШАР

Келинг, болалар,
Елинг, болалар,
Ака-опалар,
Ҳамма болалар.
Ким бўлса бўлсин,
Сафимиз тўлсин.
Экамиз кўчат,
Ўтмасин фурсат.
Майли мевали,
Майли узум боғ,
Ёнғоқ-мағиз ёғ.
Тол ва терак,
Бинога керак.
Қайрағоч сада,
Сояси маза.
Олча, ипак тут,

Тўйсин ипак қурт.
Кўчалар ёқасига,
Анҳорлар чаккасига,
Ариқларнинг бўйига,
Мактабимиз қўйинига.
Ҳар боққа,
Қир, тоққа,
Сахро ёққа
Экамиз кўчат,
Ўтмасин фурсат.
Экамиз, қараймиз,
Шохларин тараймиз.
Қотса тагини
Юмшатиб майин,
Сувлаб кун сайин,
Қутамиз тайин.

Кўчат бебаҳо,
Уссин бехато.
Кўкарсин текис.
Гулласин эгиз.
Япроқ шилдираб,
Ҳавони элаб,

Осмонни қучсин,
Ғуборни ютсин.
Яшил соф ҳаво,
Жонларга даво.
Экканга раҳмат,
Ҳаммага роҳат.

БИР ЎЗБОШИМЧА ЧУМЧУҚ ҲАҚИДА

Чумчуқлар эрта баҳор,
Ин қурмоқ бўлишибди.
Ҳаммалари бир қатор,
Бир турмоқ бўлишибди.
Булар ичида ёлғиз,
Бир чумчуқча кеккайиб,
Кўпчиликка қўшилмай,
Қанот патларин ёйиб,
Дебди:— Тураман якка,
Тайёр кавак инлар кўп.
Ҳаммаси ўзимники,
Нима керак ин қуриб.
Бир кичик сўққа бошим,
Қайга борсам сиғаман.
Ин қуришнинг ўрнига,
Ялло қилиб юраман.
Чумчуқчанинг гапига,
Кўпнинг қотиб энсаси:
— Бундай қилма, ўғлим,— деб
Ялинибди онаси.
Қайта-қайта уқтирар:
— Бу фикринг хато, болам,
Кўпнинг юзидан ўтма,
Кўп — улуғ денгиз, олам...
Бошқалар ҳам айтишар:
— Бу ишинг, ука, чакки.
Ўзбошимчалик қилма,
Еб қолма тагин дакки.
Кўпчиликнинг сўзига
Қулоқ солмади чумчуқ.
Ликиллаб учиб кетди,
— Ўзим биламан «чирқ-чирқ».
Шаҳарни кезиб чиқди,
Бир зумда гир айланиб.
Тегирмонга ҳам кирди,
Сўрамай дондан олиб.
Охири боққа борди,
Қино кўрди «билетсиз».
Назоратдан бекиниб,
Тол шохида уятсиз.

Қиюдан сўнг боғ ошиб,
Инин тополмай шошиб,
Печканинг карнайига,
Қириб қолди адашиб.
Иним, деб ёта кетди,
«Тайёр ин маза»,— депти.
Ис-қурумга беланиб,
Қир, масхара бўлибди.
Бу аҳволга тушганин,
Ўзи сира сезмапти.
Беларво, калтафаҳм
Юришини бузмапти.
Кўрганлар ҳеч танимас,
Ҳеч бир қушга ўхшамас.
На ола-ю, на қора,
На чипору, қашқамас.
«Орамизда йўқ эди,
Бунақа ифлос чумчуқ,
Қайдан пайдо бўлди бу?»—
Чумчуқлар хафа «чирқ-чирқ...»
Бир вақт қарасаки,
Қолипти якка ўзи.
Қушларга қўшиллолмай,
Жавдираб мунчоқ кўзи.
Термулар ҳар тарафга,
Бирор бекорчи кўрмас.
Ҳамма, иш-ҳаракатда,
«Ҳорма»га қўли тегмас.
Хаёл сураб чумчуқча,
Ҳайрон бўлар ўзича:
— Мендан дўстларим безор,
Гуноҳим недир бунча?!
Мусича холамларга
Борай-чи, не деркинлар.
— Мусича хола, салом,
Бир сўзим бор, айтайин.
Ҳамма мендан қочади.
Хола, айтинг нетайин?
Мусича «ку-ку-ку»лаб,
Сўзга киришди, қаранг:

— Яқинроқ кел, ҳой кимсан?
 (У ҳам танимай гаранг.)
 Тол чумчуқнинг кимисан,
 Уғлими, қизимисан?
 Менга ўзингни танит,
 Ширгулдуқми, сен кимсан?
 — Мен чумчуқча бўламан,
 Танимаяпсиз нега?
 — Овозингдан чумчуқсан,
 Намунча ботдинг кирга?
 Афти-ангоринг қара,
 Юз-кўзинг қасмоқ-яра,
 Патларинг ҳам тўзғиган.
 Ис босган кир, ғижмалоқ,
 Устингга қараб бўлмас,
 Ҳеч бир жойинг эмас соғ.
 Патларинг тарамапсан,
 Ўзингга қарамапсан.
 Яхшиси ҳозир, болам,
 Дарёга бориб чўмил.
 Тозаланиб сўнгра кел!
 Чумчуқ энсаси қотиб,
 Яна тағин ўйлапти,
 Ўз-ўзига сўйлапти:
 «Илож йўқ чўмилмасам,
 Холам сўзин қилмасам,
 Ҳеч ким ёндашмас менга,
 Қолмайин ёмон кунга.
 Ишим бўлмасин чатоқ,
 Яхшиси тез чўмилмоқ...»
 — Хўп, холажон, хўп,—
 депти,

Дарёга учиб кепти.
 Соф сувда шўнғиб-шўнғиб,
 Тараниб, ювинибди.
 Тоза бўлиб холанинг
 Ёнига қайтибди тез.
 «Кўринг энди, холажон»,
 Шодлигин айтипти тез.
 Хола дер:— Вой айланай,
 Энди бўлибсан чумчуқ.
 Ҳеч ким сендан қочмайди,
 Тозасан йўлинг очиқ.
 Чумчуқчанинг кўнгли ҳам
 Очилиб кетди боғ-боғ.
 Ичидан офтоб чиқиб,
 Сайраворди кайфи чоғ.
 Чирқ... чирқ... чирқ... чирқ...
 Холага раҳмат айтар,

Пириллаб учиб кетар.
 Дўстларин орасига,
 Уша он бориб етар...
 Чумчуқлар кўришади,
 Хуркмайди ундан ҳеч ким.
 Дўстлари сўрашади:
 — Қайда эдинг шунча кун?
 Чумчуқ холам қидирди,
 Биз қидирдик ортингдан.
 Ҳеч ердан тополмасдик,
 Сарсон бўлдик дастингдан.
 Чумчуқча эса мағрур,
 Сўзлар карнай — инидан.
 Дўстларига мақтайди:
 — Хас инмас, тунукадан,
 Сизларнинг инларингиз,
 Ҳанузгача битмапти.
 Бизнинг ин тайёр, иссиқ,
 Кўкка қараб турипти.
 Майли, қани кўрамиз,
 Кимнинг ини чиройли.
 Инларингиз битсинчи.
 Солиштириб кўрайлик.
 Чумчуқлар гаплашмоққа,
 Ортиқча вақтлари йўқ.
 Ҳаммалари париллаб,
 Хизматга отилган ўқ.
 Тинмасдилар бир нафас,
 Бири чўпу, бири хас,
 Бири келтирарди пар,
 Бири уста дурадгор.
 Ҳар бирин ўз иши бор,
 Ёлғиз чумчуқча бекор,
 Серрайиб томошабин.
 Ўзига таъсир қилди.
 Дер:— Бир оз қарашайин.
 Яна кўнглига келди:
 «Бошда нима деб эдим»,
 Бирдан қотди энсаси:
 «Ялинмайман мен!»— деди.
 Синчиклаб назар солар.
 Кўпчиликнинг ишига.
 Ичида қойил қолар,
 Чумчуқларнинг кучига.
 Битказай деб қоптилар,
 Теракларда ин қатор,
 Солинган бир қолипда,
 Кўрган кўзни қувнатар.
 Баҳаво шийпончалар,

Турмоққа роҳат, маза.
 Чумчуқчанинг инларга,
 Ҳаваси келди роса.
 Тумшугини кўтариб,
 Дили куйиб ўт олиб,
 Хайр сўзини ямлаб,
 Учиб кетар дайдилаб.
 Учади шаҳар бўйлаб.
 Каппонга ҳам боради.
 Тариқ излаб атайлаб,
 Тўкилган-сочилгандан
 Жигилдонин тўлдириб.
 Карнай инига қайтар,
 Яна сезмай, кўр бўлиб.
 Мусича хола сўзин,
 Тушунмапти чумчуқча.
 Кўргилиги бор экан,
 Анқов бўлмаса бунча,
 Ёта кетар юмалаб,
 Хуррак отар беҳабар.
 Индан олов-дуд чиқиб,
 Абгор бўпти бу сафар.
 Қош, пари куйиб кетди,
 Ташқари ғиз-ғиз совуқ.
 Чумчуқча қип яланғоқ,
 Эғнида пар тўни йўқ.
 Куйган аъзо бадани,
 Ачишарди жизиллаб.
 Чирқирапти бай-байлаб,
 Чидолмай юм-юм йиглаб.
 «Қани, она, дўстларим,
 Бирга турсам қарарди.
 Ярамга малҳам, дори —
 Суриб, тез даволарди».
 Кўпчиликнинг қадри хўп,
 Чумчуқчага билинди.
 Ёлғизлик ёмон экан,
 Бошига тушиб билди.
 Хатосин тушунипти,
 Жони оғиргач чумчуқ,
 «Куйган таним тузалса,
 Кўпдан айрилмай...
 чирқ-чирқ...»
 Дилдираб қор ичида
 Ётар эди ўлай деб.
 Тонг пайтида мусича,
 Кўриб:— Вой, ўргилай,—

деб,—

Тағин не гап, не бало,

Усти бошинг қаёқда?
 Чумчуқлардан айрилиб,
 Нега қолдинг бу ёқда?
 У кунни тоза бўлиб,
 Қайтмапмидинг инингга?
 Қаерда куйиб қолдинг,
 Бу ҳолга тушдинг нега?
 Совуқ элитган чумчуқ,
 Сўзлашга тили келмас.
 Кўзини зўрға очди,
 Нима дейишин билмас.
 Мусича қўш қанотлаб,
 Инга олиб борар,
 Қуришиб қолган оғзин
 Очиб, чайнаб дон солар.
 Чумчуқлар хабар топиб,
 Келишди чирқиллашиб.
 Ота-она уруғи
 Кўришдилар ўпишиб.
 «Мусича хола раҳмат,
 Минг-минг раҳмат»,—
 дейдилар,

Чумчуқчани ўша он,
 Инга олиб келдилар.
 Она чумчуқ парвона:
 — Вой айланай, болам,—
 деб,—

Ҳамма айб ўзгинангда,
 Топилдинг ўргилай,— деб,—
 Хавотир олдик тоза,
 Излашиб, жоним, сени.
 Калхатми ёки мушук
 Олиб кетдимикан деб.
 Ё бировнинг боғига
 Қирган бўлса янглишиб,
 Тузоққа илинтириб,
 Олдиларми ушлашиб.
 Уша кунни орқангдан,
 Эй, қидирди дўстларинг.
 Ҳеч қулоққа олмапсан,
 Уларнинг ҳам сўзларин.
 Мен ўзим хўп қидирдим,
 Тополмадим ҳеч ердан.
 Ажриққа ағанадим,
 Кўп уялдим элимдан.—
 Кўпчиликнинг боласи,
 Қанот остида юрса.
 Наҳотки, менинг болам,
 Гап уқмас ўжар бўлса.

Хайрият, бор экансан,
Энди кўпдан айрилма.
Кўзингни оч, оппогим,
Ўзингни билармон билма.
«Бўлингани бўри ер»,
Мақолни унутма!
Зинҳор-зинҳор хушёр бўл,
Ўзингни катта тутма!
Чумчуқча дейди энди:
— Айрилмайман сизлардан,
Таъзимни хўп едим.
Жоним оғриб кетяпти,
Куйган жойларим яна.
Ачишиб тортишяпти.
Она дер:— Шундай экан

Ўтган кунинг унутма!
Энди адашма, болам,
Кўпнинг юзидан ўтма!
Кўпчиликдан тасаддуқ,
Чиқармади ёдидан.
Бизга ҳам бир ин солди,
Қолдирмади қатордан.
(Янги инга бошлайди,
Чумчуқчасин етаклаб.)
Бир ўзинг қурганингда
Улгурмасдинг эплаб?
Эртасиёқ чумчуқча,
Дўстлардан узр сўраб,
Шундан бери тўпида,
Айрилмас, бирга юрар...

ЧАНГ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛАМИЗ

Кўрнинг ҳаммаёқ тоза,
Тозалик қандай соз-а.
Лекин битта ғубор, чанг,
Шаҳар ҳуснида доғ, занг.
Ивириб уваладек,
Ўргимчакнинг инидек
Асфальтчи хира қилар,
Одам таъбин кир қилар.
Чанг билан жанг қиламиз,
Чанг ҳолин танг қиламиз.
Кўчаларда қоровул,
Сув сепар машина-қўл.
Мактабу ишхонада,
Вокзал, вагон, хонада,
Чанг билан эл курашар,
Чанг, ғуборни қувлашар.
Шаҳарга қўнамасин гард,
Машина юрсин ялт-ялт.
Тутамиз чанг, шайтончи,
Микроб дегап шпиритчи.
Қўл билан ушлаб бўлмас,
Бошига муштраб бўлмас,
Кўзга кўринмас ўғри,
На боши бор па қўли.
Дум-думалоқ фалокат,
Қасал еяр ҳалокат.
Унинг йўқ тайин уйи,
Қирмаган кўча-қўйи.
Ярамас дайди, саёқ,
Елим, шилқим, ёпишқоқ.
Машинага осилар

Ғилдиракда босилар.
Бирдан шамолга миниб,
Уни самолёт қилиб,
Қуюн билан қувлашар,
Девор, томлардан ошар.
Дов-дарахт йўлин тутар,
Баргга чап бериб ўтар.
Борар ойна ёнига,
Тик-тик тегар жошига.
Очирмасдан кўзини,
Хира қилар юзини.
Тирқиншдан кирар қирт-қирт,
Шкафга қўнар исқирт.
Кўзини шамғалат қилиб,
Лип этиб сакраб, ирғиб,
Одамга ўтиб олар,
Ёпишиб ётиб олар.
Ўтар бурун-оғизга,
Кирар ўпка-бўғизга.
Микробни қўйиб қочар,
Безгак пашшадек учар.
Супургини менсимас,
Қашлоғичим дейди мос.
«Чанг ютар»дан зириллар,
Ушласа узр сўрар.
Кўкдан ёғиб дув-дув,
Додин берар ёмғир, сув.
Тувак гул ушлаб олар,
Барглар шапалоқ солар.
Унга ҳам бўй бермайдн,
Ҳадеганда ўлмайди.

Фақат уни ўлдирар,
Паймонасин тўлдирар.
Биттагина йўли бор,
Пионерлар бўл тайёр.
Кўчат, гуллар экавер,
Чаман бўлсин ҳамма ер.
Ерни боғ-роғ қопласин,
Чанг, ғуборни ҳўпласин.

Қопласин ерни ўрмон,
Яшнасин боғу майдон.
Чангни бўғсин томоқдан
Ушласин қўл-оёқдан.
Ғарқ этсин яшил денгиз,
Дўстлар кўчат экингиз.
Қонайлик ҳаво, нурга,
Чангни кўмайлик ерга.

БОҒБОН

Боғбон қари толпи
Кесгали боққа кирди.
Безарар йиқмоқ учун,
Ўзича режа қўрди.
Шу он дарахт шоҳида,
Пайдо бўлар икки қуш,
Учиб гир-гир парвона,
Чирқиллаб қилар хуруж.
У тол шоҳида кўрди,
Шу қушлар уясини.
Чуқур ҳаёл эговлар,
Боғбоннинг миясини.
Чумчуқнинг ҳам инини
Бузиб бўлмайти деган —
Халқ мақоли чиннакам
Серҳикмат ўлмайдиган.

Уясин кўриб кесай,
Тухум, боласи бўлса,
Тагин жабр қилмайин,
Тўкилиб синса, ўлса.
Қарасаки, айтгандек,
Бор экан полапони.
Чийнллашиб қолишди,
Қилқанот каттакони.
Бир ҳовуч гўшт ҳаммаси,
Онам, деб чийнллашар,
Кесманг, кесманг, амаки —
Дебми нолон йиғлашар.
Қушчаларни қизғаниб,
Боғбон кесмади толни.
Кўзим билан кўрганман,
Қишлоғимда бу ҳолни.

Ўткир Рашид.

КИЧКИНТОЙЛАР КЕЛАР

Боғчадаги укамни
Катта кўчада кўрдим.
Узоқдан таниб уни
Келишин кутиб турдим.
Келар кичик тойчалар,
Бир-бирига уланиб,
Ипга тизилган ҳар хил
Чироқлардай товланиб.

Тойлоқларнинг қўлида
Келар оппоқ арқонча.
Арқончага боғланган
Ҳалқачалар бор анча.
Тарбиячи Нур опа
Борар бошлаб олдинда.
Сочилиб кетмасин деб,
«Ипга тизиб» олган-да.

СОБИР ВА ЧУМОЛИЛАР

Собир доим яланғоч,
Тупроқ ўйнаб ўтирар.
Чумолилар уйдан
Чиқиб қолса ўлдирар.
Кавакларни қидириб,
Ундан қўнғиз овлайди.

Нима бор деб ичида
Ёриб, қорнин кавлайди.
— Шу ишларинг тўғрими?
Деди ўртоғи Ойбек,—
Нега қорнин тиласан,
Бўлиб худди қассобдек?

Бор-ку буларнинг биздек
 Боласи-ю онаси.
 Бордир Инож холадак
 Буларнинг ҳам холаси.
 Собир деди,— Чумоли
 Биздек одам эмас-ку.
 Қани, онаси чиқиб
 Ўлдирмагин демас-ку!...
 Ойбек деди, буларнинг
 Одам каби жонни бор.

Ишлар улар дон йиғар,
 Уйда кўп дони бор.
 Сен қийнасанг уларни,
 Сен ҳам мендек бўл, дейди.
 Бўғизласанг, сенга ҳам
 Сен ҳам мендек ўл, дейди.
 Собир ўйлаиб қолди,
 Чумоли уйин очди.
 Олиб чиқиб уйдан дон
 Чумолиларга сочди.

КАТТА БЎЛСАМ...

Ивиб тушди ёмғирда,
 Деворимиз бир ёғи.
 Дарвоза ҳам қийшайиб,
 Кетиб қопти бўёғи.
 Ишдан қайтиб қарасам,
 Девор урилиб қопти.
 Дарвоза ҳам бўялиб,
 Қайта қурилиб қопти.
 Ўғлим деди:— Дадажон,
 Деворни мен ургандим,
 Девор уриш ва бўяш
 Ҳунарни ҳам ўргандим.
 «Ҳар бир йиғит кишига

Қирқ ҳунар оз»
 девдингиз.
 Кўпайяпти ҳунарим,
 Ёдимда шу сўзингиз.
 Модель яшаш, гул экиш,
 Расм солишни билдим.
 Овқат қилиш, пол ювиш,
 Рубоб чалишни билдим.
 Тахтачадан рандалаб,
 Андава қилиб олдим.
 Мана, девор сувашни,
 Бўяшни билиб олдим.

ИШ БИЛМАС ВА ИШ ҚИЛМАС БОЛА ҲАҚИДА ЭРТАК

Бир кун қарасам уйда
 Ёлғиз қолибман ўзим.
 Қўрқиб кетиб атрофга
 Жовдираб қолди кўзим.
 Ҳамма нарса кўзимга
 Жоли бўлиб кўринди.
 Улар мени ўрнимдан
 Турғизишга уринди.
 Тургим келмай кечгача,
 Ётган эдим ўрнимда,
 Укамнинг қўғирчоғи
 Миниб олди қорнимга.
 — Гўдак эмассан энди,
 Мана кирдинг ўн учга.
 Тошдек қотиб ётасан,
 Кирмай ғайрату кучга...
 Дея тортиб сочимдан
 Мени турғазди тикка.
 Судраб келди қўғирчоқ

Очиқ турган эшикка.
 Эшик гижиллаб деди:
 — Кўрдингми, ёпилмайман.
 Жуда яхши эшикман,
 Ҳеч ерда топилмайман.
 Лекин ошиқ-мошиғим
 Миҳи бўшаб ётибди.
 Бир томони қийшайиб,
 Қара, ерга ботибди.
 Нима бўлар, сен уйда
 Шу ишларга қарасанг.
 Ёб-ичишни биласан,
 Меҳнатга ҳам ярасанг.
 Чиқармайман ҳовлига
 Шу ишларни қилмасанг
 Сени одам демайман,
 Иш қилишни билмасанг.
 Шундан кейин эшикни
 Тузатишга уриндим.

Эшик хурсанд, унга мен
 Уста бўлиб кўриндим.
 Каттакон болта билан
 Эшикни бир урувдим.
 Урганимни биладман,
 Остонада турувдим.
 Бир қарасам ҳовлида
 Ер кучоғлаб ётибман.
 Эшик билан ағанаб,
 Кесак каби қотибман
 Аста ўзимга келиб,
 Зўрға турсам оёққа,
 Дарахтлар новдалари
 Ўралишиб томоққа
 Дерлар:— Бизга, ҳой бола,
 Ҳар замон бир қараб қўй.
 Қара, сочимиз паҳмоқ,
 Қирқиб уни тараб қўй.
 Қарамасанг ёввойи
 Бўлиб шундай ўсамиз.
 Томоғингдан хип бўғиб,
 Ҳар кун йўлинг тўсамиз.
 Қандай қилай, энди мен
 Дарахт кеса бошладим.
 Битта қўймай новдасин,
 Шартта кесиб ташладим.
 Кесилган бу новдалар
 Мени савалаб қолди.
 — Ақлинг қурсин, бола,—
 деб
 Қўққисдан талаб қолди.
 Йиқилдим-у, сурилдим,

Калтақдан қочиб қолдим.
 Ошхонага кирдим-у,
 Яна балога қолдим.
 Чойнагу пиёлалар:
 — Мени юв,— деб турибди.
 Оташқурак ҳам менга
 Иш кўрсатиб юрибди.
 — Учоқ бошни бузилган,
 Уни суваб қўй,— дейди.
 Қўлим чўзсам понга мен:
 — Сенга нон йўқ, қўй!—
 дейди.

Яқинлашсам қозонга
 Ёпиб олди қопқоғини.
 — Уялмасдан келдингми,—
 Дейди:— Овқат деб тағин!
 Ишламасам бўлмайди,
 Ювдим идиш-товоқни,
 Синиб битта пиёла
 Едим роса таёқни.
 Чўмнч, капкир, қошиқлар
 Уқдек менга отилди.
 Ҳайдаб қўйишди уйдан,
 Ҳамма эшик ёпилди.
 Бундай ўйлаб қарасам,
 Чўлтоқ бўлиб ўсибман.
 Онам айтганин қилмай
 Унинг сўзин кесибман.
 Ҳамма ишни билишга,
 Дўстлар, сизга сўз берай,
 Эшикларни очишсин
 Айтинг, энди мен кирай.

Сафо Очи.

НОДИР ПАҲЛАВОН

1

Нодир паҳловон,
 Ботир паҳловон.
 Уйқусирарди,
 Муштин тугарди...
 — Дада, дадажон,
 Ўтмасин бир он.
 Рухсат берингиз,
 Кучим кўрингиз.
 Ҳў, тоғ устида,
 Юртнинг қасдида,
 Бир дев турибди,
 Уя қурибди.

Жуда зўр эмиш,
 Одамхўр эмиш.
 Узи кўп улкан,
 Қора дев экан.
 Мўйлови шопдай,
 Оғзи нақ қопдай.
 Кўзи маёқдай,
 Туки таёқдай.
 Ҳамла қилсин-чи,
 Йўқолиб тинчи.
 Қани, кўраман,
 Қилич ураман.

Дада, дадажон
Утмасин бир он.
Рухсат берингиз,
Кучим кўрингиз!
Олгандай жавоб,
Керишди шу тоб.

2

Дилда муддао,
Эл учун гўё,
Жанг қилмоқчи у,
Танг қилмоқчи у,
Девнинг ўзини,
Ўйиб кўзини.

Мурғак дилдаги,
Мурғак белдаги,
Буюк ғайрат бу,
Суюк ғайрат бу.

3

Ишга тутиниб,
Дулдулни миниб,
Ғайрати ошди,
Дарёдай тошди.
Мағрур жудаям,
Мингта девни ҳам,
Писанд қилмасдан,
Қўрқинч билмасдан.

Боради учиб,
Умидни қучиб,
(Умидки, омон—
Девга кўп ёмон).
Боғлаб у қанот,
Белбоғи пўлат,
Чақнайди кўзи,
Белида гурзи.

Қўлида қилич,
Юрагида ўч,
Кўчлари чақин,
Ишончи ёлқин!

4

Девмисан, дев-да,
Қоядай гавда.
Икки шохи бор,
Даҳшатли жондор.

Елкасида бир,
Қокли қўнғир.
У нафас олса,
Ёки йўталса,
Титрар ҳаммаёқ,
Момақалди роқ
Гурлаган каби,
Турар асабий.
Оғзи ўт пуркар,
Дарахтлар ёнар,
Унинг ўтидан.
Ҳеч ким у билан,
Олиша билмас,
Теги кела олмас.

Юртнинг бошида,
Даҳшатли жуда,
Шундай у махлуқ—
Ғам, алам, қайғу.

5

Бола тез елиб,
Девга дуч келиб,
Тўлғаб гурзини,
Айтди сўзини:
— Ҳой, юртга офат,
Ёвуз касофат,
Қон эмар сўна,
Бу ердан жўна!
Айни заҳоти,
Нодирнинг оти,
Ғижинглаб бирдан,
Учай дер қирдан,
Қора дев шу он,
Кўтариб сурон,
Ўт сочди лов-лов,
Тутун ва олов,
Ер билан кўкни,
Ҳатто махлуқни,
Кўрсатмай қўйди.
Аччиқ дуд туйди,
Нодир бир фурсат,
Майли, куч кўрсат,
Яна ва яна,
Қилгум тантана,
Барибир ўзим,
Шу қатъий сўзим.

Нодир паҳловон,
 Ботир паҳловон,
 Ўзин кам кўрмай,
 Асло тинч турмай,
 Дев томон учиб,
 Тоғдайин кўчиб,
 Дудни йўқотди.
 Гурзисин отди.
 Девнинг бошига,
 Бориб қошига,
 Дев гангиган чоқ,
 Қилиб у илмоқ,
 Битсин деб кунинг,
 Бўйнига унинг,
 Камарин солди,
 Бўғмоқчи бўлди.

Дев ҳам бўш келмай,
 Ҳеч писанд қилмай,
 Камарни дарҳол,
 Жўн ва бемалол,
 Отди парчалаб,
 Сўнгра жангталаб,
 Қора дев яна,
 Минордай тана,
 Қўтариб қўлин,
 Тўсди ғор йўлин.
 Кучимни кўр деб,
 Манглайи шўр деб,
 Ўрнидан жилди,
 Тошни қум қилди!
 Ўз кўнглин хушлаб,
 Харсангни ушлаб,

Отди Нодирга,
 Отди ботирга,
 Бироқ паҳловон,
 Чап бериб шу он,
 Тўғрилаб бошни,
 Отилган тошни,
 Олди қучоқлаб,
 Дев дилин доғлаб,
 Ва унга отди,
 Аста қулатди,
 Йиқилди баттол,
 Йиқилди беҳол.
 Пайт келди энди,
 Дулдул ҳам қўнди,
 Ерга бургутдек,
 Нодир турмай тек,
 Отни тезлатиб,
 Девни кўзлатиб,
 Қиличин урди,
 Дев гангиб турди,
 Такрор-у такрор,
 Қайғурмай минг бор,
 Қиличин солиб
 Деди: — Мен ғолиб!
 Бақирди пега?

Ўз товушига,
 Ўзи уйғонди.
 Уйга чўлғанди...
 Уйлари ширин,
 Дилда яшприн,
 Ҳансирар энди
 Ўзича деди:
 — кучга тўламан,
 Ботир бўламан!

Туроё Ниёз.

ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ҲАҚИДА ЭРТАК

Суҳбатлашиб қолибди,
 Бир кун қуёш ва шамол.
 Аввал шамол сўзлабди,
 Менсимасдан, бемалол.
 — Еру қўкда энг зўрман,
 Ҳопилмас кучда тенгим.
 Қудратим ҳамма кўрган,
 Айтганим бўлар менинг.
 Оқ, қора, булутлар ҳам

Буйруғим кутар бедор
 Ёмғир ёғар хоҳласам,
 Хоҳласам ёғади қор.
 Истасам дўл ёғдириб,
 Қўл-сойларни тоширгум.
 Тоғлардан сел келтириб,
 Одамларни шоширгум.
 Истасам бўлиб довул,
 Дарахтни қўпорама.

Вайрон бўлади овул,
 Уйларни тўнкараман.
 Хоҳласам, ёнган ўтни,
 Бир пуфлашда ўчиргум.
 Хоҳласам, ўчган чўғни
 Ёқиб, ҳар ён ўчиргум.
 Шаҳар, қишлоқлар кезиб,
 Ғуборларни қуваман.
 Булутлардан ҳам ўзиб.
 Қийикдай югураман.
 Қуёш депти:— Ўпканг бос,
 Мақтанма, бас қилақол.
 Сўзларинг гар бўлса рост,
 Мен билан баҳс қилақол.
 Қарагин, бир тўп одам,
 Ҳосилни тўплашмоқда.
 Қолганлари олиб дам,
 Иссиқ чой хўплашмоқда.
 Айтганингдай зўр бўлсанг,
 Ишлат ҳаммани бирдай.
 Қўлингдан шу иш келса,
 Мен ҳам сенга тан берай —
 Шамол шартга кўнибди,
 Депти:— Майли, розиман,
 Бу иш менга не бўпти,
 Уддалайман ҳозир ман.
 Булутларни қўйдаин,
 Бир ён ҳайдай бошлабди.
 Увиллабди бўридай,

Зўр қиёмат бошлабди.
 Дарахтларда шох, барглар
 Тинмасдан узилибди.
 Ёғибди дўл, ёмғирлар,
 Сукунат бузилибди...
 Тўполонда ким ишлар,
 Уриб турса яна дўл.
 Даладаги кишилар
 Чайлага олибди йўл...
 Бу ҳолни кўрган шамол
 Не қилишин билмабди,
 Сўзламоққа тили лол,
 Лекин тавба қилмабди,
 — Ишёқмас экан булар,
 Ёмғир бўлиб баҳона,
 Жуфтакни ростладилар.
 Одамлар эмиш яна.
 — Оқлама, қўй ўзингни,
 Одамларни камситма,
 Сездингни, сезмадингни?—
 Мағлуб бўлдинг баҳсда —
 Деб қуёш чарақлабди,
 Ёришибди ер, осмон.
 Булутлар тарқалибди,
 Яйрабди бор тирик жон.
 Ишга тушиб кетибди,
 Чайладаги одамлар.
 Олқиш, раҳмат айтибди,
 Саҳий қуёшга улар.

Ҳабиб Раҳмат

БИР МИНУТ

Бир минут — олтмиш секунд
 Нима иш берар дердим.
 Утади-ю кетади,
 Қадрини билмас эдим.
 Ўйлаб кўрсам мен жуда,
 Қилибман катта хато,
 Билсам, шу бир минутда,
 «Волга» ишланар, ҳатто.
 Масалан, ўн минг ишчи.
 Кеч келса бир минутдан,
 Ўн минг минут йўқолар,
 Санаб чиқсам бир четдан.

ХВС бир минутда
 Пахта терса ўн кило,
 Демак, ўн минг ХВС,
 Тераркан юз минг кило.
 Минутдан соат унар,
 Ишнинг ривожин минут.
 «Томчидан — дарё» дея
 Тўғри айтган элу юрт.
 Дўстлар, минутнинг ишчи
 Мана шунақа улкан.
 Қадрига етганларнинг
 Доимо бахти кулган.

ЯХШИ ҚИЗ

Мен боғчадан келаман,
Бир-бир салом бераман.
Аввал бувамга,
Кейин бувимга,
Кейин дадамга,
Кейин ойимга.
Ўйинчоғим жуда кўп,
Овунчоғим жуда кўп.
Қўғирчоғим ҳам бор,
Қўзичоғим ҳам бор.
Айиқчам ҳам бор,
Қайиқчам ҳам бор.

Менда-чи, кўпдир ўртоқ,
Ўйнайман доним иноқ.
Хурн билан ҳам,
Нури билан ҳам.
Юлдуз билан ҳам,
Қундуз билан ҳам.
Боғчамга-чи, эрталаб
Кузатарлар эркалаб.
Бувам бир ўпиб,
Бувим бир ўпиб.
Дадам бир ўпиб,
Ойим бир ўпиб.

ЁМОН ОДАТ

Аброрда-ей, Аброрда,
Бир ёмон одат бор-да.
Салимжон чақирсами,
Каримжон чақирсами,
Аҳмаджон чақирсами,
Раҳматжон чақирсами.
Доним битта шарт қўяр,
Шартмас, гўё дард қўяр.
— Коптоғининг бериб турсанг,
ўйнайман,
— Машинининг бериб турсанг,
ўйнайман.
— Велосипедининг
миндирсанг,
ўйнайман.
— Ўйинчоғининг бериб
турсанг,

ўйнайман.
Бермасак, ўйнамайди
Йўқ десак, ўйнамайди.
Бу одатни кимдан у
Урганган экан вой-ву.
Жуда хунук одат-а,
Ким айтади раҳмат-а.
Яхшимас шу қилинган,
Жуда ёмон очиги.
Шу битта ўйинчоқ деб,
Шу битта овунчоқ деб,
Сиздан кечиб,
Биздан кечиб.
Ўйнамаса нарига,
Ачинмаймиз ҳолига.
Нима бўлар маълум бу;
Дўст тополмай қолар у.

АҚЛИ БЎЛСА

(Ўйин оҳангида)

— Ҳакимжоннинг ақли йўқ,
— Қимми, қимми ақли йўқ.
— Ҳакимжоннинг ақли йўқ,
— Нега, нега ақли йўқ,
Боши бор-ку унинг ҳам?
— Бўлган билан ақли кам.
— Нимага, нимага,
— Ошкора қилай ҳаммага.
Ақли бўлса
Икки дўстни
Гиж-гижлатиб қўярмиди.

Ақли бўлса
Қўзичоқни
Тириктириб қувармиди.
Ақли бўлса
Болаларни
Эчки бўлиб сузармиди.
Ақли бўлса
Қизлар солган
Ўйчаларни бузармиди.
Ақли бўлса
Урушгани

Яраштириб қўярди.
 Ақли бўлса
 Тўрту бешни
 Қалаштириб қўярди.
 Ақли бўлса
 Шох снндирмай,
 Балки ниҳол экарди.
 Ақли бўлса
 Санғиб юрмай

Боғда терлар тўкарди.
 Ақли бўлса,
 Шундай бўлса,
 Дўстлигимиз узилар
 Шунинг учун ақли йўқ.
 Бизлар билан,
 Сизлар билан
 Уйнамоққа ҳаққи йўқ.

Қудрат Ҳикмат.

БУВИМНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Бувим билан Санобар
 Қурт тутишди баробар.
 Катта уйнинг тўрида,
 Ипак қуртлар сўрида,
 Ҷумалашар вишиллаб,
 Тут барги ер пишиллаб,
 Санобарнинг вақти чоғ,
 Барт келтирди бир қучоқ,
 Бувим деди:— Ҳой қизим,

Энди сенга шу сўзим —
 Қуртлар кирди даҳага,
 Ҷунак бўлиб ҳаммага,
 Дастага ҳаракат қил,
 Уз ишингни кўзин бил!
 Бу йил бизлар уч марта
 Қурт тутиб, мамлакатга —
 Топширамиз пиллани,
 Пилла эмас, тиллани.

Низомжон Парда.

ВЕҲИ

Ошқовоқлар оиласи
 У билан бир қабила.
 Ерда эмас — шохда ўсар
 Имкон топгач, сабил-а!

Яллоқ бетда битгани
 Сап-сарик тук, десангиз.
 Ҳалимдек пишар.

қани,
 Ошга дамлаб есангиз.

Умарали Қурбонов.

АЯЖОНИМ

Жажжи ниҳол,
 Гулғунчамаи.
 Меҳрингиздан
 Бол ичамаи.
 Сўзларингиз
 Жойлаб дилга,

Отланаман
 Порлоқ йўлга!
 Сиз—қувончим,
 Ҳаяжоним,
 Меҳрибоним —
 Аяжоним!

МУҒАМБИР

Боғчасига элтардим,
 Укамнинг қўлини олиб.
 — Велосипедга ўхшаб
 Чопайми?— деди Толиб.
 — Майли,— дедим. Ёзиллаб
 Сўқмоқчадан йўл олиди.
 Бир оз чопиб, «ух» деди,

Ўтириб, қовоқ солди.
 Ҳайрон бўлдим.
 — Укажон.
 Нега ўтириб қолдинг?
 — «Дами чиқди» оёқнинг,
 Энди кўтариб олинг.

ТИЛИМ ШИРИН

Уйимизда
Уқисам шеър,
Аяжоним —
Эркалаб дер:
— Қизим, бунча
Тилинг ширин!

— Сизга айтсам
Бунинг сирин:
Қанд едим-ку,
Ахир, боя—
Тилим ширин
Шундан, ая...

ДОНО ҚИЗ

Офтобхонни синфдошлар
Аълочи, деб мақтайдилар.
Муаллима опа уни
Одобхон, деб атайдилар.

Қўксидаги юлдузчаси
Ярақ-ярақ шуъла сочар.
Кичикларнинг бошин силаб,
Эркалатиб, қучоқ очар.

Еш Офтобхон — октябрат,
Зеҳни ўткир, ишда чаққон.
Дўстларига ғамхўр доим,
Шу туфайли кўпга ёққан.

Саломини қилмас канда
Қатталарни кўрганида...
Фахр этаман шу доно қиз
Менинг синглим бўлганида.

НАФСИ БУЗУҚ

Дастурхонда шоколад,
Куйдирар Нор кўзини.
Қанча олма деса ҳам,
Тиёлмади ўзини.
Ойиси дер:

— Томоғинг
Оғриган, ема, норжон.
— Томоғинга теккизмай
Ютвораман,
Ойинжон.

СИЧҚОН

— Ака, нега очикда
Сичқон яйраб юролмас?
Одамларнинг ёнига
Эркаланиб келолмас?

— Ҳайрон бўлма, сингилжон,
Сичқон текин ошайди.
Шу вайдан у ҳамиша
Хавотирда яшайди...

ГУГУРТ

Жажжигина
Бошим бор,
Ўзимга хос
Ишим бор.
Ўйинчоқ деб,
Боқмангиз.

Беҳудага чақмангиз.
Ишлатинглар
Ақл-ла,
Қўлга олманг
Жаҳл-ла!

ЎЗИМНИНГ ОНАГИНАМ

(Қўшиқ)

Меҳри мисоли дарё
Қалби тўла нур, вие,
Қўзларимга тўтиё,
Ўзимнинг онагинам.

Юзин нуридан чунон,
Атроф бўлар чароғон,
Доим мендан гиргиттон,
Ўзимнинг онагинам.

Унингсиз ўтмас тўйлар,
Бахтли эртани уйлар,
Ҳар оқшом эртақ сўйлар,
Ўзимнинг онагинам...

СОДДА ҲОЗИ

Бир гал содда Ҳозининг
Шундай бўлди сўроғи:
— Енроқ билан данакнинг
Нега қаттиқ пўстлоғи?

Бу оғир муаммони ҳам
Уйлаб ўтирмай, дарҳол,
Мулоҳим жилмайганча,
Ўткир қилиб берди ҳал:

— Бўш бўлса гар пўстлоғи,
Қатта очиб оғзини,
Айрим очкўз одамлар
Еб қўяди мағзини...

ШОГИРД

Бизнинг ўша Ўткирбек
Жуда ҳам ўйинқароқ.
Доим отгани, отган,
Кўча-кўйда шаталоқ.

Қаттиқ жанжал қилишди,
Маҳаллада бир куни.
Койишди отасини:
— Жеркиб қўйингда уни!

Дикир-дикир, ҳиринглаб,
Туролмайди бир жойда.
Қирқ дераза синдирди,
Кейинги йкки ойда.

Шундай бўлса бориши,
Юрсак олдин олмасдан,
Маҳаллада дераза
Синар битта қолмасдан.

Суръат ошиб боряпти,
Ҳафта сайин, ойма-ой.
Дод дейишиб дастидан,
Қўшниларнинг ҳоли вой.

Ўткирнинг ғалат хулқи
Фош бўларди, ўша чоқ,
Яна уч деразанинг
Бўлди-ку ҳоли чатоқ.

Тушиб қолса қўлига,
Тошми, темир парчаси,
Отади деразага
Дарҳол барча-барчаси.

— Бу не бедодлик, ахир,
Ўткирнинг қўлидан дол!
Нола қилиб бир хотин,
Чекиб келарди фарёд!

Бояқиш уста Холмат,
Роса чарчаб толди-ку.
Пил бўйи кўчамиздан
Кетолмасдан қолди-ку.

Синган деразамизни,
Кун аро янгилар у.
Лекин уста ҳар сафар
Қиқир-қиқир кулар у:

Мен Уткиржон туфайли,
Югуриб-елмоқдаман.
Режамни уч-тўрт ҳисса
Бажариб келмоқдаман.

Холмат уста дераза,
Тузатишдан қайтмайди.
Лекин содиқ шоғирди
Ким эканини айтмайди.

«АЗИЗ МЕҲМОН»

Тунов куни Уткирбек,
Кўчада ўйнаб юриб,
Ўртоғи ҳовлисига,
Оҳиста борди кириб.

Норжон хола сўрида,
Нечундир жиғи-бийрон,
Койир эди дўстини —
Жим тинглар эди Мардон.

Бирдан Норжон холанинг
Ўткирга тушди кўзи.
— Кел,— деди у—ҳозир
Етмай тургандинг ўзи!

— Наҳотки, Норжон хола,
Ростми ўша сўзингиз?
Ростдан ҳам мени интиқ
Қутаётганмидингиз?

— Ҳа,— деди хола такрор,—
Кўзим учиб турувди.
Сўнг, боргин деб уйингга,
Мулойимгина қувди.

Чопиб келди уйига
Бизнинг Уткирбек шу он.
Сирмасди терисига,
Қувончи олам-жаҳон.

— Норжон холамникига
Кириб чиқдим, ойижон!—
Мақтанди онасига,
Ўткир ҳансираб чунон.

Сен етмай тургандинг, деб
Хурсанд кутиб олдилар.
Кўзи ҳам учган экан,
Шод кузатиб қолдилар...

ҲАСАН-ҲУСАН ҚИССАСИ

Икки Бола,
Ясан-тусан.
Бири Ҳасан,
Бири Ҳусан.

Фарқлаб бўлмас,
Кўзидан ҳам.
На овозу
Сўзидан ҳам.

Талаффузлар
Ўша-ўша.
Хол ҳам бир хил
Қўша-қўша.

Бирдир хаёл
Суришлари.
Хандон уриб
Кулишлари.

Юришлар ҳам
Салобатли.
Бир зайлда
Маҳоватли.

Ҳасан дерлар
Ҳусанбойни.
Ҳусан дерлар
Ҳасанбойни.

Қийналишар
Билолмасдан.
Қайси Ҳасан,
Қайси Ҳусан.

Ҳусан чиқса,
Ховлига гоҳ,
«Ана, Ҳасан!»
Дерлар ногоҳ.

Боғчада ҳам
Шу хил аҳвол.
Тарбиячи
Билолмай лол.

«Ҳасан!» десанг,
Ҳусанман, дер.
«Ҳусан!» десанг,
Ҳасанман, дер.

КУНДАЙ АЕН ҲАҚИҚАТ

«Нега айрим конфетни
Уч марталаб ўрашар?»
Дея айрим болалар
Бир-биридан сўрашар.

Бундай баҳсга Журъат,
Тез қўшилиб кетади.
Ҳал қилувчи фикрни
Дарҳол изҳор этади:

Қанча кўп бўлса агар,
Конфетларнинг қоғози,
Билиб қўйнинг, шунча кўп
Тош босадн торози.

Гоҳ чақириб,
Бир гап десанг.
Ҳасан бўлиб,
Чиқар Ҳусан.

Ҳамма ерда
Аҳвол шу-да:
Ахир, ўхшаш
Улар жуда.

Икки бола,
Бир хил ясан:
Бирн Ҳусан,
Бирн Ҳасан.

Фақат она
Танир тусдан
Қайси Ҳасан,
Қайси Ҳусан...

БОҒЧАНИНГ УЙИНЧОҒИ

«Уй-уй» ўйнаб кўчада,
Шарофат билан Роза.
Бир ўйинчоқ устида
Тортишиб қолди роса.

Ўйинчоққа Шарофат,
«Менники!» деб солди чанг.
Роза унинг қўлидан
Тортиб олибди аранг.

Сўнг бағрига босганча,
Дерди такрор мулойим:
«Кечагина боғчадан,
Келтирди буни ойим!».

Салим Ашур.

ЭСКИ ҚЎШИҚ

«Қалдирғоч, қалдирғоч,
Эшигингни тезроқ оч.
Эшигингни очмасанг
Деразангдан кираман...»

Айтганимни қилмасанг
Силаб-силаб ураман.
Юртингни бузиб ташлаб,
Ўзимга ин қураман.

Сен қарғага яқинсан,
Аслинг бўлиб қолсин сир.
Баданингда оқ эмас,
Қора ранг кўп барибир.

Қанотингни қирқаман,
Мендан тубанроқ учгин.
Ростн, сендан қўрқаман,
Оламан ўтмиш ўчин.

Ҳақми-ноҳақ — фарқи йўқ, —
Мардингни сўйдираман.
Ўғлинг қулоқ осмаса,
Пуштингни куйдираман.

Қўринмас қафасимда
Ҳей, ўзича озод қуш,
Эркинлик орзулашинг.
Тирик турсам, бари туш.

«Қалдирғоч, қалдирғоч,
Эшигингни тезроқ оч.
Эшигингни очмасанг,
Деразангдан кираман...»

Ўз тарозимга қўйиб
Масалангни кўраман.
Ширин дорилар бериб
Авлодингни қираман.

Гапир менинг тилимда,
Отамни ота дегин.
Сен қора меҳнат қилиб,
Мендан қолганини егин.

Қетмондан бош кўтарма,
Тортиб олай ерингни.
Заррабиндан ўтказай
Ватап деган шеърингни.

Йигитларинг қалбини
Ёғирчоқда туяман.
Йўлқўрсатувчи қилиб,
Ўз итимни қўяман.

Пахта экиб ерингга,
Қолмай десанг яланғоч,
«Қалдирғоч, қалдирғоч,
Эшигингни тезроқ оч...»

ЧОЛ БИЛАН БҶРИ

Иштирок этувчилар:

Чол, тулки, бӯри, овчи.

Саҳна: чакалакзор. Қопқонда ётган тулкининг овози эшитилади.

Тулки

Вой-дод. Ёрдам... Дод ёрдам!
Борми раҳмдил одам...

(жим бўлади)

Қўлида қоп ва арқон, чол кириб келади.

Чол

Чолман, кетди мадорим,
Ҳеч қолмади дармоним.
Зўрға-зўрға юраман,
Ғира-шира кўраман.
Қани... бир оз дам олай,

(кунда устига ўтиради. Тулкининг овози эшитилади).

Тулки

Вой-дод, ёрдам, онажон,
Қайда қолдинг, отажон!?
Қутқаринглар: ўламан,
Очилмайин сўламан.

(Жим бўлади)

Чол

Вой, нима бу?... Аллаким —
Додлади-ю, бўлди жим...
Қарай-чи Ким бўлди?

(Ахтаради.)

Тулки

Мен — Тулки,
Ёрдам беринг, бобожон,
Оёғимда бор қопқон,

Чол

Қўлимдан келса ёрдам,
Аямайман мен ҳеч ҳам.

(Ахтариб тополмайди)

Тулки, қайси гўрдасан?
Еки ўлик мурдасан?
Тезроқ бўл, овоз чиқар.

Т у л к и

Чуқурдаман, тез қутқар,
(Йиғлайди)

Ч о л

Қутқараман, йиғлама,
Юрак-бағринг тиглама.

(Чол арқон ташлаб Тулкини чуқурдан тортиб қопқондан қутқаради).

Т у л к и

Раҳмат сизга, чол бобо,
Қутқардингиз ўлимдан.

Ч о л

Ёрдам қилдим, эй «бола»
Нима келса қўлимдан.

Т у л к и

Мен озодман, қувноқман,
Боягидай ўйноқман.

(Ўйнаб қўшиқ айтади)

Жон бобожон, бобожон,
Сизга кўпдан-кўп раҳмат.
Беринг менга бир арқон,
Тортманг сиз асло заҳмат.

(Арқонни олиб чиқиб кетади)

Ч о л *(орқадан қараб)*

Балли, отангга раҳмат,
Умринг зиёда бўлсин:
Менга қилдинг зўр мадад,
Еган тузинг ҳақ бўлсин.

(Бирдан: «Ушла, қўйма!» деган шовқин эшитилади)

Бу қандай шовқин-сурон,
«Ушла! Қўйма!»— Тўполон?
Ўрмонга ўт кетдим?
Еки ажал етдим?

Пауза. Чол ҳайрон. Чопганича ҳаллөслаб Бўри киради.

Б ў р и

Вой бобожон, бобожон,
Ёрдам беринг тез менга.

Ч о л

Нима бўлди Бўрижон?
Озор берди ким сенга?

Б ў р и

Қочдим ўрмонма-ўрмон
Қолмади менда дармон
Қувладилар бермай кун,
Қундуз бўлди менга тун.
Яширинг, келмоқда ёв,
Унда йўқ шафқат — аёв.
Раҳмингиз келсин менга.

(Йиғлайди)

Ч о л

Шўрлик,
Бўри, тортибсан хўрлик.
Кел, қопга кир ва жим ёт.
Кулча бўлиб, тошдай қот.
Қўрганлар десин: ўтин
Фақат жим ёт, жим ётгин.

Б ў р и

Хўп яширинг тез.
Вақт оз.

(Қопга киради)

Ч о л

Жим, ёт жим бўл.

(Бўри жимийди)

Жуда соз.

(Мерган киради)

М е р г а н

Ҳой ўтинчи бобожон,
Ҳорманг!

Ч о л

Бор бўлинг, ўғлон!
Қочирдим бир бўрини,
Қўкиш, айтсам турқини.
Сўрайман сиздан шуни.
Қўрмадингизми уни?

Узи жуда баҳайбат.
Турган-битгани гийбат.
Шум, ҳийлагар ва айёр,
Овқат бор жойда тайёр,
Қўзи-қўйларга офат.

Ч о л

Ёмон экан касофат...

М е р г а н

Қопқон қўйсам илинмас,
Териси ҳеч шилинмас...
Ҳайр қолмайин йўлимдан,
У қутилмас қўлимдан.

Ч о л

Ниятингга ет, болам.

М е р г а н

Хайр, ота!

Ч о л

Хайр, болам!

(Ўзича)

Елғонладим, оқибат —
Ёмон бўлмасин фақат.

(Бўрига)

Бўри, қопдан чиқ тезроқ,
Мерган узоқ кетди, боқ.

(Бўри қопдан чиқади)

Б ў р и

(кулиб)

Омон қолдим ўлимдан,
Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа.
Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа
Энди менинг қўлимдан—
Қутилмас ҳеч қандай ов,
Одам зоти менга ёв!

(кулади)

Ч о л

(талвасага тушиб)

Яхшилик қилдим сенга!

Б ў р и

Ёмонлик одат менга!

(Улийдн)

Мен бўриман, бўриман
Одамларнинг шўриман.

Ч о л

(Ялинади)

Раҳминг келсин, шафқат қил,
Ўлдирма, марҳамат қил.

Б ў р и

Душманга бўлмас аёв,
Одам зоти менга ёв.
Қорним очди.
Начора.

(чолга)

Сени ейман, бечора.
Арзинг бўлса айтиб қол!
Очлигимдан мен беҳол.

Ч о л

Хўп, гапимга қулоқ сол,
Мен раҳмдил қари чол,
Душманни дўст билибман,
Қўнгил бўшлик қилибман.

(Ночор)

Шунинг учун ҳаққинг бор,
Ея қол, мен гуноҳкор.
Лекин гуноҳни ҳар гал
Ўзга биров қилур ҳал.
Ўрмоннинг қонуни шу.

Б ў р и

Унча қийин эмас бу...
Аммо бу ерда дарахтзор,
Не одам бор, на жонвор.

Ч о л

Сўнгги илтимос шуки...

(кўриб)

Ана келмоқда...

(икков)

(Тулки кириб келади)

Т у л к и

(сезиб)

Омонмисан, жон бўри,
Дарахтзорга хон бўри

На мушкул иш бошингда.
Ўттиз яшар ёшингда?

Б ў р и

Чол мергандан қутқазди,
Лекин жонин ютқазди.
Қопга кириб кутулдим.

Ч о л

Мен бечора тутилдим,
Бўри мени еярмиш.
Қорни тўйиб кетармиш.

Т у л к и

(бўрига)

Қопга сиғдим дейсанми?
Чолни энди ейсанми?

Б ў р и

Ҳа, сиғдим, Чолни ейман!

Т у л к и

Галинг ёлғондир дейман!

Б ў р и

Рост.

Т у л к и

Рост бўлса, ҳозироқ,
Қани, қопга кириб боқ!
Қўрай ишонай.
Кейин —
Майли, чоли сеп егин!

Б ў р и

Чол, қопни оч, кирайин!

Т у л к и

Сиққанини кўрайин!

(Бўри қопга киради)

Т у л к и

Бобо, қоп оғзин боғланг,
Бўрининг бағрин доғланг.

(Чол қопнинг оғзини боғлай бошлайди)

Б ў р и

Вой-дод! Бобо, раҳм айланг!

Тулки

Қон оғзини маҳкам боғланг!

(бўрига)

Чол

Душманга бўлмас аёв.

Донм фириб берар ёв.

(Чол бўрини, Тулки ўтинни орқалайди)

Тулки ва Чол

(қувонишиб ашула айтадилар)

Биз душмандан олдиқ ўч,

Энди Бўри, бўлма ўч!

Биз икковимиз, бизда куч

Дўстмиз қадрдон.

Чол

Тулкибек, раҳмат сенга,

Ёв хавф соломас бизга.

Тулки

Бобожон, раҳмат сизга

Бирга

Яна, қадрдон!

(Чиқиб кетадилар.)

Парда

ШОИР ВА ЕЗУВЧИЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

ГУЛХАНИЙ

Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Қўқон ва Бухоро хонликлари ўртасидаги феодал урушлари ҳақида, шунингдек шу урушлар келтирган вайронагарчиликларни ҳикоя қилган. Демак, шоир XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган. Аниқроғи XVIII асрнинг 70-йилларида ҳозирги Тожикистоннинг Тавилдара ва Қалъан хум ноҳиялари ҳудудида таваллуд топган.

Гулханий шоирнинг адабий таҳаллусидир.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

Маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний 1878 йилда Тошкентнинг Мерганча маҳалласида дунёга келди. У эски мактабда савод чиқаргач, мустақил мутолаа билан шуғулланди. Рус тилини ўрганди ва русча чоп этилган рисоаларни мунтазам ўқиб борди. Россия ва Татаристонда босилиб турган рўзнома ва ойномаларни доимий кузатди. Натижада шоир Туркистоннинг ижтимоий-маданий ҳаракатчилиги фаол намоёниси бўлиб етишди. Авлонийнинг ўзи ҳам янги турдаги мактаблар очди.

1890 йил бошларида шоир матбуот ишларига киришди. Рўзномалар чоп этди. Ҳашт йиллар ташкил қилинган «Туркистон театр труппаси»нинг ташкилотчиларидан бири А. Авлоний эди. Унинг ўзи ҳам «Пинак», «Адвокатлик осонми?» каби комедиялар ёзди. А. Авлоний давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Шоир, драматург, журналист, ношир, ажойиб тарбияшунос А. Авлоний 1934 йилда Тошкентда вафот этди.

«Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», «Мардикорлар ашуласи», «Биринчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарлар унинг қаламига мансубдир.

ЧУЛПОН

Таҳаллуси Чулпон. Исми-шарифи Абдулҳамид Сулаймон ўғли. У 1893 йили Андижонда туғилган. Ўзбек шоири, таржимон ва санъатшунос олим. Аввал мадрасада, кейин эса рус-тузем мактабида таълим олган.

«Туркроста», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон». «Бухоро ахбороти» каби рўзномаларда хизмат қилган. Ўзбек давлат театри ва труппасига директорлик қилган. Маскўп ўзбек драма студияси ва Ўзбекистонда маориф ва театр бўйича вазифаларда ишлаган.

«Қизил байналмилал», «Қизил байроқ» (1969) каби тўпламлари ҳамда «Кеча ва кундуз» (1936) романи босилиб чиққан.

Чулпон 1937 йили адолатсизликка учраб, отиб ўлдирилган.

ҒАҒУР ҒУЛОМ

Атоқли шоир Ғафур Ғулом 1903 йили Тошкент шаҳрида туғилди. У 9 ёшида отадан етим қолди. У кишилар эшигида ишлади, этикдўзга шогирд тушди, хуллас оила тирикчилигига ёрдамлашди.

Ғ. Ғулом ўқиш, савод чиқариш чораларини излади. Акаси ёрдамида 1916 йили рус-тузем билим юртида ўқиди. 1918 йил эса онасидан жудо бўлди. Оила тебратиш Ғ. Ғулом зиммасига тушди. 8 ойлик муаллимлар тайёрлаш курсида ўқиди. Кейин бошланғич мактабда дарс бера бошлайди. Интернат очишда фаоллик курсатди, унинг мудирлиги бўлди.

Шунингдек, жумҳурият рўзнома ва ойномаларида хизмат қилган. Унинг китоблари, ҳикоялари халқ ичида машҳур бўлиб кетди.

Шоир 1966 йили вафот этган.

ЗАҒАР ДИЕР

Атоқли ўзбек болалар шоири Зафар Диёр 1912 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилган. Самарқанд политехника билим юртида, Тошкент Давлат педагогика олийгоҳида ўқиган (1938—1941). «Ленин учқуни», «Тонг юлдузи», «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномаларида хизмат қилган.

Унинг «Қўшиқлар» (1933), «Шеърлар» (1939), «Муборак» (1940) каби тўпламлари чоп этилган. «Чаман» (1948) китобига шеър, эртак ва дostonлари жамланган.

1946 йилда Тошкентда вафот этган.

ҚУДРАТ ҲИҚМАТ

Ўзбек болалар шоири. 1925 йили Тошкентда туғилган. Тошкент педагогика олийгоҳининг кечки бўлимини 1957 йилда тамомлаган. «Ёш ленинчи», «Сталин байроғи» рўзномаларида, бадий адабиёт ва санъат нашриётида ишлаган.

«Менинг Ватаним» (1950), «Бахтли болалар» (1951), «Уч ўртоқнинг совғаси» (1957), «Соатжоннинг соати» (1964), «Ўғлим билан суҳбат» (1970) каби тўпламлари босилган.

Шоир 1968 йили Тошкентда вафот этган.

ШУҚУР САЪДУЛЛА

Ўзбек болалар шоири, драматурги, ёзувчиси Ш. Саъдулла 1912 йил Жиззахда туғилган. Самарқанд педагогика билим юрти, Педакадемия (ҳозирги СамДД)нинг филология куллиётига тугатган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлаган.

Унинг «Ҳайқириқ» (1932), «Сен нима қилдинг?» (1942), «Шоҳиста» (1944), «Ширин кун» (1947), «Бизнинг байроқ» (1953), «Кўк булоқ» (1957), «Дастёр қиз» (1961) каби тўплам-

лари босилган. «Азиз қишлоғим» (1969) қиссалар китоби, «Бизнинг жангчимиз» (1942), «Гулхан» (1943) каби пьесалари чиққан.

Ш. Саъдулла 1972 йили Тошкентда вафот этган.

СУННАТУЛЛА АНОРБОВ

Ўзбек ёзувчиси С. Анорбоев 1922 йили туғилган. Ўқитувчи бўлиб, «Қизил Ўзбекистон» (1941—51), «Шарқ юлдузи» (1951—65) ойнамасида, Ўзбекистон Маданият вазирлигида (1966—67), «Гулистон» (1968) ойнамасида хизмат қилган.

Ёзувчининг «Ҳикоялар» (1957), «Хайр боғчажон-боғча» (1962), «Оқсой шалолари» (1958), «Оқсой» (1961), «Саржинчи чол» (1968) сингари ҳикоя ва романлари нашр қилинган.

ИЛЁС МУСЛИМ

Илёс Муслим 1909 йилда Бишкек шаҳрида туғилган. 1931 йили Тошкент педагогика билим юртини битирди ва нашриётларда хизмат қилди.

Шоирнинг ижоди болалар ҳаётини куйлашга йўналтирилган. Илёс Муслимнинг «Улғайиш», «Қувноқ авлодлар», «Шеърлар», «Турналар», «Бизнинг мактаб», «Сенинг совғанг», «Менинг совғам», «Ойхон ва Райхон», «Болалар севинчи», «Гулдек яшар болалар» каби ўнлаб китоблари чиққан.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

Атоқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий 1907 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келган. У Тошкент қишлоқ хўжалиги билим юртида, кейин ТошДУнинг биология куллиётида ўқиди. Анча йиллар мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ислон шоирнинг котиби ва ёрдамчиси бўлган. Дастлабки шеърлари 20-йиллар охирида босила бошлади.

Шоирнинг «Қирқ ўғил ва қирқ қиз», «Эркинжон нимани орзу қилади?», «Шеърлар ва эртақлар», «Хўроз нимага қичқиради?», «Табиат алифбеси (беш китоб)», «Чўпон қўшиғи», «Мен сизга бир ҳикмат айтаман» сингари жуда кўп китоблари турли даврдаги болаларни хурсанд қилган.

Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий «Ўзбекистон» да хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига эга, Халқлар Дўстлиги нишони ва қатор медаллар билан тақдирланган.

ДУСТЖОН МАТЖОН

Истеъдодли болалар шоири (1924—1989) Хоразмда яшаб, ижод этди. У уруш қатнашчиси. Шоир-ўқитувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими масъул котиби, Хоразм радио ва телевидение қўмитаси раиси муовини каби лавозимларда ишлаган.

Шоирнинг «Велька ботир», «Ўғиллар қўшиғи», «Менинг орзуларим», «Дўстлик», «Қўшмағиз» каби жуда кўп шеърли китоблари нашр қилинган.

НУРАЛИ ҚОБУЛ

Нурали Қобул 1950 йилда Жиззах вилоятидаги Бахмал ноҳиясида туғилган. У Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика олийгоҳининг тарих куллийтини тамомлаган.

Иқтидорли ёзувчи қишлоқ мактабларида ўқитувчи бўлиб ишлади, ноҳия ва вилоят рўзномаларида хизмат қилди. «Совет Ўзбекистони санъати» ойнамасига муҳаррирлик қилди.

Ҳозир у «Чўлпон» нашриётининг директори, Ўзбекистон халқ нойиби.

Ёзувчининг «Ойқор», «Ассалом, тоғлар» сингари ўнлаб китоблари нашр қилинган.

ТОЛИБ ЙЎЛДОШ

Толиб Йўлдош 1919 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У халқ хўжалиги билим юртини ва ТошДУнинг филология куллийтини тамомлаган. Жуда кўп йиллар ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ҳамда «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» рўзномаларида ишлаган.

Истеъдодли шоирнинг биринчи шеърлари 30-йиллар охирида босила бошлаган. 1941 йилда эса унинг «Ҳажвчи ва бўри» деган китоби чоп этилган. Шоирнинг йигирмадан ошиқ китоблари халқ орасига сингиб кетган. «Ёшлик», «Нурли келажак», «Бахтли болалар қўшиғи», «Дўмбоқчалар», «Бизнинг уйда», «Орзулар гулдастаси», «Умид» деган китоблари шулар жумласидан.

УТКИР РАШИД

Ўткир Рашид 1915 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Адабиётшунос олим, болалар шоири Ўткир Рашид А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти куллийтини тамомлаган. У Ўзбекистон Фанлар Академиясида илмий ходим, бадий адабиёт нашриётида муҳаррир, «Совет Ўзбекистони» рўзномасида ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳида доцент бўлиб ишлаган. У филология фанлари номзоди.

Ўткир Рашид «Ўртоқлар», «Икки дўст», «Равшан ва айиқжон», «Танланган асарлар» сингари китоблар муаллифи. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Шафқатсиз ўлим шоир ва олим Ўткир Рашидни 1990 йили орачидан олиб кетди.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

Абдулла Орипов 1941 йилда Қашқадарё вилоятининг Қосон ноҳиясида туғилган. 1963 йили эса ТошДУнинг филология куллийтини тамомлаган.

Шоирнинг «Митти юлдуз», «Онажоним», «Ўзбекистоним», «Юртим шамоли», «Юзма-юз», «Нажот қалъаси», «Йиллар армони» каби шеърӣй китоблари нашр этилган. У кўп йиллик самарали ижоди учун Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ шоири унвонларига сазовор бўлди.

ҲАКИМ НАЗИР

Ўзбек болалар ёзувчиси. 1915 йилда Тошкентда туғилган. В. Г. Белинский номли Тошкент кечки педагогика олийгоҳи (1941) ўқиган. «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») рўзномаларида, Ўзбекистон радио қўмитасида, бадий адабиёт ва санъат нашриётида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилган.

«Қишлоқдаги жиянларим» (1948), «Пионерлар боғи» (1950), «Ҳикоялар» (1956), «Сўнмас чақмоқлар» (1958), «Ёнар дарё» (1965), «Лочин қанотлари» (1973), «Кенжатой» (1976) сингари китоблари нашр қилинган.

ЭРКИН ВОҲИДОВ

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов 1936 йили Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳиясида туғилган. ТошДД нинг филология куллийтини 1960 йилда тугатган. У «Ёш гвардия», Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётларида бош муҳаррир, директор лавозимларида ишлаган. Ҳозир Ўзбекистон Олий Кенгашининг нойиби.

Шоирнинг «Тонг нафаси» (1961), «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Лирика» (1965), «Ёшлик девони» (1968) каби ўнлаб китоблари нашр қилинган. «Олтин девор» комедияси ҳозиргача театрлар сахналаридан тушмади.

АБДУСАИД ҚУЧИМОВ

Истеъдодли шоир ва насрнавис Абдусаид Қўчимов 1951 йилда Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясида туғилган. У Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг филология куллийтида ўқиди. Кейин «Ўқитувчи» нашриётида хизмат қилди. «Ленин учқуни» рўзномасида муҳаррир бўлиб ишлади, кейин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бошқаруви раисининг муовини лавозимларида фаолият кўрсатди. Ҳозир Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида масъул ходимдир.

Шоирнинг «Ўзбекистоним», «Тош бургут ҳақида эртақ», «Халқа», «Икки баҳор», «Менинг юлдузим», «Чаноқ» сингари бадий баркамол асарлари чоп этилган.

УТКИР ҲОШИМОВ

Истеъдодли адиб Уткир Ҳошимов 1941 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота ноҳиясида дунёга келди. ТошДУнинг Жур-

налистика кулліетини тамомлади. Кейин у «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), «Тошкент оқшоми» рўзномаларида ва Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида масъул вазифаларда ишлади. Ҳозир «Шарқ юлдузи» ойномасида Бош муҳаррир вазифасида ишламоқда.

Адибнинг «Пўлат чавандоз» номли рисоласидан сўнг унинг йигирмадан ортиқ қиссалар, повестлар, ҳикоялар китоблари ва романлари чоп этилди. «Пўлат чавандоз» «Нур борки соя бор», «Узун кечалар», «Қуёш тарозуси», «Икки карра икки беш», «Икки эшик ораси» сингари китоблари шулар жумласидан.

НЕЪМАТ АМИНОВ

Истеъдодли ёзувчи Неъмат Аминов 1937 йили Бухоро вилояти Ромитон ноҳиясидаги Питмон қишлоғида дунёга келди. Туғилган қишлоғида ўрта таълимни олгач, Бухоро Давлат педагогика олийгоҳининг тарих-филология кулліетини тамомлади. Армияда хизмат қилганидан сўнг, Бухоро вилояти радиосида бошловчи, катта муҳаррир бўлиб ишлади. Кейин Тошкентга келиб, «Муштум» ойномасида масъул котиб бўлиб хизмат қилди. Ҳозир шу ойномада Бош муҳаррир лавозимида ишлайди.

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

Латиф Маҳмудов 1935 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У ТошДУни тамомлагандан кейин Ўзбекистон радиосида ишлади. Ҳозир эса «Ёш гвардия» нашриётида хизмат қилмоқда.

Ёзувчининг 30 дан ошиқ китоблари нашр қилинган. Латиф Маҳмудов асосан болалар учун ижод қилади. Ёзувчининг «Икки ўртоқ», «Чинорлар», «Дангаса саргузаштлари», «Сирли хат», «Эски дутор сирлари» каби асарлари маълум ва манзур. Жумҳурият театрлари сахналаридан унинг «Али-Вали», «Сирли хат», «Бургут ўғирлаган бола», «Қорбобо билан учрашув» сингари пьесалари ўрин олган.

МАМАДАЛИ МАҲМУДОВ

Мамадали Маҳмудов 1945 йилда Жиззах вилояти Фориш ноҳиясида туғилган. У пайвандчи-монтажчи ва поезд ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Воронеж шаҳридаги техника билан юртини тамомлаган. Кейин эса ТошДУнинг журналистика кулліетига кириб ўқиди.

Истеъдодли ёзувчининг «Богдон қашқир», «Булоқлар», «Эл фарзанди», «Лочин қаноти» каби қатор китоблари чоп этилган.

АНВАР ОБИДЖОН

Анвар Обиджон 1947 йилда Фарғона вилояти Олтинарқ ноҳиясида туғилган. У ТошДУнинг журналистика кулліетини тугатган.

Шоирнинг «Она-замин», «Баҳромнинг ҳикоялари», «Олов-жон ва унинг дўстлари», «Жуда қизиқ воқеа» сингари қатор китоблари чоп қилинган. У ҳозирда «Чўлпон» нашриётида Бош муҳаррир бўлиб ишламоқда.

САФО ОЧИЛ

Шоир, насрнавис, адабиётшунос олим Сафо Очил 1942 йилда Хоразм вилояти Янгиариқ ноҳиясида туғилган. Урта маълумотни Боғот ноҳиясидаги Наримонов номли ўрта мактабда олди. Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олийгоҳининг немис тили куллийтини тамомлаган. 1974 йилда филология фанлари номзоди бўлди.

Узоқ йиллар Хоразм давлат педагогика олийгоҳида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади. Ҳозирги пайтда «Ўқитувчи» нашриётида хизмат қилмоқда.

Сафо Очил еттинчи синфда ўқиб юрган кезларида шеър машқ қила бошлади. Шоирнинг «Ҳайрих Ҳайне ва унинг ўзбек тилидаги таржималари», «Умидвор қушча», «Қамалак ва сумалак», «Замин садолари», «Айтсамми ё айтмасам», «Бургут», «Қалб гулшани» сингари қатор китоблари нашр қилинган.

ПУЛАТ МҶМИН

Пулат Мўмин 1922 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Педагогика билим юрти ва Низомий номидаги педагогика олийгоҳларини тугатган Шоир ўқитувчи бўлиб ишлаган, «Ленин учқуни» рўзномасида, Ўздавнашрда, Ёзувчилар уюшмасида, Маданият Вазирлигида хизмат қилган.

Шоирнинг 40 дан ортиқ китоблари нашр қилинган. «Тонг қўшиғи», «Бўл тайёр!», «Дўстларимга», «Омон ва Эсон», «Офтоб ва ҳурмат», «Эҳ, қандай ширин!», «Бизга яхши» каби китоблари чиққан. Пулат Мўмин асосан болалар учун ижод қилган.

ЭРКИН МАДРАҲИМОВ

Эркин Мадраҳимов 1937 йилда Хива шаҳрида туғилган. ТошДУнинг журналистика куллийтида ўқиган. У ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими котиби бўлиб ишламоқда.

Ижодкорнинг «Иқбол», «Жайронлар», «Туямўйин тонги», «Қўнгил гавҳари» каби қатор шеърӣй ва насрий тўпламлари чоп қилинган.

САОДАТ ТОЖИ

Саодат Тожи 1937 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамачи ноҳиясида туғилган. Тошкент Давлат чет тиллар педагогика

олийгоҳининг инглиз тили қуллиётини тамомлаган. Касби — ўқитувчи.

Унинг шеърлари «Ленин учқуни», «Гулхан», «Гунча» каби ойнома ва рўзномаларда босилиб туради. «Энг яхши совға» ва бошқа шеърӣ тўплamlари чоп этилган.

ҲАБИБ РАҲМАТ

Ҳабиб Раҳмат 1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У Тошкент маданий-оқартув билим юртида ўқиди. Пойабзал фабрикасида, босмахонада, дўконда ишлади.

Шоирнинг «Ватан сизни севади», «Бизнинг звено», «Али ва асалари» «Қушлар суҳбати» каби тўплamlари чоп этилган.

ЭРГАШ ЁНДОШ

Эргаш Ёндош 1939 йилда Наманган вилояти Поп ноҳиясида туғилган. У Фарғона вилоятининг «Коммуна» рўзномасида ишлади ва сиртдан Фарғона Давлат педагогика олийгоҳида ўқиди.

Шоирнинг «Муҳаббат қўшиғи» ва «Мангу қўшиқ» каби тўплamlари босилган.

НИЗОМЖОН ПАРДА

Низомжон Парда 1937 йилда Қашқадарё вилоятининг Қарши ноҳиясида туғилган. Низомий номидаги Тошкент педагогика олийгоҳининг филология куллиётини тугатган. Унинг касби шарафли муаллимликдир.

Шоир ўндан ортиқ тўплamlар муаллифи. «Тоғлар оралаб» (1962), «Олтин маъбуда», «Сурхон хирмонлари», «Бахтим», «Дашт армуғони», «Таъзим», «Оққушлар диёри», «Бу бўстон аро» сингари тўплamlар шулар жумласидан.

ОЛЛОБЕРГАН ПУЛАТ

Оллоберган Пулатов 1937 йилда Хоразм вилоятининг Ҳонқа ноҳиясидаги Навхос қишлоғида туғилган. У Хоразм Давлат педагогика олийгоҳининг филология куллиётини тугатган. Анча вақт муаллим бўлиб ишлади. Кейин матбуот соҳасига ўтди. Ҳозирги кунда Ҳонқа ноҳиясининг «Шонли меҳнат» рўзномасига муҳаррирлик қилмоқда.

Забардаст шоир Оллоберган Пулатов болалар руҳини, тилини, дунёқарашини яхши билади. Шоирнинг «Гунчалар қўшиғи» ва бошқа шеърӣ дасталари чоп этилган.

АСҚАР ҚОСИМ

Истеъдодли шоир Асқар Қосим 1946 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУнинг филология куллиётида ўқиди. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилди.

Нуқтадон шоир, моҳир таржимон Асқар Қосим «Фав-

вора», «Мовий осмон», «Замин кўрки», «Толбаргак» сингари қатор китобларнинг муаллифи. У Эсхилнинг «Прометей»ини, Эврипиднинг «Медея» каби машҳур асарларини ўзбек тилига ўнгирган.

Энди ижоди гуллаган пайтда Асқар Қосимни шафқатсиз ажал 1985 йилда орамиздан олиб кетди.

ЧУЛПОН ЭРГАШ

Чўлпон Эргаш 1937 йилда Қирғизистоннинг Уш шаҳрида туғилган. Тошкент театр ва рассомлик олийгоҳини тамомлаган. Ўзбекистон «Билим» жамиятида, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилган.

Истеъдодли шоир Чўлпон Эргаш кенг ўқувчилар оmmasига «Тонг юлдузи», «Бизнинг уй», «Ёруғ қунарлар», «Орзунинг оғир киприклари», «Сеҳрли қўнғироқ» каби китоблари билан маълум.

МУРОД ХИДИР

Иқтидорли насрnavис Мурод Хидир 1940 йили Қашқадарё вилоятининг Китоб ноҳиясида туғилган. Узи туғилган Ола қўйлиқ қишлоғида ўрта таълимни олгач, 1957—62 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллиётида таълим олди. Сўнг Мурод Хидир қишлоғида муаллимлик қилди, «Қашқадарё ҳақиқати», «Ленин учқуни» рўномаларида, «Шарқ юлдузи» ойномасида турли лавозимларда ишлади. Ҳозир у «Сирли олам» ойномаси Бош муҳаррири муовини бўлиб хизмат қилмоқда.

ЖАББОР РАЗЗОҚ

Иқтидорли ёзувчи ва журналист Жаббор Раззоқ 1947 йилда Хоразм вилоятининг Хазорасп ноҳиясида туғилган. ТошДДнинг журналистика куллиётини 1972 йилда тугатган. У Хазорасп ноҳияси «Коммунизм байроғи» (ўша вақтда шундай номланган), кейин «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») рўномаларида ишлаган. Ҳозир у «Туркистон» рўномасининг Бош муҳаррири.

Ёзувчининг асарлари «Садоқат», «Адолат» тўпламларида эълон қилинган. Жаббор Раззоқнинг «Жасорат мандати» (1976), «Марварид томчилар» (1989) сингари китоблари қон этилган.

РАЗЗОҚ ИБРОҲИМ

Шоир Раззоқ Иброҳим 1941 йилда Хоразм вилоятининг Хазорасп ноҳиясида туғилган. 1957—62 йилларда Хоразм Давлат педагогика олийгоҳининг тарих ва филология куллиётида ўқиди.

Кейин у мактабда илмий бўлим мудирин, ўқитувчин, Хазорасп ноҳияси рўномасида масъул муҳаррир каби вазифаларда иш-

лади. Ҳозир эса Раззоқ Иброҳим мактабда муаллимлик қилмоқда.

Шеърлари ноҳия, вилоят ва жумҳурият рўзномаларида чоп этилган.

БОЙ МУРОД ЗАБИБ

Шоир Бой Мурод Забиб 1935 йилда Хоразм вилоятининг Шовот ноҳиясида дунёга келди. Урта таълимни у дастлаб туғилган қишлоғида, кейин Янгибозор ноҳиясида олди. Сўнг Хива қишлоқ хўжалиги ўрта махсус билим юртида ўқиди. Ҳозир эса шоир Хоразм вилояти ойнаи жаҳонида хизмат қилмоқда.

Бой Мурод Забибнинг шеърлари ноҳия, вилоят ва жумҳурият рўзномаларида эълон қилинган.

САЛИМ АШУР

Салим Ашур 1964 йилда Тожикистоннинг Вахш дарёси бўйидаги қишлоқда туғилган. Болалиги Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясида ўтган. Бобур номидаги ўрта мактабни тугатган. ТошДУнинг журналистика куллиятини тамомлаган. Айни пайтда «Саодат» ойномасида хизмат қилмоқда.

Асарлари вилоят, жумҳурият ойнома ва рўзномаларида эълон қилинган.

МУНДАРИЖА

І чорак

Ҳикоя қилиб бериш учун

Абдулла Авлоний. Қарға ва зағизғон	6
Қуддус Муҳаммадий. Бувижонимни эслаб	7
Абдулла Орипов. Алишернинг онаси	7
С. Маршак. Ун икки ой	7
Асқар Қосим. Пирпирак	13
Мақтанчоқ қуён (Ўзбек халқ әртаги)	13
Сафо Очил. Қалдирғоч ва Бешиктерват дақида әртак	14
Азиз Абдулраззоқ. Мирзашер, Қорашер, ва Думдор	15
Толиб Йўлдош. Уйин бўлса	17
Эргаш Ендош. Шириним деб	17
Мурод Хидир. Ниначи	18
Говмиш	18
Пўлат Мўмин. Бу жуда саз — жуда саз	21
Эгри ва Тўгри (Ўзбек халқ әртаги)	22

Ўқиб бериш учун

Ғ. Ғулом. Уйлашни ўрганамиз	26
Бўри билан Тулки (Ўзбек халқ әртаги)	26
Чўлпон Эргаш. Бола ва Арслон	28
Чумчуқ (Ўзбек халқ әртаги)	28
Гулханий. Тошбақа билан Чаён	29
У. Усмонов. Чумчуқ бола (ҳикоя)	30
Эркин Воҳидов. Қарағай. Терак. Мажнунтол. Гилос. Олма. Урик.	31
Шафтоли. Енғоқ. Нашвати. Арча	32
Мамадали Маҳмудов. Гул ва тикан	32
Дўстжон Матжон. Жажжи Тошхон	32
Жаббор Раззоқов. Қор ёғмоқда. Туя. Арча	32
Мурод Хидир. Наврўз. Юғурик юмронқозикчанинг юлғундан-юлғунга югуришда ютгани	34
Сафо Очил. Светофор. Туш кўрган бола. Сув. Кўклам қўшиғи. Мен, кўёш ва қушлар	35
Ҳабиб Раҳмат. Саъва	37
Оллоберган Пўлат. Ойсиз қолибди	37
Бой Мурод Забиб. Чариқ	37
Ҳамза Имонбердиев. Қорбобо	38

Едлатиш учун

Чўлпон. Куз ёмғири	38
Абдулла Орипов. (она тилимга)	38
Сафо Очил. Алининг саволи	39
Қўдрат Ҳикмат. Гунафша	39
Эргаш Ендош. Қўғирчоқ	39
Бой Мурод Забиб. Қўғирчоғим	39
Тез айтишлар	40
Чорлашмалар	40
Тоғишмоқлар	41
Мақоллар	42

II чорак

Ҳикоя қилиб бериш учун

Уч тулки (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)	44
Зумрад ва Қиммат (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)	45
Нурали Қобул, Одам, Ойқор тоғ ва дайди шамол эртаги	49
Юсуф Хос Ҳожиб. Уқув қут беради билим — шараф-шон	50
Дўстжон Матжон. Нон	53
Сафо Очил. Бургут (<i>эртак-достон</i>)	53
Мурод Хидир. Баҳс	57
Шукур Саъдулла. Айёр чумчуқ	59
Оллоберган Пўлат. Рассом. Мақтанчоқ айиқ	60
Ҳаким Назир. Дадам қурган денгиз (<i>Ҳикоя</i>)	61

Уқиб бериш учун

Қуддус Муҳаммадий. Қушлар қишда қайда қуноқлар?	63
Абдулла Авлоний. Сахйилик. Очқузлиқ	64
Толиб Илдош. Яхши бўл деб	65
Бой Мурод Забиб. Ғалати ўйин	65
Раззоқ Иброҳим. Эгизаклар	65
Оч қарға. (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)	66
Л. Толстой. Арслон билан ит.	68
Уткир Хошимов. Томчи ҳақида эртак	69
Низомжон Парда. Оймома	70
Эргаш Ендош. Ўзининга қўймадим	70
Анвар Обиджон. Бугдой. Сабзи. Шолгом. Бодринг. Помидор	71
Мурод Хидир. Қўриқчи	72
Сафо Очил. Қушлар Одобли бола	72
Муҳаммаджон Қўшоқов. Гунафша. Бойчечак. Чучмома. Дастёр дегани нима?	73
Уйғун. Қорбобо	73
Ақл ва бойлик. (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)	75

Едлатиш учун

Чўлпон. Қўклардан хабар	75
Абдулла Орипов. Гиёҳ	76
Сафо Очил. Лайлак келса	76
Едгор Обидов. Қарға	76
Асқар Қосим. Айғим	77
Тез айтишлар	77
Топишмоқлар	78

III чорак

Ҳикоя қилиб бериш учун

Уч оғанин ботирлар (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)	81
Илёс Муслим. Жаҳон болаларининг талаби	88
Илдош Сулаймон. Ўша кунлар қачон келар!	89
Мурод Хидир. Икки сахй	89
Сафо Очил. Темирчи бобо ва Бойўгли (<i>Шарқ эртаги</i>)	91

Уқиб бериш учун

Шукур Саъдулла. Баҳор келди	96
Абдулла Авлоний. Бахиллик	96
Бўри билан мерган (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)	97
Раззоқ Иброҳим. Шоли ва Қурмак	100

Хайриддин Салоҳ. Қўйлакни кир қилмайман.	100
Эргаш Ендош. Эсли бола	101
Анвар Обиджон. Ошқовоқ. Қартошка. Узум. Анжир. Писта. Ҳандалак	101
Мурод Хидир. Туяни шамол учирди.	102
Сафо Очил. Раҳмат (Йўл ҳаракати назоратчиларига) Қайсар бола	103
Курашчи бола	104
Ҳабиб Раҳмат. Мурабба	104
Оллоберган Пўлат. Меҳмон. Йўлга қарайман	104
Шукур Саъдулла. Дастёр қиз	105

Едлатиш учун

Шукур Саъдулла. Куз	105
Қудрат Ҳикмат. Емғир ёғалоқ	105
Низомжон Парда. Ғунчалар қўшиғи	106
Сафо Очил. Гулларим.. Қўшиқ айтайлик. Ўз тилим	106
Санамалар	107
Қиқилламалар	107
Айтишувлар	107
Бешик қўшиқлари	107
Чеклашмачоқлар	108
Айтишма ўйинлар	108
Ўраштиргичлар	111

IV чорак

Ҳикоя қилиб бериш учун

К. К. Андерсен. Жирканч ўрдак боласи	112
Раззоқ Иброҳим. Азиз ва бузоқ	120
Юсуф Хос Ҳожиб. Инсон қадри билнимда	120
Абҳам Раҳмат. Дум	121
Мамадали Маҳмудов. Оқтой	124
Мурод Хидир. Тўти. Жирафа ва Қўрсичқон. Қўзача ва Бутача	129
А. С. Пушкин. Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ (эртақ)	133

Ўқиб бериш учун

Мирмуҳсин. Олхўри	137
Зафар Диёр. Қор. Сентябрь тонги	138
Сафо Очил. Қариб қолдинг. Қиш. От ўйнатиб. Илон ва тигратикан.	139
Туя ва кучук. Шер ва маймун	140
Суннатилла Анорбоев. Хайр, боғчажон, боғчам	142
Қудрат Ҳикмат. Яшил камалак. Эркатойим ҳали ёш	142
Дўстжон Матжон. Баҳс	143
Анвар Обиджон. Ўрик. Беҳи. Шафтоли. Анор. Бодом. Ёнғоқ. Тут.	143
Қовун	145
Мурод Хидир. Йўлини йўқотган йўлбарсваччанинг йўловчи йўлбарсга	145
Ўлиққани	145
Шуҳрат. Меҳмон арча	146
Раззоқ Иброҳим. Тоғ лоласи	146
Пўлат Мўмин. Бугун биринчи сентябрь	146

Едлатиш учун

Шукур Саъдулла. Чумчуқ	147
Сафо Очил. Ота-она дуоси	147
Пўлат Мўмин. Ноп азиз — энг ҳалол (қўшиқ)	147
Оллоберган Пўлат. Емғир	147
Умарали Қурбонов. Оқ каптар	148
Низомжон Парда. Нақ писла (топишмоқ)	148
Санамалар.	148

Қўшимча адабиёт

Уқиб ва ҳикоя қилиб бериш учун

Оқилжон Ҳусанов. Зухра билан Турна (ҳикоя)	150
Қуддус Муҳаммадий. Ҳашар. Бир ўзбошимча чумчуқ ҳақида. Чанг билан жанг қиламиз. Боғбон	152
Ўткир Ришид. Кичкинтойлар келар. Собир ва чумолилар. Катта бўлсам. Иш билмас ва иш қилмас бола ҳақида эртақ	157
Сафо Очил. Нодир паҳлавон	159
Туроб Ниёз. Қуёш ва шамол ҳақида эртақ	161
Ҳабиб Раҳмат. Бир минут. Яхши қиз. Емон одат. Ақлли бола	162
Қудрат Ҳикмат. Бувимнинг деганлари	164
Низомжон Парда. Беҳи	164
Умарали Қурбонов. Аяжоним. Муғамбир. Тилим ширин. Доно қиз. Нафси бузуқ. Сичқон. Гугурт	164
Эркин Мадраҳимов. Ўзимнинг онагинам (қўшиқ). Шогирд. Азиз меҳмон. Ҳасан-Ҳусан қиссаси. Кундай аён ҳақиқат. Боғчанинг ўйинчоғи	166
Салим Ашур. Эски қўшиқ	168

Саҳнага қўйиш учун

Шукр Саъдулла. Чол билан бўри	170
Шонр ва ёзувчилар ҳақида қисқача маълумотлар	177

БОҒЧАЛАРНИНГ ҚАТТА ГУРУҲЛАРИ УЧУН БАДИИЙ ТЕРМА КИТОБ

Муаллиф-таъулувчилар:

СЕВГИ ГОЗИЕВА, ДАРМОНЖОН ОЧИЛОВА,
ЛОЛА ДОЛИМОВА

Тошкент «Ўқитувчи» 1993

Муҳаррир С. Очил
Бадний муҳаррир Ф. Непқадамбоев
Техн. муҳаррир Т. Замтилова
Мусахҳиҳ З. Ғуломов

ИБ № 5745

Теришга берилди 28.01.93. Босишга рухсат этилди 28.05.93. Формати 60×90/16. Тип қоғози. Литературная гарн. Кегль 10 шпоисиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 12,0. Шартли кр.-стт. 12,25. Нашр. л. 14,5. Тиражи 50 000. Зак. 2324.

«Ўқитувчи» ваширети. Тошкент, 129. Навоий кўчаси 30. Шартнома № 12-43-92.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси 1-бери кўча. 2-уй. 1993.

Бадий терма китоб: (Богчаларнинг катта гуруҳлари учун) / Тузувчи-муаллифлар: С. Фозиева, Л. Очилова, Л. Долимова.— Т.: Ўқитувчи, 1993.— 192 б.

Хрестоматия для детей старшего школьного возраста.